

## **Шеър — гул тераман**

**Сизлар юрган излардан  
Шеър гулларин тераман.  
Илҳом олиб сизлардан  
Сўзга жило бераман.  
Сиз учун шеър излардан  
Чарчамайман, терлайман.**



**П Ў Л А Т   М Ў М И Н**

**О Д О В**

**В А**

**О Ф Т О В**

**Шеърлар**

**Қўшиқлар**

**Достон ва балладалар**

**Эртаклар**

**Топишмоқлар**

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети**

**„Ёш гвардия“ нашриёти**

**Тошкент — 1972**

**Рассом Г. ЖИРНОВ**

## Ассалом, азиз китобхоним!

Мен ҳам кичиклигимдаёқ китоб ўқишга, эртак эшитишга росаям қизиқардим, росаям. Эртакни эшитиб, китобни ўқибгина кетавермасдим-да, улар ҳақида ўйлардим. Мағзини чақишга ҳаракат қилардим, кейин-чи эртак айтганга, китоб ёзганга жуда-жуда ҳавас билан қарардим. Қани мен ҳам эртаклар тўқисам, китоблар ёзсам, деган орзу-хаёлга борардим.

Шундай қилиб адабиёт мени ўзига магнитдай тортиб ола борди. Тағин сен, фақат адабиётни яхши кўриб бошқа дарсларни ўлда-жўлда қолдирди деб ўйламагин, мақтаниш эмас-ку, бошқа дарсларни ҳам дуруст ўқирдим, аълочилар қаторида юрардим.

Адабий асарларни ўрганишда икки мўлжал билан ўқирдим, биринчисида асар нима ҳақида ёзилгани, мақсадини билсам, иккинчисида эса, қандай ёзилганини ўрганишга интилардим. Бунга адабиёт ўқитувчиларим ўргатишган эди.

Орзуларим йўлида ўзим ҳам шеър машқ қила бошладим. Мактаб, билим юрти ва институт деворий газеталарига, адабиёт тўгаракларига қизиқиб қатнашардим. Айниқса адабиёт тўгараклари орзуга яхши йўл очар экан. Чунки ҳар бир ҳаваскор тўгаракда устоздан таълим олиш билан бирга қизиқувчилар даврасида ўз қобилиятини синаб кўрар экан. Булардан ташқари газетада ишлаш ижодкорнинг қаламини чархласа қачон ва нимани ёзишни ўргатар экан.

Мана шундай қилиб узоқ ўрганиш, изланиш билан машқларни давом этдиравардим. Қарабсизки, 1949 йил «Ленин учқуни» газета редак-

циясида ишлаб юрганимдаёқ «Сайранг, қушлар!» деган биринчи шеърлар китобим чиқди.

Ҳозиргача катта-кичик 30 га яқин китобларим нашр этилди, бир нечта пьесалар ҳам ёздим.

Устозлар ҳар қаерда, ҳар қачон ҳаётни ўрганиб ёзишни тайинлашади. Бу гапнинг тагида чуқур маъно ва ҳақиқат бор. Кунлардан бир кун қўлимга бир ўқувчининг дафтари тушиб қолди. Уни бундай варақлаб кўрсам кўзим тиниб кетди. Бундай қинғир-қийшиқ ҳарфлар кўпчиликда учрашини билардим-ку бунақа ғалатисини биринчи кўришим эди. Шу ҳақда шеър ёзишни ўйлай бошладим. Ахири «Парфининг ҳарфи» деган шеър ёздим. У «Гулхан» журналида босилиб чиқди. Шундан кейин андиджонлик бир ўқитувчидан қуйидагича хат олдим:

«Худди сиз айтган гап, мен ўқитаётган 3-синф ўқувчилари орасида ҳам топилди. Кўпчилик болалар янги дафтарга ўтишлари билан уларнинг ёзуви бузилиб, ҳарфларни қинғир-қийшиқ ёзадиган бўлиб қолишди. «Парфининг ҳарфи» шеърингизни дарсда ишлаб чиқдим, ўқувчилар уни ўқиб ҳам хурсанд бўлишди, ҳам кулишди... кўпчилик болалар энди қоидали ва чиройли ёзишга ҳаракат қилишяпти.

«Ҳа деган туяга мадор» дегандек шеърингиз катта ёрдам берди. Қувонганимиздан сизга хат ёздим».

Шеърим озгина бўлса ҳам фойда келтирганидан севиндим. Ижодкорга бундан улуғ қувонч, бундан улуғ баҳо бўлмайди.

Ҳурматли ва ҳушёр китобхоним, мана сенга атаб бир китоб тайёрладим. Ундаги бирор асар сенга маъқул ва манзур бўлса, фикрингни тўлдирса, завқ уйғотса ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблардим. Сен ҳам ўз орзу-истакларингга етишинг учун тилакдошман.


**ПУЛАТ МУМИН.**

# ШЕЪРЛАР



# ШЕРЛАР





## Ильич яшаган жойларда баҳор

### 1. ЙИГИРМА ИККИНЧИ АПРЕЛЬ

Тўқсон кун бўлса баҳор,  
Аmmo бунда бир кун бор,  
Ҳаммасидан гўзал кун,  
Ҳаммасидан сермазмун.  
Барча нарса ёқимтой.  
Ҳамма ёқ очган чирой.  
Ҳатто шу куни қуёш  
Севиниб кўтарган бош.  
Ҳаво эса мусаффо,  
Ватан янгитдан гўё  
Туғилгандай барқ урар,  
Усимликлар гуркурар.  
Товланар гул япроғи,  
Тинмас қушлар сайроғи.  
Қаранг, каттакон олам,  
Қилаётгандай байрам.  
Ёшу қарида шодлик,  
Яшнар тинчлик, ободлик.

Қўшиқлар қилар парвоз.  
Нечун бу кун жуда соз?  
Ё туғилган бугун бахт,  
Ё адолат, ҳақиқат!  
Чиндан оламга баҳор  
Кулган шу кундан такрор.  
Бу кундан инсон мамнун,  
Бу кун жуда улуғ кун.  
Бугун — севинч туғилган,  
Бугун — Ильич туғилган,  
Бугун — Ильич туғилган!

## **2. ИЛЬИЧ БОБОМ БОРДАЙ ТУЮЛАР**

Баҳор чоғи бўлдим Горкида,  
Бу қишлоқнинг чирой — кўркида,  
Мазмунида бир олам кўрдим,  
Илиқликда минг кўклам кўрдим.  
Умримда ҳеч кўрмаганман-ку,  
Жуда-жуда яқин туюлар,  
Мени тортар магнит каби у,  
Кўрсам, Ленин яшаган уйлар...  
Менга очди кенг, иссиқ қучоқ,  
Утар эдим хонама-хона.  
Ҳар қадамда мен Ильичона —  
Камтарликни сезардим шу чоқ.  
Утиб турди хаёл-ўйимдан  
Ильич бобом айтган сўзлари.  
Ҳар минутда менинг кўнглимда  
Бордай сезиб турдим ўзларин.  
Бирдан чиқиб қолсалар доҳий —  
Деб атрофга қарардим гоҳи.  
Ростдан чиқиб қолсалар борми,  
Соз бўларди, эҳ-ҳе шу чоқда,  
Мен дарровда югуриб бориб  
Ленин бобом бўйинларидан  
Олар эдим маҳкам қучоқлаб.

Сўнг солдатдай кўкрак керардим,  
Бобомларга салют берардим.  
Сўзлар эдим ўқишларимдан,  
Дўстларимдан ва ишларимдан.  
Уқувчилар бригадамиздан,  
Пахтамиздан айтардим олдин,  
«Боринг, дердим, Ўзбекистонга,  
Очилганда бизнинг «оқ олтин»,  
Ильич турган муборак уйлар  
Хотирамда қолди бир умр.  
Хаёлимда бобомлар ҳозир  
Яшаб юрган бўлиб туюлар.

### 3. ПАЛЬМАЛАР, ПАЛЬМАЛАРИ

Пальмалар,  
Пальмалар,  
Пальмалар!

Ильичдан сиз жонли хотира,  
Кенг залда турибсиз саф тортиб.  
Уртада доҳийнинг ҳайкали,  
Сизларга мисоли у боғбон.

Бу ернинг ҳавоси мусаффо,  
Мен билсам, Ильичниг нафаси,  
Баргингиз юзига урилган.  
Топ-тоза ҳавони шимириб,  
Қарайман сизларга, тўймайн.

Қалбингиз ҳамиша баҳорми?  
Не сабаб бир умр яшилсиз?  
Сабабин охири тополдим;  
Лениннинг қўлидан сув ичган,  
Пальмалар, яшайсиз қаримай!  
Пальмалар,  
Ям-яшил пальмалар!

#### 8. ФАРҒОНАДАН КЕЛГАН ҲАДЯ

Ленин турган хонага  
Кириб бордим-да аста,  
Ундаги ҳар нарсага  
Ҳаяжонда, ҳавасда  
Қарар эдим бирма-бир,  
Гўё менга ҳар буюм  
Айтар олам-олам сир.  
Хонанинг чап ёғида,  
Қаравотнинг ортида —  
Турар учта курсича,  
Тепаси гардиш — кулча.  
Бири-биридан яхши.  
Кўзни олгундай нақши:  
Жудаям жимжимадор,  
Акс этгандай гулбаҳор.  
Ҳар бир гул, ҳар бир чизиқ  
Кўзимга таниш, иссиқ,  
Товланар турли тусда.  
Роса ишлабди уста,  
Қараб қолдим ҳуснига,  
Каттароғин устига  
Сўзлар ўйиб ёзилган,  
Дилни қуйиб ёзилган.  
Ёзуви жимжимадор,  
Унда Ленин номи бор.  
Санъат берилган шунча,  
Уч курсича — уч гунча,  
Ҳадя эди Ильичга,  
Ильич тўлган севинчга —  
Боқиб унинг гулига,  
Усталарнинг қўлига  
Доҳий қойил қолганди,  
Зўр совға деб олганди.  
Уни жуда севарди,

Халқ меҳри деб сезарди.  
Боқарди қайта-қайта,  
Ишонмасдан ҳеч қайга,  
Совғадай онасидан,—  
Доим ўз хонасида  
Гард юқтирмай сақларди,  
Ҳозир барча боқарди  
Уч курсининг ҳуснига —  
Ва ясаган устага  
Дилдан қоларди қойил,  
Утса ҳамки талай йил.  
Чаманда гулдай ранги  
Ҳали турар яп-янги.

#### **5. ИЛЬИЧ ЯШАГАН ЖОЙЛАРДА БАҲОР**

Кўз ўнгимдадир Ильич ҳаёти.  
Едимга келар Волга бўйлари,  
Ҳақиқат дея ёшлик мақсади,  
Парвоз истарди одил ўйлари,  
Кўз ўнгимдадир Ильич ҳаёти.  
Ленинграднинг тонгини кўрсам,  
Октябрь тонгин кўрган бўлардим.  
Разлив бўйларин гаштини сурсам,  
Чайлани кўриб завққа тўлардим,  
Ленинграднинг тонгини кўрсам.  
Кремлга кирдим келганда кўклам,  
Кўзимга таниш Ленин хонаси.  
Ленин Кремлин қучоғи кўркам,  
Бу ерни дедим — бахтлар онаси,  
Кремлга кирдим келганда кўклам.  
Ильич яшаган жойларда баҳор,  
Москва қалби — Кремлда ҳам.  
Бундай жойларни такрор ва такрор  
Кўргим келарди, минг марта кўрсам...  
Ильич яшаган жойларда баҳор.

Ленин яратган баҳор кезарди  
Волга бўйини, Разлив, Горкини,  
Нева соҳилин гуллар безарди,  
Ленин яратган улуғ ўлкани  
Ленин яратган баҳор кезарди.

1959

## **Болаларни дунёда ким энг яхши кўрарди?**

— Болаларни дунёда  
Ҳаммадан ҳам зиёда,  
Қим энг яхши кўрарди,—  
Деб ошнамдан сўрардим.  
— Болаларни бирдан-бир  
Яхши кўрган онадир.  
— Жавобинг дуруст жавоб,  
Лекин тагин ўйлаб топ.  
— Болаларни энг аввал  
Ота севар мукамал.  
— Бу ҳам шунга ўхшаш гап,  
Жавоб бер пухта ўйлаб.  
— Болани энг биринчи  
Яхши кўрган бувиси.  
— Севса набирасини,  
Жуда яхши бу иши.  
Тополмадинг ҳар қалай,  
Хўп, ўзим айта қолай:  
Болаларни дунёда  
Ҳаммадан ҳам зиёда,  
Яхши кўрган Лениндир,  
Бу гап жуда ҳам чиндир.  
Шу сабаб у биз учун  
Тузиб берган бахтли кун.

1959

## Доҳийни кўрган бувим

Борлар табаррук бувим,  
Ешлари буюк бувим.  
Анча қариб қолганлар,  
Юзга бориб қолганлар.

Узлари-чи, Қўқонда  
Кураш қизгин замонда  
Талай ишлар кўрсатиб,  
Қўпларга йўл ўргатиб,  
Таратганлар доврўғ-шон,  
Олганлар тухфа — нишон.

Шарқ аёди ичидан  
Биласизларми, чиндан  
Бувим бўлиб биринчи  
Кўрганлар-да, Ильични.

Ильични ўйласалар,  
Эсдалик сўйласалар,  
Равшанлашиб кўзлари,  
Бийрон бўлар сўзлари.

Келиб мактабимизга,  
Доҳий Лениндан бизга —  
Эсдаликлардан аста  
Сўзлайдилар ҳавасда.

Дил ёришар чироқдай.  
Ҳар гаплари қаймоқдай —  
Қизиқ эртақ сингари  
Еқади ва сингади.

Эслайдилар ҳар куни,  
Ильични сизлайдилар.

Таърифлаш учун уни  
Сўз дурин излайдилар.

Кўзимизга доҳийни  
Келтириб қўядилар.  
Ҳар бир насиҳатини  
Қулоққа қуядилар.

Олам-олам севинчи  
Дилига тўлган бувим,  
Шарқда бўлиб биринчи,  
Ленинни кўрган бувим.

1966

## Ильич бобом сўзлари

Роса ўқиганлар-да,  
Ильич бобом ўзлари.  
«Ўқиш, ўқиш ва ўқиш»  
Бу энг улуғ сўзлари.  
«Ўқиш керакдир» дея —  
Айтмаганлар-да бир бор,  
Қайтарганлар уч марта,  
Бунда қандай маъно бор?  
Уч марта айтишлари  
Бўлмаса керак бежиз?  
Бир-бир сўзлай, болалар,  
Қулоқ солиб тулинг сиз.  
Ахир, Ленин бобомлар  
Доноларнинг доноси.  
Уч бор айтишларининг  
Бордир чуқур маъноси.  
Биринчида: одамлар —  
Саводли бўлсин ялли,  
Деган мақсадни кўзлаб



Айтганларидир балки.  
Биринчи ўқиш учун  
Мисол деёлсак шуни,  
Лекин, бу етарлимас,  
Бордир талай мазмуни.  
Одамга сув, ҳаво, нур —  
Зарур, деган бир гап бор;  
Яшаш, ишлашинг учун  
Ҳар фандан бўл хабардор.  
Оддий электр чироқ  
Хонангга нур сочса у,  
Қандай яратилишин  
Билмаслигинг уят-ку!  
Ҳар соҳа алифбосин  
Билишга ўқиш керак.  
Биринчи Ўқиш сўзин  
Маъноси шундай демак.  
Иккинчи ЎҚИШ сўзин  
Мағзини бир чақайлик.  
Қандай фазилати бор?  
Бир-бир кўриб чиқайлик.  
Энг қизиққан соҳангни  
Пухта ўқи дегани;  
Сен ҳам янги илму фан  
Топ ва тўқи дегани;  
Топган ҳар янгиликни  
Ҳаётга қилгин тадбиқ,  
Одамлар учун аввал  
Фойдаси тегсин аниқ.  
Тағин бир фазилати:  
Ўқиганни уқишдир.  
Урганиш, билиш зарур  
Янгиликларни бир-бир.  
Ана шундай чуқурдир,  
Иккинчи сўзда маъно.  
Эҳ, учинчи сўз эса

Бунисидан ҳам аъло.  
«Тўхтамай ўқи, ўрган,  
Қанча билсанг шунча оз»  
Деган гапнинг мазмуни  
Учинчи ўқишга мос.  
Илм билан лиммо-лим  
Ақлни бир қўл десак,  
Ҳаммага аппа-аниқ,  
Қўлга доим сув керак.  
Одамга ҳам керак илм,  
Илм — бу бахтнинг ўзи.  
Илм билан очилар —  
Ҳақиқатнинг нур кўзи.  
Гагаринни фазога  
Чиқарган шу илму фан.  
Бобомлар насиҳати  
Шундай ишларда кулган.  
Биз ҳам Ильич гапига  
Доим қилайлик амал.  
Бу — чаман йўлимизда —  
Нур сочган мангу машъал.  
«Ўқиш, ўқиш ва ўқиш»  
Ильич бобом сўзлари,  
Бунга амал қилганлар  
Энг биринчи ўзлари.

1962



## **Коммунизм — чаман бир боғ**

Коммунизм — чаман бир боғ,  
У бизларга очган қучоқ,  
Бордир катта дарвозаси,  
Қуёш нусха андозаси.  
Дарвозада олти сўз бор,  
Бир-биридан соз, маънодор:  
Тинчлик сўзи энг биринчи,  
Доим тинчдир бу боғ ичи.  
Яна бири — Озодлик бу,  
Кимки қилса қандай орзу —  
Ета олар у ҳар қачон,  
Эркин унда ҳуқуқ, виждон.  
Бу боғни бир оила денг,  
Ҳар миллатнинг ҳуқуқи тенг.  
Ака-ука, опа-сингил —  
Барча бунда тотув-аҳил.  
Тенглик сўзи сочиб чирой,  
Ҳар бир дилдан олган у жой.  
Меҳнат қилиш — бу боғ шарти.

Одамларнинг софдил, марди —  
Яшар ижод, меҳнат билан,  
Қардошлик ва ҳурмат билан.  
Боғда Ленин эккан дарахт  
Мевасини дейилар — Бахт.  
Уни кўрар барча баҳам,  
Бахтга мамнун юрт-у, одам.  
Коммунизм — чаман бир боғ,  
У бизларга очган қучоқ.  
Бу боғ сари кириш учун —  
Аъло ўқиш керак бугун.  
Дангасага, «иккичи»га,  
Боғнинг ичи тордир жуда.  
Елғончи ва анқов, хира  
Қира олмас сира-сира.  
Меҳнат қилиб ҳозирданоқ  
Дўстлар билан бўлиб иноқ,  
Амал қилса боғ шартига,  
Ета олса эл қадрига —  
Боғда мангу яшаб қолар,  
Эркин-эркин нафас олар.

1962



## Үн икки шарт, уни бажар!

[Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси асосида  
декламация]

Коммунизм янги бўстон,  
Янги инсон, янгича даврон.  
Янгичадир ахлоқу одоб,

Булар бари тенг ўн икки боб.  
Ҳар биттаси олтин китобдир,  
Зарурликда гўё офтобдир.

1

Энг аввал сен юртга содиқ бўл,  
Ватан йўли доим чаман йўл.  
Коммунизм томон борар у,  
Содиқ тургин бу ишда мангу.  
Ҳамроҳ бўлса қўшни мамлакат,  
Уни ҳам сев, бер унга мадад.

2

Икинчидан шуни яхши бил,  
Чин дилингдан ўқи, меҳнат қил.  
«Ишламаган тишламас» деган  
Бор ажойиб ҳикматли мақол.  
Ўйла, дўстим, гап шундай экан,  
Ишла, яша, бўл софдил — ҳалол.

3

Бу шартга бер яхши эътибор,  
Юрт бойлиги ҳамма ерда бор.  
Тушиб қолса юртнинг игнаси,  
Уни сақла, ғубор тегмасин.  
Халқ мулкани бойит доимо,  
Бу ишингда чуқурдир маъно.

4

Жамиятда бурчингдир катта,  
Буни яхши англа, албатта.  
Кўпчиликнинг ҳақ-фойдасига,  
Унинг тутган қондасига —  
Қим агарда этса хиёнат,  
Бундайларга қилма ҳеч шафқат.

5

Бешинчи шарт, гўё «беш» баҳо.  
Тушунарли ундаги маъно:  
Ҳамма учун ишлар бир киши,  
Бир киши-чун ҳамманинг иши.  
Кўпчиликнинг ёрдами ҳам кўп,  
Кўпчиликнинг гапига де хўп.

6

Олтинчи шарт олтиндан яхши,  
Чин дўстликдир одамлик нақши.  
Бўл барчага ўртоқ, биродар,  
Сув, ҳаводай зарур нақадар.  
Дўстингни эт ҳар ерда ҳурмат,  
Ҳурматингга кўрасан иззат.

7

Еттинчини доим тут ёдда,  
Ҳалол яшай улуғ ҳаётда.  
Дўстлар ичра камтар ва ростгўй —  
Бўлмоқ асти, ҳусн ва обрўй.  
Ўз шаънингга юқтирмагин гард,  
Сени десин покиза ва мард.

8

Ота-она фарзанд дер доим,  
Хизматида бўлгин мулойим.  
Ғамхўрлигинг аканг, укангга,  
Ярашади бу одат сенга.  
Аҳилликдан ҳар бир оила —  
Бахт топади, бу чин қонда.

9

Учраб қолса юлғич-текинхўр,  
Сен уларга тезда чора кўр.

22

Мансабпараст, виждонсизни ҳам  
Халқ ичида тезда эт мулзам.  
Ким ранжитса кимни асоссиз,  
Шундайларга бўл мурасасиз!

10

Ватан — халқлар кенг оиласи,  
Қардошлиқдир чин қондаси.  
Дўстлик билан кўнгиллар ҳам кенг,  
Барча миллат барча ерда тенг.  
Учраб қолса зарра адоват,  
Йўқотишни қил доим одат.

11

Коммунизм иши — ободлик,  
Унда яшар тинчлик ва шодлик,  
Коммунизм иши ҳар нафас —  
Олий ишдир, сақла муқаддас.  
Ким бу ишга зарарли ва ёв,  
Ундайларга бўлгин беаёв.

12

Барча юрtda бордир меҳнатқаш,  
Сен уларга тинмай кўмаклаш.  
Ёрдам деса узат қўлингни,  
Унга кўрсат порлоқ йўлингни.  
Яхшилик қил ҳар кун, ҳар соат,  
Сенга десин чин дилдан раҳмат.  
Коммунизм даврида мангу  
Яшашликни қилганмиз орзу.  
Бажар, дўстим, ўн икки шартни,  
Ахлоқ-одоб бобида мардни —  
Табриклайди халқ ва партия,  
Бу ленинча одоб — тарбия!

1964

23

## Энди адашмайди

[Бўлган воқеа]

Ойнисанинг бувиси бор,  
Қариб қолган мўнкиллаб.  
Еш боладай секин юрар,  
Ҳасса қўлда дўқиллаб.  
Кўзлари ҳам хиралашган,  
Олисроқни илғамас,  
Куч-қувватдан кетган анча,  
Ўрнин солиб-йиғолмас.  
Жуда-жуда меҳрибондир  
Буви билан невара.  
Барча ишин қилиб берар,  
Буви бўлмас овора.  
Қайга борса бошлаб юрар,  
Мадоридир бувисин.  
Кўрган-билган маъқуллайди  
Ойнисанинг бу ишин.  
Хонасида Ойниса қиз  
Дарс тайёрлаб ўтирар,  
Бувижони аста келиб  
Деразадан мўлтирар.  
Буви сўзлар набирасин  
Қараб чиндан кўнглига:  
— Битта-битта бориб келай  
Аммангларнинг уйига.  
— Вой, бувижон, адашасиз,  
Ўзим бошлаб борарман.  
— Дарсингни қил, бир амаллаб  
Топволишга ярарман,—  
Деб бувиси чиқиб кетди  
Ҳассасини таяниб...  
Қайтиб келиб қолди буви



Бир соатча айланиб.  
— Айтганингдай тополмадим,  
Қарилик-да, қизгинам.  
— Мактаб борар пайтим бўлди,  
Обораман ўзгинам,—  
Деб Ойниса чиқди уйдан  
Бувисини етаклаб.  
Кетишарди битта-битта,  
Юришгандай эмаклаб.  
Кенг гулзорнинг бурчагида  
Турар Ленин ҳайкали.  
Бу ҳайкалнинг ўнг ёнида  
Кампир ўтар маҳали —  
Қаддин ростлаб, тўхтаб бирпас,  
Ҳайкалга хўп тикилди.  
Қўлин қўйиб кўкрагига  
Салом билан эгилди.  
— Энди, қизим, дарсингга бор,  
Етаклама қўлимдан.  
Ленинни мен топдим, бўлди,  
Адашмайман йўлимдан,—  
Дея роса севинди-да,  
Қадам қўйди ўнг томон.  
Бу ҳайкални топган маҳал  
Адашмас у ҳеч қачон.  
1960

## **Ўн беш гулбоғ, ўн беш байроқ, ўн беш ўртоқ**

**[Декламация]**

Мақтай десак  
Қуёшга тенг.  
Ватанжоним,  
Бепоен — кенг.

Ун беш давлат,  
Ун беш пойтахт,  
Бигта илдиз,  
Бигта дарахт.  
Ун беш шохда  
Гул, меваси,  
Яшнаб турар  
Тенг ҳаммаси.

Хилпирайди ўн беш байроқ,  
Гуркирайди ўн беш гулбоғ,  
Аҳил яшар ўн беш ўртоқ.

Обод этар  
Ун беш қардош,  
Мустаҳкамдир  
Куч ва бардош.  
Сўзлашади  
Турли тилда,  
Мақсад улуғ  
Ҳар бир дилда.  
Бахт берувчи  
Китоби бир,  
Нур сочувчи  
Офтоби бир.

Қўлда доим ўн беш байроқ,  
Яшнаб турар ўн беш гулбоғ.  
Қўшиқ куйлар ўн беш ўртоқ.

Фазоларга  
Етган донги,  
Гулга, нурга  
Тўлган тонги.  
Халқлар севиб  
Ватаним дер,  
Номи улуғ:  
СССРдир.  
Биз — бу чаман  
Қизу ўғли.

Тенг очилган

Бахтли гули.

Ленин берган ўн беш байроқ,

Ленин очган ўн беш гулбоғ.

Ленинча дўст ўн беш ўртоқ.

1971

## Коммунистлар

Коммунистлар ишлар, яшар ҳар доим,

Ильич каби энг меҳрибон, мулойим.

Улар ота-оналарнинг гулидир,

Бахт яратган улар, олтин қўллидир.

Улар бари

аълоларнинг

аълоси,

У — коммунист,

У — партия аъзоси.

Моҳиранинг адажони — пахтакор,

Колхозида энг ҳурматли, энг илғор,

Беш юз тонна пахта терган бир ўзи,

Хўп ярашган таққан олтин юлдузи.

Пахтакорлар

энг яхшиен,

аълоси,

У — коммунист,

У — партия аъзоси.

Нурматжоннинг тоғаси бөр — қурувчи,

Роса кетган қурган уйин бир учи...

Бу уйларда яшаш маза жуда ҳам,

Барча унга раҳмат айтар чинакам.

Қурувчилар

энг яхшиси —

аълоси.

У — коммунист,

У — партия аъзоси.

Зоҳиданинг опаси бор, у врач,  
Билиб олар касалларни бир кўргач,  
Меҳри билан, илми билан даволар,  
Ундан мамнун ҳатто буви, боболар.

Врачларнинг

энг яхшиси —

аълоси,

У — коммунист,

У — партия аъзоси.

Қосимвойнинг отасини биласиз,  
Билишимча, иззат-ҳурмат қиласиз,  
Дарс беради фан булоғи — мактабда,  
Билим қадрин уқдиради ҳар гапда.

Муаллимлар

энг яхшиси —

аълоси,

У — коммунист,

У — партия аъзоси.

1971

## Етук пионер

Ёш ленинчи ўртоқ пионер,  
Кўринасан навқирон, етук.  
Қадамнингни шахдам ташлайвер,  
Шарафингдир лола галстук.

Бағри иссиқ она мактабда  
Билим болин симирмоқдасан.  
Сен улғайиб отрядда, сафда  
Хунарга энг шимармоқдасан.

Сен ўйлама, кичкинаман, деб,  
Бўртиб турар мускулинг, кучинг.  
Сенга берар билим, одоб-зеб,  
Пионерлик муқаддас бурчинг.

Комсомолга ука, сингилсан,  
Партиянинг ўғли ва қизи.  
Шўхсан, шодсан, руҳан енгилсан,  
Қўшиқ янграр кеча-кундузи.

Пионерлик шони-шарафи,  
Етказмоқда сени вояга.  
Эрта кутар комсомол сафи,  
Чин содиқсан улуғ ғояга.

Ун уч ёшга тўлган ўғил, қиз  
Босиб ўтдинг биринчи доvon.  
Ҳар кунингдан қолдир яхши из,  
Шуни кутар Ватан ва замон!

1971

## **Ака ва опамиз**

**[Декламация]**

Бизларга энг меҳрибон,  
Ҳунар, фанда билагон,  
Ҳурмат топган ҳар қачон,  
Комсомол акамиз бор,  
Комсомол опамиз бор.

Заводда, қурилишда  
Бир хилда ёзу қишда,  
Донг ёйган ҳамма ишда,

Комсомол опамиз бор,  
Комсомол акамиз бор.

Бизга яхши вожатий,  
Сўзлари ширин, қатъий,  
Иродали, ғайратли,  
Комсомол акамиз бор,  
Комсомол опамиз бор.

Одоб, хулқ ўргатувчи,  
Дўстликни ўрнатувчи,  
Эркалаб ўйнатувчи,  
Комсомол опамиз бор,  
Комсомол акамиз бор.

Коммунистлар ишга бош,  
Уларга энг кўмакдош,  
Йўли, кўнгли серқуёш,  
Комсомол опамиз бор,  
Комсомол акамиз бор.

1971

## **Биз яшаймиз коммунизмда**

Партиямиз тузган режада  
Бахт йўллари этилган баён.  
Меҳнат, ижод юртни безаса,  
Ёшлик куйи янграйдн равон.  
Қуёш ва гул тўла тузумда —  
Биз яшаймиз коммунизмда.


Совет юртин ёш авлодимиз,  
Бахтимиз бор, қўлимиз узун.  
Юрт хизмати фикру ёдимиз,  
Туғилганмиз келажақ учун.

Инсон орзу қилган тузумда —  
Биз яшаймиз коммунизмда.

Ҳунарларни ўрганиб аъло,  
Ҳар бир ишга шимарганмиз енг.  
Уқишимиз етук ва расо,  
Қалбимиздек Ватанимиз кенг.  
Тенглик, дўстлик асос тузумда —  
Биз яшаймиз коммунизмда.

Коммунизм — мангулик Баҳор,  
Қатталардай юрамиз сафда.  
Партия, халқ бўлар миннатдор  
Лойиқ бўлсак ишда, мактабда.  
Маркс, Ленин тузган тузумда —  
Биз яшаймиз коммунизмда.

1962



## Қуёш ва бола

Эрта билан бир ўғлон  
Қуёшга сўзлар шодон:  
— Офтоб, Офтоб, ҳой Офтоб,

Нуриг, меҳринг беҳисоб,  
Эрта билан чиқасан,  
Зулматларни йиқасан,  
Ҳар тонг сени кутаман,  
Нуригга гул тутаман,  
Миннатдорман ҳар қачон,  
Омон бўлгин, Қуёшжон.  
Элимда зўр иззатинг,  
Олам-олам хизматинг.  
Хоҳ яқин, хоҳ йироқдан  
Хабардорсан ҳар ёқдан.  
Қўнглимда бир хаёл бор,  
Хаёл эмас савол бор:  
Вақтинг бўлса жон офтоб,  
Саволимга бер жавоб.  
Севиниб, меҳри тошиб,  
Офтоб сўзлар нур сочиб,  
— Қани сўра, болакай,  
Жавоб берай ҳар қалай.  
— Ерда қанча бола бор,  
Барчасими бахтиёр?  
— Саволинг қийин анча,  
Дунёда бола қанча,  
Очиғи билолмайман,  
Тахмин ҳам қилолмайман.  
Дунёда ҳар хил бола,  
Қиз бола, ўғил бола.  
Оқ ва қора, сариқ тан,  
Баъзилари ориғ тан,  
Барчаси-ю, барчаси  
Ота-она эркаси.  
Ҳаммаси менга ёқар,  
Ҳаммаси менга боқар.  
Баъзи бирларнинг бахти  
Беғубор ёшлик вақти —  
Ёришмас нур сочсам ҳам,



Юрти, кўнгли тўла гам.  
Барчаси бахтин излар,  
Эркин юришни истар.  
Дунёда энг бахтиёр,  
Ҳаммадан кўп бахти бор —  
Сен ўзингсан, билиб ол,  
Улғай ва ўс бемалол.  
Тарихда бобонг, отанг,  
Сен учун қилишган жанг,  
Нур эшигин очишган,  
Ҳур бахтингни топишган.  
Шунинг учун бахтинг мўл,  
Кенг Ватанинг чаман гул.  
Ҳар тонг мен ҳам шошаман,  
Яйраб нури сочаман.  
Энг биринчи, э, ўғлон,  
Сўзим эсла ҳар қачон,  
Қадрига ет бахтингнинг,  
Бўш ўтказма вақтингни.  
Бу жавобдан болажон  
Жуда ҳам бўлди шодон.  
Нур ичра ўйнаб кетди,  
Чаманзор бўйлаб кетди.

1971

## Чаманзор чиройи

Бир гулзор бор,  
Кўрган кўзлар  
Қамашар роса.  
Турфа гуллар бир-бирига,  
Ярашар роса.

Ҳар бир туп гул ўз жойида,  
Ҳарён ораста.

Чаманзордан кетгинг келмас,  
Боқиб ҳавасда.

Қимки кўрса  
Тўяр роса —  
Гуллар ҳидига.  
Қойил қолар жуда-жуда  
Богбон дидига.

Назаримда етишмасди  
Недур гулзорга.  
Ҳайрон эдим,  
Келолмасдим —  
Бирор қарорга...

Бир тўп бола  
Кенг чаманга —  
Ёйилди қушдай,  
Вужудимга таралди завқ,  
Энг ширин тушдай.

Гулзор бағри тўлган эди  
Қўшиқ қий-чувга,  
Гўё гуллар аралашди  
Уйин-кулгуга.

Болалардан ҳусн олди  
Узича гуллар.  
Энди чаман чиройидан  
Тўлди кўнгиллар.

1971



## Йўлдош бўлиб бирга учишди

Оқшом чоғи ариқ бўйида  
Суҳбат қурар уч пионер — дўст.  
Ер йўлдошин кўриш ўйида  
Кенг осмонга тикишганди кўз.  
Гўё ёққан осмон монтаж  
Майда-чуйда чироқларини:  
Жимирларди юлдузлар нури,  
Кўз илғамас йироқларини...  
Бирдан сузиб ўтди нур — юлдуз  
Ялт-юлт қилиб кўк денгизидан.  
«Ана, ана!» дея учта дўст  
Кўча бўйлаб Йўлдош изидан  
Чопиб кетди ҳеч ёққа боқмай...  
Интилишиб фан қуёшига,  
Хаёл билан кўкка кўчишди.  
Гўё улар Ер йўлдошига —  
Йўлдош бўлиб бирга учишди.

1958

## Бахтиёр дўстлик

(Декламация)

Дўстлик, дўстлик, улуғвор дўстлик!  
Бахтимиздай барқарор дўстлик,  
Зарурликда сув, ҳаво, нурдай...  
Дўстлик,  
                дўстлик,  
                                шифокор дўстлик!  
Октябрда яралган ўзи,  
Одилликда Ильичнинг сўзи,  
Москвадир булоғи кўзи,

Дўстлик,

дўстлик,

доим бор дўстлик!

Тенг қардошлиқ тилни ажратмас,

Қора-оқни, хилни ажратмас,

Узоқ-яқин элни ажратмас,

Дўстлик,

дўстлик,

мададкор дўстлик!

У туюлар ширин сўзларда,

Кўринади иссиқ юзларда,

Жилваланар кулган кўзларда,

Дўстлик,

дўстлик,

беғубор дўстлик!

У туюлар ширин сўзларда,

Кўринади иссиқ юзларда,

Жилваланар кулган кўзларда,

Дўстлик,

дўстлик,

беғубор дўстлик!

Дўстлик яшар мактабда, уйда,

Отрядимиз ҳам кўча-кўйда

Биз янградан қўшиқда — куйда

Дўстлик,

дўстлик,

бахтиёр дўстлик!

Дўстликдандир тонглаб жилваси,

Пишган роса олтин меваси,

Партиядир боғбон — эгаси,

Дўстлик,

дўстлик,

байроқдор дўстлик!



## Артекка бордим ёзда

### 1. Тўлқинлар, эй, тўлқинлар!

Тўлқинлар, эй, тўлқинлар,  
Полвон тўлқинлар!  
Қирғоқларга сапчиган  
Вулқон тўлқинлар,  
Жимир-жимир ўйнаган  
Маржон тўлқинлар!  
Кўзим, қулоғим сизда,  
Қўшиқ тўқинлар.  
Мен барини ёзайин  
Дафтарга, дилга  
Ва ҳикоя қилайин  
Дўстларга, элга.  
Мисраларим янглиғ сиз  
Оқиб келасиз,  
Нелар сўзлаган каби  
Боқиб келасиз.  
Қирғоққа уриласиз  
Кўпириб, тошиб,  
Шовиллайсиз, сўзлайсиз  
Намунча шошиб?

Майли айтинг Пушкиннинг  
Сув парисидан.  
Сўзлай беринг бу юртнинг  
Еш, қарисидан.  
Ҳикоя айтасизми  
Севастополдан,  
Нахимовчилар сузган  
Зангори йўлдан.  
Қўшиқ эшитгим келар  
Яшил Қримдан,  
Соҳиллари роҳатбахш,  
Тоза иқлимдан.  
Тўрт фасли ҳам ёқимтой  
Гўзал Артекдан.  
У ердаги чинакам  
Дўстлик, мардликдан;  
Қора денгиз матроси  
Паҳлавонлардан  
Денгизни соф сақлаган  
Посбонлардан.  
Достон эшитсам дердим  
Боғчасаройдан.  
Кўк узра сузиб юрган  
Ё янги ойдан...  
Тўлқин солди қалбимга —  
Тўлқинларингиз,  
Ё шундайми қўшиқлар —  
Тўқиганингиз?  
Биринчи кўрганымда  
Бердингиз илҳом.  
Қалбим тўлқинларини  
Мен этай давом:  
Қирғоқларга сапчиган  
Вулқон тўлқинлар,  
Жимир-жимир ўйнаган  
Маржон тўлқинлар.

Мана, мен қўшиқ ёздим,  
Қани ўқинглар.  
Тўлқинлар, о, тўлқинлар.  
Полвон тўлқинлар!

## 2 ДУНЁ БОЛАЛАРИНИНГ МАРКАЗИ

Утган ёз-чи, Артегда  
Росаям қилдим маза.  
Бу жойни гўзалликда —  
Бўларкан тенгсиз деса.  
Чап ёқда Айиқ тоғи  
Ётар эди ёнбошлаб,  
Атрофга назар ташлаб.  
Зангор денгиз қирғоғи —  
Бир боқсам яшил паркдек,  
Бир қарасам шаҳардек,  
Чамандан кийиб либос —  
Кулиб тургандай Артек,  
Денгиз бўйи, салқин, ёз,  
Шаббода эсар бирдек.  
Ҳавоси ҳам мусаффо,  
Нақ шимирсанг мириқиб,  
Қаймоқдай сингар гўё —  
Танингдан чарчоқ чиқиб.  
Қани шундай бўлсайкан  
Жаҳонда лагерь деган.  
Дунёнинг ҳар ёғидан  
Болалар келган экан:  
Арабистонлик Аҳмад,  
Вьетнамлик дўстим Ли,  
Том деган негр бола,  
(Биз барчамиз ҳар ерлик).  
Дўстлашиб олдик роса,  
Эҳ, дўстлик қандай соз-а!  
Турли тилда куйлашиб,

Чин дўстликни ўйлашиб —  
Сборда ёқдик гулхан,  
Жудаям бўлдик хурсанд.  
Ҳар ким ҳам ўз элидан  
Сўзлаб берди дилидан.  
Уларни қилдим таклиф  
Бизнинг Ўзбекистонга.  
Бирма-бир қилиб таъриф,  
Ухшар дедим бўстонга.  
Пахтазор ва боғлардан,  
Мақтабу қишлоқлардан —  
Сўзласам тўлқинланиб,  
Барча боқди суқланиб.  
Ўз тилида Аҳмад ҳам  
Мақтади Нил бўйларин.  
Дилин очиб чинакам  
Айтди орзу-ўйларин.  
Ваня дўстим бир маҳал,  
Унга келганида гал,  
Тинчлик ҳаёт яратган,  
Дилларга нур таратган  
Мақтади Москвани,  
Қойил қилиб ҳаммани.  
Зангор денгиз қирғоғи,  
Гўзал Артек қучоғи,  
Ҳали-ҳали ёдимда,  
Гўё дўстлар ёнимда.  
Дунё болаларига  
Артек — марказ-кан билсам,  
Бизнинг элдай тинч бўлсин  
Ҳар боланинг юрти ҳам.

### 3. ҚРИМ ҚУЧОҚЛАРИ

Қрим қучоқлари,  
Қрим боғлари,  
Э, жоннинг роҳати,



Шифобахш диёр,  
Бунча яхшисиз, бунча?  
Дарахт япроқлари,  
Гул ёноқлари,  
Денгизда юзгандай  
Тоза, беғубор,  
Бунча гўзалсиз, бунча?  
Денгиз қирғоқлари,  
Кенг ўтлоқлари,  
Йил бўйи сизлардан  
Кетмас гулбаҳор,  
Бунча яшилсиз, бунча?  
Артек қувноқлари,  
Дўст-ўртоқларим,  
Оламда ҳар бола  
Бўлсин бахтиёр,  
Шунча аҳилмиз, шунча!

#### **4. БИР ЖУФТ САРВ НИҲОЛИ**

Денгиз бўйи — соҳилда  
Ўсар бир жуфт сарвниҳол.  
Бўйи, ҳусни бир хилда,  
Боқиб барча қолар лол.  
Суяниб бир-бирига  
Тенг интилган нур, кўкка.  
Ниҳолларнинг ичида  
Ўхшарди эгизакка.  
Сада каби бежирим,  
Бу ажойиб жуфт ниҳол,  
Бир зайилда елпинар  
Ҳатто эсганда шамол.  
Икковининг туси ҳам  
Йил бўйи — яшил бахмал.  
Дарахтлар дўстлигига  
Қўйилган тирик ҳайкал.

## 5. ДЕНГИЗДАГИ ГУЛЛАР ҚУШИҒИ

Тўлқинларга боқиб жим  
Утирардим қирғоқда,  
Майин қўшиқ эшитдим  
Сув ичидан, йироқдан...  
Қўшиқ айтган ким бўлди?  
Еки сув парилари.  
Аниқроқ эшитилди  
Бу қўшиқ борган сари.  
Лекин қўшиқ маъноси  
Менга таниш туюлар.  
Бу — қўшиқлар аълоси,  
Бизнинг дўстликни куйлар.  
Сув париси бўларди  
Пушкин ёзган эртақда.  
Синчиклаб боқдим яна  
Сув сачрарди эшқакдан.  
Симобдай сув сатҳида  
Қайиқ шамолдай елар.  
Кейин кўрсам, қайиқда —  
Болалар сузиб келар.  
Оппоқ кийимда бари,  
Галстуклар товланар.  
Ким экан деб сўрарсиз  
Қўшиқ айтган болалар?  
Артек пионерлари —  
Менинг дўстларим улар.  
Ким кўрса, денгиз ичра —  
Дейди очилган гуллар

## 6. ХАРИТАДА КЎРГАНДИМ ОЛДИН

Тўлқинларнинг шов-шуви  
Бир минут ҳам тинмайди.  
Қирғоққа борсам, мени  
Денгиз аста имлайди;

— Қара, сувим тип-тиниқ.  
Эҳ, кўрдингми, оғайни.  
Қучоғим бўлса илиқ,  
Чўмилиш пайти айни.  
Яйраб чўмилгин,— дерди,  
Сузишни билгин,— дерди.  
Хўп дегандай бир маҳал  
Сувга шўнғирдим дангал.  
Бирпас чўкиб кетардим,  
Қўрқиб — чўчиб кетардим.  
Кейин ўзимни ростлаб,  
Сузсам оқимга мослаб,  
Кўтаришиб тўлқинлар —  
Қирғоқ сари элтарди,  
Сўнгра қайтиб кетарди.  
Шу хилда сузиб олдин  
Кейин хўп машқин олдим.  
Ҳар куни чўмилардим.  
Тўлқинларнинг бағрига  
Баъзида кўмилардим,  
Балиқ бўлиб сузардим,  
Қайиқлардан ўзардим.  
Яйраб қулоч отардим,  
Гоҳ чалқанча ётардим.  
Тўлқинларни қилиб от  
Гоҳо қоқардим қанот.  
Қора денгизни аввал  
Харитада кўргандим.  
Қаранг, зилол сувида  
Сузишни ҳам ўргандим.

**7. ЭЙ, ҚОРА ДЕНГИЗ,  
ЭЙ, САРА ДЕНГИЗ!**

Салом, эй. Қора денгиз,  
Эй, сара денгиз!

Мен сатҳингга қарасам,  
Осмондай тенгсиз.  
Хазинага ўхшатсам,  
Бойсан, тенгсизсан.  
Одий денгиз эмассан,  
Сара денгизсан.  
Нега сени аташар  
Қора денгиз деб?  
Бу ном сенга сираям  
Келмайди-ку эп!  
Сувинг бўлса мисоли  
Зангори осмон.  
Ҳар қатраси даводир  
Дориларсимон.  
Юртим Ўзбекистондан  
Анча йироқсан.  
Қанча олис бўлсанг ҳам  
Дилга иноқсан.  
Шунинг учун мен келдим  
Сени кўргали,  
Бахмал соҳилларингнинг  
Завқин сургали.  
Йигит ёшига етсам,  
Матросинг бўлай.  
Сени покиза сақлаб,  
Фурурга тўлай.  
Қучоқ очдим,  
Багрингга —  
Ол, Қора денгиз,  
Тўлқинингда сузайин,  
Э, сара денгиз,  
Эй, Қора денгиз!

## 8. СЕН ЭСЛАТДИНГ ПАХТАЗОРИМНИ

Қора денгиз — зангори водий,  
Товланасан турли мақомда.  
Кўринсангда кўпинча оддий,  
Лекин боқсам кеча оқшомда  
Тўлқинларга дуч келиб шамол,  
Кўпикчалар паға ва паға  
Сув бетини тутди сидирға...  
Пахтазорим эслатдинг дарҳол:  
Денгиз узра момик сочилган,  
Водий бўйлаб пахта очилган.

1957

## Обод ўлкам

**[Декламация]**

Пахта экиб донг таратган,  
Меҳнат билан бахт яратган,  
Боғларингга гул ярашган,  
Озод ўлкам,  
Обод ўлкам,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Рус халқи бор, иш бошинг бор,  
Сарфларда тенг қардошинг бор.  
Партиянг бор — қуёшинг бор,  
Сен ҳар маҳал  
Шарқда машъал,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Намангану Андижонинг,  
Фарғонанг бор — сенинг шонинг,  
Яшнамоқда тўрт томонинг,

Пахта майдон —  
Олтинга кон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Кўркам Тошкент сенга пойтахт,  
Москвага ука ҳар вақт,  
Қучоғингда кулгандир бахт,  
Яшил шаҳар —  
Бағринг баҳор,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Боғларга бой кенг Самарқанд,  
Узумлари шакарпайванд,  
Ундан бутун эл баҳраманд,  
Боғларинг соз,  
Тўкиндир ёз,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Қашқадарё буғдойлари —  
Роса пишса ёз ойлари,  
Шундай колхоз саройлари —  
Тўлар донга,  
Тоғ-хирмонга,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Хоразминг яшнар кўркам,  
Сурхондарё ишда илдам,  
Меҳнатсевар Бухоро ҳам,  
Яйлов-яйлов  
Қўйларинг бор,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Туғишган эл — қорақалпоқ,  
Бир мактабда олар сабоқ,  
Бахтга мамнун, яшар қувноқ,  
Сенга ўртоқ,

Йўли порлоқ,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!


Гулламоқда Мирзачўллар,  
Ям-яшилдир Янгийўллар.  
Ҳар ишингни дўстлар қўллар.  
Чаман юртим,  
Илдам юргин,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Асл мармар берар Ҳозғон,  
Қўмирга бой Оҳангарон.  
Фарҳод ГЭС дан юрт ҷароғон,  
Бу тинч замон —  
Соз, фаровон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Қувада ҳам Наманганда  
Анор, анжир гарқ пишганда,  
Москвада ейишганда,  
Қилиб роҳат,  
Дерлар:— Раҳмат,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ун бешта тенг қардош ўлка,  
Коммунизм сари йўлга —  
Юрдик, бериб қўлни-қўлга!  
Улуғ қуёш  
Партиям бош,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

1949—51



## Офтоб чиқди оламга

Офтоб чиқди оламга,  
Чопиб бордим дадамга,  
Дадам кўчат экарди,  
Салом бердим дадамга.  
Шундай дедим тўсатдан:  
— Келдим сизга ёрдамга,  
Беринг бир туп кўчатдан.  
Дадам қараб кўнглимга,  
Тутқаздилар қўлимга  
Бир туп луччак шафтоли  
Ва дедилар шундай сўз:  
— Сен ҳам боғбон мисоли,  
Парваришдан узма кўз.

Ариқ бўйини ўйдим,  
Бир челақча сув қўйдим.  
Кўчатни экиб қўйдим,  
Менга топилди соз иш,  
Доим қилдим парвариш.  
Эккан йилим ёз чоғи,  
Чиқди анча япроғи.



Сув бойладим ариққа,  
Шимиди миққа-миққа.  
Қўй емасин деб дарров  
Атрофига тутдим ғов.  
Офтоб чиқди оламга,  
Чиқдик тагин кўкламга.  
Ҳар тарафга шох отди,  
Дилда ҳавас уйғотди,  
Чиққан барра япроғи  
Гўё тойча қулоғи.  
Ўсди тана-пояси,  
Қалин тушди сояси.  
Офтоб чиқди оламга,  
Баҳор келди даламга.  
Бориб дедим дадамга:  
— Эҳ, гуллади кўчатим.—  
Айтиб келдим, кўрсатдим.  
— Ўғлим, яша,— дедилар.  
Дилдан қувнар эдилар.  
Офтоб чиқди оламга,  
Ез кезарди даламда.  
Кўчатим етти дона  
Қилган эди нишона.  
Бир-бирини қилмай фарқ,  
Хўп тўлишиб пишган фарқ.  
Офтоб чиқди оламга.  
Чопиб бордим даламга.  
— Пишди,— дедим дадамга  
Дадам дарров келдилар,  
Аста териб бердилар.  
Мен улашдим ҳаммага:  
(Олиб қўйдим аммамга)  
Дадамга,  
Аямга,  
Укамга,  
Акамга

Ва юмшоғин бувимга,  
Ҳатто қолди ўзимга.  
Бувим дер:  
— Раҳмат, ўғлим,  
Заб ширин экан қўлинг.  
— Раҳматни денг даламга, —  
Дедим сигмай танамга.  
Аям, акам ва укам,  
— Раҳмат,— деди улар ҳам.  
Офтоб чиқди оламга,  
Чопиб бордим даламга.  
Дадам боғда ишларди.  
— Раҳмат,— дедим дадамга.

1955

## Гулчаси эди сингил

Баҳор чоғи новдалар  
Ёзди япроқ билан гул.  
Гулчасини япроқлар  
Авайлашарди нуқул.

Шохда қатор барг билан  
Кўҳлик эди бу гулча.  
Бамисоли ўртада  
Кўринар қизил кулча.

Саф тортишган болами  
Новдада ҳар япроқча?  
Ўртадаги гул эса —  
Ёки ёнган чироқча?

Гулчаси ўйнаганда,  
Япроқлар чапак чалар.  
Ёки гул куйларди-да,  
Эшитарди баргчалар.

Она новдада улар  
Усардилар дўст — аҳил,  
Япроқлар акаси-ю,  
Гулчаси эди сингил.

1960

## Баҳор берган ёшлик

Кезиб юрар гулбаҳор,  
Гўзаллиги, завқи бор.  
Ям-яшил экан туси,  
Ёшликка тўла ҳусни.  
Яшиллиги — ёшлиқдир,  
Қучоғи қуёшлиқдир.  
Создир баҳор қонуни,  
Гулга тўла мазмуни.  
Баҳорга дедим шундай:  
«Ёшлигингдан бер менга,  
Бахтим бор қуёш — кундай,  
Бахтимдан берай сенга».  
Жавобида дер баҳор:  
«Тўғри, кундай бахтинг бор.  
Бахтингдан бахтиёрман,  
Доим ёнингда борман.  
Ёққан бўлса ёшлигим,  
Гуллар ё яшиллим,  
Уртага қўяман шарт,  
Бажаришга бўлсанг мард,  
Эккин-да, гулу кўчат,  
Қучни меҳнатда кўрсат.  
Кейин ёшлик бераман,  
Бераман гулу чаман».  
Хўп дегандай баҳорга,  
Кўндим бу мард — қарорга.  
Кўчат экдим, қилдим боғ,  
Баҳор кўнгли бўлди чоғ,

Гуллар сочди турфа хил,  
Боғим энди ям-яшил.  
Бўлдим боғнинг эгаси,  
Болдай ширин меваси.  
Боғ яшнаб кўз ўнгимда,  
Яшарардим кўнглимда.  
Меҳнат, ижод, яхшилик,  
Боғимдаги яшиллик —  
Баҳор бераман деган  
Чинакам ёшлик экан.


1963

## Ғаллакорга раҳмат

Хазинада ғалламиз —  
Бизларнинг чин тилламиз.  
Тилла унга тенг эмас.  
Тиллани ҳеч ким емас.  
Олтиндан ҳам ортиқдир,  
Ғалла элга тортиқдир.  
Хирмон тўлса ғаллага,  
Эл дер бу чин ғалаба.  
Юзлар ёруғ меҳмонга,  
Рўзгор маъмур ош-нонга.  
Ҳар нарса инсон учун,  
Виждон учун, шон учун.  
Икки сўз нон-у, инсон,  
Мазмуни бор бир жаҳон,  
Инсон нонни яратар,  
Нон инсонни яшатар.  
Нон бу кўнгилга тегмас,  
Энг азиз — энг муқаддас.  
Ҳар уйда хизматинг бор  
Яша, азиз ғаллакор!

Оппоқ ноннинг ҳурмати,  
Ғалланг — юртим қудрати,  
Рўзгоримга барака —  
Қўшдинг, ғаллакор ака.  
Чин дилдан сенга раҳмат,  
Кенг элдан сенга раҳмат!

1965



## Олтиной ва оқ олтин

Пионер қиз Олтиной  
Вақтли туриб эрталаб,  
Мактаб борар ҳойнаҳой,  
Пахтазорни ёқалаб.  
Лўппи пахта чаноқда  
Турар оппоқ коптокдай,  
Олтинойнинг йўлига  
Нур сочар ё офтобдай.  
Олтинойга боқади  
Атроф тўла оқ олтин;  
Гўё «бугун дарсингдан —  
Дейишгандай, беш олгин».

Эшитгандай бўлади  
Уларнинг бу сўзини,  
Силагиси келади  
Ҳарир пахта юзини.  
Қиз севиниб-севиниб  
Қўшиқ айтиб боради.  
Атроф қолар кузатиб  
Қўшиқчи қиз болани.  
Олтинойнинг элида  
Мўлдилр олтин-пахталар,  
Олтинойнинг дилида  
Қўшиғида мақталар.  
Ана шундай ҳар куни  
Давом этар қўшиғи.  
Олтиной кўз ўнгида  
Яшар дала, қўриғи.  
Қунлар ўтиб бордилар,  
Ўтди ойлар ва йиллар.  
Пахтазордан олинди  
Қанча-қанча ҳосиллар.  
Олтиной ҳам улғайди,  
Бўлиб кетди дуркун қиз.  
Мактабини битирди,  
Балки уни танирсиз.  
Яна ўша сиз билган  
Пахтазори — қўриғи.  
Давом этар тонг чоғи  
Ўша қизнинг қўшиғи.  
Тўйиб-тўйиб боқади,  
Пахта қийғос очилган.  
Олтинойнинг бу билан  
Гўё кўнгли очилган.  
Оқ олтин ва Олтиной  
Қаранг, яна дўстлашган.  
Ўзича тил топишиб,  
Сўзлашгани сўзлашган.

Олтинойга дейишар  
Атроф тўла оқ олтин:  
«Машинангда бизларни  
Қани, тез териб олгин».  
Машинани Олтиной  
Аста ҳайдаб боради.  
Бункерида пахталар  
Роса яйраб боради.  
Машинасин ҳайдайди,  
Билиб пахта кўзини.  
Оқ олтинлар ёритар  
Олтинойлар юзини.

1966



## Пахтазор шеърлари

### 1. ЧАНОҚЛАР — ЧИРОҚЛАР

Пахтазордан  
Тунда ўтдим,  
Атроф роса чарақлар,  
Ким илибди

Ғўзаларнинг  
Шохларига чироқлар?  
Талай-талай  
Лампочкани  
Қаердан ҳам топишган?  
Монтёрлари  
Уста экан,  
Ғуж-ғуж қилиб ёқишган.  
Чироқларни  
Улаш учун  
Ё кетгандир дунё сим?  
Кўрганларим  
Эртактаги  
Мўъжизами ё тилсим?  
Санаб кўрдим,  
Санолмадим,  
«Беш» бўлсам-да, ҳисобдан.  
Бу чироқлар  
Қолишмасди  
Кичик-кичик офтобдан.  
Юлдузларга  
Нур бергудай  
Чироқларнинг шуъласи,  
Бутун тунни  
Ёритарди,  
Чарақларди, хулласи.  
Пахтазордан  
Тонгда ўтдим,  
У мен кўрган чироқлар,  
Асло-асло  
Чироқлармас,  
Лўппи-лўппи чаноқлар.

1962



## 2. ТЕМИР ТЕРИМЧИ

Далада пахта терар  
Темир теримчи.  
Кўрганмисиз, ошналар,  
Айтиб беринг-чи.  
Темир деган болами  
Темир теримчи?  
Темир одам эмас-ку,  
Ишда биринчи.  
Терим машинасидир  
Унинг чин оти,  
Акамларнинг қўлида  
Руль — муруввати.  
Уни ясаб келишган  
Сельмаш заводда.  
Юз теримчи ишини  
Қилади удда.  
Дўстлар, бориб кўрсангиз,  
Қоласиз ҳайрон,  
Темир теримчи ҳар кун  
Ясайди хирмон.

1966

## 3. ЮЛДУЗ КОСА ЛИМ-ЛИМ ОЛТИН

Осмонда куз булути  
Қилиб қолган дағдаға:  
«Пахтагни тез тер! дейди,  
Терим эса авжида...  
Пайкалдаги пахталар  
Очилган паға-паға,  
Нуқрадай ярқирайди  
Улар офтоб мавжида.  
Хирмондаги момиқлар  
Нурдай тиниқ — озода.

Пионерлар отряди  
Теримда борар олдин.  
Ҳар бир чаноқ уларга  
Кичик юлдуз косада  
Тутиб турарди гўё  
Лиммо-лим оппоқ олтин.

1957

#### **4. ТУТДАН ГУЛДАСТА ТУТГАН**

Пайкални гир айланган  
Тутларнинг сафи,  
Ҳар бир тупи товланар  
Гулдаста каби:  
Новдаларга тизилган  
Минг тур япроқлар,  
Марғилон атласидай  
Нурда ярақлар.  
Пахтазорга кираман,  
Ҳосил жуда мўл.  
Ялпи пахта терими,  
Тегмас қўлга-қўл.  
Қуёш билан куз гўё  
Жилвагар тутдан —  
Теримчига атрофдан  
Гулдаста тутган.

1957

#### **5. ТЕРИМ РАҚСИГА УЙНАГАН ТЕРИМЧИ ҚИЗ**

Юртимда куз бошланиб,  
Сал босилган ёз ҳоври.  
Дала, боғлар ясаниб,  
Қизиган терим даври.  
Туш маҳали уватда  
Концерт борар авжида.

Ўйнар эди ўртада  
Пионер қиз Мавжуда.  
Галиядай ҳимрилиб  
Тушар пахта рақсига.  
(Чилдирма топилмади  
Нақ шу пайтда аксига).  
Барча чапак чаларди,  
Санъатини мақташиб.  
Партуғида бор экан  
Уч-тўрт сиқим пахтаси.  
Гўё пахта терарди,  
Оёқ-қўли заб чаққон.  
Ўйин ҳаракатидан  
Ясади баланд хирмон.  
Лекин унинг ўйини  
Рози қилмай ўзини,  
Пахтазорга югурди  
Ушлаб икки юзини...  
Энди-чи, оқ олтинни  
Терар эди чинакам.  
Уват бўйлаб чапаклар  
Чалинарди ҳали ҳам.

1957

## **6. ЕТТИ БАҲОДИР**

Зарафшонинг синглиси  
Сўлим Оқдарё,  
Ези билан сув бериб  
Чарчаган гўё.  
Кўринарди тубида  
Тошу шағали...  
Кечиб ўтдим дарёдан  
Оқшом маҳали.  
Етти кема олисдан  
Келар қиргоққа.

Ҳайрон бўлдим,  
Сув оз-ку,  
Сузар қаёққа?  
Яқин бориб қарасам  
Пайкал бошига,  
Пахта териб келарди  
Етти машина.  
Йигитларга бўйсунган  
Е етти аждар,  
Пахталарни дамига  
Торгар нақадар.  
Бир зум ўтмай тўларди  
Қорни — бункери,  
Хирмон-хирмон терганмиш  
Эртадан бери.  
Машинанинг ҳар бири  
Олтин баҳодир,  
Ҳайдаб келар уларни,  
Етти баҳодир.

1957



## Яшнаб борар Мирзачўл

ШОФЕРГА РАҲМАТ ДЕДИМ

Қайдасан деб Мирзачўл,  
Мен Тошкентдан олдим йўл.  
Жўнадим автобусда,  
Шофер ҳам экан уста.  
Юз силаган мисоли  
Эсарди ёз шамоли.  
Йўли экан бир талай,  
Боқдим кино кўргандай.  
Бўлганида туш пайти  
Шофер шундай деб айтди:  
— Мана, ука, Мирзачўл,  
Кўришгунча омон бўл.  
Қувонганимдан фақат  
Шоферга дебман:— Раҳмат!

\* \* \*

Сайр этсам кенг мирзачўл  
Яшнаб борар ўнгу сўл.  
Қимлар қилмоқда обод?  
Дея ўйлардим бот-бот.

Юрдим қишлоқма-қишлоқ,  
Ҳар ерда меҳнат қайноқ.  
Ҳамма ҳар хил юмушда,  
Бу — қонундир турмушда.

#### **КЛУБДА УЙНАБ-КУЛИБ...**

Борган эдим бир ерга  
Дуч келдим инженерга.  
Саҳна, залдан иборат  
Қурилади иморат.  
Ундан секин сўрасам,  
Деди у:— бўлар клуб.  
Қолхозчилар олар дам  
Йил бўйи ўйнаб-кулиб.

#### **БОҒБОН БОБОМ**

Учраб қолди боғбон чол  
Суҳбат авжда дарҳол.  
Олгин дегандай таниб,  
Бобо менга мақтаниб:  
— Чўлга қадим келганман,  
Жамийки бу тоқларни,  
Олма, анор, покларни,  
Ўғлим, ўзим экканман.  
Булар янгича гилос,  
Еб қара, пишган қийғос,—  
Деб боғини кўрсатар.  
Ўз қадини кўтарар.

#### **РАИМЖОН — РАИСЖОН**

Бир каттакон колхознинг  
Раисин кўриб қолдим.  
Ошналар, рости сўзнинг,  
Кўрдиму ҳайрон қолдим.  
Раис деганда доим

Лабида шопдай мўйлов,  
Қорни семиз, ўзи дов  
Одамни билар эдим.  
Бу раис ундай эмас,  
Кўрганлар раис демас.  
Бир хил-кан ишда, сўзда.  
Йигирма йил колхозда  
Раислик қилар экан,  
Иш кўзин билар экан.  
Чўлдаги ҳар қарич ер  
«Ҳа, раис билимдон» дер.  
Оти экан Раимжон,  
Раисмисан — раисжон.

#### **УСИМЛИКЛАР ВРАЧИ**

Бир одамни учратдим,  
Кезиб боғу экинзор.  
Улар ҳолидан доим  
Бўлиб юрар хабардор.  
Усимликлар доктори,  
Аён ҳар турли сири.  
Гўё тилсиз гаплашар,  
Илмидан ҳосил ошар.  
Қайси экин сув талаб,  
Текшираркан битталаб,  
Ҳашаротлар дориди —  
Дегунча, у дорини —  
Септирар, даво излар.  
Қимлигин биларсизлар.  
Мирзачўллик агроном  
У бор — экинлар соғлом.

#### **ҒУЗА УСАР**

Ҳозир-чи, кенг пайкалда  
Янги универсалда  
Қилар культивация,

Ғўзалар ўссин дея.  
Қенг пайкал кетган ғўза,  
Меҳнатдан ўса-ўса.  
Бўлиб ётар ям-яшил,  
Мирзачўлга ярашиб.

#### **ҒЎЗАЛАР ТУНДА СУВ ЭМАР**

Қоқ тунда сувчи — мироб  
Ғўзаларга сув тарар.  
Ой эса — тунги офтоб,  
Қўкдан нур сочиб қарар.  
Сувни ғўзалар бир-бир  
Эмишар миқир-миқир.  
Чўлдаги бўлиқ ғўза,  
Тунда сув ичса маза...  
Яшнасин деб пахтазор  
Сувчи тун бўйи бедор.  
Сувчи ухлайди қачон?  
У ухлар отганда тонг.

#### **ЧЎЛ СУВ ДЕЯДИ**

Бухгалтер билан бир кун  
Чиқдим чўлни кўрмоқ-чун.  
Етмадик ҳадеганда,  
— Бу чўл қочган экан-да,  
Деб аста гапирсам-чи,  
У деди: — Гапларинг чин.  
Чўл тамом чекинмоқда.  
Мен қарадим ҳар ёнга.  
Чўл йўл бериб бўстонга  
Кетар экан йўқлиққа.  
— Бу йил ҳам,— деб бухгалтер —  
Очдик минг гектар бўз ер.  
Охири етдик чўлга,



Қарасам ўнгу сўлга,  
Чўлнинг ранги сарғайиб  
Гўё бўлгандай майиб,  
Сувсизликдан хансираб.  
Борлик ётар қовжираб.  
Ер бети парча-парча —  
Кўчган, мисоли яра  
Шамол эсарди «ғув-ғув»  
Деган каби: — сув-сув-сув!

#### **АСИЛАКАМ АСИЛ ЭКАН**

Қора нарса бир маҳал  
Чўлда кўринди сал-пал.  
Кўзимга бора-бора  
Қатта бўларди қора.  
Уйладим ёки аждар,  
Баҳайбатки нақадар.  
Ҳамроҳимга бермай сир,  
Ичдан эдим хавотир.  
Бориб кўрсак яқинроқ  
Аждар эмас-кан бироқ  
Битта экскаватор  
Шўр ерни кавлаётир.  
Экскаваторчини  
Танидим, гапнинг чини.  
— Ҳорманг-ов, Асил ака,  
— Саломат, эй кел ука.  
Сўрашиб ҳолу-аҳвол  
Гаплашдик анча маҳал  
Қабинасига чиқиб  
Олис боқдим, кўз тикиб.  
— Бу каналдан тезда сув  
Келиб қолар,— дер у.  
Битта ўзи ҳар қалай  
Канал ковлабди талай

Қўшнимиз Асил акам  
Асил экан чинакам.

\* \* \*

Сайр этсам кенг Мирзачўл  
Яшнаб борар ўнгу сўл.  
Қимлар қилганин обод  
Кўзим кўриб, бўлдим шод.  
Ҳар ким ҳар хил ҳунарда  
Ишлар экан.

Уларда —  
Чўл обод бўлсин деган  
Улуғ мақсад бор экан.

1959

## Эй, сара тонг, сахий саратон

Эй, тонглари гўзал — сара тонг,  
Ҳарорати сахий саратон,  
Олтин ёзим, гулбоғингдаман,  
Тер тўкаман, қучоғингдаман.  
Ҳароратинг ёш қалбим янглиғ,  
Офтобингдан юзларда яллиғ.  
Чаманларда кўз қамашар ранг,  
Меваларинг чеҳраси таранг.  
Ёзилгандай очил-дастурхон,  
Ноз-у неъмат бари намоён.  
Қимки тотса шира-ю таъмин,  
Жонга роҳат, қувват — витамин.  
Хаёлдай кенг дала, йироқлар,  
Кумуш кўллар, тиниқ булоқлар,  
Пахтазорлар, боғлар, даралар,  
Лагерлардан қўшиқ таралар.  
Дўстлар, бунда чиқарар ҳордиқ,  
Бахт бўларми, эҳ, бундан ортиқ...

Езим, мени бунча сийладинг,  
Ажойибдир сеҳринг, зийнатиңг!  
Меҳрингданми сочдинг атрлар,  
Қалбим сени мангу қадрлар.  
Бахтли бўлиб ёздинг поёндоз,  
Сени қанча эъюзласам оз.  
Хизмат қилай сенга атайин,  
Қувончимни яйраб айтайин:  
Эй, фасллар, иссиқ мактаби,  
Еқимтойсан шўх ёшлик каби.  
Езим, сени мақтай ва ёзай,  
Қучоғингни гулга тўлғазай.  
Эй, тонглари гўзал — сара тонг,  
Олтин ёзим — сахий саратон.

1971

## Темир томирлар

Томирларнинг хизматини  
Яхши билар ҳар инсон,  
Жилғалардай бадан бўйлаб,  
У юракдан ташир қон.  
Наинки қон, ҳаёт ташир,  
Ташир иссиқ ҳарорат,  
Гўё юрак қонга кондир,  
Шундан ақл, ҳарорат...  
Ана шундай, Бухорода  
Топилгандир каттакон,  
Юраги бор, томири бор,  
Аммо унда йўқдир қон.  
Шаҳарларим ери туташ,  
Бамисоли бир бадан,  
Барчаси ҳам қувват олар  
Шундай кондан — юракдан.  
Томирлари таралгандир


Улуғвор кенг Ватанга,  
Юрак каби иссиқ берар  
Ҳар томонга — баданга.  
Томир нусха тармоқ ёйган  
Бундай темир томирлар.  
Томирлардан оқар доим  
Фаним очган кўп сирлар.  
Темир томир — бу қувурлар  
Газ конига уланган.  
Эрта-ю кеч  
Тўхтамай ҳеч  
Газ оқади булардан.  
Ўзи оддий олов эмас,  
Асло сўнмас бир машъал,  
Қайга борса ҳеч совумас  
Ҳарорати ҳар маҳал.  
На дашт демай, на сув демай  
Таралмоқда томирлар,  
Бу томирни улаётир  
Ман-ман деган ботирлар.  
Ҳамма жойда етадилар  
Бу оловнинг қадрига.  
Томир бўйлаб олов оқар  
Ҳатто Урал қалбига.  
Саноатнинг юрагига  
Олов ташир бу томир,  
Гўё дўстлик томиридай  
Узилмайди у ҳеч бир.  
Юборади Бухороим  
Бу томирдан газ — олов,  
Бизлар эса Тошкентда-чи,  
Пиширамиз нон, палов.  
1960

## Қувур ўтди — ўрик тутди

Ҳосил бобо боғини  
Қўрганлар бўлса,  
Қўрмаганлар топилса,  
Бир бориб кўрса,  
Эртақлар оламига  
Қирарди гўё,  
Меваларнинг минг тури  
Боғда муҳайё.  
Дарахтларин ичида  
Бир туп ўриги —  
Ҳосил бобо боғининг  
Ҳусни, кўриги.  
Ўстирганди ўрикни  
Битта данакдан.  
Сув ичирган,  
Куч берган  
Гўё юракдан.  
Уч йил бўлди ҳосилга  
Қирганиди шиғил,  
Ҳар донаси оғизда  
Эрирди ҳил-ҳил.  
Ҳосил бобо эшитди  
Илк баҳор чоғда —  
Бухоро газ қувури  
Ўтишин боғдан...  
Қувур ётқизувчилар  
Келишиб бир кун,  
Учрашдилар бобога  
Маслаҳат учун.  
Билса, ўрик ўрнидан  
Ўтаркан қувур.  
Буни билгач, бобонинг  
Қалбида ғувур.  
Ўригини алишмас

Бутун бир боққа.  
Авзойидан ўхшарди  
Сал хафароққа.  
Бобо дерди:  
— Қирқсангиз  
Розиман буткул,—  
Лекин шундай дерди-ю,  
Узолмас кўнгил.  
Қувурчилар пайқашди  
Богбон авзойин,  
— Меҳнатингиз, бобожон,  
Кетмайди зое.—  
Дейишди-да, ўрикни  
Қазишди обдан,  
Қуён қоча олмайди  
Дегандай кўпдан.  
Олиб келишди унга  
Кўтаргич кран.  
Бўлак жойга экишди  
Кенг илдиз билан.  
Бобо кўрди ўригин  
Бошқа бир жойда,  
Гулга кирди аслидай  
Ҳатто бир ойда.

1960



## Гуллар рангни қайдан олар?

Гуллар рангни қайдан олар?  
Товланишар ҳар рангда.  
Ақлим роса ҳайрон қолар,  
Сиз ҳам ўйлаб қаранг-да,  
Менга ёрдам бериш учун  
Донолардан сўрарсиз.  
Жавоб топиб қолсангиз-чи,  
Менга айтиб қўярсиз.  
Гулларнинг ё Ер, Қуёшда —  
Фабрикаси бормикан?  
Фабрикаси билан бирга  
Ё чўткаси бормикан?  
Фабрикада ишлармикан  
Ё сеҳрли рассоми?  
Янглишмайди,  
Чапламайди,  
Йўқ хатоси, ҳеч хоми.  
Қайси гулга қарасангиз  
Жамий ранглар жойида,  
Ҳавас қилар даражада  
Бордир тартиб, қоида.

Ҳамон излаб юрибман мен  
Саволимга жавобни.  
Ҳозирчалик текширайин  
Ер, сув, меҳнат, офтобни.  
Жавоб топиб ёзмоқчиман  
Бир ажойиб китобни.

1965

## Олим отанинг олмалари

[Ҳазил]

Олим отам қариганлар,  
Юрадилар ҳассада.  
Баъзи бир хил болалар дер  
— Уларга хўп мазза-да,  
Автобусга чиқсалар-чи,  
Турмайдилар суяниб,  
Кўрган одам жой беради  
Бобомлардан уялиб.

Қариб қолган бўлсалар ҳам  
Ишлари зўр ҳозирда.  
Қишлоқ бўйлаб биринчидир  
Олмалари ҳосилда.  
Кенг олмазор яратганлар,  
Қойил қолган олимлар,  
Олмачилик ҳунарида  
Узлари ҳам олимлар.  
Олмазорда ўсар ҳатто  
Олмаота олмаси.  
Ҳамма ёқда машҳур роса  
Олим ота олмаси.  
Олмаларнинг шоҳлари-чи,  
Мўл ҳосилдан энгашган.  
Кўринишда гўё улар



Отамларга тенглашган.  
Ҳар бир шохда олмалари  
Пишиб ётар шиғил-зич.  
Шохларига қўйибдилар  
Қатор-қатор тиргович.  
Қаримаган бўлсалар-да,  
Улар Олим отамдай,  
Ҳар бир тупи кўринарди  
Ҳасса тутган одамдай.  
Баъзи чоллар ҳазиллашар  
Астагина жилмайиб:  
— Узингиздай олма шохлар  
Қолишибди букчайиб.  
Олим отам олмалари  
Ўзларидай ҳассали.  
Олмалардан еганмисиз?  
Сўзларидай мазали.

1960

## Булутлар устида

Учган эдим мен ТУда  
Булутларнинг устидан.  
Қўймай илҳом — завқ жуда  
Булутларнинг ҳуснидан  
Осмонда шеър битардим  
(Кавказ томон кетардим).  
Гоҳ булутлар кўзимга  
Қўринишар тоғ бўлиб,  
Гоҳ қарасам, бир зумда  
Оқ чаманзор боғ бўлиб...  
Гоҳ баҳайбат қозонга  
Новвот дури босилган.  
Бир боқсам кенг майдонга  
Оппоқ пахта ёзилган.

Баъзан хаёл кетади  
Фазокорлар йўлига.  
Гуллар тутгим келади  
Мен уларнинг қўлига.

1964

## **Ҳар ким ҳар хил ўйлар экан**

Одамлар кўча бўйлаб  
Кетишар нима ўйлаб?  
Хоҳ эркагу хоҳ аёл,  
Хоҳ кичигу хоҳ катта.  
Барчасида албатта,  
Турлидир мақсад, хаёл.

Кетарди врач киши,  
Ап-аниқ, мақсад, иши:  
Одамларнинг соғлигини,  
Хурсандлик, дилчоғлигин  
Ўйлаб юзига қарар,  
Меҳр билан шу қадар.  
Севинар бўлса соғлом,  
Танишлар берар салом!

Кетар ана инженер,  
Дилида нималар дер:  
«Қандай бинолар қурсам  
Эл бўлар мендан хурсанд»—  
Деб ўйлаб кетиб борар.  
Олдидан чиқса бино  
Қизиқар мисли кино.  
Қарар ёни-верига,  
Бино инженерига  
Дарров беради баҳо,  
Хатосин топар гоҳо.

Сартарош ўтар дарҳол,  
Хўш, унда қандай хаёл?  
Соч-соқол ўсган кимда  
Уни тез қирақолсам,  
Хизматга раҳмат олсам,  
Деб қараб қўяр зимдан.

Токаръ заводга кетар,  
Ўйида нима кечар?  
Етти йиллик режасин  
Бажаришни беш йилда  
Ўйлаб борар-ку дилда.  
Бир бола кетар хомуш,  
Ё юриб кўрарми туш?  
Ҳа, кеча олган «икки»  
Ўйидан еган дакки.  
Қачон «5» оламан деб,  
Ўйлаб юрарди ҳадеб.

Кетарди кампир ва чол,  
Уларда ҳам бор хаёл:  
Набираси — ўн бешта,  
Бири ўқишда, ишда...  
Шод ўтсин дея вақти  
Ўйлашар шулар бахтин.  
Кетишар уч қизалоқ,  
Бири-биридан қувноқ.  
Кулиб, ўйнаб кетишар,  
Нима ўйлаб кетишар?  
Бири Ҳалима каби  
Артист бўлишни ўйлар.  
Биттасиниг талаби  
Қурмоқчи янги уйлар.  
Бири тикиш ҳунарин  
Билиб, бўлар тикувчи.  
Шунинг учун уларнинг  
Сира йўқ «икки», «учи».

Ҳар ким ҳам кўча бўйлаб  
Кетар ўзича ўйлаб.  
Баъзи ўткинчилар бор,  
Улардан ҳамма безор:  
Тухматчи билан ўғри  
Ўйлайди доим эгри...  
Қилмиши элга аниқ,  
Ўзи қашқадай таниқ.  
Аmmo бундайлар учун  
Ҳеч қайда йўқдир ўрин.

Ҳаётда ҳар бир одам  
Пок дилдан боссин қадам,  
Ўйласин улур ишни:  
Халққа хизмат қилишни!

1959



## Ҳовлимизда тут пишди

Эй, болалар, келинлар,  
Ҳовлимизда тут пишди.  
Пишиб тагига тушди,  
Маза қилишиб енглар.

«Вуй, баланд-ку балхтут!»—  
Деб қоласиз ҳайратда.  
Шохлари яшил булут,  
Танаси жуда катта.  
Бобомлар, мен ва акам  
Етмас қулоч ёзсак ҳам.  
Тани-жони соппа-соғ,  
Тўрт томонга отган шох.  
Ҳовлимизга соябон,  
Салқини роҳатижон.  
Биласизми ким эккан?  
Бобомлар эккан экан.  
Бундан олтмиш йил олдин,  
Бобом ҳам борлар ҳозир.  
Бобомлар умридайин  
Тутлари ҳам серҳосил.  
Тутни биз фарзандидай  
Парваришларлар тинмай.  
Ҳозир бу тут фарқ пишган.  
Ҳар шохига маржондай  
Ярқиллаб тизилишган.  
Унинг битта донаси  
Келади бошмалдоқдай.  
Есангиз-чи томоғдан  
Ўтади сариёғдай.  
Гўё бордай асали,  
Морожнийдай мазали.  
Анув кун акам — Қодир  
Тешада тут қоқарди.  
Бизлар ушлардик чодир,  
Тутлар дув-дув ёғарди.  
Ерга тушса пишганин -  
Чиқарди аталаси.  
Теша зарбидан кейин  
Тушди хом-хаталаси.  
Кўчадан шу маҳалда

Келиб қолдилар бобом.  
Биз ҳаммамиз барала  
Бобомга бердик салом.  
Тутнинг тагида тўхтаб  
Қараб турдилар бирпас:  
— Қодирвой, тут темирмас,  
Жони бор сенга ўхшаб.  
Бундай бўлмас тут қоқиш,  
Нима қилди боёқиш?  
Ширин мева бергани  
Туноҳими, айт, қани?!

Эй, болалар келинлар,  
Ҳовлимизда тут пишиди,  
Пишиб тагига тушди,  
Маза қилишиб енлар.  
Акам тут силкир аста,  
Айлана бўлиб пастда  
Бизлар чодир тутамиз,  
Қани, келинг, кутамиз.  
Тут эмас, асал ейсиз,  
Бобомга раҳмат дейсиз.

1960

**Ота-она қалби,**

**Ота-она қадри**

Қуёш берар иссиқлик, нур,  
Деймиз ҳаёт асоси.  
Ота-она жуда азиз,  
Қуёшга тенг баҳоси.  
Ота-она бизлар учун  
Қайғурар-у ачинар.  
Ота-она бизлар учун  
Севинар-у очилар.  
Ота-она сўзин қилмоқ

Фарзанд учун қарзу-фарз.  
Ҳеч қаерда ва ҳеч қачон  
Этманг дилин хижил, дарз.  
Бизлар учун аямайди  
У ёб турган нонини.  
Аямайди, аямаган  
Ҳаттоки ўз жонини.  
Ҳатто чиқса иссиғимиз,  
Ёниб кетар оловда.  
Югуради тун-кун демай  
Врачларга дарровда.  
Юрса-турса бизни ўйлар  
Қуёш қойил уларга.  
Етказишга уринади  
Бизни илму ҳунарга.  
Доим қулоқ тутиш зарур  
Ота-она қалбига.  
Дил сўзимиз етажакмиз  
Ота-она қадрига.

Ота-она кўнгли доим  
Дейишали, болада.  
Бизларнинг ҳам ёш кўнглимиз  
Бўлсин ота-онада.  
1971

## **Кимда кўп «баракалла?»**

«Баракалла» деган сўз  
Сўзларнинг гули — сози.  
Ҳар боланинг ишини  
Улчовчи тош-торози.  
«Баракалла» ва «балли»  
Теппа-тенг «беш» баҳога.  
Буни олган боланинг  
Дили ўхшар баҳорга.

«Баракалла»ни олиш  
Ҳам осон-у, ҳам қийин.  
Эшитганми уни ҳеч —  
Иккичи-ю, бетайин?  
Агарда-чи бўлса кўп  
Кимнинг баракалласи.  
Жуда тиниқ ишлайди —  
Унинг ақли-калласи.  
Каттага бор саломи,  
Кичикларга кўмаги,  
Баракалла олганнинг  
Соф бўлади тилаги.  
«Баракалла» сўзида  
Бор дерлар бол мазаси.  
Қилган яхшиликларнинг  
Энг биринчи меваси.  
«Баракалла» кимда кўп?  
Қўл кўтаринг шу палла.  
Биз ҳам унга яна бир —  
Айтамиз:— Баракалла!

1965

## **Отрядим, жон отрядим**

**[Декламация]**

Отрядим, жон отрядим,  
Дўстлар тўла сафимсан.  
Мактабимнинг ичида  
Қичкина мактабимсан.

Ленинчи пионерлик  
Шарафим бор бағрингда.  
Пионерлик номимни  
Гулдай сақлай боғингда.



Жон отрядим, сен учун  
Шуни айтай аввало:  
Ўқишу интизомда  
Бўлай доим «беш» — аъло.  
Дўстларимни ўйлайман,  
Мени дейди дўстларим.  
Барча отряддошларим  
Гўё кўрар кўзларим.

Юрак уришимиз бир,  
Улар менинг ўзимдир.  
Дўстлар юзи — юзимдир,  
Улар сўзи — сўзимдир.

Бағрингда барқ уради  
Чин аҳиллик чамани.  
Ҳар бир қилган ишимиз  
Қойил қилсин ҳаммани.

Хўп чиниқсин сафингда  
Менинг бу ёш иродам.  
Коммунизм даврига  
Бўлай муносиб одам.

Эй, отрядим, биз сени  
Буркаймиз шон-шарафга.  
Биринчилар ичидан  
Чиқай биринчи сафга.

1962



## Уста Усмон


Усмон деган бола бор,  
Жуда уста дурадгор.  
Унда тайёр беҳисоб  
Устага керак асбоб.  
Бари унинг қўлида  
Юрар доим йўлига.  
Ушласа қўл аррани,  
Ҳайрон қилар ҳаммани.  
Тахта текислаганда  
Силлиқ чопқиллар ранда,  
Шунда тахтанинг бети  
Ҳатто қирраси, чети  
Ойнадай ялтирарди,  
Яна ҳусн кирарди.  
Бордир устахонаси,  
Қуриб берган отаси.

Стул ё табуретка —  
Бузилса, чиқмас четга.  
Уста Усмон ҳар маҳал  
Тузатади мукаммал.

Куни кеча Усмонжон  
Иш қилди қойил-жаҳон,  
У ўз асбобларида  
Дафтар-китобларига  
Этажерка ясади.  
Кўрган унга: «Яша!» дер.  
Ана этажеркаси,  
Олтитадир этажи.  
Келишган, ихчам, яхши,  
Четларида бор нақши.  
Энди китоб, дафтари  
Тартибли турар бари.  
Керак бўлганда қачон  
Топа олади осон.

Ҳамма иши жойида,  
Тартибли ишда фойда.  
Дурадгорлик соз ҳунар,  
Дерлар: ҳунардан унар.  
Бундай касбни Усмонжон  
Ўрганиб олган қачон?  
Унинг ўрганган жойи —  
Пионерлар саройи.  
Ўқишдан бўш пайтида,  
Иш ўрганиш пайида —  
Қатнаган тўгаракка,  
Етган яхши тилакка.  
Дўстлар шундай дер нуқул:  
— Усмонжоннинг қўли гул.

1950



## Икки наққош

Икки наққош келиб ўтган ёз,  
Уйимизга беришди пардоз.  
Қарасангиз девор-у шифтга,  
Ҳусни сифмас сўзга — таърифга.  
Ҳар бир хона гўё чаманзор,  
Тўрт фасл ҳам ҳамиша баҳор.

Бўёқларни бўёққа қориб,  
Турли-туман ранглар чиқариб,  
Икки наққош ишлашди шошмай,  
Бўёқ-рангда сира адашмай,  
Бирин исми уста Исматвой,  
Иш билармон, камтар, ёқимтой.  
Жуда дилкаш Тўғонбой ака,  
Ўз касбидан топган барака.  
Иккови ҳам нозик таб уста,  
Тенги йўқдай нақш хусусида.  
— Иккимизга,— дейишар улар,—  
Ота ҳунар, наққошлик ҳунар.  
Бир-биридан олиб маслаҳат,  
Хоналарга беришди санъат.

Ҳар хонанинг ўзича ҳусни,  
Сингдиришган мос рангни — тусни.  
Ҳатто чизик, ҳатто бир нуқта  
Ўз ўрнига қўйилган, пухта.  
Девор ранги шифтга тушган мос,  
Учрашгандай гўё баҳор, ёз.  
Агир гуллар очилган — сўлмас;  
Гул чаманда бунчалик бўлмас.  
Новоларга терилган маржон  
Жилваланар гўё бордай жон.  
Оқшом тушган маҳал тиллаҳал  
Шуъла сочар ўзидан ял-ял.

Ранглар қўшар кўз нурига нур,  
Дилга эса ҳаловат-ҳузур.  
Уста рассом кўрса ҳам ҳатто  
Ранг нақшидан тополмас хато.  
Хуллас, ҳар уй чамандир қийғос,  
Хоналарга киргандай қуёш.  
Қимки кўрса, у шоша-пиша,—  
Устасни а,— дейди:— Минг яша.—  
Заб ишлабди, қўли гул экан,  
Бундоқ бўлар наққошман, деган.  
Унга оздир дейиш «қўли гул»  
Наққошларнинг чиндан кўнгли гул.  
Рангга бериб кўнглида борин,  
Қўрсатишган завқ-иқтидорин.  
Икки наққош, ишлари-чи «беш»  
Элдан ёғар уларга олқиш.  
Улар билан дўстлашиб қолдим,  
Санъатини шеъримга солдим.

1972.

## Яхшиликни оширар

Синфда бир бола бор,  
Яхшиликни оширар.  
Гоҳо кези келганда  
Ёмонликни яширар.  
Яхшиликни ҳар ердан  
Доим излаб юради.  
Дўсти туғилган кунни  
Доим эслаб юради.  
Янги йил-у байрамда  
Табриклайди дилидан.  
Нуқул яхши сўз чиқар  
У ёсланинг тилидан.  
Тақса янги галстук

Табрик эгар уни ҳам.  
Билдиради яхшидан  
Севинганин чинакам.  
Дарсда кимки олса «5»  
Танаффусда қутлайди.  
Ўзи сўзга ҳам уста,  
Қувнатади, қувнайди.  
Ногоҳ «2» олганнинг —  
Авзойини кузатар.  
Унинг кўнглин кўтариб,  
«4», «5»га йўл кўрсатар.  
Синфда бир бола бор,  
Яхшиликни оширар,  
Гоҳо кези келганда  
Ёмонликни яширар.  
Асли ўша боланинг  
Покизадир юраги.  
Ана шундай болани  
Ҳамма мақтаб юради.

1972

## Қойилжон

Қодиржонни отрядда  
Дейишади Қойилжон.  
Билиб олинг ошналар  
Бу гапларда бордир жон.

Қойил қилар гап, ишни;  
Уста дарс-у ҳунарга.  
Стулчалар ясаб у  
Нақш берса-чи буларга.  
Усталар ҳам бир кўриб  
Тан беради астойдил.  
Сиз ҳам дейсиз тўсатдан  
Қодиржонга мен қойил.

Берилган уй вазифа  
Бўлса қийин масала.  
Дўстлар дер: — Қойилжон,  
Қилиб кўргин ҳафсала.  
У ўтириб бир зумда  
Йиғар фикри-зикрини.  
Йўллар топиб чиқарар  
Ишлатиб куч-зеҳнини.  
Бир иш қилар чоғида  
Қочмас унинг хаёли.  
Чуқур, пухта ўйлайди  
Зийрак олим мисоли.  
Мактаб, уйда, кўчада  
Ҳурмат топган Қодиржон.  
Шунинг учун дейишар  
Қодиржонни Қойилжон.


1962

## **Дўстимга берай далда.**

Аҳрор хафа кўринар бугун,  
Бундай ҳолда юрмасди бурун.  
Кўзи-юзи кулиб турарди,  
Дўстлар билан бирга юрарди.  
Бошқачадир Аҳрор бутунлай,  
Кўнгли унинг мисоли тундай.  
Еришмайди ёқса ҳам чироқ,  
Уқишида борми ё чатоқ?  
Дарслардан йўқ «икки» — ёмони,  
Тўла-тўкис ҳамма томони.  
Энди бўлса дарс чоғида ҳам —  
Ўтирарди, нимасидир кам.  
Бирортага этарми араз,  
Хаёлимда ҳар турли фараз,  
Йўқолганми яхши китоби?

Еки унинг қочганми тоби?  
Учрашганми ёқмас ёв билан,  
Урушганми ё биров билан.  
Қойиганми ота-онаси,  
Бўлса керак бир баҳонаси...  
Аҳрорвойнинг хафалигини —  
Билиш керак асос — тагини.  
Дўстни кўриш бундай аҳволда  
Яхши эмас, дерлар, ҳар ҳолда.  
Айтармикан кўнглини очиб,  
Ё кетарми ёнимдан қочиб?  
Дўстлик бурчим, биринчи галда  
Берай унга кўмак ва далда.

1972



## Келаётир имтиҳон

Ҳар бир ишда чаққонлар,  
Қизалоқлар, ўғлонлар,  
Бўлдингизми билағон?  
Келаётир имтиҳон!  
Сўрамасдан рухсатлар,  
Ўтиб кетар фурсатлар,



Тушкунликка тушмангиз,  
Вақт жиловин ушлангиз.  
Имтиҳон бир торозу,  
Илмингизни ўлчар у,  
«Беш» баҳолик палласи  
Оғир келсин, хулласи.  
Бўлса қунт-у ҳафсала,  
Ечилар ҳар масала.  
Фикрлар ёзар қанот,  
Мияда жавоблар ёд.  
Сафда турган аскардай  
Ҳар саволга бўлинг шай.  
Чақмаган дарс мағзини  
Очолмайди оғзини.  
Чумчуқдан ҳам чўчийди,  
Бўғилади, ўқчийди.  
Сал нарсага босар тер,  
Титрар иссиқда «дир-дир»  
Келаётир имтиҳон  
Тайёр тулинг ҳар қачон.  
Ҳозир барча мактабдан  
Отрядлардан — кенг сафдан  
«Тайёрмиз!» деган овоз —  
Келаётир, жуда соз.  
Айтсангиз тўғри жавоб  
Саволлар беролмай тоб —  
Бирин-кетин йиқилар,  
«ё» баҳолар йиғилар.

1971

## **Билганни барча билар**

Билганни барча билар,  
Чин дилдан иззат қилар.  
Билафоннинг ақли бой,  
Юзида бўлар чирой.

Гапи-сўзи ёқади,  
Ҳамма иссиқ боқади.  
Юраги ва феъли кенг,  
Дўстлиги барчага тенг.

Билими оҳанрабо,  
Дил меҳрин тортар гўё,  
Донм юради тетик,  
Билмас ҳеч чўчиш, ҳадик.

Чиқар яхши маслаҳат,  
Дилкаш-у ширин суҳбат.  
Бўла олиш билагон,  
Эмас унчалик осон,

Игнада қудуқ қазиб,  
Неча бор ҳориб, озиб,  
Кетиб қанча роҳати,  
Ўтиб фурсат соати,

Гоҳо ёниб ўртаниб,  
Ва оз-оздан ўрганиб,—  
Йиғади у билим-бол.  
Асаларидан мисол.  
Билагонлик белгиси,  
Яна келар билгиси,  
Ҳар билганим соз дейди,  
Кўп билсам ҳам оз дейди.  
Биламан деб кеккаймас,  
Мақтасалар талтаймас.

Шу сабабдан билагон,  
Ҳар ерда азиз меҳмон,  
Билганни барча билар,  
Чин дилдан иззат қилар.

1971



## Мақтаб бозори

Ўқувчилар, болалар,  
Амакилар, холалар,  
Ойижонлар, оталар,  
Кичкинтойлар, катталар,  
Эшитмадим деманглар,  
Сўнг пушаймон еманглар,  
Очилибди бир бозор.  
Унда ҳамма нарса бор.  
Деркан мактаб бозори,  
Олувчи — харидори —  
Автобусда, ё яёв,  
Келаверсинлар дарров...

Барча ўқув қуроли,  
Кенг хазина мисоли  
Тўлиб тошган — бир жаҳон,  
Дафтар, сиёҳ, қаламдон,  
Катта-кичик папкалар,  
Қийим бошлар, шапкалар,

Ҳатто перодан тортиб  
Кераги бор, батартиб.

Уйлаб кам-у кўстингни  
Уқув қурол-дўстингни  
Барчасин этсанг тайёр,  
Бўлажаксан миннатдор.

Келганида сентябрь,  
Мактаб бориб сен дадил,  
Постда турган аскардай  
Дарсингни бошлайсан шай.

\* \* \*

Уқувчилар, болалар,  
Амакилар, холалар,  
Эшитмадим деманглар,  
Сўнг пушаймон еманглар,

Эсингиздан чиқмасдан,  
Яхшиси, кечикмасдан  
Келаверинглар тезда,  
Гавжум бўлган шу кезда,  
Бозормисан, нах бозор,  
Ҳамма керак нарса бор.

## **Ассалом, мактабжоним!**

**(Декламация)**

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним,  
Соғиниб келдим сени,  
Танияпсанми мени?  
Бултурги ўқувчингман,  
Сени энг севувчингман.

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним!

Азиз ўқитувчилар,  
Илмим бойитувчилар.  
Директор, илмий мудир,  
Ҳаммалари бирма-бир,  
Ўтишди кўз олдимдан,  
Ҳеч чиқишмай ёдимдан.

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним!

Лагерда мен олдим дам,  
Куч йиғдим, бўлдим бардам.  
У ер ҳам маза эди,  
Бағрингга келдик энди.  
Биз сенинг гуллариңгиз,  
Қиз-у ўғиллариңгиз.

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним!

Енглари шимарамиз,  
Фан чўққиси — маррамиз.  
Унга дадил чиқамиз.  
Ҳунарда чиниқамиз.  
Бизларга бағрин очган,  
Кундан-кун қадри ошган,

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним!

1966

## Мактаб ёнидан ўтганда

Бир мактаб ёнидан ҳар кун ўтаман,  
Синфларга бир зум қулоқ тутаман.  
Синфлар жимжитдир, дарс борар бунда,  
Турли хоналарда турли мазмунда.  
Халақит бермай деб юраман аста,  
Дил билан боқаман олам ҳавасда...

Бунда ўқишади ажойиб авлод,  
Булар келажакни этувчи обод,  
Очмоқчи бўлганлар эртага Марсни  
Ҳозирча тинглашар бу ерда дарсни.  
Бунда ўқир ҳозир зўр шоир, олим,  
Айтишга жуда ҳам кўпдир мисолим.  
Бунда таълим олар ўғлим, қизим ҳам,  
Бунда ўқигандай гўё ўзим ҳам,  
Дарслар ўтаётган ўқитувчига,  
Сабр-тоқатига, билим кучига —  
Қойил қоламан-у, ўқийман таҳсин,  
Дейман: «Кўксингизга ҳаёт гул тақсин».  
Менга билим завқи бағишлар илҳом,  
Мактабга дилимдан айтаман салом.  
Бу жойни б~~о~~р умр мақтасам арзир,  
Мактабни ҳурматлаш ҳаммага қарзир.

1965

## Магнитли бола

Оилада Хатамжон  
Кенжатой ўғлон.  
Нима учундир унга  
Барча меҳрибон?  
Акаси, опаси бор,  
Яхши улар ҳам.  
Улардан ҳам бошқача  
Бизнинг бу Хатам.  
Ҳамма уни эслайди,  
Барчага ёқар.  
Лекин баъзи болалар  
Бунга туюқар.  
Бири-биридан улар  
Сўрашар гоҳо:  
— Магнит бормикан-а.

Хатамжонда ё?  
Уларнинг саволида  
Йўқ сира шубҳа.  
Хатамжоннинг ажойиб  
Магнити бор, ҳа!  
Хатамжоннинг магнити:  
Маъноли сўзи,  
Иссиқ салом-алиги,  
Офтобдай юзи.  
Ҳар босган қадамига  
Берар эътибор.  
Юриш-туришида ҳам  
Бир илиқлик бор.  
Кулиб турар гул каби  
Ҳар бир одамга.  
Этар магнит хизматин  
Булар Хатамга.  
Уни яхши кўради  
Ўқитувчи ҳам.  
Дафтаридаги «5» лари  
Магнит чинакам.  
Одатдаги магнитлар  
Тортар темирни,  
Ҳаммангиз ҳам биласиз  
Бу олдий сирни.  
Хатамжоннинг магнити  
Юракни тортар.  
Ана шундай боланинг  
Обруйи ортар.

1967

## «Беш» олдим, «беш»!

Бугун ҳамма ёқ қойил,  
Шундай бўлса бутун йил,  
Кулиб боқар қуёш ҳам,  
Хурсандлар ойим, дадам.  
Ҳатто вожатий опа  
Мендан эмаслар хафа.  
Ут чақнар оёғимдан,  
Нақ оғзим қулоғимда.  
Дўстлар саломи иссиқ,  
Қалбимда шодлик тўлиқ.  
Ўқитувчи ҳам мамнун.  
Билсангиз, ахир бугун  
«5» қўнган табелимга.  
Қувват тўлган белимга,  
Завқим сифмас дилимга.  
«3», «4» олиб юардим  
«5» ёнига етолмай,  
Ё довондан ўтолмай,  
Баъзан хаёл сурардим.

Бир ерга қўйиб кўнгил,  
Дарсларимни астойдил —  
Ўқидим такрор-такрор.  
«Қайтаришда кўп гап бор»  
Дердилар ўқитувчим.  
Ишонмас эдим гоҳо  
«5» га етмас деб кучим,  
Олиш қанақа баҳо  
Боғлиқ экан ўзимга.  
Ишонинглар сўзимга.  
Айтиб қўяй бу ёғин,  
Мақтанчоқ деманг тағин.  
«Беш»им жуда ҳалол «беш»,  
Энг биринчи ниҳол «беш».



Шундай қилиб, дўстларим,  
Айтсам юрак сўзларим,  
Юришиб қолиб ишим,  
Кўпайиб кетар «беш»им.

1967

## Қандай исм чиройлик?

Ҳар бир уйнинг томи бор,  
Ҳар боланинг номи бор.  
Бир синчиклаб кўрайлик,  
Қандай исм чиройлик?

Мана кимдир «Тешабой»,  
Баъзи бировлар-чи, «Вой —  
Шу ҳам исм бўптими?»  
Деб қисади кифтини.  
Боймикан тешага ё?  
Яна бор қандай маъно?  
Бўлса керак бир сабаб,  
Олдин кўрайлик ўйлаб.  
Ном танлаш ҳозир эркин,  
Бизда жуда кўп «Эркин».  
Озми дарёда тўлқин,  
Кўпдир дунёда Тўлқин.  
Жасур, Қўрқмас, Дониёр,  
Буларнинг маъноси бор.  
Ҳар бир ўғил-қиздаги  
Номларни айтай сирин,  
Ота-она истаги  
Ҳар исмда яширин.  
Табассум, Асал, Дилдор,  
Баҳодир, Ойдин, Гулнор.  
Бу номлар қандай яхши,  
Борми буларга қарши?

Уйласам шу замони,  
Номларнинг йўқ ёмони.  
Дўстим турсин эсингда,  
Доғ бўлмасин исмингда!  
Номингга қўш яхшилик,  
Яхши одоб — яхши хулқ.  
Юзинг бўлади ойдек,  
Исминг бўлар чиройлик.

1965.



## Издан хат борди қизидан

Табассумнинг адаси  
Кетувди узоқ юртга,  
Езнинг иссиқ палласи —  
Дам олишга — курортга.  
Бир хат борди издан  
Табассумхон қизидан.  
Хатмисан, ажойиб хат,  
Уқиган қилар роҳат.  
«Соғинчли салом» хати  
Езишнинг бор санъати.

Дейишгани чин экан,  
Шундай бўлар хат деган.  
Дам олинг деб бемалол,  
Сўрабди ҳол-у аҳвол.  
Ҳатто оби-ҳаводан,  
Ва сўрабди даводан,  
Семирган, озганидан,  
Нималар ёзганидан,  
Кўнглини билиб-билиб,  
Узоқни яқин қилиб,  
Билдирибди меҳрини,  
Кўрсатибди зеҳнини.  
Ҳар гапида бор тартиб,  
Катта-кичикдан тартиб —  
Хабар берибди бир-бир,  
Нақ хати «б»га арзир.  
Сираям йўқ хатоси,  
Жуда ёқар маъноси.  
Ҳаммамиз соппа-соғ, дер,  
Кўнглимиз доим чоғ, дер.  
Тез-тез ёзиб туринг хат,  
Деб берарди маслаҳат.  
Ҳаммадан салом, дебди,  
Ачом-ачалом, дебди.  
Дадасининг изидан  
Хат боради қизидан.  
Хатмисан, ажойиб хат,  
Ўргатганига раҳмат.  
1967.

## **Бахтиёр Бахтиёрлар**

Жиянимни бир куни  
Учратдим-да, мактабда,  
Бахтиёр дея уни —  
Чақирсам-чи шу тобда

Бешта бола гур этиб  
Енимга келди етиб.  
Барчасининг оти ҳам  
Бахтиёр экан, билсам.  
Бешови бир классда  
Ўқишар-кан беш — аъло.  
Ҳар бирин дейсиз гўё  
Бежирим бир гулдаста.  
Қадди-бастлари етук,  
Тақволишган галстук.  
Барча боқар ҳавасда.  
Бир она боласидай,  
Бир баҳор лоласидай,  
Шундай бешта Бахтиёр  
Бир-биридай бахтиёр.

Кейин мен санаб юрсам,  
Бизнинг маҳаллада ҳам  
Бундай Бахтиёр деган  
Қирқ бир бола бор экан.  
Бири ҳали чақалоқ,  
Бири семиз — бақалоқ.  
Биридан чиққан мўйлов,  
Бири шўх гўё олов  
Биттаси бўлса найнов,  
Бири жиззаки, тажанг,  
Бири хиёл лапашанг.  
Бири-биридан бошқа,  
Ҳаммаси ҳар хил ёшда.

Мана сизга биттаси,  
Энг новчаси — каттаси.  
Ўнинчини битириб,  
Ишлаб юрар астойдил  
Сельмаш заводга кириб.  
Кўрган, билганлар қойил.

Қаранг, битта Бахтиёр  
Музикага ишқибоз.  
Кўплар дер: таланти бор,  
Қўлга олибғижжак, соз  
Чала бошласа шундай,  
Тошни ҳам эритгундай  
Атрофга куй таратар,  
Дилларда завқ яратар.

Тағин битта Бахтиёр,  
Бериб туринг эътибор.  
Ҳар иш келар қўлидан,  
Буюрса бирор юмуш  
Бажарар чин кўнглидан.  
Баъзан тузатар примус  
Ўғил бола бўлса ҳам,  
Уялмасдан сира ҳам  
Ҳатто ҳовли супурар,  
Кейин дарсга ўтирар.  
Унинг зеҳни ҳам ўткир,  
Доимо «беш»га ўқир.  
Қаттани қилар иззат,  
Кичикни эса ҳурмат.  
Юриш-туриши, ўзи  
Барчага очиқ юзи.  
Отасию онаси,  
Аммасию холаси,  
Мактабда ўртоқлари,  
Танишларининг бари  
Ундан мамнун ва хурсанд.  
Ҳурмат, обрўйи баланд.  
Ҳар ёққа етар ақли,  
Чиндан мақтовга ҳақли .

Шундай қирқта Бахтиёр  
Қирқ хил фазилати бор.

Бири-биридан яхши  
Аммо битта Бахтиёр —  
Бордир, мен унга қарши.  
Ўтакетган жаҳлдор,  
Салга бўлади тажанг,  
Мактабга қатнар аранг.  
Қулоғига кирмас дарс,  
Унга ўйин бўлса бас.  
Насиҳатга дод солар,  
Дарров ерга ётволар.  
Мактабдан кела солиб,  
Битта коптокни олиб  
Кўчага чиқиб кетар.  
Унинг бундай ишига  
Дарслардан «2» тегар,  
Дўстлардан дакки еяр.  
Шу битта Бахтиёрга  
Бахтиёр деб бекорга  
Ном қўйилган экан-да?!  
У ҳам тез тузалганда  
Жуда ҳам соз бўларди.  
Кўнглим роса тўларди.  
Худди тузалган куни  
Қирқ биринчи деб уни  
Бахтиёрлар сафига  
Уни ҳам киритардим.  
Янги бир шеър битардим.  
«Нега Бахтиёр деган  
От жуда ҳам кўп экан?»—  
Дея сўраб қоларсиз,  
Шундай жавоб оларсиз:  
Ешлигимиз бахтиёр  
Шунинг-чун кўп Бахтиёр.  
Мана талай Бахтиёр,  
Бир-биридан бахтиёр.

1959

## Сен дўстимсан, доскажон!

Доска, доска, доскажон,  
Сен дўстимсан ҳар қачон.

Кулиб қуёш нурида,  
Синфимизнинг тўрида  
Турасан сен иззатда,  
Иззатда-ю хизматда.  
Рангинг бўлса ҳам қора,  
Барча ишинг оқ, сара.

Уқитувчи чақирса,  
Шу заҳоти мен эса  
Тез чиқаман ёнингга.  
Билганларим ёдимга  
Тушар-да, бўламан мард,  
Айтавераман шарт-шарт.  
Суянган тоғ бўласан,  
Яқин ўртоқ бўласан.  
Қўлимда оқ бўр билан,  
Юзингда ҳузур билан  
Ишласам ҳар масала  
Бўлмайди хато, чала.  
Олганимда «беш» баҳо  
Кўнглим бўлар-да баҳор,  
Қайтиб борган жойимда,  
Сендан бўлиб миннатдор  
«Шу олган баҳойимда  
Сенинг ҳам хизматинг бор».  
Дея кулиб қўяман,  
Сени яна суяман.  
Айтаверсам таърифинг,  
Хизматларинг, тарихинг  
Сигмас дафтар-қоғозга,  
Мақтовинг ўхшар озга.

Ойна каби ярқираб  
Турасан бизга қараб.  
Гўё телевизорсан,  
Хизматда жуда зўрсан.  
Паҳлавон қулочинг бор,  
Юқтирмайман гард-ғубор,  
Неча-неча мартадан  
Юзларингни артаман.  
Хизматингни ҳеч қачон  
Унутмайман, доскажон.


1964

## Чумоли билан Мирсоли

Дарс тайёрлаб ўтирарди Мирсоли,  
Ҳадеганда чиқмас эди мисоли.  
Ҳар хил йўлда ишлаб кўрди, бўлмасди,  
Хуноб эди, кўнгли асло тўлмасди.  
«Энди сира ишлолмасман, эҳтимол»,  
Дея умид узган, сурар минг хаёл.  
Қарасаки, токча томон Мирсоли  
Юқорига ўрмалар бир чумоли.  
Чиқарди сал, тушар яна йиқилиб,  
Уйларди у: «чиқволсин-да ишқилиб»  
Йиқилса ҳам интиларди юқори,  
Охирида келмай қолди мадори.  
Дам олди-ю яна қилди ҳаракат,  
Дейилгандай ҳаракатдан баракат.  
Охир чиқди юқорига чумоли,  
Уни кўриб чапак чалди Мирсоли.  
Мирсоли дер: «Одамман-ку мен ахир!»  
Яна ишга киришди у бирма-бир.  
Ўлжасини олиб тушди чумоли,  
Чиққан чоғда Мирсолининг мисоли.

1965





## Қуёшжон Садирни қидирди

Садиржон қуёшни севарди,  
Қуёшжон унга нур сепарди.  
Садиржон қўшиқлар айтарди,  
Қўшиқла қуёшни мақтарди.  
Мақтовдан эрирди қуёшжон,  
Бўлишган энг яқин — қадрдон.  
Эрталаб иккови учрашиб,  
Дўстлардай қўлларин ушлашиб,  
Кезишар далалар, боғларни,  
Утказиб энг ширин чоғларни.  
Садиржон чўмилса кўлларда,  
Қуёшжон иситар йўлларда.  
Боғига гул экса Садиржон  
Қуёшжон нур берар ҳар қачон.  
Садиржон қуёшда чиниқиб,  
Ухларди тонггача тиниқиб.  
Ҳар куни уйғонган заҳоти —  
Дўстларнинг учрашиш одати.  
Бир куни қуёшжон қараса,  
Садир йўқ, қидирди у роса,  
Топмади боғдан ҳам, кўлдан ҳам,  
Мириқиб чўмилган кўлдан ҳам.

Қидирди Қуёшжон, қидирди,  
Топмади, топмади Садирни...  
Садиржон кирволиб панага,  
Жой солиб қоронғу хонага,  
Кун бўйи донг қотиб ётарди.  
Росаям хурракни отарди.  
Уйқуни ширин деб билди у,  
Уйқунинг буйруғин қилди у.  
Энг яқин ошно деб сайлади,  
Қуёшдан сабабсиз айнади.  
Шу зайил, бўлди у касал чин,  
Гриппга йўлиқди, бу гап чин.  
Олдинги Садирмас, ўзгарди,  
Ранг-рўйи сарғайиб бўзарди.  
Қуёшжон чиқиб сўз устидан,  
Хабарлар изларди дўстидан.  
Қуёшжон нурини тараса,  
Дераза кўзидан қараса,  
Садиржон ётарди ўрнида.  
Уйғонди у қуёш нуридан.  
Қуёшжон:— Садиржон, тур!— деди,  
Мен билан очикда юр,— деди.  
Маъқуллаб Қуёшжон гапини,  
Садиржон тан олди айбини.  
Садиржон ҳар кун чиниқар,  
Қуёшни кутишга ошиқар.  
Садиржон қуёшни севарди,  
Қуёшжон нурларни сепарди.

1972

## Мактабга кечикма

Баъзи бир хил ўқувчи  
Мактабга шошмай борар.  
Етмасми мадор-кучи,  
Гўё хоҳламай борар.

Мактаб мисоли кема,  
Фан кўлида сузади.  
Ўтилар янги тема,  
Янгилик тез ўзади.  
Баъзи бир хил бола бор,  
Уйига шошиб қолар.  
Ҳафтада икки, уч бор  
Дарсидан қочиб қолар.  
Билгин, дўстим, нечоғлик,  
Мактаб вақти ўлчоғлик.  
Орзуда тошиб боргин.  
Мактабга шошиб боргин,  
Қолоқликни йиқасан,  
Фан боғидан чиқасан.  
Мактабда дарс кутади,  
Билимдан гул тутади.  
Бордир улуғ қонда:  
Мактабга шош, кечикма.  
Уйинг турар жойида,  
Уйингга кўп ичикма.

1972

## Бемаза орзу

Бир боланинг бор эди  
Фақат икки орзуси,  
Эшитганинг келарди —  
Орзусига кулгуси.

Унинг учун ўқишда  
«2» — ёмон бўлмаса;  
Чоракларда, йил бўйи  
Ҳеч имтиҳон бўлмаса.

Истаклари хом жуда,  
Нега қатнар мактабга,

Яхши ният қилса ким,  
Етар турли мақсадга.

Орзу қилсин у доим  
«2» баҳо олмай деб.  
Орзу қилсин, майлига,  
Имтиҳондан қолмай деб.

Ҳеч қаерда ўтмайди  
Бундай «орзу» — бемаза.  
Ахир бундай болани —  
Дейилар ғирт дангаса.

1972

## **Қўл кўтариб қўлга тушди**

Бир ўқувчи бор  
Дарс пайти нуқул,  
Мен айтаман деб,  
Кўтаради қўл.

Ўқитувчиси —  
Билар экан деб,  
Ундан сўрашни  
Кўрмас эди эп.

Суриштирганда —  
Гапнинг тагини,  
Яширар эди  
Билмаслигини.

Бу ҳолат ҳар кун  
Давом этарди.  
Бир кун у яна  
Қўлин кўтарди.

Уқитувчи дер:  
— Майли айтақол,—  
Жавоб беролмай  
Бола ўсал-лол.

Дарвозасига  
Урилгандай гол,  
Қўлга тушганди  
У кўтариб қўл.

1972

## **Мақтовдан бўшашди**

Уқитувчи мақтади  
Маҳкамжонни яқинда.  
Тезда шов-шув таралди  
Мақталгани ҳақида.

Хўш, мақтовдан Маҳкамжон  
Қандай сизди ўзини?  
Қилди нуқул писанда  
Уқитувчи сўзини.

Бундан чиқди, Маҳкамжон,  
Мақтовга тез берилди  
Кўча, уйда, мактабда  
Ким кўринса керилди.

Уни бундай мақтовлар  
Талтайтириб ташлади.  
Дўстларининг кўнглини  
Анчагина гашлади.

Юришини кўрсангиз  
Вамисоли ғоз дейсиз.  
Думоғ-бурни осмонда,  
Балки фаҳми оз дейсиз.

Ўрнак бўлиш ўрнига,  
Тез адашди Маҳкамжон.  
Исми Маҳкам бўлса ҳам  
Тез бўшашди Маҳкамжон.

Маҳкам пухта ўйласа,  
Мақтов қийин дарс эди,  
Яна яхши бўл деган  
Мақтов унга қарз эди.


1972

## Кўргандан ўрган

Берилиб оқшомлари  
У кўрар телевизор.  
Ҳар нарсани билишга  
Эҳтимол ҳаваси зўр.  
У икки-уч соатлаб  
Сарф этар кўзидан нур.  
Қизиқ-қизиқ воқеа  
Балки беради ҳузур.  
Лекин кўрганларини  
Унутади у дарров.  
Ақли, кўзи жойида,  
Сира ҳам эмас меров.  
Олтин вақти ўрнига  
Ололмаса ҳеч фойда,  
Кўргандан ўрган деган,  
Бор-ку тартиб-қоида.  
Кўрдингми деб сўрашса,  
Жавоби:— эсимда йўқ.  
Тер босиб хижолатдан  
Қилади кўзини лўқ.  
Ҳар ҳодиса, гапларга  
Синчиклаб солсин назар,

Яхшидан олиб ўрناق,  
Емондан этсин ҳазар.  
Хаёл, ақлин қочирмай  
Зеҳн қўйиб кўрганлар,  
Пухта-ҳушёр болалар  
Кўрганидан ўрганар.

1972



## Қайси бола эрта турса...

Қайси бола эрта турса;  
Қутиб олар тонг, офтобни,  
Кузатади кенг атрофни,  
Завқи, фикри бўлар янги,  
Таъби доим жуда енгил.  
Қайси бола эрта турса:  
Тоза ҳаво шимиради,  
Муқуллари семиради,  
Тани-жони бўлар соғлом,  
Дангаса деб олмайди ном.

Қайси бола эрта турса:  
Тўйиб кўрар юрт чиройин,  
Маза қилиб ичар чойин,  
Кечикмайди мактабидан,  
Четда қолмас дўст сафидан.

Қайси бола туролмаса  
Етса агар ижирганиб,  
У болани бўлмас таниб...  
У ҳаммадан қолар кейин,  
Кун кўриши бўлар қийин.

Қайси бола турса эрта  
Обрўй топар ҳамма ерда.

1972



## Ўрдакча, жўжа ва шумшук мушук

Бир ўрдакча, митти жўжа —  
Дўст бўлишди куни кеча.  
Кенг далада ўйнар икков,  
Мушук эса пойларди ов...  
Жўжа дейди:  
— Эй, ўрдакжон,  
Мушук ётар, қоч, ўртоқжон!



Урдак қочди алпон-талпон,  
Қувиб қолди мушук полвон.  
Урдак ўзин кўлга отди:  
Сув четида мушук қотди.

Жўжавойни қилай деб ов  
Мушук уни қувлар дарров.  
Жўжа шу пайт қочди ғизза,  
Мушук яна бўлди изза.  
Урдакча ва жўжа чаққон,  
Қутулишди омон-эсон.  
Қора ният қилган мушук  
Шундай қилиб бўлди шумшук.

1967

## **Ғаниқулнинг каникули**

Шу кунларда Ғаниқул,  
Қилиб юрар каникул.  
Каникулда бояқиш  
Бўлмайдди деб дарс, ўқиш  
Нуқул бекор юрарди,  
Қуруқ хаёл сурарди.  
На китобга қарайди,  
На бир ишга ярайди.  
Юрар фақат аланглаб,  
Овқат ейди яланглаб.  
Ҳеч ким назарга илмас,  
Ўзи ҳам борми, билмас.  
Йўқ бўлса излашмайди,  
Бор бўлса эслашмайди.  
Тоғ-лагерга чиқмайин,  
Яхшилаб чиниқмайин  
Ўз танасин судрайди.  
Юрганида мудрайди.

Ҳар бир куни ҳаётда  
Из қолдирсин у ёдда.  
Шундай ўтса каникул,  
Қандай ўқир Фаниқул.

1971

## «Қий-ку-қу»нинг маъноси

Эрта тонг маҳал  
Хўроз қичқирар.  
«Қий-ку-қу»сидан  
Кўп маъно чиқар:  
«Қий-ку-қий-ку-қу...

— Эй Қуёш бобо,  
қий-ку, қий-ку-қу...  
Ёришсин ҳар ён  
Сочинг нур-ёғду.  
Қий-ку, қий-ку-қу...

— Туринг болалар,  
Қий-ку, қий-ку-қу...  
Ланж бўлиб қолманг  
Тугасин уйқу...  
Қий-ку, қий-ку-қу...

— Одат бўйича,  
қий-ку, қий-ку-қу...  
Зарядка қилинг,  
Ҳаво тоза-ку...  
Қий-ку-қий-ку-қу...

— Эсда тутинглар,  
қий-ку-қий-ку-қу...

Қим гапга кирса  
Соғлом бұлар у,  
қий-ку-қий-ку-қу...

1971



## Писандачи бола

Ойиси иш буюрса  
Унга баъзида,  
Шу заҳоти, қўрс жавоб  
Тайёр оғзида:  
— Ишлайманми мен ҳадеб,  
Қилсин-да акам...—  
Бўлиб қолгандай гўё  
Бирор ери кам.

Ҳар бир қилган ишини  
Санаб юрар у.  
Эзмалардай ўзича  
Саннаб юрар у.

Ота-она, акаси  
Битта оила,  
Оилада бор ахир  
Тартиб-қонда:

Ўз ўрни бор ҳар кимнинг,  
Ўз қилар иши,  
Қатталарда бўлади  
Ҳаёт ташвиши.

Ўз ўйининг ишини  
Қилса писанда,  
Кўпчилик ишида-чи  
Бўлар шарманда...

1971

## **Ёмонлар келар қайдан?**

Яхшилардан сўрайман  
— Ёмонлар келар қайдан?  
Баъзилар ўйлаб қолар,  
Баъзи бирлар дер:— Қайдам...

Яна ўйга толаман,  
Туғиларми ё ёмон.  
Туғилмаса кераг-ов,  
Яна қиламан гумон.

Борлар доно бобомлар,  
Қойил жавоб бердилар,  
Сабаб ва асосига —  
Мисолларни тердилар:

— Ёмон ҳеч туғилмайди,  
Шуни билиб қўй, ўғлим.  
Биринчи жавобдан-оқ  
Ёришган бўлди кўнглим...

— Ёмонликнинг асоси  
Энг аввал бекорчилик.

Бекорчининг қилмиши  
Турган гап беорчилик.

Бекорчининг бўлганмас  
Асло яхши тилаги.  
Зерикади доимо  
Увишади юраги.

Қўлмак сувдай сарғайиб  
Ранги-рўйи ўчади.  
Хаёллари бузилиб  
Ёмонликка кўчади.

Бу ҳолдаги касаллик  
Жуда ҳам тез юқади.  
Микроблари кўпайса  
Полвонни ҳам йиқади.

Бекорни кўрган замон,  
Тортинма, олгин қўлга.  
Бошла, меҳнат дейилган  
Ажойиб ойдin йўлга.

У меҳнат мактабида,  
Яхшиликка йўл олар.  
Бекорчилар — ёмонлар  
Шу йўсинда йўқолар.

1971

## **Ўқитувчи баҳо қўйганда**

Дарс пайтида олганинда «беш»  
Ҳамма ёқдан ёғади олқиш,  
Қим севинар, қани билгин-чи,  
Барчадан ҳам бўлиб биринчи?

Уқитувчинг биринчи бўлиб —  
Мийиғида қўяди кулиб.  
Қўяётиб бешлик баҳони  
Қўяётган бўлар ўзига.  
Яйраб кетар кўнгли, виждони,  
Эҳ, қарасанг шунда кўзига...  
Дарс чоғида олсанг-чи «икки»,  
Уқитувчинг ҳоли сезилар.  
Нимадандир егандай дакки  
Юрак-бағри роса эзилар.  
Жавобингга «2» баҳони  
Ҳеч қўйгиси келмай туради.  
Хира бўлиб кўнгли — виждони  
Ачинади, хаёл суради...  
Гўё юрак дафтарига доғ  
Томгандайин бўлади шу чоғ.  
Синфга ҳам ғашлик чўккандай,  
Шодлик гули баргин тўккандай,  
Ҳамманинг ҳам тушар қовоғи,  
Сенга аниқ гапнинг у ёғи...  
Хизмат қилиб, шунда бериб дарс,  
Эзилиши асти яхшимас.—  
Ўз меҳнати кетганда бекор  
Ким бўлмасин, чекади озор.  
Эҳ, «5» олиб чаманга кирсанг,  
Гулдан кўчар юзларингга ранг.  
Ошиб борар ҳурмат, обрўйинг,  
Севинади маҳалланг, уйинг.  
Қирганингда ҳатто эшикдан,  
Қийқиради уканг бешикдан.  
«2» олсанг, не деркин отанг?  
Онанг эса дейди: «уҳ, аттанг...»  
Шу сабабдан доим олсанг «5»,  
Ҳамма ёқдан ёғади олқиш.

1971

## Ҳунарли ва ҳунарсиз

Ҳунарлиг-у ҳунарсиз  
қандай бўлар?  
Бир-бирига тескари  
доим улар.  
Ҳунарликнинг юриши  
йўрға-йўрға.  
Ҳунарсизнинг туриши  
зўрға-зўрға.  
Биттасининг қўлида  
ғайрати бор,  
Биттасининг кўнглида  
ҳасрати бор.  
Биттасининг гап-сўзи  
илиқ бўлар.  
Биттасининг ҳар сўзи  
совуқ бўлар.  
Биттасининг меҳнатда  
қўли ўйнар,  
Биттасининг ҳайратда  
кўзи ўйнар.  
Ҳунарликни мақташга  
сўз етишмас,  
Ҳунарсизни ёзишга  
тил келишмас.  
Эй, болалар, мисолдир —  
булар сизга.  
Сира-сира ўхшаманг  
ҳунарсизга.

1971

## Ақлни кўп ишлатса камаярми?

Ақлни кўп ишлат дедим  
                                Битта ўғлонга,  
Шундай дерди сўзларимдан  
                                Қолиб ҳайронга:  
«Қар бир одам бор нарсасин  
                                Асрар, аяр-ку,  
Вой, ақлимни кўп ишлатсам  
                                У камаяр-ку?!»  
Эй, болалар, бу гап чинми  
                                У камаярми?  
Мийя номли сирли хумда  
                                Қоларми ярми?  
Барча билар, камаймайди  
                                Ишлатган сари,  
Ақл қанча ишлатилса  
                                Усар аксари.  
Ақл ноёб жавоҳирдай,  
                                Бошдир хазина.  
Билим билан тўлдиришга  
                                Ҳаракат — зина.  
Ҳаракатсиз қолган нарса  
                                Бўлгандай майиб,  
Ишламаса ақл бошда  
                                Қолар камайиб.

1971

## Узр сўрайман

Анча ёшга борсам-да ҳатто  
Ёшлигимда қилганим хато —  
Қарзим бордай гўё бировдан,



Виждонимни эгар безовта.  
Ҳаммасини эслаб баҳазур,  
Таъзим билан сўрайман узр.  
Ўша кезлар ақлим экан хом,  
Одамларга бермасдан салом —  
Утар эдим доим гердайиб.  
Эҳ, бу ҳолат жуда ҳам айб...  
Ҳамон дилда хижолат кезур,  
Тинчирманми сўрасам узр?  
Бир одамни сўкиб қочгандим,  
Қўрқиб боғдан боққа ошгандим,  
Утолмасдим ўша боғ томон.  
Номим бўлган палончи ёмон.  
Қилмишимга егайман таъзир,  
Кечармикин сўрасам узр?  
Бир кун менга буюришди иш,  
«Вой-вой жоним, оғрияпти тиш»  
Дея кўзни қилган эдим лўқ.  
Ўша тишим тушган, ҳозир йўқ.  
Елғонимдан кўнглим беҳузур,  
Бўйним эгиб, сўрайман узр.  
Физкультура дарсини гоҳо  
Керакмас деб ўйлардим, ҳатто  
Чиниқмади мускулим, таним.  
Эсга тушар қатнашмаганим,  
Ҳозир жоним оғрийди зир-зир,  
Бу ишимга келишмас узр.  
Уй ишини олдим кўчириб,  
Ўқитувчим «5» қўйди кўриб.  
Устозимни, демак, алдадим.  
Бу иш бўлиб ўтса ҳам қадим,  
Йўлга чиқиб ҳар кун мунтазир —  
Тайёрдурман сўрашга узр.  
Гуноҳларим барини ўзим  
Айтиш учун чидамас юзим.  
Эй, болалар, илтимосим бор:

Хатоларим қилманглар такрор,  
Сизлар учун имкон бор ҳозир,  
Кейин кетмас пушаймон-узр.

1971


## Илмдан одоб кучли

«Илмдан ҳам кучлидир одоб,  
Бу бир нақл, мағзи-тагин топ»  
Деб гапирган эдилар ойим,  
Уйлар эдим топишни доим.  
Уқиб чиқдим талай эртақлар,  
Нақл мени ҳамон етаклар.  
Излар эдим бирорта мисол,  
Ҳамроҳ эди ҳар ерда хаёл.  
Учраб қолди менга бир одам,  
Олим сифат эди чинакам.  
Балки уйи тўлиқ китобга,  
Ё етолмас ўзи ҳисобга.  
Кўрган одам уни хойнақой,  
Тўсатдан дер, заб илмга бой,  
Сочлари ҳам сават, жингалак,  
Кўп нарсадан берарди дарак.  
Балки, билар жуда кўп нарса,  
Бирор фандан агар баҳс борса,—  
Дарров унга қўшар луқма — гап.  
Билолмаса берар эди чап.  
Тош қўймасдан у тарозуга,  
Кўчар эди бошқа мавзуга.  
На гапининг илиғи бордир,  
На ёқимли қилиғи бордир.  
Ўз кўнглида гўё шундай дер:  
«Аввал ўзинг менга салом бер!»  
Илмим бор дер роса тўрсаяр,  
Қочадилар уни кўрсалар.

Гўё ундан тўйишган эди,  
Гацлашмасдан қўйишган эди.  
Шундай одам, айтинг, яхшими  
Чиқиб қолса четга — чиқитга?  
Билимга бой шундай йигитга  
Бирданига ҳамма қаршими?!  
Учраб қолди яна бир одам,  
Одобга бой эди чинакам.  
Ҳамма ерда тополган эъзоз,  
Илми каби одоби ҳам соз.  
Сохта обрў ахтармас эди,  
Билимини мақтанмас эди.  
Бирор одам берганда сўроқ,  
Ҳурмат билан тутарди қулоқ,  
Сўзларининг бордай асали  
Суҳбати кўп эди мазали.  
Кекса-ёшга эди бир хилда,  
Бир хилдаги энг ширин тилда —  
Очар эди юрак — қалбини,  
Билдирарди одоб қадрини.  
Икковини, қаранг, яқинда  
Учратгандим бир тўй — йигинда,  
Ҳў, олдинги, «илм»ли йигит  
Кириб келди амалдор тахлит.  
Кўринишда димоғ осмонда,  
Бош силкитар аҳён-аҳёнда.  
Аммо ҳеч ким бермас эътибор,  
Деган каби гўё нари бор.  
Ҳатто «келинг» дея айтишмас,  
Кўриб туриб йўлдан қайтишмас...  
Келган эди одобли йигит,  
Бирдан барча дилида «йилт-йилт»  
Гўё чироқ ёнгандай бўлди,  
Ён-берига одамлар тўлди,  
Дарров «келинг-келинг» дейишди,  
Ҳурмат билан тўрга элтишди.

Мана, кўринг икки хил ҳолат,  
Икки одоб икки хил одат.  
«Одоб кучли эрур билимдан»,  
Деган нақл ўтди дилимдан.  
Ҳар бир одам олган билмини,  
Билим тўла ақл-у дилини —  
Одоб-таълим билан безаса  
Бўлар эди росалик маза...  
Билимининг нафи тегарди,  
Халқи доим раҳмат деярди.

1971



## Болалар сартарошхонаси,

Сочни олдирмасликка,  
Топманг баҳона,  
Очилибди биз учун  
Сартарошхона.

Уйнинг ичи чинакам  
Ухшар эртакка.

Доим тайёр усталар  
Хизмат этмакка.

Ишонарсиз дўстларим,  
Сизлар хойнаҳой,  
Стулларнинг ўрнида  
Эгарланган той.

Истасангиз баҳайбат  
Филга минасиз.  
Деворларни кўрибоқ  
Маза қиласиз.

Шохдор буғу устида  
Ўлтириш қулай.  
Баъзи қўрқоқ болалар  
Ииғлар қочгудай.

Усталарнинг қўли гул,  
Ўзи меҳрибон.  
Сочингизни олишар  
Қийнамай — осон.

Очилади яна ҳам  
Гул чиройингиз.  
Севиб босар бағрига  
Опа, ойингиз.

Эй, болалар, қайтишда  
Бўлиб мулойим,  
Хизмат қилган устага  
Раҳмат денг доим.

1964

## Дарахтлар ҳам қилишармиш физкультура

Физкультура қилишарми  
Дарахтлар ҳам аслида?  
Физкультура қилишмаса  
Усмас кўклам фаслида.

Дов-дарахтлар қиш келганда  
Ўсишдан сал тўхташар.  
Қитобимда ёзилгандай  
Дам олишар, ухлашар.

Уйғотади дарахтларни  
Илиқ кўклам шамоли.  
Аста-секин тебранишар  
Уйғонишган мисоли.

Тонг машқини — зарядкани  
Бошлаганда шамол — ел,  
Дарахтлар ҳам туришар шай,  
Командага боғлаб бел.

Ҳаракатдан аста-секин  
Ҳар дарахтнинг новдаси  
Томирлардан сув олади,  
Яйраб борар гавдаси.

Томирлардан сув югурса  
Озиқ олар ҳужайра,  
Шамол дейди:— Дарахт дўстим,  
Зарядка қил, ўс, яйра!

Офтоб чиқар, илиқ нури  
Жуда-жуда ёқади,

Куртак ёзиб дарахт шохи,  
Гул кўз билан боқади.

Физкультура қилган ниҳол  
Шох отади — ўсади.  
Шамол эса сира тинмай —  
Боғ оралаб эсади.

Шамолнинг ҳам ҳиссаси бор  
Пишса дарахт меваси,  
Шамолга ҳам раҳмат десин,  
Ҳар дарахтнинг эгаси.

Оғайнилар, билиб қўйинг,  
Тонгдаги машқ — зарядка  
Ниҳолга ҳам, одамга ҳам,  
Кетмайди ҳеч зарарга.

1962

## **Бўш жой**

I

Троллейбусга тушиб  
Борарди Холиқ.  
Юмшоқ жойга ўлтириб  
Оларди ҳордиқ.  
Остановка бўлганда  
Чиқди бир киши,  
Сал касалга ўхшарди  
Ранг-кўриниши.  
Холиқ унга қараса  
Қирқ беш ёшларда:  
«Жой берардим қариган  
Бўлса агарда».

Турар Холиқ ёнида  
Жойин берар деб,  
Холиқ эса кўрмади  
Жой беришни эп.

## II

Ғиллар ўтгач,  
Холиқ ҳам  
Ошган қирқ бешдан.  
Троллейбусда бир кун  
Келарди ишдан.  
Бир бола дарров унга  
Берди ўрнини,  
Холиқ ака роҳатда  
Сезди ўзини.  
Тортгандай бўлди гўё  
Биров бурнидан.  
Холиқ ака қизариб  
Турди ўрнидан.  
Холиқ ака тик турар  
Бўш жой ёнида.  
Чунки ўзин қилгани  
Тушди ёдига...

1955

## Зарда

Уй вазифасин шошилиб Собир  
Бадалникидан кўчирди бир-бир,  
«Бадал оғайним саҳий-да жуда»,  
Дея ўйларди Собир ичида.  
Ўқитувчи ҳам текширди аста,  
Ишлар пачава бўлди бирпасда.  
Иккита «2» олишди ночор,  
Иккала ошна мисоли бемор.  
Мўлт-мўлт қарашар «2» баҳога,



Собир ўзича топди баҳона:  
— Оғайни Бадал, манави «икки»  
Меники эмас, асли сеники,  
Ишлаганларинг хато экан-ку,  
Иккинчи сендан олмайман!— дер у.  
Собир шу хилда қилди хўп зарда,  
Нима дерди «5» олса агарда?  
1955

## Бекоржон

Кўча бўйлаб санқирди  
Бекоржон ўзи.  
Анграярди атрофга  
Жавдираб кўзи.  
Йўл четида қуради  
Усталар бино.  
Бекоржон қараб қолди,  
Қўргандай кино.  
Тайёр уйлар деворин  
Кўтарар кран.  
Ўтган-кетган тикилар  
Таажжуб билан.  
Икки соат айланиб  
Келса Бекоржон,  
Бир хона уй битибди,  
Бўлди у ҳайрон.  
«Қурувчилар ўз вақтин  
Тежаб астойдил  
Шундай ишлар қиларкан!»—  
Деб бўлди қойил.  
Аммо, ўзин кўп вақти  
Ўтгандан бекор —  
Хабари бормикан ҳеч?  
Уйласин бир бор.  
1963

# Чалавай

(Ҳазил)

Бўлган эди бир Чалавой,  
Танимассиз сиз, хойнаҳой,  
Таърифини қилсам баён,  
Чалачилар иши аён.  
Еши тўлган салкам ўнга,  
Иш буюрса кимдир унга...  
Пўқ демасдан киришади.  
Иш битмасдан керишади.  
Дангасалик касали тез —  
Қаердандир келар шу кез,  
Кетар ишни чала ташлаб,  
Чаккасини аста қашлаб.

У сочини олдирмоқ-чун  
Саргарошга кирди бир кун.  
Сочин ярми чала фақат,  
Чалавойда тугаб тоқат  
Чалабошда қочар гизза,  
Кўча, уйда роса изза...

Ухламасди тун бўйи у,  
Тонгга яқин босар уйқу,  
Шу сабабдан туради кеч,  
Дарсга етиб бормаган ҳеч...

Бир қўл билан бир юзини —  
Ювгач, тоза дер ўзини.  
Кийимни ҳам чала кияр,  
Овқатини чала еяр.  
Енг шимариб қилса-чи дарс,  
Унга тағин қилманг ҳавас,  
Уқимаёқ бир бет китоб,

Чидам — сабри бўлар-да, соб,  
Чиқаради сўнг масала,  
Масала ҳам қолар чала,  
Кўча чиқиб копток тепар,  
Уйин ҳам тез жонга тегар...

Тунов куни кеч вақтида,  
Бўлди қизиқ бир воқеа.  
Онаси дер: «Уғлим, тез бор  
Холангларни айтиб юбор».  
Холасининг уйи томон,  
Чала жўнар ўша замон.

Етиб борди қоронғида,  
Шошқалоқлаб жуда-жуда.  
«Ойимлар сизни чақиряпти,  
Борармишсиз»,— деган гапни  
«Ойимлар чақ...» дея айтар,  
Уйи сари ғизза қайтар.  
«Вой, синглимни нима чақди?»  
Дея сўраб эси чиқди.  
Чалавойча чала айтиш —  
Холасига бўлди ташвиш.

Кўча-кўйда тез югуриб,  
Хола келди халлос уриб...  
Учрашдилар сингил, опа —  
Чалавойдан бўлиб хафа.  
Чалавойнинг чалалигин  
Чала ҳолда ёздим, лекин —  
Бундай бола ҳеч қайда йўқ.  
Бўлаверсин кўнглингиз тўқ.

Огайнилар, укачалар,  
Ҳеч бир ишни қилманг чала!  
Ном олманглар Чалавой деб,

Бу ном сизга келмайди эп.  
Уйлаб топган Чалавойим,  
Мисол бўлиб юрсин доим.

1960



## Ғани қани?

[Бўлган воқеа]

— Ғани қани?

— Ғани қани?

Деб сўрайди уни ҳамма.

Уйда ҳам йўқ,

Ҳовлида ҳам.

Кўча эшик ёлиқ — тамба.

— Кирувди у дарсхонага

Дарсларини ўқигани...

Дейишар-у топишолмас,

— Ғани қани?

— Ғани қани?

Дарсхонада столида

Уй вазифа чала ётар.

Китоб-дафтар очиқ-сочиқ,  
Кўрган одам боши қотар.  
— Мактабидан келганмиди?  
Вой, чойини ичмабди-ку,—  
Онажони излар уни,  
Бечорани босар қайгу.  
Кўчани ҳам қарашади.  
Кўчада йўқ.  
— Ғани қани?  
Кўни-қўшни ёрдамлашар,  
Излашади маҳаллани.  
— Ғанижон-у, ҳувв... Ғанижон!  
Она кўнгли така-пука.  
Хуллас калом,  
— Ғани қани?  
Зир югурар опа-ука,  
Ғанисини энг биринчи —  
Онажони ўзи топди.  
Боғчадаги шафтолида  
Шафтоли еб ухлаб қопти...  
1966

## Холиқ ва қатиқ

Холиқнинг ойиси  
Юборар қатиққа  
Бу юмуш ёқади  
Доимо Холиққа.

Камаяр деб ўйлаб  
Ор қилар ичишга,  
Қир қўлин тиқади  
Холиқжон идишга.

Оғзидан баъзида  
Оқади сўлакай.  
Шу йўсин қатиқдан  
Ялайди йўлакай.

Холиқвой ўғридай  
Атрофга қарайди.  
Қатиқ ҳам озаяр,  
Ялайди, ялайди...

Болалар, борми ҳеч —  
Ухшашлар Холиққа?  
Уни-чи ойиси  
Юбормас қатиққа.  
1965

## **Эш билан эшик**


Дўстим, Эш, эшит,  
Арз этар эшик.  
Этиши «ғиқ-ғиқ»  
Йиғиси «пиқ-пиқ».  
Эшикни баъзан  
Тепиб очасан.  
Эшик сен учун  
Ишлар тун-у кун.  
Эшиклар арзи,  
Насиҳат — дарси.  
Келгач эшикка  
Тушсин эсингга.  
1965

## **Ҳакимжонга раҳмат дер ҳар ким**

Қўшним бор: тўрт оға-ини,  
Кўрганингиз бордир балким.  
Салим деймиз каттасини,  
Энг кенжасин эса Ҳаким.  
Уртанчалар — Ҳалим, Карим.  
Буларни ҳам танир ҳар ким.  
Олдин-кейин тўрттови ҳам

Усаётир тетик, бардам.  
Дерсиз: «бўлиб қолган дастёр»  
Бундай гапнинг «лекини» бор...  
Иш буюриб онайизор:  
— Биринг келтир бир челак сув,—  
Деса барин босар қайғу.  
Салим айтар зарда билан:  
— Эй, укалар, мен каттаман.  
Катталарга ҳурмат-иззат,  
Қимки кичик қилсин хизмат.  
Сўнг Ҳалимга тушгандай иш,  
Уни дарров босар ташвиш:  
— Мен Қаримдан кичкинароқ,—  
Дея бўйин товлар шу чоқ.  
Кейин Қарим ўйлаб-ўйлаб,  
Илож топиб дер шундай гап:  
— Мен Ҳакимдан каттаман-ку,  
Мени иззат қилсин-да у...  
Шу зайлда иззат тилаб  
Учов турар сочин силаб.  
Гўё учта қуруқ терак...  
Урталиқда бир бўш челак.  
Аммо шу пайт кичик Ҳаким  
Гапирмасди жиддий ва жим,  
Бўйига тенг челакда у —  
Зўрғатталаб келтирар сув.  
Учраб турар шундай ҳолат,  
Ҳакимжонга деймиз:— Раҳмат.

1960



## Нажимнинг дафтари нега ўн икки варақ эмас?

Дафтар зотин чидатмас  
Нажимга ҳамма ҳайрон!  
Икки-уч кун ўтса бас,  
Тутади янгисини.  
Қўнглингиз бўлар вайрон  
Гапирсам яънисини...  
Ўн икки варақ дафтар  
Ўтмай туриб бир ҳафта,  
Тез-товур бўлар одош,  
Нега у бундоқ бевош?  
Ҳисоби чиқса хато,  
Дидига ёқмай ҳатто,  
Уни тез йиртиб ташлар,  
Бўлак варақдан бошлар.

Дафтарнинг оқ варағин  
Қуш қилиб учиради.  
Сал-сал доғ томган чоғи  
Қўл билан ўчиради.  
Кейин қўшни вараққа  
Очилиб қолар туйнук,  
Сиёҳ томса-чи сал-пал,  
«Эй, бўлибди деб хунук»,  
Йиртиб ташлайди дангал,  
Шунга ўхшаш гаплардан,  
Яппа-янги дафтардан  
Қолар беш-олти варақ,  
Аҳвол шунақа чатоқ.  
Фабрикадан чиққанда  
Ўн икки варақ эди.  
Нажимжонга текканда  
Нега камайди энди?



Ҳар варақнинг ўзига  
Катта вазифаси бор.  
Нажимжон бунга нега  
Бермас экан эътибор?  
У билар: ҳар панжада  
Бармоқлари қанчадан.  
Ҳар қўлда бешта бармоқ  
Хизматда турар иноқ,  
Шунинг каби бир ҳафта  
Етти кун-ку, албатта!

Тагин қолибди бир гап,  
Бу жуда муҳим сабаб:  
Олганда «2» баҳо,  
Ҳеч ким йўғида хиппа  
Бўғиб олгандай гўё  
Йиртар варақни шартта.  
Нажимни кўрсанг нуқул  
Дафтарга сўрайди пул.  
Отаси ҳам йўқ демай  
Пул бериб турар талай...  
Бу ишлар хўп бемаза,  
Ҳеч ким бир сўз демаса,  
Кетаверса шу хилда,  
Биласизми, бир йилда  
Сарфланар қанча дафтар?  
Эҳтимол, бизнинг гаплар  
Дори бўлса-ю сал-пал,  
Нажимдаги бу касал  
Тузалса деймиз, холос,  
Бу мисол кўпларга хос.

Нажимга ўхшаш пучлар  
Ҳали кўп жойда учрар!

1957

## Режимда йўқ эмиш

Нажимжон режим тузган,  
Улчоқлик ҳар бир кун.  
Режими қандай экан?  
Келинг, кўрайлик уни.  
Ҳар кун кўчага чиқиб  
Уйнаб юрар тўйгунча.  
Она сўрар:  
— Нажимжон,  
Лақиллайсан намунча?  
— Қўяверинг, ойижон,  
Бу режимга ёзилган.  
Кўринг, тузган режимим  
Дарсхонамга осилган.  
Мақтабдан қайтгач бир кун  
Овқатланди мириқиб.  
Кейин дер:  
— Уйнаб келай,  
Бирпас кўчага чиқиб.  
— Уғлим, ўтин ёргин,— деб  
Иш буюрди ойиси.  
Нажим буни эшитиб  
Чиқаёзди нақ, эси:  
— Бунақа ишларингиз  
Режимимда йўқ, ахир.  
Уқрайиб турганича  
Лаблари титрар дир-дир.  
Уғлининг жавобидан  
Она бўлди хомуш, жим.  
Кўчага чиқиб кетди  
«Режим» бўйича Нажим.

1957

## Ҳошимнинг палов оши

Ҳошим қолган уй пойлаб,  
Якка ўзи зерикар.  
Келишмас уни йўқлаб  
Ҳатто дўсту шериклар.  
Китоб ҳам ўқиб кўрар,  
Диққатлиги тарқамас.  
Тутоқар, хаёл сурар,  
Гўё қисгандай нафас.  
Туш ҳам бўлганди, хуллас.  
Қорни эса таталар.  
Туширар эди паққос,  
Бўлса ҳамки атала.  
Эшикдан-чи шу маҳал  
Кўринди дўсти Ниёз.  
— Роса вақтида келдинг,  
Яша, Ниёз оғайни.  
Паловидан еб кўргин  
Ошпаз Ҳошим тоғайни...  
— Қилганмисан ҳеч қачон?  
— Нима экан паловхон.

Ҳошим ва Ниёз — икков  
Ясай кетишди палов.  
Ниёз ўтин қаларди,  
Ҳошим ошга қарарди.  
Икки ошна ҳамжиҳат  
Дамлашди гуруч солиб.  
Айвончада анча вақт  
Утиришди дам олиб.  
Ойиси ва дадаси  
Келиб қолди шу замон.  
Ҳошим дарҳол мақтанди:  
— Ойи, ойи, ойижон,  
Қилиб қўйдим паловхон,  
Ҳўв дамлоглиқ қозонда.

Ойиси дерди хурсанд:  
— Бўлибсан-да пазанда.  
Келиб кўриб онасин,  
Чиқди нақ эс-хонаси...  
Ҳеч паловга ўхшамас,  
Капкирда ҳам тўхтамас.  
Маства деса қуюқ,  
Шавла дейилса суюқ.  
Сабзиси ҳам пишмаган,  
Гуруч сувда шишмаган.  
Тотиб кўрса йўқ тузи,  
Оши антиқа — қизиқ.  
Эсиз шунча масаллиқ...  
Ҳошимвойнинг тарвузи  
Қўлтиғидан тушган, лол.  
• Икки кўзи эди лўқ.  
Қани иккита ҳаммол  
Замбилга солиб дарҳол  
Кўтаришса демас йўқ.  
Ошни ейиш осон-ку,  
Ош қилиш экан маҳол.  
— Менга қара, вой Ҳошим,  
Қани кипригинг, қошинг —  
Ойиси берар савол.  
— Оловда куйиб қолди —  
Дея хўрсиниб олди...  
Ошга боқишган Ниёз,  
У ҳам хижолат бир оз.  
Қолиб кетди қозонда  
Ҳошимнинг палов оши.  
Шундайдир бизнинг Ҳошим...  
Унга ўхшаш «пазанда»  
Учрармикин сира ҳам?  
Учраса-да, жуда кам.

1957

## Дарслар мажлиси

Тунов куни барча дарслар  
Мажлис қилиб қолишди.  
Бу йиғинда барча дўстлар  
Галма-гал сўз олишди.  
Адабиёт гап бошлади  
Янги фикр ахтариб:  
— Мен дарсларнинг бурросиман,—  
Дер дарровдан мақтаниб,  
— Турли-туман китобларим  
Барча севиб ўқийди.  
Менинг учун катта-катта  
Шоирлар шеър тўқийди.  
Ёшлар мenden ўрганишар  
Қаҳрамонлик йўлини.  
Ўрганганлар тўғри юрар  
Топиб ўнг-у сўлини.  
Ёвлар учун ғазаб тўла  
Сўзларим бор заҳардан!  
Сақлаганман эсдаликлар  
Улуғ жангдан-зафардан.

Адабиёт гапидан сўнг  
«Тарих» туриб сўзлади.  
Биринчига ўхшаб у ҳам  
Кўп узоқни кўзлади:  
— Мен бўлмасам билмасдингиз  
Улуғ Ватан тарихин.  
Айтадирман ўтган замон  
Ва келгуси таърифин.  
Нотиқ «Тарих» сўзларига  
Ҳамма қулоқ солди жим.  
Раис бўлган «Рус тили» дер!  
— Дўстлар яна сўзлар ким?  
«Она тили» туриб деди:

— Сўз беринг бизга, қани?  
Уз тилини билмай туриб,  
Билиш қийин бошқани!  
Биринчидан савод керак  
Урганишга ҳар фанни.  
Фикрлари равон оқар  
Тилни яхши билганнинг...

«Ботаника» дер:— Ҳар бола  
Билсин мени яхшироқ.  
Асли менинг илмим билан  
Гулга тўлар ҳамма ёқ.  
Мичуриннинг таълимоти  
Халқ дилини қилди чоғ.  
Бу асосда шимолда ҳам  
Яратилди боғи-роғ.

«Ботаника» сўзлаб бўлгач,  
Ирғиб турди «Физика».  
Лампочкалар нур сочарди  
Бутун синф юзига:  
— Физиканинг илми билан  
Дарёлардан чиқар нур.  
Шу билимнинг асосида  
Техникамиз юксалур.  
Самолётнинг учиши ҳам,  
Машиналар чопиши...  
Олимларим донг ёймоқда  
Янгиликлар топишиб,  
Ҳар бир уйда телевизор  
Қўйса турли томоша.  
Мамнун бўлган одамлар дер:  
«Эй, физика минг яша!»  
Биласизми, атомларим  
Тинчлик учун хизматда.  
Қани айтинг инсоф билан,

Қай фан турсин иззатда?  
Мана, менинг хизматимдан,  
Завод, ГЭС ва фабрика...

«Физика»нинг сўзлари ҳам  
Лойиқ бўлди табрикка.  
Физикага раҳмат айтди  
«Ҳисобжон» ўз гапида:  
— Мен тураман хизматим-ла  
Физиканинг сафида.  
Жўгрофия ёйиб қўйди  
Каттакон харитани.  
Шошмай туриб бошлади сўз,  
Кўрсатиб Москвани:  
— Мана бизнинг пойтахтимиз,  
Бу — бепоён юртимиз.  
Мана бундай шаҳарлардан  
Ғалабага юрдик биз.  
Мана Донбасс, бу — Фарҳод ГЭС,  
Мана темир, мис, олтин.  
Ер остининг бойликларин  
Билиш керак энг олдин.  
— Мана, мен-чи, «Химия» ман,  
Ҳар соҳада ҳиссам бор.  
 $H_2O$  — сув деганим,  
Бўлиб қўйинг хабардор.  
Мен кўрсатган усул билан  
Дори-дармон яралар.  
Бундан касал топар даво,  
Тузалади яралар.

Интизом-ла қўл кўтариб,  
«Физкультура» турди тик.  
Қомати ҳам келишган заб,  
Кўриниши, мард, тетик:  
— Уртоқ дарслар, биласизми


Физкультура ишини?  
Бола агар соғ бўлмаса  
Биларми ўқишини?  
Шундай экан англаб олинг;  
«Соғлом танда — соғ ақл».  
Ҳаммамизнинг эсимизда  
Доим турсин бу нақл.

Баъзи дарслар мақтанишиб,  
Гапни роса қийишди.  
«Мени яхши ўргансин» деб,  
Даъволар ҳам қўйишди.  
«Рус тили» дер:  
— Шошманг, дўстлар!  
Масалан, бир ўқувчи:  
Кўп дарслардан «беш», «тўрт»и бор  
Тилдан-чи «икки», «учи».  
Хўш, яхшими, шундай билиш?  
Ярамайди бу асло  
Ҳар ўқувчи барча дарсдан  
Ўқий олсин «беш»— аъло.  
Ҳамма дарслар баравармиз,  
Вазифамиз ҳар турли.  
Барчамизни тўлиқ билган  
Боланинг йўли нурли.  
Турли дарсни яхши билган  
Бўлар олим-билимдон.  
Шунинг учун биз барчамиз  
Бўлайлик дўст-қадрдон.

«Рус тили»нинг маслаҳатин  
Маъқуллашди чинакам.  
Гуриллатиб чапак чалди,  
Сўзламаган «Расм» ҳам.

1948





## Папка билан сиёҳдон

Сиёҳдон билан Папка  
Тушибди ҳасрат — гапга.  
Гаплар чўзилмиш анча,  
Сўзлашибди билганча.  
Папка депти:— Сиёҳдон,—  
Бу ишинг жуда ёмон.  
Атроф тўлди сиёҳга,  
Арзга борай қаёққа.  
Бунақанги бўлма без,  
Ахир чиқиб кетгин тез.  
Шунда Папка ичидан  
Сиёҳдон депти чиндан:  
— Ҳурматли дўстим Папка,  
Мендан қилмагин ўпка.  
Уйи томон кетганда,  
Копток қилиб тепганда  
Тўкиламан ҳар ёнга,  
Айб қўйма сиёҳдонга.  
Эгамиз ўзи нодон,  
Бизни асрайди ёмон.  
Нима деса эгамиз,

Унга биз бўйин эгамиз.  
Эгамдан кўп ҳасратим,  
Тақдирланмас хизматим.  
Ичим тўла нон увоқ,  
Шу ҳам бўлдими сиёҳ,  
Папка депти:— Сиёҳдон,  
Топгин илож ва имкон,  
— Қочгин,— депти,—  
Сиёҳдон,—  
Эгамиз бўлсин сарсон.  
Папкадан китоб, дафтар:  
— Маъқул, депти, бу гаплар.  
Папка бир куни таққа —  
Қочмиш номаълум ёққа...  
Уша папка эгаси  
Қарабсизки эртаси —  
Дарсга кепти бе папка,  
Роса қолибди гапга.

1965

## Парпининг ҳарфи

Танийсизми Парпини,  
Кўрганмисиз ҳарфини?  
«А» сининг оғзи очиқ,  
«И» га ўхшар ап-аниқ.  
«Ч» ни ёзади новча,  
«Л» мисоли тарновча.  
«У»нинг думи бир қулоч,  
«Г» сини дейсиз омоч.  
«Д» сини дейсиз саккиз,  
Кўриб ҳайрон қоласиз.  
Баъзи ҳарф ёнбошлар,  
Бири чизиқдан ошар.  
Афандининг хатидай,

Дабдала қуш патидек,  
Уни ҳеч ким билолмас,  
Маъносини илолмас.  
Баъзан ўзи ҳам, қаранг,  
Ўқий олмай хўп гаранг.  
Таниймиз-ку Парпини,  
Танимаймиз ҳарфини...

1965

## Хусан уйғониб қолди

Рустам билан Хусанжон  
Ўқишдан қайтса қачон,  
Кўчага чиқиб икков  
Ўтганларга бўлиб ғов,  
Нуқул ланка тепишар,  
Сув бўлиб терлаб пишар.  
Бугун ҳам кундагидай  
Уйин борарди тинмай.  
Хусанжон ўнг оёқлаб  
Ланкани тепар «тап-тап»...  
Тепади минг оҳангда,  
Қўлин белга тирар сал:  
— Мендай ўйна жаҳонда!—  
Деб Рустамга бермас гал.  
Юздан ошар саноғи,  
Ланканинг чиқмас ёғи.  
Хусан сўнг — ҳолдан кетар,  
Навбат Рустамга етар.  
Кейин бошлайди Рустам,  
Икки оёқлаб у ҳам  
Бирма-бир санаб тепар,  
Гоҳо тўпиққа тегар.  
Жони огрийди зир-зир,  
Аммо Рустам бермас сир...

Мажбур қилгандай биров  
Роса ўйнайди икков...  
Ҳусан Рустамни бугун  
Қарзга ботирди бутун.  
Қолгани қилиб алам,  
Ҳусанга айтар Рустам:  
— Эртага тугагач дарс  
Қарзларингни узаман.  
Ишонмасанг ўйнай бас,  
Мен, албатта, ўзаман.  
Ҳусанжоннинг ҳоли танг,  
Уйига қайтди аранг...  
Дарсга ҳам йўқ мажолли,  
Қасал одам мисоли.  
Ечиниб чала-чулпа,  
Ҳатто ёпинмай кўрпа,  
Қаравотига ётди:  
Уйқуга кетди, қотди.  
Туш кўрса, ҳамма ёғи,  
Айниқса ўнг оёғи —  
Зирқираб хўп оғирмиш,  
Тош осгандай оғирмиш.  
Гупчакдай шишган эмиш,  
Яллиғлаб пишган эмиш,  
Узайиб кетган эмиш.  
Деворга етган эмиш.  
Ҳўнг-ҳўнг йиғлармиш Ҳусан,  
— Уғлим нега йиғлайсан?—  
Деб кирганмиш ойиси.  
Уғлининг бу ҳолига  
Чиқиб онанинг эси,  
Кейин чопмиш ҳовлига.  
— Уғлим-ўғлим!— деб холос,  
Атрофга солмиш чуввос.  
Қўни-қўшни ҳар ёқдан,  
Яқиндан ҳам йироқдан

Тўпланишибди дарҳол,  
Сўрашибди ҳол-аҳвол.  
Ҳусанжоннинг онаси,  
Нақ тиқилиб нафаси —  
Айтолмасмиш бир нима...  
Ҳар ёққа чопмиш ҳамма:  
Бир қўшниси шу замон  
Отделение томон —  
Чопганмиш кўча бўйлаб,  
Уғри келган деб ўйлаб.  
Бирини ҳаллослаб зўрға  
Хабар қилмиш докторга.  
Яхши тушунмай шошиб,  
Ўт тушган деб ўйлашиб,  
Телефон қилмиш илдам  
Пожарнийхонага ҳам.  
Ҳовли бети бир дамда  
Лиқ тўлганмиш одамга.  
Қочмасин дея ўғри,  
Йўл олиб тўппа-тўғри  
Милиционерлар ҳам —  
Келишган эмиш шу дам.  
Судраб шланг-ичагин,  
Кийиб кийим-кечагин,  
Бошида мис каскаси,  
Белда камар-тасмаси  
Пожарнийлар шу маҳал  
Кириб келмишлар жадал.  
«Тез ёрдам» деган ЗИМда  
Врачлар ҳам бир зумда,  
Кўтарволишиб замбил  
Келмишлар апил-тапил  
Айтолмасдан бирор сўз,  
Она йиғлармиш ҳануз...  
Пожарнийлар сўрармиш,  
Том-тошларни кўрармиш.

Ҳамма ёқ эмиш бутун,  
Чиқмасмиш ҳатто тутун.  
Барча уйга кирармиш,  
Ҳусанжонни кўрармиш.  
Оёғига Ҳусанжон  
Ҳўнг-ҳўнг йиғлармиш ҳамон.  
— Тез бўлинг, чатоқ аҳвол,  
Фурсат ўтказмай ҳозир  
Оёқни кесмоқ лозим,  
Тузатишга шу чора,—  
Дея қилмишлар қарор.  
— Узи тузалса зора —  
Деганмиш онайизор.  
— Йўқ, онажон, бўлмайди.  
Бу оёқ тузалмайди,  
Уни кесмасак агар  
Баданга зарар тегар,  
Фурсатни қўлдан бермай,  
Кесишга бўлмишлар шай.  
Келтирмишлар қил арра  
Уни биринчи карра —  
Тортиб кўришган эмиш,  
Бирдан Ҳусан дод демиш.  
Ҳусан уйғониб қолди,  
Атрофга қараб олди.  
Яхшиям экан туши,  
Чиқаёзди эс-ҳуши.  
Шу-шу ланкадан тўйди,  
Тамом ўйнамай қўйди.

1954

## Анқов билан ялқов

Бўлар экан бир анқов,  
Бўлар экан бир ялқов.  
Яшар экан иккови  
Бошқа-бошқа тарафда.  
Уқишаркан иккови  
Фақат битта мактабда.  
Анқайиб юрса анқов  
Учраб қолибди ялқов.  
У бунга ёқибди, денг,  
Бунга у оғибди, денг.  
Бориб-бориб анқовлик  
Ялқовга ҳам ўтибди.  
Ўз ўрнида ялқовлик  
Анқовга ҳам ўтибди.  
Гўё ошно бўлибди,  
Ишлар расво бўлибди.  
Ёмонлик тез юқар-кан  
Дейишарди оталар.  
Ёмонликдан қутқарган  
Чин ошно деб аталар.

1972

## Раҳмат нега «раҳмат» демади?

Раҳматжоннинг ойиси  
Пиширди манти,  
Мантимисан, мантижон,  
Гўё бор қанти.  
Ёки ширин бўлсин деб  
Солганми асал?  
Йўқ, асал, қант солинса

Бўлар-ку чучмал.  
Ширинглигин мақташга  
Асло тенги йўқ.  
Нуқул илик солгандай  
Хушхўр, мазаллуғ.  
Мантидан еганларнинг  
Ҳамма-ҳаммаси:  
Раҳмат деди холаси,  
Ҳатто аммаси.  
Мақтаб қўйди бувиси  
Ширин деб қўли.  
Раҳматжоннинг ойсини  
Яйради кўнгли.  
Хизматига ёғилди  
Раҳматлар роса.  
Шундай мақтов эшитиш  
Эҳ, қандай соз-а!  
Раҳмат айтди буваси —  
Уйнинг кексаси,  
Аммо Раҳмат индамас  
Қотиб энсаси.  
«Раҳмат» дейиш қийинми?  
У — ўз отику!  
Ҳар куни овқатни еб  
«Раҳмат» демас у.

Хизматини қилганга  
Раҳмат демаслик,  
Одамларнинг ичида  
Юзсизлик, пастлик.  
Шундоқлар учраса  
Ўзим билардим,  
Қизартириб ўртада  
Танқид қилардим.



## Самакатка шовқини...

Асқар анча кап-катта,  
Қириб қолган ўн бирга.  
Унда бор самакатка,  
У билан доим бирга.  
Деган каби: «Ошнам шу,  
Яқин китобим ҳам шу»  
Ҳайдайди кундуз-у кеч,  
Насиҳат кор қилмас ҳеч.

Самакаткалар бўлар  
Учирсанг кўнглинг тўлар.  
«Волга» дай сузар ғиз-ғиз,  
Озор бермас товушсиз.  
Асқар самакаткаси,  
Шалдиरोқ — бемазаси.  
Гўё бузуқ арава,  
Унга Асқар овора.

Кўчамиз бор беғубор  
Чеккаси салқин толзор.  
Толзор таги асфалт йўл,  
Бу Асқарга келган қўл.  
У шу йўлка «эгаси»,  
Нуқул самакаткасин —  
Ҳайдайди ҳар томонга.  
Унинг шалдир-шулдури  
Роса ҳам теккан жонга.  
Дераза қатор-қатор —  
Йўлка бўйлаб уйлар бор.  
Бемор ётар бир уйда  
Тузалсам деган ўйда.  
Самакаткалик Асқар  
Тинчлик бермайди аксар.

Бирида шоир яшар,  
Балки у дoston ёзар.  
Бирида пенсионер,  
Бир уйда кампир-у чол,  
Бирида ёш пионер  
Дарсин ўқир эҳтимол.  
Бошқасида чақалоқ  
Ором олади пиш-пиш.  
Асқар дастидан, бироқ,  
Тинч ухлолмас бояқиш.  
Бизнинг Асқар шу тахлит  
Берар доим халақит.  
Йўлка бўйлаб кимки бор,  
Бари Асқардан безор.  
Уткинчилар ҳам тўйган,  
Ҳатто гапирмай қўйган,  
Қўшилларнинг кўзига  
Кўриниб доим ёмон —  
Бузар асаб — нервини.  
Совутар-ку ўзига  
Улар ихлос-меҳрини.  
Дўстларин танқидига  
Асқар нега йўлиқмас?  
Қулоқсизми гап уқмас?  
Самакатка шовқини  
Кар қилганми ё уни?!

1960

## Янги йилни кутамиз

[Декламация]

Аҳил бўлиб, шод бўлиб  
Ҳур ёшликдан ўргулиб.  
Минг очилиб, минг кулиб  
Устозга гул тутамиз,  
Янги йилни кутамиз.

Дўстлар келса сийлаймиз,  
Яхшига бахт тилаймиз,  
Бир мақсад — бир тилакмиз  
Тўлган саф-у тўдамиз,  
Янги йилни кутамиз.

Севган каби офтобни  
Биз севамиз китобни.  
Одат этдик одобни,  
Кичикни овутамиз,  
Янги йилни кутамиз.

Дилимизда орзу мўл,  
Юзимизда кулгу мўл,  
Бахтимиз бор мангу мўл,  
Қайғуни унутамиз,  
Янги йилни кутамиз.

Келажакка этармиз,  
Юртни обод этармиз,  
Ланжликни мот этармиз,  
Қўрқувни қўрқитамиз,  
Янги йилни кутамиз.

Беш баҳо ўқиш билан,  
Ҳунар билан, иш билан,  
Раҳмат-у олқиш билан,  
Довонлардан ўтамиз,  
Янги йилни кутамиз.

1972



## Қор неға оппоқ?

— Қор неға оппоқ?

Қор неға юмшоқ?

Суркашарми ē —

Осмонда б'ўёқ?—

Деб берсам савол,

Куларсиз хиёл.

Узим ҳам топмай

Сураман хаёл.

Ухшаб бургутга,

Учиб булутга.

Бориб келайми

Қор келган юртга?

Ҳозирча шошмай,

Кўп ўқий бошлай.

Билиб келарман

Бир кун адашмай.

Юмшоқлиги соз,

Оппоқлиги соз.

Қорнинг бизларга  
Уртоқлиги соз.

1972

## Шўх карнавал

Кенг ўрмондан айиқполвон  
Арча олиб борар чаққон.  
Кечикмай деб тез-тез чопар,  
Шерикларин излаб топар.  
Қонки отиб катта йўлда  
Эчки ўнгда, мушук сўлда,  
Ўрталикда шўх қўзичоқ  
Арча томон борар қувноқ.  
Кучуквойга опичлашган  
Типратикон жўнаб қолди.  
Ғоз ва хўроз адашмасдан  
Тепаликка етиб олди.  
Чена тўла минг хил совға,  
Ўрдак карнай чалар «ға-ға».  
Терга ботиб айиқполвон  
Барча дўстлар бўлишди жам,  
Етиб келди алпон-талпон.  
Бошладилар ўйин-байрам.  
Танца тушар типратикон,  
Сакраб қўяр дикон-дикон.  
Дутор чертар айиқполвон  
Сурнай чалар чаққон қуён.  
Эчки кулиб гармон чалар,  
Лапанглашар айиқчалар.  
Пар бўлишиб ғоз ва хўроз  
Қўшиқ айтар, эҳ, жуда соз.  
Бўлса ҳамки алламаҳал  
Давом этар шўх карнавал.

# Холнинг жийрон велосипеди

(Бўлган воқеа)

Холнинг велосипеди  
Қизиқ чиқди жудаям.  
Кўрганлар ҳайрон эди,  
Яп-янги, қизил-кўркам:  
Оядинда жийрон оти,  
Уч ғилдирак — қаноти.  
Гўё учиб кетай дер,  
Қайга десанг элтай дер.  
Жийрон отнинг оёғи —  
Йўрғалар, ерга тегмас.  
Дикка қайчи қулоғи,  
Бўйнин ҳеч ёққа эгмас.  
Хол ушлаб руль-юганин,  
Эгарда ўтирганин  
Кўрсангиз-чи юрганин.  
Тачанкага ўхшарди,  
Тормоз берса тўхтарди.  
Қўни-қўшни, ошналар  
Галма-гал учишарди.  
Биринин минса бошқалар  
Ортидан кўчишарди.  
Фақат Холники эмас,  
Велосипед ўртада.  
Ҳеч маршрут тўхтамас  
Салқин асфальт йўлкада.  
Жийрон велосипед деб  
Ном ҳам қўйиб олишган.  
Авайлаб минишарди  
Чиқмасин дея ишдан.  
Шу ерда бир бола бор,  
Кичиклар ундан безор.  
Дейишар Шодмон хира,

Мўйлов чиққан бўлса ҳам  
Ақли кўрмаган сира...  
Гавда десангиз — полвон,  
Юриши алпон-талпон.  
Семизликдан лопиллаб,  
Шошиб-пишиб ҳарсиллаб,  
Ҳаммани туртиб четга  
Келди велосипедга:  
— Қани, миниб кўрай бир,  
Нари турларинг, ахир,  
Деб минди эгарига,  
Ярим метр нарига —  
Юрмасдан, шартта синди  
Уччала филдираги...  
Барча «вой» деб ачинди.  
Нима қиларин билмай  
Шодмонвой шошиб қолди.  
Болаларга билдирмай  
Зингиллаб қочиб қолди.  
Нақ, Холвой йиғлай деса  
Дўстларидан уялар.  
Қочган Шодмонвой эса  
Эшигидан мўралар...  
Велосипед ўртада,  
Ётар гўё ярадор.  
Бир тўп бола йўлкада  
Уни ўрашган қатор.  
Жийрон отнинг оёғи,  
Ерга тегиб турарди.  
Нима қиларин билмай  
Холвой хаёл сурарди.  
«Вой, жийрон велосипед  
Авария бўбди» деб —  
Ҳар томондан болалар  
Чопишарди кетма-кет.  
Хол ҳамон ўйлаб турар,

Утган-кетган ачинди.  
Янги келганлар сўрар:  
— Нима қиласиз энди?  
Бир бола дерди шошиб:  
— Келинлар, кўтаришиб  
Мастерга элтайлик тез.

Утиб қолди-ку шу кез  
Слесарь Асқар ака.  
Сельмашда ишлар эди,  
У кўриб шундай деди:  
— Нега бўлди бунақа?  
Маяус ҳолда боқиб Хол  
Сабабни айтди дарҳол.  
Асқар ака ўйлаб дер:  
— Бунинг анча иши бор.  
Бизникига олиб бор,  
Тузатиб кўрайлик бир.

Болалар шошиб-пишиб  
Тўрт ёқдан кўтаришиб,  
Физиллатиб кетишди  
Ва бир зумда етишди.  
Асқар ака эркалаб,  
— Хўп, энди-чи, укалар,  
Олиб кетинг эрталаб.  
У албатта, тузалар,  
Деб уларни юпатиб,  
Уйига кириб кетди.  
Туни билан тузатиб  
Чиқишни қилди хаёл.  
Сал севиниб қолди Хол.  
Болалар тўдалашиб,  
Шодмондан ўпкалашиб,  
Уй-уйига тарқашди,  
Аммо диллари ғаш-ди.



Эрталаб тонг отмасдан,  
Ҳеч ким эшик очмасдан.  
Худди соат олтида,  
Асқар уйи олдида  
Тўрт бола ўтирарди,  
Кўзлари мўлтирарди,  
Хол, Барат, Ҳошим, Халил  
Бир соатча шу зайил,—  
Ўтиришди индамай,  
Бир пайт очилиб эшик,  
Чиқиб қолди бир кампир:  
— Вой, келинлар, айланай,—  
Тўртови туришиб тик,  
Салом беришди бир-бир,  
Кампир уларни таниб,  
Ич-ичидан шодланиб  
Дарров ичкари кирар,  
Асқар ўғлин чақирар.  
Велосипедни Асқар  
Тезликда олиб чиқар.  
Болалар уни кўриб,  
Чақнаб кетди кўзлари,  
Миннатдор бўлишгандан  
Топишолмас сўзларин.  
Жийрон отга барчаси  
Очгундай бўлди қучоқ.  
Олдингидай ярақлар,  
Ҳаммаёғи соппа-соғ.  
Асқар устага дарҳол  
Бир-бир раҳмат айтишди  
Дарров миниб олди Хол,  
Уйларига қайтишди.  
Энди Шодмонвой бўлса  
Девор оша мўралар.  
Кўчага чиқай деса  
Кичиклардан уялар...

Фақат Холники эмас,  
Велосипед ўртада.  
Ҳеч маршрут тўхтамас  
Салқин асфальт йўлкада.

1956

## Тўғри ўсган бўлар гул

(Масал)

Кенг гулзор ичра нуқул  
Ўсиб ётар атиргул.  
Қуёшдан нур эмишиб,  
Ариқдан сув шимишиб,  
Ердан олиб куч-қувват,  
Боғбондан кўриб ҳурмат,  
Ўсишарди дўст-аҳил,  
Очилишиб хилма-хил  
Гулзор ичидан бир кун  
Ўсиб чиқиб итбурун,  
Ҳар томон қулоч отди,  
Гуллар бағрига ботди.  
Боғбон кўриб тутоқди.  
Юлиб ўчоққа ёқди.

Дўстим, сенга бу мисол,  
Гап тагига қулоқ сол:  
Тўғри ўсган бўлар гул,  
Эгри ўсган бўлар кул!

1959

## Пиёда билан фарзин

(Масал)

Шахмат тахта устида бир кун  
Чиқиб қопти ғалати шовқин.

Бўлар экан мақтанчоқ Фарзин  
Баланд тутар экан ўз тарзин,  
Пиёдага депти менсимай:  
— «Юргин-да тез кўп ивирсимай!  
Бир хилгина йўлинг бор ахир,  
Шу йўлни ҳам эплашинг оғир.  
Юролмасанг қани, йўл бўшат,  
Вақтим тигиз ўтмасин фурсат!  
Қараларинг, қилайин бир «жанг»,  
Рақиб ҳоли зумда бўлар танг...—»  
Деб Фарзинвой мақтан-миш роса.  
Энг камтарин Пиёда эса  
Дўстларига кулиб қўйибди.  
Юриш учун рухсат кутибди.  
Гап қайтариш пайти эмас ҳеч  
Пиёдалар туришибди зич.

Бизнинг томон бўлмасин деб мот  
Гижинг эмиш икки ёнда от.  
Иккита Фил, иккита Руҳ ҳам  
Дадилмишлар барчаси руҳан.  
Пайти келиб бошланибди «жанг»,  
Қимлар шод-у, кимлардир тажанг.  
Пиёдага мақтанган Фарзин,  
Рақиб ёққа ўтганда ёлғиз,  
Якка қолиб ебди таъзирин.  
«Ёв» сипоҳи қувиб изма-из  
«Кучинг кўрсат, агар бўлсанг мард».  
Деб Фарзинга Фил берибди «гард».

Фарзин таъна қилган Пиёда  
Қаранг, бир иш қипти зиёда.  
Енгилишга қолганда сал кам  
Фарзинвойга берибди ёрдам.  
Фил йўлига бўлмиш тез қалқон,  
Фарзин эса қолипти омон.

Ҳаммалари бўлиб ҳамжиҳат  
Қилишибди ҳужум-ҳаракат  
Рақибларин қилишибди мот,  
Пиёдадан барча бўлмиш шод.

Пиёдага мақтанган Фарзин,  
Энди баланд тутмас-миш тарзин.  
Мақтанчоқлар бу масал мағзин  
Чақиб кўрса, очмас кўп оғзин.

1971

## Кўз қўрқоқ — қўл ботир

[Масал]

Кўпдан бери  
Шерик эди Қўл ва Кўз,  
Беришганди бирга ишлаш учун сўз.  
Кўз қарарди, Қўл ишларди доимо,  
Иш бошлашдан чўчир эди Кўз аммо...

Боғда бир туп олма пишган, ғуж-шовул,  
Териш учун келган эди Кўз ва Қўл.

Одатича кўз қўрқиб дер:

— Ошнажон,

Териб одош қилолмаймиз ҳеч қачон.

Энг осони бундан нари кетайлик,

Бошқа жойда ўйнайлик, сайр этайлик.

Билаклари кучга тўлган Қўл эса,

Кўзга деди:

— Бўлма қўрқоқ — дангаса!

Қўл шу маҳал кириб шохлар ичига,

Шиғиллатиб теракетди олмани.

Ҳар бир дона олма дерди:

— Ол, мани!

Кўз анқайиб қарарди Қўл ишига,  
Иш тугади, қилар эди Қўл роҳат.  
Қўрқоқ Кўз-чи, бўлди анча хижолат...  
«Кўз қўрқоқдир — Қўл ботирдир» мақол бор.  
Беринг мақол мағзига сиз эътибор.  
Иш бошлашда қўрқоқ Кўздай тутманг йўл!  
Ботир Қўлдай ишга дадил уринг қўл!

1960

## Итузумнинг даъвоси

[Масал]

Кенг пуштада ўсиб ётар  
Бир туп итузум.  
Ҳар томонга отган шоҳин,  
Бўйи ҳам узун.  
Ариқ бўйлаб барқ урарди  
Лавлагига, сабзи.  
Лавлагига у гап сотар,  
Тез эди лабзи:  
— Эй, лавлагига, ўйлаб қара,  
Сен ҳам экинми?  
Шалпонгқулоқ баргсан нуқул,  
Қадринг текинми?  
Нега сени экишади  
Йўқ-ку ҳеч меванг,  
Тушунмайин тўкибди тер  
Сенга ўз эганг.  
Мана менинг меваларим,  
Олтин ранг маржон.  
Кўз-кўз бўлиб товланаман,  
Қим боқса қачон  
Жаврабди у қандайин гап  
Келса оғзига.

Лавлагидай қаттиқ тегмиш  
Бу гап сабзига.  
— Эй, итузум, не қасдинг бор  
Қант лавлагида,  
Бизнинг ҳосил,— дебди сабзи,—  
Тупроқ тагида.  
Ҳаётда ҳам эшитамиз  
Мақтанчоқ сўзин,  
Бошқаларни яхши билмай  
Мақтайди ўзин.

## Қурбақа билан чумоли

[Халқ масали]

Қадим битта қурбақа  
Қиш куни оч қолипти.  
Овқат тополмай жуда  
Оёқ-қўли толипти.

Юриб-юриб бечора  
Талай режа ўйлапти.  
Бориб бир чумолига  
Аҳволини сўйлапти:  
— Эй, дўстим, чумолибой  
Ўйингга буғдой тўлгур,  
Агар бўлсанг бемалол,  
Қарзга ул-бул бериб тур.  
Икки ҳисса ошириб  
Қарзингни тўлай ёзда,  
Очликдан силлам қуриб  
Ўлиб қолмай аёзда.

Раҳми келиб чумоли  
Берипти пича овқат.  
Қурбақага кейин у,

Депти жиндак маслахат:  
— Оғайни, сенга бир гап,  
Ёзда кўп қилмай «вақ-вақ»  
Қиш ғамини ўйласанг,  
Рўзгоринг бўлади ғарқ.

Унинг маслаҳатини  
Қурбақа маъқул депти.  
Чумолидан олганин  
Анча вақт аяб епти.

Қиш ўтиб, ўтиб баҳор  
Пойлаган ёз келипти.  
Унинг вақ-вақасига  
Ёз роса соз келипти.

Чумоли гапин тамом  
Унутипти қурбақа.  
Утказипти ёзни ҳам  
Қилавериб «вақ-вақа».

Чумоли-чи ёз бўйи  
Қишлигини ғамлапти.  
Қишга овқат йиғишни  
Қурбақа ўйламапти.

Қурбақа шу ҳолича  
Қишга кирипти қуруқ.  
Ташқари ёзмас, аёз  
Чиқса ачитар совуқ.

Еёлмасдан қиш ғамин  
Бўлипти хўп пушаймон.  
Бермай чумоли қарзин  
Қурбақа ўсал — ҳайрон.

Яна ўтган йилгидай  
Маймун йиғлар ҳолига.  
Қаранг, тагин уялмай  
Борипти чумолига:

— Уртоқ, кечир бир сафар,  
Тўлолмадим қарзимни.  
Кел, келар ёз тўларман,  
Яна тингла арзимни.

Афсус чумоли энди  
Тингламапти арзини.  
Ҳатто хафа бўлгандан,  
Сўрамапти қарзини.

Қурбақани қуп-қуруқ —  
Жўнатипти чумоли,  
Меҳнат қилмаганларнинг  
Шундоқ бўлипти ҳоли.

1946



# ҚҰШ ИҚЛАР

---



# КУШИКЛАР



Коммунист,  
Комсомол,  
Пионер.

Бир боғнинг дарахт — гул, меваси,  
(Отаси, онаси, укаси)  
Барчаси келажак эгаси,  
Коммунист,  
Комсомол,  
Пионер.

Боражак йўллари шонга мўл,  
Бир Ватан, бир мақсад, бир кўнгил,  
Байроқни элтишар қўлма-қўл,  
Коммунист,  
Комсомол,  
Пионер!

Ишлайди,  
Яшайди уч авлод,  
Меҳнати, илмидан эл обод,  
Ильичдан миннатдор умрбод.  
Коммунист,  
Комсомол,  
Пионер!

1971

## **Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши**

Офтоб яхшими,  
Одоб яхшими?  
Офтоб берар нур,  
Одоб-чи, ҳузур.  
Лолалар учун  
Офтоб яхшидир.  
Болалар учун  
Одоб яхшидир.

Офтоб бўлмаса  
Қоронғи тушар,  
Одоб бўлмаса  
Ғам-қайғу тушар.

Офтоб кўринар  
Тоғ-тепаликда,  
Одоб кўринар  
Салом-аликда.

Одоб ҳам кимнинг  
Яхши сўзида.  
Одоб ҳар кимнинг  
Юзи-кўзида.

Оламнинг юзи  
Офтобдан исир,  
Одамнинг юзи  
Одобдан исир.

Оламнинг доим  
Офтоби бўлсин,  
Одамнинг доим  
Одоби бўлсин.

1964

## **Ленин бобомлар— менинг бобомлар.**

Қуёшга ўхшар  
Ленин бобомлар,  
Минг йиллар яшар  
Ленин бобомлар.

Ленин бобомлар —  
Менинг бобомлар.

Бахт улашганлар  
Барча одамга.  
Номлари кетган  
Бутун оламга.

Ленин бобомлар —  
Менинг бобомлар.

Қўшиқлар айтсак  
Едимиздалар.  
Боғчада юрсак  
Енимиздалар.

Ленин бобомлар —  
Менинг бобомлар.

Қуёшга ўхшар  
Ленин бобомлар,  
Минг йиллар яшар  
Ленин бобомлар.

Ленин бобомлар —  
Менинг бобомлар.

1970

## Сафларда биринчи пионер

(Марш)

Кенг Ватан боғида ёш ниҳол —  
Яшайсан бахтиёр, баркамол —  
Содиқ бўл, халқимиз яша дер,  
Чақирар серқуёш истиқбол.  
Ўзи чин ленинчи пионер,  
Мактабда биринчи пионер.


Пионер, пионер, пионер!  
Ўрнакдир сенга мард комсомол,  
Мақсадлар чамандай очар гул.  
Янада яшнасин она ер,  
Ҳар қачон ҳар ишга тайёр бўл!  
Ўзи чин ленинчи пионер.

Меҳнатда биринчи пионер.

Пионер, пионер, пионер!  
Ешликда донг ёйиб дунёга,  
Ўқишда, ишда чиқ фазога.  
Сафларда мардона юравер,  
Ишларинг ўтар беш — аълога  
Ўзи чин ленинчи пионер,  
Дўстликда биринчи пионер,

Пионер, пионер, пионер!  
Партиям кашф этган замонда,  
Юксалиш кўрасан ҳар ёнда.  
Аҳил бўл, қўшиқ айт, гуллар тер,  
Коммунизм дейилган бўстонда.  
Ўзи чин ленинчи пионер,  
Сафларда биринчи пионер,  
Пионер, пионер, пионер!

1960



### ГАЛСТУГИМ, ҲИЛПИЛЛА!

Сени тақиб юрсам бўйнимга,  
Севинчларим тўлар кўнглимга.  
Галстугим, яшна, ҳилпилла.  
Нурлар сочиб юрган йўлимга.

### Н а қ а р о т:

Тенгдошларим каби кирганман  
Ёш ленинчи мардлар сафига.  
Аъло ўқиб эга бўлганман  
Сени тақиб шон-шарафига.

Сени тақиб мен ҳам бўлдим мард;  
Дилимда бор шундай шонли шарт:  
Муқаддассан қизил байроқдай,  
Сенга ҳеч бир юқтирмайман гард.

Н а қ а р о т:

Ҳур ёшлигим мангу бахтиёр,  
Улуғ-улуғ мақсадларим бор.  
Билим олиб, Ватан ишига  
Дўстларимдай тайёрман, тайёр!

Н а қ а р о т:

Тенгдошларим каби кирганман  
Ёш ленинчи мардлар сафига.  
Аъло ўқиб эга бўлганман  
Сени тақиб шон-шарафига.

1953

## Орзумиз

Биз чиниққан ёш авлод,  
Йўлда шахдам борурмиз.  
Қўлимизда китоблар,  
Кўнглимизда орзумиз.

Бизнинг орзу ранг-баранг,  
Чамандаги гуллардай,  
Юртга чирой берурмиз  
Бизлар олтин қўллардай.

Бизга доим одатдир  
Ўрганиш-у машқимиз,  
Орзумиздан куйлайди  
Қўшиғимиз — маршимиз,



Оталарнинг йўллари  
Шонга тўла ҳар маҳал.  
Йўлимизни ёритган  
Гўё бизга нур машъал.

Сездик Ватан меҳрини  
Партиямиз бағрида.  
Кулар ҳунар-орзумиз  
Бахтиёрлик боғида.

1971

## Ёш физкультурачилар марши

Бизнинг саф соғломлик мактаби,  
Довжорак ёшларнинг кенг сафи.  
Етуклик қудрати барқ урар,  
Дўстларни мардликка чақирар.

### На қ а р о т

Эй ўртоқ,  
Кел тезроқ,  
Бу сафга!  
Моҳирлик,  
Ботирлик  
Бизларда!

Тайёрмиз билимга, меҳнатга,  
Юраклар тўлиқдир ғайратга,  
Пўлатдай чиниққан мускуллар,  
Биз юрсак кўчалар гурсуллар.

### На қ а р о т

Энг соғлом авлодмиз дунёда,  
Бизга хос ленинчи ирода.  
Доимо тобланар кучимиз,  
Юрт учун яшамоқ бурчимиз.

На қ а р о т:

Эй ўртоқ,  
Кел тезроқ,  
Бу сафга!  
Моҳирлик,  
Ботирлик  
Бизларда!

1955

## «5» баҳо қўшиғи

Бўлса кимнинг табелида беши кўп,  
Ҳамма жойда унинг дўсти — эши кўп.  
Беш олувчи одобли ҳар боланинг  
Бўш вақти йўқ — ўқиши-ю, иши кўп.

На қ а р о т.

— Беш баҳо — аъло баҳо,  
Бебаҳо тилло баҳо.  
Доимо доно баҳо,  
Мағзи тўқ маъно баҳо.

Уй ишини — дарсини оз қилса у,  
Китоб бор-у, ўқишга ноз қилса у.  
Ололмайди, ололмайди беш баҳо,  
Ҳам дангаса — уйқумижоз бўлса у.

На қ а р о т.

Баҳоларнинг гул ушлаган полвони,  
Ҳар нарсага етар кучи — имкони.  
Аълочилар қандай ошно бўлишган?  
Бирор жойда борми ёки беш кони?

На қ а р о т.

Бешнинг кони қатор-қатор китобда,  
Ширин сўзда, яхшиликда, одобда.

Дарс чоғида берилган ҳар саволга  
Лўндагина тўғри-тўғри жавобда.

На қ а р о т.

— Беш баҳо — аъло баҳо,  
Бебаҳо тилло баҳо.  
Доимо доно баҳо,  
Мағзи тўқ маъно баҳо.

1966

## Кўйлагим

(Қиз бола кўшиғи)

Янги кўйлак тикдилар  
Аяжоним байрамга,  
Севинчимга сизмайин  
Раҳмат дедим аямга.

Кўйлагим, хо, кўйлагим,  
Қийсам келар ўйнагим.

Унга тақсам юлдузча  
Яна-яна очилди,  
Кўйлагимнинг гулига  
Зар нурлари сочилди.

Кўйлагим, хо, кўйлагим,  
Қийсам келар ўйнагим.

Қийиб чиқсам қизчалар  
Қарашгани-қарашган.  
Ярашибман мен унга,  
У ҳам менга ярашган.

Кўйлагим, хо, кўйлагим,  
Қийсам келар ўйнагим.

Чир айланиб ўйнасам,  
Гир айланиб ўйнасам,

Елпинарди кўйлагим,  
Ялтирарди кўйлагим.

Кўйлагим, хо, кўйлагим,  
Кийсам келар ўйнагим.

1970

## Хўп бўлади — хўп бўлади

Буюрса иш бизга биров  
Шундай деймиз унга дарров:  
— Хўп бўлади,  
Хўп бўлади.

Яхши бола сўзга кирар,  
Қатталарга салом берар.  
— Хўп бўлади,  
Хўп бўлади.

Пухта ўқиб «беш» баҳол,  
Жавобимиз тайёр дарҳол.  
— Хўп бўлади,  
Хўп бўлади.

Пионерсан, бурчинг бажар,  
Бахтинг кулар, илминг ошар.  
— Хўп бўлади,  
Хўп бўлади.

Халқ ишига бизлар тайёр,  
Кўнгилда чин сўзимиз бор:  
— Хўп бўлади,  
Хўп бўлади.

1971

## Сайранг қушлар!

Баҳор келган элимизга,  
Қувонч тўлган дилимизга.

Келинг қушлар,  
Учинг қушлар,  
Бизлар дўстмиз доим сизга,

Ярашгандир юртга баҳор,  
Сувга тўла канал-анҳор.  
Учинг қушлар,  
Қўнинг қушлар,  
Дарахтларда инлар тайёр.

Иссиқ қуёш кулар, боқар:  
Ҳамма ёқда нури оқар.  
Сайранг қушлар,  
Яйранг қушлар,  
Овозингиз бизга ёқар.

Уйнанг кўкда парвоз айлаб,  
Биздек ўсинг қувнаб, яйраб,  
Қувноқ қушлар,  
Ўртоқ қушлар,  
Учинг боғда сайраб-сайраб.

1948

## Арчажон

Ўрмонзордан келган меҳмон,  
Салом-салом, жон арчажон.  
Қувнашамиз яйраб-ййраб,  
Ватанимиз чин меҳрибон.

Яшнай бергин чаман арча,  
Безак тақдик қанча-қанча.  
Атрофингда ўйин қуриб,  
Қувнашамиз хоҳлаганча.

Бошлаб байрам тўйимизни,  
Хўп безатдинг уйимизни.  
Москваниз тинглаб турар,  
Айтган қўшиқ-қуйимизни.  
1951

## Яшна, улуғ ўлкамиз

[Хор]

Бахтимиз кулган бағрингда, Ватан,  
Ўсиб улғайдик, биз соғлом бадан.  
Қундан-кун бўлиб давримиз порлоқ,  
Яшнамоқдасан сен худди чаман.

На қ а р о т:

Биз бахтиёр пионерлармиз,  
Комсомоллар ботир акамиз.  
Партиямиз улуғ йўлбошчи,  
Яшна, улуғ ўлкамиз, жон ўлкамиз.

Мақтабимиз бор —билимнинг кони  
Биздек ёшларнинг чин меҳрибони.  
Ўқиймиз аъло, яшаймиз қувноқ,  
Бу озод замон — совет замони.

На қ а р о т:

Сен учун, Ватан, шундай сўзимиз:  
Қардош юртларнинг ўғил-қизимиз,  
Улуғ партия ва халқ олдида  
Доим тайёرمىз, ёруғ юзимиз.

На қ а р о т:

Биз бахтиёр пионерлармиз,  
Комсомоллар ботир акамиз.  
Партиямиз — улуғ йўлбошчи,  
Яшна, улуғ ўлкамиз, жон ўлкамиз.

1947



## **Баҳор, баҳор, баҳоржон!**

Қучоқ очиб кел, баҳор,  
Сен ҳам биз ҳам бахтиёр.  
Хўп ёқимли кунларинг  
Ешлик фасли, баҳоржон!  
Биздай кулсин гулларинг,  
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

Ҳар йил кўчат экамиз,  
Бағрингда сайр этамиз.  
Қуёш бўлиб боқарсан,  
Чаман фасли, баҳоржон,  
Ҳуснинг билан ёқарсан,  
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

Сенинг учун гулбаҳор.  
Совғамиз бор — беш баҳо.  
Келгин бизнинг мактабга  
Қўшиқ фасли, баҳоржон,  
Гул сочинг ҳар тарафга,  
Баҳор, баҳор, баҳоржон!

1956

## Ёз қўшиғи

Ёзганда ёз  
Гул поёндоз.  
Сайр айламоқ  
Қандайин соз.

Анҳорда сув  
Чаларди соз.  
Тинглаш учун  
Дил ишқибоз.

Шодлик ҳарён  
Этган парвоз.  
Меҳнат элга  
Берган пардоз.

Ёзганда ёз  
Гул поёндоз.  
Сайр айламоқ  
Қандайин соз.

1970

## Ҳунардан бахт унар

[Марш]

Ешликдан ўрганиб, ол ҳунар,  
Ҳар нарса измингга бўйсунар.  
Оталар сўзи бор, унутма:  
Меҳнатдан-ҳунардан бахт унар.

Н а қ а р о т: Ешлигинг — мардона,  
Ешлигинг — олтиндир,  
Бекорга ўтмасин умрингда бу палла,  
Ешлигинг — дурдона,  
Йўлларинг — ойдиндир,  
Эй, дўстим, ҳунарни сен аъло эгалла!



Юртимда ҳунарнинг бари соз,  
Устозга бўл доим жўр овоз.  
Қўли гул одамнинг кўнгли шод,  
Фан, ҳунар кўкида эт парвоз!

Н а қ а р о т:

Партиям таълимин тут ёдда,  
Келажак қўлингда яшнасин,  
Сен шараф топасан ҳаётда.  
Донг тарат, меҳнатда, ижодда.

Н а қ а р о т: Ёшлигинг — мардона,

Ёшлигинг — олтиндир.  
Бекорга ўтмасин умрингда бу палла.  
Ёшлигинг — дурдона.  
Йўлларинг — ойдиндир,  
Эй, дўстим, ҳунарни сен аъло эгалла.

1963.

## **Боғимиз**

Дўстлар, келинг боғимизга, қувнашамиз,  
Бахтиёрлик қўшиғини куйлашамиз.  
Боғчамизни яшнатганмиз роса ишлаб,  
Гул ўтқазиб, кўчат экиб, парваришлаб.

Н а қ а р о т:

Ватанимиз — боғимиз.  
Биз унинг ниҳолимиз.  
Бизга бердинг тарбия,  
Яша, юксал доимо  
Боғбонимиз — партия!

Бунда Павлик Морозовнинг ҳайкали бор.  
Ёшлик каби яшнаб турар кенг чаманзор.  
Қуёшдан нур, тоғлардан сув оқиб келар,  
Гулзорида ўйнар доим майин еллар.


На қарот:

Мевалари асал бўлар ёз чоғида,  
Дарахтларнинг салқинида — қучоғида —  
Қитоб ўқиб, роҳат-роҳат оламиз дам.  
Яшнамоқда ўлкамиз ҳам, боғимиз ҳам.

На қарот:

Ватанимиз — боғимиз,  
Биз унинг ниҳолимиз.  
Бизга бердинг тарбия,  
Яша, юксал доимо  
Боғбонимиз — партия!

1950



## Пахта қўшиғи

Олтин пахта — оқ пахта,  
Биз сенга иноқ, пахта.  
Ҳосилинг мўл бўлганда,  
Ҳаммамиз қувноқ, пахта.

Тракторда ер ҳайдаб,  
Экадилар авайлаб,  
Меҳнат фасли ишлайди  
Қолхозчилар бел бойлаб.

Бир чигитдан кўкариб,  
Сен унасан кўпайиб:  
Нурдан баҳра оласан.  
Бошинг кўкка кўтариб.

Чаман-чаман пахтазор —  
Юртимизга ифтихор.  
Сендан бахтин топади,  
Меҳнат қилиб пахтакор.

Кузда баланд хирмонда,  
Товланасан ҳар ёнда.  
Ҳосилинг ошар доим  
Бизнинг Ўзбекистонда.

Олтин пахта — оқ пахта,  
Биз сенга иноқ, пахта.  
Ҳосилинг мўл бўлганда,  
Ҳаммамиз қувноқ, пахта.

1948

## Лагерь қўшиғи

Улкамизга кулиб келди олтин ёз,  
Йўлларида чаманзорлар поёндоз.  
Лагерида қучоғида,  
Мевазору гулбоғида,  
Ешлик куйи — жаранглайди шўх овоз,  
Улкамизга кулиб келди олтин ёз.

Ез қўйнида гуллар юртнинг ҳар ёғи,  
Лагеримиз чин дўстликнинг булоғи,  
Гулхан ёнар гурра-гурра.  
Янграб кетар қўшиқ, ура!..  
Ҳилпиллайди отрядимиз байроғи,  
Ез қўйнида гуллар юртнинг ҳар ёғи.

Салқин лагерь боғларида яшнаймиз,  
Дўстлигимиз завқи билан сайраймиз.  
Қуёш нури, тоза ҳаво,  
Еш танларга бўлар даво,  
Тиниқ сувда чўмиламиз, яйраймиз,  
Салқин лагерь боғларида яшнаймиз.

1951

## Саёҳат — роҳат

Дўстим, юр тезроқ,  
Сайр этайлик бир.  
Элни ўрганмоқ  
Ўзи мактабдир.  
Юрайлик яёв,  
Ҳаво топ-тоза,  
Бепоён яйлов —  
Кўрайлик роса.

На қ а р о т:

Баҳорда, ёзда —  
Қилсак саёҳат;  
Кузда, аёзда —  
Берар куч-ғайрат,  
Энг яхши одат:  
Саёҳат — роҳат!

Ҳар нарса гўё —  
Бергандай сўроқ.  
Шарқирар дарё,  
Кел дер дала, боғ,  
Қанча кўп кўрсак,  
Илмимиз ошар,  
Соғлом, довиюрак —  
Бўлмоқ ярашар.

Н а қ а р о т:

Баҳорда, ёзда  
Қилсак саёҳат;  
Кузда, аёзда —  
Берар куч-ғайрат.  
Энг яхши одат:  
Саёҳат — роҳат!

1960

## **Уч хил чироқ — аҳил чироқ**

Ўтар бўлсанг кўча бўйлаб,  
Юргин доим йўлинг ўйлаб,  
Кўчанинг ўз хитоби бор.  
Чироқларда жавоби бор.

Н а қ а р о т:

Йўл кўрсатар,  
Йўл ўргатар,  
Уч хил чироқ,  
Аҳил чироқ,  
Асл чироқ.

Сариқ чироқ ёнса агар,  
Бор дегани йўлда хатар,  
Тўхта, дейди қизил чироқ,  
Ўта қол, дер яшил чироқ,

Н а қ а р о т:

Навбат билан ёнар, ўчар,  
Яхши бола қараб ўтар.  
Кўча гавжум эрта-ю кеч,  
Ёмон ҳолат бўлмасин ҳеч.

Н а қ а р о т:

Йўл кўрсатар,  
Йўл ўргатар,  
Уч хил чироқ,  
Аҳил чироқ,  
Асл чироқ.

1971

## Сентябрим

Мактабжоним — бахт, тақдирим,  
Чиниқтирган қунт-у сабрим,  
Тез келақол,

сентябрим,

Сентябрим, сентябрим.

Биз болалар неча ойлаб,  
Келишингни юрдик пойлаб,  
Бағринга ол,

сентябрим,

Сентябрим, сентябрим.

Ҳаммамизни ясантирган,  
Ленин дарсин бошлаб берган.  
Байрам мисол,

сентябрим,

Сентябрим, сентябрим.

Кулиб турган кўзлар яхши,  
Суҳбатлашган дўстлар яхши,  
Тилимиз бол,

сентябрим,

Сентябрим, сентябрим.

Ойдин этиб орзу йўлин,  
Биз терамиз билим гулин,—  
Ўқиб ҳалол,

сентябрим,

Сентябрим, сентябрим.

1971

## Интернат қўшиғи

Сен — мактабсан меҳрибон,  
Уйимизсан жонажон.  
Иссиқ бағринг бизларни  
Кутиб турар ҳар қачон.

Н а қ а р о т:

Интернат, интернат,  
Беминнат интернат,  
Ошингга, нонингга,  
Чойингга, минг раҳмат!  
Интернат, интернат,  
Серҳиммат интернат,  
Дарсингга, меҳрингга,  
Жойингга минг раҳмат!

Билим, дўстлик ўргатган,  
Ҳар ишда йўл кўрсатган,  
Сенсан она интернат  
Эркалатган, ўйнатган.

Н а қ а р о т:

Бизлар сенга фарзандмиз,  
Яхшилигинг сезганмиз,  
Ленин бобом очган боғ —  
Сендан жуда хурсандмиз.

## Нақарот:

Интернат, интернат,  
Беминнат интернат,  
Ошингга, нонингга,  
Чойингга минг раҳмат!  
Интернат, интернат,  
Серҳиммат интернат,  
Дарсингга, меҳрингга,  
Жойингга минг раҳмат!

1964

## Хурсандмисиз? Хурсандмиз!

(«А» синфи билан «Б» синфи лапари)

«Б» синфи:— Хўш «а»чилар қалайсиз?

«А» синфи:— Қалаймасмиз, олтинмиз.

«Б» синфи:— Бу чоракда қандайсиз?

«А» синфи:— Мактабда энг олдинмиз.

«Б» синфи:— Хурсандмисиз?

«А» синфи:— Хурсандмиз!

«А» синфи:— Қалай энди интизом?

«Б» синфи:— Кўрсак деймиз «ассалом»

Синфимиз хўп озода,

Уқиймиз соф ҳавода.

«А» синфи:— Хурсандмисиз?

«Б» синфи:— Хурсандмиз!

«Б» синфи:— Синфимизда йўқ асло

Ҳатто «икки», «уч» баҳо.

«А» синфи:— Синфингизда бўлганмиз,

Кўриб завққа тўлганмиз.

«Б» синфи:— Хурсандмисиз?

«А» синфи:— Хурсандмиз!



«А» с и н ф и:— Табриклаймиз «б»чилар  
«Б» с и н ф и:— Раҳмат сизга эпчиллар.  
Аҳил бўлдик, кенгашдик,  
Энди сизга тенглашдик.  
«А» с и н ф и:— Хурсандмисиз?  
«Б» с и н ф и:— Хурсандмиз!

## Китоб—ҳаммабоп

Ҳаётимиз ойнаси,  
Билимларнинг онаси,  
Буюмлар дурдонаси,  
    Менга ўргатган одоб,  
    Бу — китобдир, бу — китоб!

Акс этган еру осмон,  
Ўтмиш, келажак замон.  
Унда шер, эртак, дoston,  
    Ҳар саволга бор жавоб,  
    Бу — китобдир, бу — китоб!

Ҳеч туганмас хазина,  
Ҳар бир варағи зина,  
Онадай иссиқ сийна,  
    Сахийликда ҳаммабоп,  
    Бу — китобдир, бу — китоб!

Мазмунлари хилма-хил,  
Ақлингга қўшган ақл,  
Дўстимдир жуда аҳил,  
    Фан йўлида нур-офтоб,  
    Бу — китобдир, бу — китоб!

## Кулча нон—гулча нон

Ойим ёпдилар кулча,  
Е дедилар тўйгунча.  
Кулчам ўхшар гулчага,  
Юзим ўхшар кулчага.

Кулча нон-у, кулча нон,  
Кўриниши гулча нон.

Ширинлиги ўзимдай,  
Иссиқлиги юзимдай.  
Келинг, ўртоқлар, еймиз,  
Ойимга раҳмат деймиз.

Кулча нон-у, кулча нон,  
Кўриниши гулча нон.

1960

## Қўғирчоғим, алла!

Қўғирчоғим, қўғирчоқ,  
Сенсан менга овунчоқ.  
Майин кулиб боқасан,  
Сен бор доим вақтим чоғ.  
Қўғирчоғим алла-ё,  
Овунчоғим алла-ё.

Сўзлар топдим алламга.  
Сени мақтай оламга.  
Ухламасанг агар сен  
Айтиб берай аямга.  
Қўғирчоғим алла-ё,  
Овунчоғим алла-ё.

Сен мисоли гулгунча.  
Ухламайсан намунча.  
Яхши ухлаб ором ол,  
Опанг ўйнаб келгунча.  
Қўғирчоғим алла-ё,  
Овунчоғим алла-ё.

1962

## Гунафша кўшиғи

Ҳар ён навбаҳор,  
Осмон кўк шиша.  
Изладим сени  
Богма-боғ оша.  
Кўрдим-у, тердим,  
Мен шоша-шоша,  
Яша гунафша,  
Гўзал гунафша.

Қанча кўп терсам  
Ухшадинг камга.  
Кўрсин деб дўстлар,  
Тақдим чаккамга.  
Менга, барчага  
Тансиқ ҳамиша.  
Яша гунафша,  
Гўзал гунафша.

Ҳидлаб тўймайман.  
Хушбўй исингга.  
Сиёҳим ранги  
Ухшар тусингга.  
Кўшиқлар айтай  
Сенга яраша,  
Яша гунафша,  
Гўзал гунафша!

1965

## Оқ гулзор кўшиғи

Оқ гулзор-у, оқ гулзор,  
Гули оппоқ — беғубор.  
Улар юлдуз чаногда  
Очилишар куз чоғда.

Қараб кўзлар қамашар,  
Далаларга ярашар,  
Гулмисан, нақ олтин гул,  
Барча гулдан олдин гул.  
Жуда азиз — табаррук  
Ундан бўлар галстук.  
У гул асло сўлмайди,  
Тез термаса бўлмайди.  
Гулдан ясай зўр хирмон.  
Элга бойлик ва дармон.  
Оқ гулзор-у, оқ гулзор,  
Оқ гулзорим — пахтазор.  
1966

## **Ачом-ачом, бувижон!**

Салом-салом, бувижон,  
Ачом-ачом, бувижон!

Оқ пахтадай сочингиз,  
Омон бўлсин бошингиз.  
Айтақолинг, бувижон,  
Неча ёшда ёшингиз?

Салом-салом, бувижон,  
Ачом-ачом, бувижон!

Сўзларингиз хўп қизиқ,  
Юзингизда бор чизиқ.  
Ачомласам бувижон,  
Бағрингиз мунча иссиқ?

Салом-салом, бувижон,  
Ачом-ачом, бувижон!

Дадамларни боққансиз,  
Ойимларга ёққансиз.  
Топишмоғ-у, эртакка,  
Бувижон, хўп чаққонсиз.

Салом-салом, бувижон,  
Ачом-ачом, бувижон!

1968

## Раҳматга раҳмат

- Биринчи бола:— Икки бола уришар,  
Кўплар қараб туришар.
- Иккинчи бола:— Раҳмат келди-ю, дарров  
ўртасига бўлди гов.
- Учинчи бола: — Икковини ажратди,  
Болаларни тарқатди.
- Ҳамма бола: — Раҳматга раҳмат!
- Биринчи бола:— Раҳмат роса чиниққан,  
Футболда донғи чиққан.
- Иккинчи бола:— У қўшилган команда,  
Қолмас асло армонда.
- Учинчи бола: — Майдон бўйлаб югурган,  
Бир зум ўтмай гол урган,
- Ҳамма бола: — Раҳматга раҳмат!
- Биринчи бола:— Ҳар яхши иши учун,  
Чинакам беши учун.
- Иккинчи бола:— Юрши-ю, туришига,  
Дарсда ўтиришига.
- Учинчи бола: — Тоза китоби учун,  
Иссиқ одоби учун.
- Ҳамма бола: — Раҳматга раҳмат!

1966

## Жовдирайди — довдирайди

[Ҳазил]

Билармисиз бир бола бор,  
Иссиқ кунда қалтирайди.  
Ўтар ширин вақти бекор,  
Икки кўзи жовдирайди,  
Савол берсанг довдирайди.

Тайёрламай келар дарсин,  
Писанд қилмай «2»— қарзин,  
Айтолмайин ҳатто арзин,

Икки кўзи жовдирайди,  
Савол берсанг довдирайди.

Доскага у чиқса агар,  
Қўлида бўр, бўйнин эгар,  
Яна лўнда «2» теғар.

Икки кўзи жовдирайди,  
Савол берсанг довдирайди.

Қулоқ солмай насиҳатга,  
Қарамаса китоб, хатга,  
Қолиб кулги — маломатга,

Икки кўзи жовдирайди,  
Савол берсанг довдирайди.

1971

## Уч баҳо — пуч баҳо

Уч баҳою уч баҳо,  
Таги бўм-бўш пуч баҳо.

«Икки»нинг ён қўшниси,  
«Тўрт»нинг ёмон қўшниси,

«Беш» уни танимайди,

Ҳатто баҳо демайди.

Агарда ким олса «уч»,

Ялқовликка бўлган дуч.

Ухшар инжиқ касалга,

«Иккига» тушар салга.

Бу баҳо жуда арзон,

Кўпларни этар сарсон.

На билар-у, на билмас,

Гапни қулоққа илмас.

Агарда ким олса «уч»,

Урганишин мағзи пуч.

«Уч»ни дерлар «ўртача»,  
Еки тешик тўрвача.  
Ярамас ҳеч буюмга,  
Арзимас бир тийинга.  
Олувчини ланж этар,  
Эшитганни ранжитар.  
Оғайнилар, олманг, «уч»,  
Сизда бор «беш», «тўрт»га куч.

1960

## Салимжон — нимжон

[Ҳазил]

Салим, Салим, Салимжон,  
Бунча бўлдинг сен нимжон?  
Қопток мисол семирдинг,  
Гўё танинг хамиржоң.

Салимжон — нимжон!

Ҳеч бир чиқмай офтобга,  
Рангинг ўхшаб бетобга.  
Уйқу босиб кўзингни  
Қаролмайсан китобга,

Салимжон — нимжон!

Айтаверсак бир четдан:  
Доим қочдинг меҳнатдан,  
Ҳеч қилмайсан зарядка,  
Асло борми ғайратдан?

Салимжон — нимжон!

Бизлар каби куч йиққин,  
Тур, ўртоқжон, тез чиққин,  
Ишлаб мактаб богида  
Терлаб-терлаб чиниққин.

Бўларсан полвон!

1961

## Салимжон энди полвон

Салим, Салим, Салимжон,  
Олдин эди сал нимжон.  
Агар уни кўрсангиз  
Салимжон энди полвон.  
Салимжон — полвон.

Дўстларини танига,  
Губор кетган танидан.  
Бизнинг ўша Салимжон  
Танқидларни тан олган,  
Салимжон — ўғлон,  
Салимжон — полвон.

Копток бўлиб шишганмас,  
Лаби-лунжи тушганмас,  
Чеҳраси ҳам очилган,  
Уқимайди «беш»дан паст.  
Салимжон — шодон,  
Салимжон — полвон.

Егдай ёққан зарядка,  
Қирган роса гайратга.  
Бел боғлаган дўстлардай  
Доим, ўқиш, меҳнатга,  
Салимжон — чаққон,  
Салимжон — полвон.

1965





## Янги йилим — яхши йилим

Хуш келибсан,  
Янги йилим,  
Йилдан йилга  
Бахтли йилим.

Янги йилим — яхши йилим.

Мактабимда,  
Ўз сафимда  
Қувнаб-қувнаб  
Олдим билим,

Янги йилим — яхши йилим.

Каникулинг,  
Арча — гулинг  
Мақтовидан  
Толмас тилим.

Янги йилим — яхши йилим.

Байрам-тўйинг,  
Қўшиқ-қуйинг  
Очар менинг  
Баҳру дилим.

Янги йилим — яхши йилим.

1970

## «2» қўйманг ўқитувчим

(Ҳазил)

Қийин экан саволингиз,  
Йўқми бошқа мисолингиз.  
Ўқитувчим, кўп қийнаманг,  
Баланд бўлсин иқболингиз.

На қ а р о т: Етарлидир «икким», «учим»,  
«2» қўйманг, ўқитувчим.  
Осондан озроқ сўранг...  
Жон домлажон «2» қўйманг,  
«2» қўйманг, «2» қўйманг.

Вазифалар анча оғир,  
Қитоб олсам бошим оғрир.  
Қандоқ қилай, ўқитувчим,  
Шу аҳволда қолмай охир.

На қ а р о т:

Юрагимни босмасин ғам,  
Нима дейди, отам-онам.  
Сирларимни айламанг фош;  
Майли эди «4» бўлса ҳам...

На қ а р о т:

Имтиҳондан ўтиб олай,  
Кейин ўзим ўқиб олай.  
Илож қилинг, ўқитувчим,  
Қаникулга етиб олай.

На қ а р о т:

Етарлидир «икким», «учим»,  
«2» қўйманг, ўқитувчим.  
Осондан озроқ сўранг...  
Жон домлажон «2» қўйманг,  
«2» қўйманг, «2» қўйманг.

# ДОСТОН ВА БАЛЛАДАЛАР.

---



**ДОСТОН  
ВА  
БАЛЛАДАЛАР**



## Кўнгил истар яхшилик

(Достон)

### БАҒИШЛОВ

Уқувчим, сенга атаб,  
Сўзларни сўзга матаб  
Бошладим бир достонча,  
Уйлаб юрдим-у анча  
Қийин бўлди ёзишим.  
Ташлаб бутун ёз ишим,  
Ушанга бўлдим машғул.  
Бўлсин деб сенга маъқул  
Изладим сўз дурини,  
Тўкдим кўнгил қўрини.  
Хаёлимни эрта-кеч  
Банд этганди қўймай ҳеч.  
Илҳом бўлиб учқур от,  
Қофиям гўё қанот.  
Мақсад-манзилга элтса,  
Яъни дилинг эритса,  
Ёзмабман деб беҳуда,

Мамнун бўлардим жуда.  
Уқувчим, дostonимда,  
Эҳтимол ҳаётинг бор  
Ёки ўхшаш отинг бор,  
Турдинг доим ёнимда  
Чунки илҳом коним сен,  
Доно китобхоним сен!

\* \* \*

Тўрт қават гиштин мактаб,  
Уғил-қизларга атаб—  
Қурилган янги хилда.  
Завқ кўзғар ҳар бир дилда,  
Қуёшга кўтарган бош,  
Зилзилага берган дош.  
Гўё билим саройи  
Маҳалланинг чиройи,  
Қўринар кўзга кўркам —  
Олис-олислардан ҳам.  
Мактаб ёни тор кўча,  
Икки ён толзор кўча.  
Футболчи болалар ҳам  
Коптокка беришмай дам,  
Югуришар талашиб,  
Баъзида юмалашиб.

\* \* \*

Синфларда тугаб дарс,  
Уктам ёлғиз шу нафас.  
Чиқиб келар мактабдан,  
Ранжиган қандай гапдан?  
Таъби недандир хира,  
Тушуниб бўлмас сира...  
Кетидан келиб Қодир,  
Юпатмоқчи Уктамни.  
— Бу ҳол бўлди бир содир,

Уша Толиб одамми?  
Уни яхши биламиз.  
— Уни ҳурмат қиламиз,  
Фалончининг ўғли-да?  
Ҳар бир гапи тўғри-да?!  
— Ҳар бир гапга ранжима,  
Узидай гапи нима?  
— Оласизлар ёнини,  
Нақ одамнинг қонини  
Юборади қайнатиб.  
Кетган жуда талтайиб,—  
Дерди қовоғин солиб...  
Қодир ҳам ҳайрон қолиб,  
Юпатишга излар сўз.  
Кетишарди икки дўст,  
Яна сўзлайди Уктам,  
Тутоққанди жуда ҳам:  
— Айбим шуки, йўқ тобим,  
Бунга ошар хунобим.  
Касаллигим туфайли,  
Синфда қолдим майли...  
Юпатар Қодир эса:  
— Қим сенга нима деса,  
Хафа бўлавермагин,  
Ковлама ҳар сўз тагин.

Суҳбатлашиб шу замон,  
Икки дўст икки томон  
Бурилиб кетди, аммо —  
Уктамнинг ранги бежо.  
Уйига етиб қолган,  
Уктам кетарди ҳолдан,  
Оқарарди юзи сал,  
Бор унда асаб касал.  
Нечундир кўзи тинди  
Атроф хира кўринди.

Қасали қолди тутиб,  
Узини тез унутиб,  
Шилқ этиб ерга тушди,  
Бошидан ҳуши учди.

Шундай ҳолда Уктамга  
Ҳеч ким келмас ёрдамга.  
Бир кампир чиқиб қолди,  
«Ким бор!» дея дод солди.  
Бу «дод-дод»ни эшитиб  
Қодиржон келди етиб.  
Қўтарди Уктам бошин,  
Силади кўз-у, қошин.  
Уктам ҳеч нима билмас,  
Ҳануз ўзига келмас.  
Уйига чопиб дарҳол,  
Ичар дея ҳойнаҳой:  
Кампир олиб чиқди чой.  
Жиндай-жиндай ҳўплади,  
Қўзини очди хиёл.  
Қўни-қўшни тўпланди.  
Эшитиб қолиб она,  
Ташвиш ўтида ёна —  
Бош-яланг чуввос солиб,  
Қавишин қўлга олиб,  
«Ишқилиб бўлсин омон»  
Деб чопар ўғли томон.  
Кела, олди бағрига.  
Омон экан бахтига.  
Елғизгина ўғлони,  
Гўё унинг тан-жони.  
Қодирдан Меҳри опа:  
— Қим уни қилди хафа? —  
Дея сўради секин.  
Қодир ҳам унга лекин:  
— Мен ҳам билолмадим, — деб



Айтишни кўрмади эп.  
Уктамга ачинарди,  
Толибдан гижинарди.

Бир оздан кейин Уктам  
Келиб қолди ўзига.  
Меҳри хола дам-бадам  
Боқиб ўглин кўзига:  
— Жоним, нима бўлди? — дер,  
Уктамни босганди тер...

Юзи-кўзини силаб  
Турғаздилар авайлаб.  
Меҳри хола ва Қодир  
Суяшди-да бирма-бир,  
Юрдилар уйи томон.  
Етдилар эсон-омон.

Шунақа касали бор,  
Бўлиб турарди такрор.  
Шифохонада ётиб,  
Узоқ вақт даволатиб,  
Утган йили синфда —  
Қолган. Қўнгли синиқ-да...  
Ўз синфидан ажралиб  
Қодирларнинг ичига,  
Яъни у бешинчига  
Тушиб ўқиши ҳозир,—  
Бу ҳол этарди таъсир...

Етти ёшдайди Уктам,  
Олов эди чинакам.  
Бир куни баланд томда  
Ғира-шира — оқшомда —  
Учирар эди варрак,  
Бўлиб жуда жонсарак.

Тушган томдан йиқилиб,  
Тузалган сал, ишқилиб,  
Нақ, чиқиб эхсонаси,  
Хўп куйган-ди онаси.  
Югурган ҳар томонга,  
Доктор, дори-дармонга.  
«Мняси сал лат еган»,  
Врачлар шундай деган.  
Даво туфайли Уктам  
Бўлиб қолганди одам.  
Кўрсанг кўргудай бола,  
Тиниқ кўзгудай бола,  
Анча чиройли, хилча,  
Бўлиб қолган йигитча.  
Бетоблигин сабаби  
Ёмонлашган асаби.  
Бировдан жаҳли чиқса,  
Ноҳақликка йўлиқса  
Бузилади асаби,  
Тўхтар гоҳ сўз-у, гапи.

Бешинчи синфданоқ,  
Қодир унга чин ўртоқ.  
У билан ҳаммаҳалла,  
Бирга улар кўп палла  
Тушунар бир-бирини,  
Айтишар дил сирини.  
Синфдошлардан Уктам  
Кўрса-чи, қилиб алам,  
Ичидан кетарди зил,  
Кейин қолдим деб бир йил...  
Қодир ундай ҳолатда  
Юпатарди албатта.  
Қодир кўп яхши бола,  
Хулқида йўқдир ола.  
Кўпларни қилар қойил,

Камтарин, очиқ кўнгил.  
Кийинар оддий, тоза,  
Оғзидан ҳеч бемаза —  
Гап чиқмаган ҳеч қачон.  
Қўшни кампирлар нуқул  
Қодирни мўмин-қобил  
Бола деб юришарди,  
Кўп яхши кўришарди.

\* \* \*

6 «Б» синфида,  
Уттиз бола сафида  
Ҳали Уктам ранжиган,  
Бола бор Толиб деган  
Қорача, хиёл бўйдор,  
Дилозор ва думоғдор.  
Зўр бермасдан билимга,  
У зеб берган кийимга.  
Юрар жуда олифта,  
Отрядда ҳам Толибга  
Айтишганди неча бор,  
У бермасди эътибор.  
Дарров топиб қарши гап  
Насиҳатга берар чап.  
Қуруқланар, мақтанар,  
Гўё обрў ахтарар.  
Қизларга-чи, гап ташлар,  
Улар дилини ғашлар.

Уқиши ҳам ўрта ҳол,  
Доскада қийин савол  
Тушиб қолса-чи агар,  
Болаларга жилмаяр...  
Айтиб бергин деб имлар,  
Пичирлаб қолар кимлар,  
Кимлар кулар ўшанда

Гоҳо бўлар шарманда...  
Шунда ҳам юқтирмас сув,  
Толиб, қаранг, анча қув.

\* \* \*

Уша кундан кейин ҳам  
Ун кунча ётди Уктам.  
Қодир эса ҳар куни  
Кўриб турарди уни.  
Уколга у қатнарни,  
Киши билмас-ку, дарди  
Анчалик эди оғир,  
Буни сезарди Қодир.  
Ҳадеб синфда қолсам,  
Дея ўкинар Уктам —  
Толиб тегар жиғимга,  
Пичирлайди ҳар кимга.  
Билолмай қолсам-чи сал,  
Дейди азалдан касал...  
— Парво қилма бу гапга,  
Хўжайинмас мактабга.  
Сен борсанг, оғайнижон,  
Утирамиз ёнма-ён.

Иккаласи ўша кун  
Бўлса ҳамки ярим тун,  
Ҳар соҳадан очиб баҳс,  
Тайёрлашди анча дарс.  
Қодир биринчи галда  
Уктамга берар далда.  
Уктам учун яхши гап  
Доридан зўр берар наф.  
Қодирни у ёқтирар,  
Доим гапига кирар.  
Уктамжоннинг онаси  
Қодирнинг парвонаси,

Уғлимнинг ўртоғи деб,  
Ҳамма қилиғи ёқиб,  
Олар иссиқ қаршилаб.  
Меҳмон қилар яхшилаб.

\* \* \*

Тез-тез ўтарди кунлар,  
Кунлар тўла мазмунлар.  
Ўктамжон мактабига,  
Қатнар дўстлар сафига.  
Етиш учун мақсадга  
Ҳамма борар мактабга.  
Бу сафда Ўктам, Қодир  
Қунт билан ўқиётир.  
Қизик бўларди дарслар,  
Дарсларда қизир баҳслар.

\* \* \*

Танаффус чоғи Ўктам  
Қолган дарсларни шу дам  
Кўчириб олар эди...  
Толиб келди-да, деди:  
— Шокир акамиз бу гал  
Яхшиям бўбди касал.  
Дарсга келмас-миш анча,  
Уйнаймиз хоҳлаганча.  
Ўктамнинг чиқди жаҳли,  
Ўқитувчиси учун —  
Ўртанди жони-жаҳди.  
Аммо чиқармасдан ун  
Ўтиролмади Ўктам,  
Ўрнидан тура шахдам  
Келди Толиб олдига,  
Шу сўз келди ёдига:  
— Эй, Толиб, менга қара,  
Сен ачиниш ўрнига

«Яхшиям» дейсан нега?!  
Андиша борми сира?!  
Бўш келмасдан Толиб дер:  
— Эй, йўлингга кетавер,  
Ҳеч нима бўлмаган-ку,  
Тоби йўқ, ўлмаган-ку!

Ўктам қалбига заҳар  
Югургандай сезилар.  
— Улса яхшими сенга?  
— Удағайлама менга!  
Ўзинг ҳам касалсан-да!  
— Виждон йўқ экан санда —

Дея Ўктам тутоқар,  
Толибга ёмон боқар.  
Қайнаб кетиб ғазаби,  
Бузилди-да асаби,  
Жўжаҳўроздай дарров  
Олишиб кетди икков.  
Ўктам эса бир маҳал,  
Ўзини йўқотиб сал,  
Чидолмасдан жаҳлига,  
Солди Толиб жағига.  
Улар анча олишди,  
Қўплар келиб қолишди.  
Ажратишди шу замон;  
Толиб оғзи-бурни қон...  
Вожатийга югурди,  
«Ўктам Толибни урди»  
Деган гап тарқаб кетди,  
Талай қулоққа етди.  
Ҳодисани эшитиб  
Қодир ҳам келди етиб.  
— Нима қилардинг уриб,—  
Дея Ўктамни койир,  
Ўктам дер хаёл суриб:

— Узини қара ахир...  
Ва айтолмас у ёғин,  
Яна солиб қовоғин.  
Келди Вожатий опа,  
Синфдан бўлди хафа:  
— Урдинг нима сабабдан?  
Ҳайдаш керак мактабдан —  
Сендаинн безорини.  
Отряднинг қарорини  
Чиқариб беринг менга!  
Раҳм қилувдик сенга,  
— Бекорга урмагандир,—  
Гап қўшиб қўйди Қодир.  
— Гапирма, сенга гап йўқ! —  
Қодирга ҳам қилди дўқ.  
Уктам иқрор айбига,  
Вожатийнинг гапига  
Қайтаролмас сира гап.  
Айтсинми узр сўраб...  
Уз-ўзидан эзилар,  
Қийналиши сезилар.  
Нелар кечар ўйидан?  
Унинг ранги-рўйидан  
Билиниб турар эди.  
Нима қилсай-кин энди?  
Вожатий кетгач, Одил  
Уртага чиқди дадил:  
— Бизнинг синфга Уктам,  
Босмасин энди қадам.  
Мактабдан ҳайдатмасак,  
Ҳаммамиз еймиз калтак.  
Уктам ўрнидан турди,  
Секин эшикка юрди.  
Кетди эшикни очиб...  
— Айбдор-да, кетди қочиб,—  
Дейишди баъзи бирлар.

Лекин ўртада сирлар  
Епиқлигича қолиб,  
Ҳақ бўлиб чиқди Толиб.  
Қодир дер туриб шартга:  
— Одил, кўп кетма катта.  
Теккандир-да жиғига,  
Шу-чун солган жағига.  
Ғишт кўчмасдан қолипдан,  
Сўра Ўктам, Толибдан.  
Одил дер:— Қочди Ўктам,  
Етар шунинг ўзи ҳам.  
Қодирнинг ўзи ёлғиз  
Оқлашга бўлди ожиз.

\* \* \*

Қодир кетмай уйига  
Етмас хаёл-ўйига...  
«Бу иш бўлмади, яхши,  
Синфда барча қарши,  
Ўзим бўлсам-чи, аттанг...»  
Дея бўларди тажанг.

\* \* \*

Эртаси борса мактаб  
Юрар ўша совуқ гап.  
Қодирни кўриб Толиб,  
Ўтди қовоғин солиб,  
Дегандай шеригисан.  
Қодир қилмасди писанд.  
Партада ёлғиз ўзи,  
Ўктамни излар кўзи.  
«Қолиб кетган дарсига,  
Нега келмас аксига».  
Уйига бормагандан  
Ва хабар олмагандан  
Ўзини койиди сал,



Борсанг бўларди дангал.  
Дили ёришмас, бироқ,  
Ошмаганмикан дарди,  
Деб ошнасин ўйларди,  
Дарслар тугади зўрға,  
Қодир чиқди-да йўлга,  
Унинг уйига кирди,  
Астагина чақирди.  
Тезда чиқди ойиси,  
— Билолмадим боисин.  
Вой, Уктамнинг касали  
Тутиб қолувди ҳали,  
Олиб кетди «Тез ёрдам»,  
Кетганди дадаси ҳам.  
Олаяпман хавотир...—  
Дея йиғлай бошлади,  
Кўзларини ёшлади.  
Юпатган бўлди Қодир.  
Ичидан куйди роса.  
Қодир йўлга қараса,  
Вожатий билан Толиб  
Дадасин бошлаб олиб,  
Қараб у ён-бу ёнга,  
Келишар шу томонга.  
Етиб келишди шу дам,  
Толиб юзида алам...  
— Ўғлингиз экан нобоп,  
Қўпларга берар азоб.  
Дарсдан қочиб юрибди,  
Буни ноҳақ урибди,—  
Дея вожатий ранжир,  
Ҳайратда турар Қодир.  
Толибнинг дадаси дер:  
— Бу ёққа чақириб бер,  
Зўравонни бир кўрай!  
— Нима бўлди, вой ўлай?! —

Дерди онаси чўчиб,  
Бир зумда ранги ўчиб,  
— Қасал тагин тутибди,  
«Тез ёрдам» обкетибди,—  
Деган чоғида Қодир,  
Улар эса бирпасда  
Анча тушишди пастга.  
— Мактабдан келиб эрта  
Сигмагандай ҳеч ерга  
Юрди анча туюқиб,  
Эси-ҳуши сал оғиб.  
Бирдан кечки маҳали  
Тутди ўша касали...  
Майли ўқимаса ҳам,  
Омон бўлса бас болам,—  
Дер она кўзида ёш.  
Бошқалар кетди секин,  
Даъволар бўлди одош,  
Вожатий эса лекин —  
Шу пайт кетмади, қолди,  
Бир оз ҳаёлга толди:  
— Тузалиб келса Ўктам,  
Берамиз дарсдан ёрдам.  
Бунақа куйманг ҳадеб,—  
Юпатди, тузалар деб.  
Анча узоқ гаплашди,  
Ҳасратлашди-дардлашди.  
Мактабда бош вожатий  
Бўлиб ишлар Сожида.  
Сўзлари пишиқ, қатъий,  
Ишга ҳам чаққон жуда.  
Бутун пионер иши,  
Одоб, юриш-туриши  
Сожиданинг бўйнида.  
Уйларди у кўнглида:  
Ҳамма яхши ўқиса,

Ҳеч кўнгилсиз ҳодиса —  
Бўлмаса сира-сира,  
Дилни этмаса хира.

Сожида эса ҳозир  
Утириб хонасида  
Ёзарди ниманидир.  
Хона остонасида  
Синфком Одил шу пайт  
Киришга сўрар руҳсат:  
— Хўш, Одилжон, келавер,  
— Синфда биз, — Одил дер, —  
Яхшилаб қилдик қарор,  
Ҳамманинг имзоси бор.  
Унга ён босиб Қодир  
Қўл қўймади барибир.  
— Қодир ҳақдир эҳтимол? —  
Вожатий берар савол,  
Одил қолади ўйлаб,  
Лекин ўзини ўнглаб  
Ўктамни қораларди,  
Опа ҳайрон қарарди.  
Яна сўзлаб, Ўктамни  
Келтирган бўлди далил.  
— Ҳатто урган укамни, —  
Деб қўшиб қўйди Одил.  
— Майли ўйлаб кўрамиз,  
У тузалсин, сўрармиз, —  
Дея қоғозни олди,  
Ўқиб хаёлга толди.  
Ҳар ўтган ҳодисадан —  
Хабар топар ва баъзан —  
Билолмасдан қоларди,  
Кейин билиб оларди.  
Тинчителиш учун тўлиқ  
Излар эди йўл-йўриқ.

\* \* \*

Беш-олти кун ичида  
Шокир ака ҳам жуда  
Дарс бошлади соғайиб.  
Шокир ака — ажойиб,  
Қизиқчи — зериктирмас,  
Расмдан берарди дарс.  
Ҳам шу синф раҳбари,  
Болаларнинг ҳар бири  
Уни жуда ёқтирар.  
Айтган гапига кирар.  
Дарсга кирди-да, бир кун:  
— Уктам йўқ нима учун? —  
Дея берувди савол,  
Одил турди-да дарҳол:  
— Уктам уриб Толибни,  
Ўзи қочиб қолибди.  
Мактабдан, айтмоқчи биз,  
Уни ҳайдатмоқчимиз.  
Шокир ака дер: — Одил,  
Гапингда йўқми ҳазил?—  
Шокир ака кўп ўйлаб,  
Қўлида бўрни ўйнаб:  
— Қани сен айт-чи, Қодир,  
Нима гап бўлди содир?

Больницада ётганин,  
Сал тузалаётганин,  
Кўриб келганлигини,  
Айтди-ю, гап тагини —  
Айтолмади Қодир ҳам.  
Шокир ака чинакам  
Уктамни яхши кўрар.  
Доим ҳол-аҳвол сўрар,  
Уктам тўғрисўз, танти,

Рассомликдан таланти  
Борлигини ҳам сезар,  
Шунинг учун ҳам севар.

Деворий газетани  
Ҳар доим безатгани,  
Барчага маълум, маъқул,  
Келажакда қўли гул —  
Бўлишлиги сезилар,  
Бетоблигин ҳам билар.  
Айтарлар деб бирор гап,  
Қодир турарди пойлаб.  
Шокир ака бир нафас —  
Ўйлади, бошлади дарс.

\* \* \*

Кунлар ўтарди бир-бир,  
Қоғозга ул-бул ўраб  
Бориб турарди Қодир  
Ўктамнинг ҳолин сўраб.  
Ана шу баҳонада  
Ўктам касалхонада  
Ётди бир ойга яқин,  
Уйига қайтди тагин.  
Келганлигин эшитиб,  
Қодир чопди энтикиб...  
Ўша кун икки ўртоқ  
Суҳбат қилишди узоқ.  
Қодир сўзлаб мактабдан  
Қарор қилинган гапдан  
Сўзлай қолувди, бироқ  
Бу Ўктамга шапалоқ —  
Ургандан туюлди зўр.  
Бўлиб кетди беҳузур.  
Бир оз тутиб ўзини,  
Бошлар нолиш сўзини.

— Ҳали, шунақа дегин,  
Уйласам — бу гап тагин,  
Оғир ботди кўнглимга.  
Ҳолимни айтай кимга,  
Бетобман, бу аҳволда  
Уқиш қийин, ҳар ҳолда —  
Яна синфда қолсам,—  
Дея ўй сурар Уктам.  
Кўнгли эди сал вайрон.  
— Бу гапни чин дедингми —  
Оғайни, йиғ эсингни,—  
Деб Қодир бўлар ҳайрон.  
Сезиб унинг жаҳлини,  
Ноҳақми ё ҳақлими,  
Суриштиришни Қодир —  
Маъқул топмади ҳозир.

\* \* \*

Эртаси куни Қодир  
Бу суҳбатни бирма - бир  
Айтди Шокир акага.  
— Уқимас эмиш нега,  
Билимда кетмас араз.  
Уқимади деб Уктам  
Қилайлик майли фараз,  
Уқимай қолган одам  
Гўё тунда чироқсиз,  
Гўё овда яроқсиз.  
Гўё оёқсиз, қўлсиз,  
Гўё япроқсиз, гулсиз —  
Дарахтга ўхшаб қолар,  
Ким ундан бир наф олар?  
— Синфдошлар қарори  
Оғир ботган жуда ҳам.  
— Шумиди гапнинг бори,  
Уйидамикин Уктам?—

Деди-да, у Қодирга:  
— Қани юр кетдик бирга.

Боришганди яхшиям,  
Уйида экан Уктам.  
Шокир ака сўраб ҳол,  
Охири берди савол:  
— Яп-янги шинам мактаб  
Гўёки сенга атаб  
Қурилгандай, яп-яқин,  
Уқимайман деб тагин  
Ноз қиласан, акаси,  
Ахир бу қанақаси?

Камчилигин ўзининг,  
Толиб айтган сўзини —  
Шокир акага айтди,  
Гўёки у айбни —  
Чиндан ўзига олди,  
Қодир ҳам ҳайрон қолди.  
Шокир ака-чи, шу пайт  
Қайтарди хаёл суриб.  
Қодиржон ҳаялламай  
Етиб олди югуриб.  
Кетишар тор кўчадан,  
Қарашса-чи, дафъатан —  
Шу кўчадан жўрттага  
Толиб тушиб ўртага  
Қўйиб лаб чеккасига  
Гўё чет элчасига  
Қелар папирос чекиб...

Ҳамма кўрсин деб уни  
Чиқарар тутунини.  
Шокир акани шу он  
Кўрди-ю, бўлди «қуён...»

Қизиқ иш бўлди содир...  
Шокир ака ва Қодир  
Тушунишиб сирига  
Қарашди бир-бирига.  
Шокир акани Толиб  
Холи топиб бир куни  
Ўктамдан роса нолиб,  
Уриб оғиз-бурнини  
Қонатганин чаққанди;  
Хўп аламдан чиққанди.  
Ҳозир ўз тумшуғидан  
Тасодифан илинди.  
Толибвой қилиғидан  
Қимлиги тез билинди.

\* \* \*

Синфда мажлис борар,  
Директор опа борлар.  
Бордир Шокир ака ҳам,  
Толиббой билан Ўктам  
Мажлисга бўлган сабаб.  
Очилди бир талай гап.  
Сўзлар вожатий опа,  
Кўриниб жиддий, хафа:  
— Синф қилган қарорга  
Қарасак-чи, Ўктамжон  
Ўхшайди гуноҳкорга.  
Олайлик, мана Толиб  
Ҳатто отасин олиб—  
Келиб қолди мактабга.  
Олдин тушунмай гапга,  
Унинг ёнини олдим.  
(Шундай бўлар баъзида)  
Етиб гапнинг мағзига  
Роса ҳайратда қолдим.  
Ширин гап, яхши ният,



Ҳам одоб маданият —  
Ҳисобланар - ку, ахир.  
Гап-сўзинг бўлса тахир,  
Қилади сени ўсал.  
Гапни гапиришдан сал  
Олдин бир ўйлаш керак,  
Тарозда ўлчаш керак.  
«Ўқитувчимиз бу гал  
Яхшиям бўбди касал»  
Деб севинган ким ўзи?  
Борми ҳеч унинг юзи?  
Ўқитувчи деган сўз  
Жуда азиз — муқаддас.  
Сизни дер кеча-кундуз  
Сизга берса билим — дарс,  
Бўлиб қолса у бетоб,  
Севинсангиз сиз унга,  
Ундай бола — беодоб,  
Чидаб бўлмас ҳеч бунга.  
Бунақа гап ҳар қачон  
Тегар юрак — асабга.  
Ҳатто соғни бегумон  
Чалинтирар касалга.  
Кўнгил яхшилиқ истар,  
Кўнгил яхши гап излар;  
Бу гап ҳазил эмас, чин,  
Тўғри, Ўктам касалчин,  
Яхши сўзнинг шайдоси,  
Яхши гап дил давоси.  
Анча кун ётди Ўктам,  
Дардига бўлиб малҳам,  
Қим уни бориб кўрди?  
Ҳол-у, аҳволин сўрди?!  
Сиз бошқага куйсангиз,  
У ҳам сизга куяди.  
Сиз бошқадан кулсангиз,

Бошқа сиздан кулади.  
Бир ширин сўз одамга  
Асал бўлиб туюлар.  
Бир аччиқ сўз оламга  
Заҳар бўлиб қуйилар.  
Шокир ака ҳам сўзлар,  
Чуқур маъно сўз излар:  
— Яхши гапингга илон  
Инидан чиқар, инон,  
Дейишади боболар,  
Бунда кўпдир маънолар.  
Опа тўғри айтдилар,  
Ёмон гап дилни тилар,  
Яхши гап — гўё офтоб,  
Ёмон гап этар бетоб.  
Толиб сўзин эшитиб,  
Нақ юрагим шиф этиб  
Кетса бўларми, қаранг:  
Ўзимни тутдим аранг.  
Қилмаган бўлдим парво,  
Ранжиди дилим, аммо...  
Директор ҳам бир четдан  
Пионерлик бурчидан —  
Сўзлади анчагина,  
Кўплардан қилди гина.  
Сўзлашни ўйлар Қодир,  
Юраги қилар дир-дир,  
Шартга ўрнидан турди,  
Доска томонга юрди:  
— Уктам сержаҳл хийла,  
Билмас у найранг, ҳийла.  
Ҳеч ким унга тегмаса,  
Иш қилмас у бемаза.  
Чидолмас ноҳақликка,  
Олишиб кетар тикка.  
Тўғри, шундай бор нуқсон,

Ахир у ҳам бир инсон.  
Ўктам ўрнида бўлсам,  
Уни урардим мен ҳам.  
Яхши гап яхши қилар,  
Ёмон гап ваҳший қилар.  
Менимча дўстим Ўктам  
Гуноҳкормас сира ҳам...  
Ўйлаганин бирма-бир —  
Сўзлаб ўтарди Қодир.  
Толиб ранги ўзгариб,  
Лавлагидай қизариб,  
Ўлтиради лол бўлиб,  
Ёмонга мисол бўлиб.  
«Яхшиям бўбди касал,  
Шокир аканинг бу гап —  
Дарси бўлмас» дегани;  
Ва папирос чеккани,  
Айтиб ўтилди такрор.  
Синф бўлди унга тор.  
Шокир акам, айниқса,  
Шундай гапга йўлиқса  
Мен билмаган эканман,  
Дея синфком Одил  
Ўз айбини олди тан,  
Ўктамни ёқлар дадил.  
Сўнг баъзи ўқувчилар  
«Иккичи» ва «уччи»лар.  
Танқид еди келгач гап,  
Туртиб ўтилди сал - пал.  
Одилжон билан Ўктам,  
Толиб хўп бўлди мулзам...

\* \* \*

Баланд мактаб чинакам  
Илму-фаннинг чўққиси,

Унга ҳар бир ёшнинг ҳам  
Келар эди чиққуси.  
Чўққини эгаллаш-чун  
Тонг билан туриб ҳар кун  
Кўча бўйлаб оқишиб —  
Чўққи сари боқишиб  
Келишар тўда-тўда.  
Ана шулар сафида  
Келар Уктам ва Қодир,  
Булардан сал нарида  
Толиб ҳам келаётир.  
Етиб олиб Қодирга  
Уч бола келар бирга.  
Бир қаранг-а, Толибга,  
Эмас унча олифта.  
Гаплашсангиз агарда  
Анча тушган эгардан.

## Х О Т И М А

Бу бўлган бир ҳодиса —  
Қайси мактабда деса?  
Адресини айтайин,  
Бориб кўрган атайин —  
Сўзларимга инонар,  
Бу дўстликдан қувонар.  
Уларни кўрсам доим  
Салом берар мулойим.  
Шунақаларни ёзиб  
Ва тузатиб юрибман.  
Бўлсин элга муносиб  
Деб кузатиб юрибман.

1966



## Эх, роса ширин экан!

Тонгда дадам уйғотиб,  
Деди: — Ухлама қотиб,  
Қовун сотиб олгани  
Бормоқчийдик юр, қани.  
Севинч чақнаб кўзимда,  
Тайёр бўлдим бир зумда.  
Атрофимизда шу дам  
Айланиб қолди укам.  
Эргашди бораман деб,  
Боришин кўрмасдим эп.  
У ялинди ўтиниб,  
Сўнг йиғлади ўтириб.  
Айёр-да, укам қурғур,  
Дадам деди: — Майли юр.  
Жўнадик учаламиз,  
Йўлда физ-физ учамиз.  
Дадам ҳайдашга уста,  
Машинамиз кўк тусда.  
Етиб келдик бозорга,  
Гўёки қовунзорга.

Олайлик деб саралаб,  
Юрдик бозор оралаб.  
Босволди тарам-тарам,  
Кийгандай тўн-беқасам.  
Қуёш нусхали чўтир,  
Асал солгандай оғир,  
Қовун-у тарвузлар тоғ,  
Кўриб кўнглинг бўлар чоғ.  
«Дидинг бўлса мени ол,  
Ичим тўла лиқ-лиқ бол.  
Майли. Мени сўйиб е,  
Деҳқонимга раҳмат де» —  
Дегандай кўк ананас,  
Қўзғар иштаҳа-ҳавас.  
Чеккароқда бир деҳқон  
Қовунни мақтар чунон:  
— Келиб қол, эй, харидор,  
Вақтинг ўтмасин бекор!  
Бу Мирзачўл қовуни,  
Кимки олмаса буни,  
Тушиб қолади пули.  
Эҳ, еганлар дармонда,  
Емаганлар армонда.  
Олиб қол, шинаванда,  
Қоқ эрталаб шудрингда  
Узганман сув қуймасдан.  
Олмасангиз ҳам, иним,  
Еб кўринг-а бир тилим,  
Мисоли қўй сўясиз,  
Тилимига тўясиз.  
Татиб кўрдилар дадам:  
— Ширин экан жуда ҳам,  
Меҳнат қилибсиз роса,  
Қани тортинг бўлмаса,—  
Дедилар дадам аста,  
Биз қарардик ҳавасда.


Майда-майда тўни бор,  
Бир метрча бўйи бор.  
Ўзи каттакон харсон.  
Дилимдан бўлдим хурсанд.  
Тортувди бир қовунни  
Ўн беш килодан ошди.  
Кўтаролмайин уни  
Анграйиб ақлим шошди.  
Дадам дедилар: — Бай-бай,  
Шунга кучинг етмаса,  
Бу ёғи бўлди қандай?  
Зарядкага дангаса —  
Бўлишлик оқибати.  
Шу ҳолга тушиб бирдан  
Кўзни олмасдим ердан.  
Деҳқон-чи, шу заҳоти  
Ўз ўғлига: — Алишер,  
Ўртоғингга ёрдам бер,—  
Дея қилди ҳавола.  
Қовунлар ёнида жим  
Ўтирарди бир бола.  
Мен унга қараб турдим,  
У бола кела солиб,  
Қовунни ердан олиб,  
Мени қилгандай изза,  
Кўтариб кетди гизза,  
Машина сари тезда.  
У — мендан хипча, кичик?  
Ҳайронман, нега кучлик?  
Мақтаниб қолди деҳқон:  
— Бизнинг ўғилча полвон,  
Ота ўғли чинакам,  
Доим беради ёрдам.  
Меҳнат билан пишиган,  
Барча хурсанд ишидан.  
Жўнадик ҳовли томон,

Ғаш эди кўнглим ҳамон.  
Машина ичида ҳам  
Ўтирардим индамай.  
Мени мазах қилгандай  
Қараб қўярди укам.  
У ҳали кетарми жим?  
Кўзига кўринса ким  
Роса чалсая карнай?  
Гапга қоламан талай.  
Келдик-да ҳовлимизга,  
Барча қовунни атай  
Ташлаб қўйдик ҳовузга,  
Бўлсин дедик-да, муздай.  
Қовунлар ҳовуз бўйлаб  
Сузишар қалқиб, ўйнаб.  
Бувим, ойим ва дадам  
Супада бўлдик-да жам,  
Кечга яқин шу куни  
Бувим катта қовунни  
Сўйиб бердилар аста,  
Қилдилар тилим, коса,  
Бувим сўйишга уста,  
Эҳ, ширин экан роса!  
Гап очиб қолди укам:  
— Эй, бувижон, бувижон,  
Бу қовунни-чи, акам —  
Кўтаролмади. — Қачон?  
Барча гап-сўзни шу дам  
Айтиб бердилар дадам.  
Дедилар: — Бундан буён  
Зарядка қилгин ҳар тонг.  
Ҳар кимнинг ҳам оғзида  
Қолди унинг мазаси.  
Аммо баъзи-баъзида  
Бу қовун воқеаси —  
(Мирзачўл қовунини



Ердан узолмаганим)  
Тушиб қолса ёдимга,  
Ғалати бўлиб таним  
Қарар эдим ёнимга.

1957



## Қизилқум ва одам

[Баллада]

Бепоён

Қизилқум

сарғайиб


Ётарди бўлгандай, у майиб,  
Сатҳини босганди оғир ғам...  
Учрашди Қизилқум ва Одам,  
Одам дер:— Қизилқум, бўл таслим!  
Қалбингда яширин кўп тилсим.  
Олайлик биз унинг барини,  
Нефтини, газини, зарини.  
Аммо -чи, Қизилқум шу маҳал  
Кўтармоқ бўлади зўр жанжал.

Тутоқар, бўғилар, ҳансирар,  
Оч аждар сингари қонсирар,  
Ва сўрар: — Сен кимсан, аслинг ким?  
Ҳеч қачон бўлмайман мен таслим.  
Одам дер:  
— Мен совет одами, бу аслим!  
Геолог дейдилар иш — касбим.  
Биламан ер остин фанини,  
Текширай ерингнинг танини.  
Ҳовридан тушмай дер Қизилқум:  
— Не қилай, тақдирим, бахтим шум,  
Менда йўқ сен кутган бой тилсим;  
Саҳроман, тилсимлар не қилсин.  
Бисотим, либосим нуқул қум,  
Тоққа бор, изласанг олтин хум.  
Кучларинг етмайди, эй инсон,  
Бундан кенг, бошлайман қум-бўрон! —  
Деб саҳро одамга қилди дўқ,  
Одам дер: — Енгаман, кўнглим тўқ!  
Қизилқум ғазаб-ла бақирар,  
Атрофдан бўронни чақирар.  
— Бўронлар, бўронлар, бўронлар!  
Эшитинг тезликда сўзимни,  
Кўтаринг қуюну-тўфонлар,  
Қани сиз, оқлангиз тузимни!  
Бағримдан жой бердим тўрт фасл,  
Эсингиз яйрашиб муттасил.  
Биласиз, мен зўрман оламда,  
Тезликда ташланинг Одамга!  
Устидан сочинглар қумбўрон,  
Ҳар ёнда кўтаринг тўполон.  
Мард одам турарди ҳеч қўрқмай,  
Бўрону қумлардан ҳайиқмай,  
Қўп ўтмай бўронлар чекинар,  
Қумлар ҳам қизариб бекинар.  
Қизилқум дўқ урар бўронга:

— Эҳ, кучинг етмади инсонга!  
Қизилқум Қуёшга тутиб юз,  
Ялиниб-ёлворар, айтар сўз:  
— Эй, Қуёш, оғайни, бер ёрдам,  
Таслим бўл, дер нуқул бу Одам.  
Вой, бунинг гапига қарагин,  
Қиличдай нурингни қадагин.  
Жон Қуёш, кўрсатгин кучингни,  
Олиб бер сен менинг ўчимни.  
Сен бунинг танини куйдиргин,  
У кетсин, жонидан тўйдиргин!  
Қуёш дер:— Қизилқум, ошма кўп!  
Инсонга нафингни ўйла хўп,  
Фойдангдан кўп сенинг зараринг,  
Бу гапдан борми ҳеч хабаринг.  
Бағрингда йўқ бўлди нурларим,  
Иссиғим, ҳаттоки дурларим.  
Нуримдан уфурдинг гармсел,  
Ранжиди ишингдан талай эл.  
Одамдан олишга ўчим йўқ,  
Мен унга қиламан минг қуллуқ,  
Бу совет одами — улуғвор,  
Гапида оламча мазмун бор.  
Йўқ дема, не деса қулоқ сол,  
Гапига ишонгин бемалол.  
У менга юборган дўст — Йўлдош.—  
Деб гапин тугатди мард Қуёш.  
Қизилқум жим қолар, ўй сурар,  
Энди у кимдан ҳам куч сўрар.  
Ўйлади Қуёшнинг гапини,  
Пайқарди ўзининг нафини.  
Илк сафар Одамга Қизилқум,  
Бўйсунди ва қилди табассум:  
— Эй, Одам роса мард экансан,  
Қўнаман қандай гап десанг сан.  
Билмайман бағримда нелар бор?

Не топсанг мени эт хабардор.  
Одам дер:— Аёндир бор сириг,  
Биламан сал ушлаб томиринг.  
Бағрингда яширин олов — газ.  
Шундай кўп, ҳеч қачон тугамас.  
Ҳатто бор нефтлар дарёси,  
Тингласам келмоқда садоси.  
Қазийман, ясайман йўл, зина,  
Топаман минг турли хазина.  
Қизилқум шундай дер охири:  
— Хўп, майли одамлар ботири.  
Не бўлса оласан бағримда,  
Аммо, сен, қулоқ сол шартимга.  
Асрлар ўт бўлиб чақнадим,  
Қовжираб, сувсираб чанқадим.  
Сув чиқар, гуллар эк, ярат боғ,  
Ишингдан бўлади кўнглим чоғ.  
— Мен шаҳар қураман бағрингда,  
Дарёлар боғлайман боғингга.  
Мен совет одами, гап битта.  
Иқболинг кулади албатта!  
Илк сафар Одамга Қизилқум  
Буйсунди, кўрсатди олтин хум.

1960



## Чинакам пионер

(Баллада)

Қўшинларимиз Киев шаҳрини вақтинча ташлаб чиққанларида оғир ярадор бўлган жангчи иккита полк байроғини пионер Костя Кравчукка бериб, уларни яширишни ва сақлашни илтимос қилди. Еш пионер ўз ҳаётини таҳлика остида қолдириб бўлса ҳам бу бурчни бажарди.

Костя Кравчук ўзининг жасурлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

(«Вожатий китоби»)

Бу воқеа аслида —  
Бошланган куз фаслида.  
Машҳур Киев шаҳрида,  
Шаҳарнинг ёнбағрида  
Узун кетган кўча бор,  
Жанг борарди неча бор —  
Ҳеч тўхтамай ҳар кун,  
Ҳаммаёқ жанг тутуни...  
Кетишда чап томонда,  
Каттакон хонадонда  
Фақат кампир, набира  
Яшарди, қўрқмай сира —

Уқлар гувиллашидан,  
Тўплар гумбирлашидан.  
Костя Кравчук энди  
Ун ёшга тўлган эди.  
Юзлари тўлиққина,  
Узи ҳам бўлиққина.  
Дона-дона сўзи бор,  
Ўткир-тийрак кўзи бор.  
Костянинг танишлари:  
Акаларин ҳаммаси,  
Ҳатто кичик аммаси,  
Жангга кетишган бари.  
Ёз келмасдан илгари  
Маҳалла болалари.  
Улғайишиб йилма-йил  
Ўқишар эди аҳил.  
Ўқишда, ишда ҳар дам  
Костямиз эпчил-бардам  
Севарди мактабини,  
Бажарар талабини.  
Қостяларнинг мактабин  
Ёв ёндириб юборди.  
Уларнинг ўч-ғазабин  
Сўнг қўзғатиб юборди.  
Ана энди улар ҳам  
Бўлишиб ҳушёр, маҳкам.  
Ёш бўлсалар ҳам ҳали  
Ёвга зарба — мўлжали.  
Бизнинг ботир Костя-чи,  
Мисоли кичик жангчи,  
Уйлар мардлик қилишни,  
Маъқул билар бу ишни.

Жанг борарди бир кун,  
Атрофда жанг тутуни.  
Гоҳо бошланар ҳужум,

Баъзан тўплар бўлар жим,  
Яна оғир жанг борар,  
Осмондан олов ёғар.  
Костя бўлса ўшанда,  
Уйида ўтирганда,  
Худди кўча томондан  
Ё қўшни хонадондан —  
Келди оёқ товуши.  
Қостянинг эси-ҳуши  
Уша томонда бўлди,  
Секин эшикка юрди.  
Эшикни очиб тезда  
Қараган-ди шу кезде  
Кўрди икки жангчини.  
Билайн деб чинини,  
У синчиклаб қарарди.  
Новчаси келиб, деди:  
— Эй йигитча, кел бери,  
Қиминг бордир бу ерда?  
Яна сўради бири:  
— Бормисан пионерда?  
Костя ҳам шошиб қолиб,  
Атрофга қараб олиб:  
— Албатта пионерман,  
Сизларга ростин дерман.  
— Мана сенга тугунча:  
Икки жанговар байроқ.  
Бизникилар келгунча  
Жондек сақлагин, ўртоқ.  
— Есть! — деди ҳарбийлардак,  
Қостямиз жуда зийрак.  
Меҳр билан қарашди,  
Жангчилар хайрлашди.  
.  
.  
.  
Костя тугунни олиб,  
Бироз хаёлга толиб,

Қаерга яширсам деб,  
Ичида ўйлар ҳадеб.  
Костя турди-да тунда,  
Тугунни олиб шунда,  
Сақлай деб эсон-омон,  
Юрди дала-боғ томон.  
Бориб етди бир боққа,  
Қулоқ солди ҳар ёққа.  
Бир дарахтнинг пастидан  
Худди унинг остидан,—  
Кичик чуқур қазилаб,  
Теварак-четин силаб,  
Тугунчани авайлаб,  
Маҳкамроқ ўраб-бойлаб,  
Қўмиб қўйди чуқурга.  
Йўлини топиб зўрға —  
Уйига келиб ётди.  
Бироздан сўнг тонг отди.  
Утар ҳафтаю ойлар,  
Костя байроқни пойлар.  
Хавотир олар бироз:  
Қайга қўйсам бўлар сөз,—  
Деб ўйланиб юрарди,  
Баъзан хаёл сурарди:  
«Сақлашни ичиб қасам,  
Байроқни сақлолмасам,  
Жангчилар етиб келиб,  
Қилган ишимни билиб,  
Байроқни сўрасалар,  
Йўқотдим десам агар...  
Сақлолмадим дейманми?  
Пионерлик номини  
Оқлолмадим дейманми?»  
Олмоқ бўлди сўнг бирдан  
Байроқларни у ердан.  
Қайтадан қазиб олди,



Бир қалин қопга солди.  
Елимлаб қоп устини  
Сув ўтмас қилди уни.  
Пастқам жойда, йироқда,  
Шаҳардан нарироқда —  
Бўларди битта қудуқ,  
У эди сувсиз — қуруқ.  
Ўшанинг бурчагига,  
Бурчагининг тагига  
Боғлаб қўйди - беркитди,  
Кейин уйига кетди.  
Бу ишим бўлди деб соз,  
Кўнгли тинчиди бироз.  
Кунлар ўтиб борарди,  
Тунлар ўтиб борарди,  
Бизнинг Қостямиз ҳамон,  
Байроқни сақлар омон.  
Икки йил ўтди шундай,  
Қостяга қора тундай.  
Чунки ёв кезар эди,  
Халқларни эзар эди.

Бизнинг зўр баҳодирлар  
Куч тўплаган ботирлар,  
Ёвни қириб келарди,  
Енгилмасдан Киевга  
Мағрур кириб келарди.  
Бизникилар душманни  
Юртдан суриб келарди.  
Боплаб уриб келарди.  
Жангчилар ўт очарди,  
Душман шошиб қочарди...  
Ҳаттоки одамларни  
Зўрлаб олиб кетарди.  
Гуноҳсиз гўдакларни  
Юртидан тарк этарди.

Кеча-кундуз фашистлар  
Қолган одамни излар.  
Қостяни ҳам бир куни,  
Ушлашиб, қийнаб уни —  
Уйдан олиб кетдилар.  
Поезд томон етдилар.  
Қостямиз ҳайрон бўлди,  
Кўнгли хўп вайрон бўлди.  
Қочай деса илож йўқ.  
Аблаҳлар қиларди дўқ.  
Шундай қилиб поезд ҳам  
Жўнаб кетди ўша дам —  
Германия томонга...  
(Костя қарар ҳар ёнга).  
Қостянинг хаёллари  
Байроқда эди бари.  
Қостя қочмоқ истарди,  
Фикри шуни қистарди.  
Поезд елдай эсарди,  
Ҳаво дамин кесарди.  
Ярим кеча пайтида,  
Қочмоқликнинг пайида,  
Соқчиларга билдирмай,  
Қочиш учун бўлди шай.  
Учиб кетар поезддан,  
Нари томонга, издан,  
У чирт юмиб кўзини  
Улоқтирди ўзини.  
Тошларга ёмон тушди...  
Бошидан ҳуши учди,  
Эрта тонгда уйғонди.  
У ҳар томон тўлғанди.  
Зарб еганди бадани,  
Оғрирди мурғак тани,  
Ўрмонларни оралаб,  
Ҳар томонга мўралаб,

Шаҳар сари йўл олди  
Йўлда чарчади — толди.  
Костя ўн кун деганда,  
Ўз шаҳрига келганда:  
Ҳилпирарди байроқлар,  
Озод — шаҳар, қишлоқлар.

Костя фикри байроқда,  
Не бўлди деб, у ёқда...  
Мўлжалга олиб тикка —  
Етиб келди қудуққа.  
Байроқни кўрди омон  
Хурсандликда шу замон,  
«Яшасин!» деб юборди.  
Костя кўнглини тўқлаб,  
Тугунчани қўлтиқлаб,  
Штаб тарафни йўқлаб,  
Жангчилар сари борди.  
Бу байроқни кўрсатди,  
Улар томон узатди.  
Жангчилар ҳайрон қолди;  
Уни ўрашиб олди.  
Севинтириб ҳаммани  
Байроқ билан Костяни,  
Полковникка элтдилар.  
Барча гапни айтдилар.  
Полковник кўриб уни,  
Қайнаб севинч тўлқини,  
Бағрига босди шу дам:  
— Яша, ўғлим, бўл бардам!  
Сен чинакам пионер,  
Юртинг баҳодирим дер.  
Чин ленинчи экансан,  
Юртга содиқ экансан,  
Полковник хўп мақтади,  
Қаҳрамон деб атади.

Ҳар ёққа бу овоза  
Тарқалиб кетди тоза.

Азиз ота Қалинин  
Қизил Байроқ орденин —  
Костяга тақдим этди,  
Мардлигин табрик этди.

Зафар куни бўлганда,  
Эл шодликка тўлганда  
Ҳилпиллади бу байроқ,  
Йилтиллади бу байроқ.

Кундуздайин тунларда,  
Шундай азиз кунларда,  
Шаҳарларда, боғларда,  
Юрт қувонган чоғларда  
Баҳодир Костянинг ҳам  
Ҳиссаси бор чинакам.

1948

# ЭРТАКЛАР



# Э Р Т А К Л А Р

## Апрелой билан Майхон қиз

[Эртан]

Чаманзорда тонг чоғи  
Нурга тўлиб яноғи —  
Уйнар икки қизалоқ,  
Бири-биридан дўмбоқ,  
Ясан-тусани гулдан.  
Иккаласи гул чирой.  
Овозлари булбулдан  
Ошиб тушар, ёқимтой.  
Уйин ўйнаб — қувнашиб,  
Чақ-чақлашиб, қувлашиб  
Юришар кенг гулбоғда,  
Баҳор очган қучоқда.  
Ўзлари, опа-сингил  
Бири-бирига аҳил.  
Буларни, хойнаҳой, сиз  
Болалар, танимассиз.  
Булар оддий қизлармас,  
Бамисоли сизлармас.  
Булар йилнинг ойлари,  
Ойларнинг чиройлари.  
Булар — Баҳор холанинг  
Энг севимли қизлари:  
Апрелой билан Майхон,  
Гулдай кулган юзлари.  
Майхон ҳамда Апрелой  
Қўлларида гулдаста.  
Чамандан танлашиб жой —  
Утиришдида аста  
Ширин суҳбат қуришди,  
Роса яйраб кулишди.  
Апрелой деди бир пайт:  
— Синглим, Майхон, қани айт,

Кунларинг мунча яхши,  
Кўз олар гуллар нақши.  
Еқимтойсан, кулгансан,  
Бунча гулга тўлгансан?  
Сенда байрамлар талай,  
Ҳавасим келар бирдай.

Майхон қиз аста кулиб,  
Сўзларди завққа тўлиб:  
— Гапларингиз бари соз,  
Лекин бор бошқа асос,  
Айтсам-чи, агар ростин,  
Сизга келар ҳавасим.  
Менда бўлган шодликнинг,  
Гуллар-у, ободликнинг,  
Қўшалоқ байрамларнинг,  
Ширин, бахтли дамларнинг  
Асосида сиз борсиз,  
Жуда ҳам бахтиёрсиз.  
Туғилган барча байрам  
Чунки апрель ичида —  
Туғилган Ильич бобом,  
Фахрлидир бу жуда.

Шу пайт улар қошига  
Келдида Баҳор хола.  
Қизларининг бошига  
Сочиб юборди лола...  
Гулларга тўлди ҳар ён,  
Кўнгиллар шоду хуррам.  
Апрелой билан Майхон  
Учрашгач бўлди байрам.

1960



## Кеча, бугун ва эрта ҳақида эртак

Бор экан Бир ой хола,  
Кўрибди ўттиз бола.  
Болаларин учтаси  
Иш бажарар устаси.

Бирининг номи Кеча  
Қаттароқ экан пича.  
Бугун дегани эрка  
Кенжасин номи Эрта.  
Кеча хўп ишчан экан,  
Меҳнатда пишган экан.  
Кеча экан мард, асл,  
Тер тўқаркан тўрт фасл.  
«Бугун укамга ҳеч иш —  
Қолмасин» — деб ўйлармиш.  
Бажарса бирор меҳнат  
Қилмас экан ҳеч миннат.  
Кеча иши ҳар қачон  
Тилларда экан достон.  
Бугун бўлса эрқароқ,  
Баъзида ўйинқароқ.  
Билса-да иш кўзини,  
Ўйлар экан ўзини.  
Кечанинг хизматини —  
Юраркан ўйламасдан.  
Акасин иззатини —  
Ўз ўрнига қўймаскан.  
Гоҳо тугаб ҳафсала  
Ишни қиларкан чала.  
«Эртага ҳам қолсин иш»  
Дея калта ўйлармиш.  
Бугунда шундай одат

Учраб тураркан, фақат —  
Бугундан қолган ишни  
Кўпайтирмай ташвишни —  
Бажарар экан Эрта.  
Ҳар куни туриб эрта.  
Сўнг ўз ишин қиларкан,  
Бунн ҳамма биларкан.

Кеча, Бугун ва Эрта  
Ҳақидаги бу эртак,  
Мағзини ҳар бир ўртоқ  
Тушундимн яхшироқ?  
Кимки иш қилса бугун  
Бажарсин пухта, бутун;  
Кечани ҳеч унутмай,  
Ўзини ялқов тутмай,  
Бугундан иш қўймасин,  
Эртасини ўйласин.

1960

## **Ўқиган қушлар ва беқарор ЧИТТАК**

[Эртак]

Булбул боғда доимо  
Очайлик деб тўгарак,  
Режа тузганди аммо,  
Кўплар парвойи-палак.  
Бундай режасин булбул  
Тўтига айтган замон.  
Унга тушди кўп маъқул,  
Тўти ёдлашга чаққон,  
Булбул айтган режасин  
«Ёдлаб чиқиб кечаси,

Туриб у тонг палласи  
«Доремифасолляси»  
Таралла ялли, лай-лай,  
Эшитдингизми ҳай-ҳай?  
Янгилик, қизиқ дарак:  
Булбул очди тўгарак,  
Эшитинг турфа қушлар,  
Юришиб кетса ишлар,  
Ғоз бўлади карнайчи,  
Чумчуқ эса сурнайчи,  
Мен бўламан дирижёр,  
Аввал нотани билиб,  
Барча қушлар бўлиб жўр  
Сайраймиз маза қилиб.  
Хоҳлаган қушлар тезда  
Йигиб ақл-миясин.  
Адашмай айтсин бизга —  
Исми-фамилиясин.  
Музика алифбесин  
Ўрганиб раҳмат десин.  
Нотани билсанг қачон  
Асбоб чалинар осон.

Севиниб барча қушлар  
Чуғур-чуғур қилишар.  
Бедана дер: «Битбилдиқ»  
Нота ўрганиш қизиқ.  
Зарғалдоқ: «Биёв-биёв»  
Деб ҳозир изламас ов.  
Таъсирланган қарқуноқ,  
У бугун жуда қувноқ.

Қелиб саъва, майналар,  
Ўрганишга шайланар.  
Эшитмаганми читтак,  
Нега йўқ ундан дарак?

Боғ гўё мактаб, класс,  
Булбул биринчи марта  
Кенг боғда бошлади дарс,  
Дарахт шохлари — парта.  
Доска — дарахт танаси.  
Зўрдир қушлар ҳаваси.  
Барглардан қилиб қоғоз,  
Тумшуқлари — қалам, соз.

Шохларда қушлар қатор,  
Булбул сўзлар маънодор:  
«Эшитинг дўстлар, қани —  
Ўрганайлик нотани.  
Бугунги дарс темаси:  
«До-ре ми-фа-сол ля-си».

Шохлар ичидан шу пайт  
Чиқиб қолди читтакжон.  
Ҳеч нимага тушунмай  
Аввали бўлди ҳайрон.  
Қушларга қараб бир-бир  
Сўрамоқ бўлди охир.

Ҳеч ким индамас, лекин,  
Майнадан сўрар секин:  
«Нега барча турар жим,  
Ўзи нима гап, дўстим?»  
«Нота дарси», — дер майна,  
Читтак дер: «Қилма майна,

Дарс ўқирми қушлар ҳам,  
Мана менга нима кам?  
Доимо боққа кириб,  
Шохдан-шоҳга бекиниб,  
Сайрайман, ишим чит, чит  
Ҳеч ким менга демас «чиқ».

Бир оз эшитиб читтак:  
«Сиқилиб кетди юрак»,  
Деб зумда қочиб қолди,  
Пастқамликка йўқолди .  
Тонг маҳали кенг боғда  
Нота ўрганган қушлар,  
Сайрашиб баланд шохда —  
Булбулойни олқишлар.  
Анов беқарор читтак  
Нота ўрганмай қиттак,  
Пастқам шохларда пинҳон  
«Чирт-чирт» қиларкан ҳамон.

1959.

## Ҳисоб бобо ва рақамлар

(Эртак)

Бор эканлар Ҳисоб бобо,  
Жуда олим, жуда доно.  
Ҳамма жойда яшайдилар,  
Чарчамайин ишлайдилар.  
Хизматлари жуда аниқ,  
Қўзлари ҳам кўрар тиниқ,  
Унта ўғил, қизлари бор.  
Пионердай доим тайёр.  
Саф-саф бўлиб туришади.  
На бир-бирин туртишади,  
На бир-бирин уришади.  
Қўпдан яшаб юришади.  
Улар аҳил бир оила,  
Оилада бор қоида:  
Ишга навбат кутишади.  
Ут дейишга ўтишади.

Шундай қилиб барча рақам  
Бир-бирига берар ёрдам.

Сизга таниш у, хойнаҳой.  
Биринчиси ана, Бирвой.  
Унг-чапга ҳеч оғишмай —  
Аскарлардай туради шай.  
«Бир»нинг иши жуда кўпдир,  
Таъриф этсам агар бир-бир.  
Хизматига ҳамма қойил,  
Ҳисоб бобо севган ўғил.  
Сиз биласиз «икки» рақам  
Ажойбдир у жуда ҳам.  
Боши эса гўё илмоқ,  
Ялқовларга берар қийноқ,  
«Икки» бир кун ранжиб гўё  
Бир сўз дебди:— Ҳисоб бобо,  
Дарс чоғида мени нуқул  
Ялқовларга қўйишади,  
Маскаралаб кулишади,  
Менга сира эмас маъқул.  
Ҳисоб бобо дебди шундай:  
— Янглишибсан сен бутунлай,  
Хом экансан, эй, омон бўл.  
Сен у ерда ўйнайсан роль.  
Сени кўриб қизаришар,  
Кейин аста тузалишар.

Бу гапларга демасдан «вой»  
Гижинг бўлиб сўнг «Иккитой»  
Чопиб кетди кишнаб-кишнаб,  
Юрар ҳозир роса ишлаб.

Бу гапларни эшитгач «Уч»  
Бобосига келмади дуч.  
«Тўрт»дан мадад сўраб нуқул

Уз ишига бўлди машғул.  
Ҳаммасидан машҳурдир «Беш»  
«Тўрт» бўлибди «5» га дўст-эш.  
Иккаласи ишда иноқ,  
Қўшиқ айтиб шоду қувноқ.  
Дўндирганлар дарс-ўқишни,  
Олишади «Тўрт-у» «Беш»ни,  
Яхши кўрар Ҳисоб бобо,  
Талтайманг деб қўяр гоҳо.

Мана қаранг, полвон «Олти»  
Бундай номни қайдан олди?  
«Беш»дан эса ақл-у, кучга  
Бўлинади икки, учга.

Қаторида турар «Етти»;  
Таърифлашга навбат етди.  
Унда доим вақти чоғлиқ,  
Ишга абжир, бели боғлиқ.

Ҳисоб бобо қизи — «Саккиз»,  
Унга қўшни турар «Тўққиз»  
Иккаласи Фотма-Зухра  
Уришмаслар сира-сира.

Думдумалоқ анави «Нуль»  
На оёғ-у, на бордир қўл  
Сеппа-семиз, лекин ихчам  
Бошқалардай ишда илдам.  
Ун ўғил-қиз, шундай қилиб,  
Ҳисоб бобо фармонида  
Ишлайдилар билиб-билиб,  
Кенг илму фан майдонида,  
Қўшув, олув, карра жадвал  
Тақсимлаш ҳам шулардан ҳал.  
Бухгалтерлар ишин боши,

Планчилар нон-у, оши.  
Зарурдирлар ҳамма жойда,  
Келтиришар элга фойда.

Рақамлардан олиб ўрнак  
Дўстга, элга беринг кўмак.

1966

## Газ полвон эртаги

Газ плита устида,  
Олов ёнарди лов-лов.  
Гунафша ранг тусида  
Гапирган бўлар биров...  
Қулоқ солсам шу замон,  
Сўзлар эди оловжон:  
«Эй, болакай, тур нари»,  
Деб бобомлар сингари  
Сўз бошлар эртагидан:  
— Билиб қўй, эй, болажон,  
Чиққанман ер тагидан.  
Менинг номим Газ полвон  
Қара, яйраб ёнаман.  
Иссиғимда ошу нон  
Пишириб еса инсон,  
Мен бунга қувонаман  
Қувонаман, қонаман.  
Эртак айтгай ўзимдан.  
Билиб олгин сўзимдан:  
Етти қават ер ости  
Маконим эди асли.  
Мени билмасди ҳеч ким,  
Эдим жуда бой тилсим.  
Устимдан-чи, чўлу қум  
Таппа босиб ётарди,



Анча йиллар ўтарди.  
Уйлар эдим: «Қим озод  
Этса мени умрбод,  
Ушанинг хизматини,  
Қилардим иззатини.  
Роса давр сурардим»,  
Деган шартни қўярдим.  
Қалбимдаги орзуни  
Эшитгандай бир куни —  
Улуғ совет одамин  
Етди менга қадами.  
Илми, кучи туфайли  
Чиқдим ернинг юзига.  
Қирдим унинг сўзига.  
Қайга бошласа юриб,  
Қувур — йўлдан югуриб  
Яшаяпман хизматда,  
Обрўйим жуда катта.  
Эритаман темирни,  
Уялтириб кўмирни.  
«Минг бир кеча»даги дев  
Қаршимда ечолмас ип...  
Роса мақтанаркан деб,  
Тағин қолмагин айниб.  
Мен шундай Газ полвонман,  
Олов тўла хумдонман.  
Ҳам кўринмас полвонман.  
Ҳатто зўрман вулқондан,  
Кучлидирман бўрондан.  
Етмиш бир хил моддаман,  
Лекин жуда соддаман.  
Баъзан бўлса асовман,  
Жуда иссиқ оловман.  
Жаҳлимдан эҳтиёт бўл,  
Енмай қолсам-чи агар,  
Емонман, заҳрим тегар,

Аҳволинг бўлар мушкул.  
Қимёгарнинг қўлида  
Юраман-да йўлига,  
У истаган буюмга  
Айланаман бир зумда.  
Бўёқ ё дори-дармон,  
Асбоб, ўйинчоқ гармон,  
Еки копток ё энгил,  
Хоҳласа калиш, шахмат  
Бўлиш менга еп-енгил.  
Илмимни билган фақат,  
Ўзин йўлига солар,  
Минг турли фойда олар,  
Эшитдингми эй, ўғлон,  
Эртагимда йўқ ёлғон.  
Бухоро чўлига юр,  
Боргин-да, конларни кўр.  
Газ илмини ўқигин,  
Ишлаб қўшиқ тўқигин.  
Мени топган оловкор,  
Улардан бўл миннатдор.

1960.

## **Лўппи пахта, ёмғир ва шамол ҳақида**

**{Эртак}**

Пайкалларда тонг пайти  
Пахта очилмиш лўппи.  
Чаноқчалар бошига  
Қўндирганмиш оқ дўппи.  
Талай булут осмондан  
Келар эмиш лапанглаб,

Оч бургутдай ҳар ёнга  
Қарар эмиш аланглаб.  
Уйнатармиш шамоллар  
Гўёки ҳўл қамчисин.  
Лўппи пахта юзига  
Ташлар эмиш томчисин.  
Лўппи пахта осмонга  
Қараганмиш сесканиб,  
Жонланиб сўз бошлабди,  
Ёмғирлигин тез таниб:  
— Салом, сенга ёмғиржон,  
Омонмисан, соғмисан.  
Ваъдасида турмовчи  
Шунақа чатоқмисан?  
Ёмғир дебди:  
— Шошмагин,  
Қилайлик салом-алик,  
Билолмадим, мен сенга  
Қилдим қандай ёмонлик?  
— Сени теришмагунча  
Мен ёғмайман дегандинг.  
Сенга берган сўзимдан  
Ҳеч оғмайман дегандинг.  
Энди бўлсанг, билдирмай  
Ёғаяпсан юзимга.  
Раҳминг келсин, ёмғиржон,  
Еш тўлдирма кўзимга.  
Тўғри, сенинг сувингдан  
Ариқларда ичганман.  
Кўплар қилган меҳнатдан  
Етилганман-пишганман.  
Лўппи-лўппи очилдим,  
Нур сочаман ҳар ёнга,  
Машиналарга тушиб,  
Жўнай пункт томонга.  
Сен устимни қилсанг ҳўл,

Машиналар ҳўплотмас.  
Эгаларим қийналиб,  
Хирмонларга тўплотмас.  
Ҳар бир томчи сувингдан  
Лўппи юзим сўлади.  
Очилишинг шуми деб,  
Кўрган одам кулади.  
Очиғини гапирсам,  
Сен бузасан сортимни.  
Уялтириб қўяман  
Бу аҳволда юртимни.  
Мени ўстирган марднинг  
Бор-ку ахир ваъдаси.  
Наҳот, қолса ҳўлингда  
Оқ олтини — пахтаси.  
Яхши ўйла, ёмғиржон.  
Бу ҳеч эмас инсофдан,  
Ўз сўзингга бўлсанг мард  
Тўхтат, дейман шу тобдан.  
Эви бўлса, қишгача  
Сувларингни йиғатур.  
Еққинг келса агарда  
Сен чўлларга ёғатур.

Ёмғир дебди шивирлаб:  
— Тўғри, ёғмас эдим мен.  
Кўклам берган сўзимдан  
Сира оғмас эдим мен.  
Мени ҳайдаб келтирган  
Ҳув анави шамол-да.  
Яйраб, ўйнаб юрардим.  
Денгиз, кўлда шимолда,  
Пахта дебди тезликда:  
— Яхшимисан, ҳой, шамол,  
Илтимосим бор сенга.  
Гапларимга қулоқ сол.

Ёмғир тўла булутни  
Келтирибсан устимга,  
Қара, ёмғир тушмоқда  
Ойдаи лўппи ҳуснимга.  
Қосмонавтга айтаман  
Ҳайдар сени кўкларга.  
Тушолмасдан юрасан  
Майна бўлиб кўпларга.  
Энг яхшиси, шамолжон,  
Булутларни ҳайдаб кет.  
Офтоб юзин кўрайин  
Кўнглимни шод айлаб кет.

Шамол хўп деб ҳайдабди  
Булутларнинг галасин.  
Офтоб нури қоплабди  
Пахтакорнинг даласин.  
Пайкалларда чаноқлар  
Товланармиш бодираб.  
Бизни тезда терар, деб  
Қарар эмиш жавдираб.  
Кечга яқин машина  
Уни келиб ҳўплабди.  
Барча шерикларини  
Кенг букнерга тўплабди.  
Лўппи пахта етибди  
Шунда орзу-армонга.  
Қўшилай деб планга  
Етган эмиш хирмонга.

## **Чангютар ботир**

[Янги эртак]

Эртакларда, дostonда  
Ботирлар кўп жаҳонда.  
Бирида айиқполвон,

Бирида эчки чаққон.  
Қуён бўлмай хавотир  
Мақтанар мисли ботир.  
Бирида гўдак бола  
Бўлади кучли, бўла,  
Унга учраса аждар  
Дарровда енгар, янчар.  
Буларнинг бари бирдак  
Айтилар гўё эрмак.  
Мен уларни қўяйин,  
Ва чўпчакка йўяйин.  
Сизларга, ҳақиқатдан,  
Энг янгилик эртақдан —  
Сўзлайин:

  шу замондан,  
Ўзи бизнинг томондан —  
Чиқибди бир паҳлавон.  
Хизмати олам-жаҳон.  
Кўринмас қўли, думи,  
Фақат узун хартуми.  
Ростини айтсам, ука,  
Унинг қорни тунука.  
Юрагида, мотори,  
Қўпдир кучи, мадори.  
Ток берилган ҳамони  
Чўткали оғзин очиб,  
Чанг-чунг билан ҳавони  
Юта бошлайди шошиб.  
Мақсади қизиқ экан,  
Хўш номи нима деган?  
Шундай полвоннинг ўзи  
Фойдасини — нафини —  
Гапирсин, бўлса сўзи.  
Эшитайлик барини:  
— Мен гапирсам, биласиз,  
Асли номим пилесос.

Менман энг зарур асбоб,  
Уйингизга қулай — боп.  
Талай ишга қодирман,  
Мен чангютар ботирман.  
Электрдан қудратим,  
Озодалик хизматим,  
Қийимингиз бўлса чанг,  
Сиз уни чўткаламанг,  
Чўтка чангни тўзғитар  
Тезда йиртилиб кетар.  
Мен уни тозаласам,  
Бузилмайди дўхти ҳам,  
Ютилади бор чанги,  
Кўринади яп-янги.  
Гидамга бекинса чанг,  
Тўзиб кетар супурсанг.  
Кўтарилиб ҳавога  
Аста ўпкангга кирар,  
Қасалга чалинтирар.  
Бу чангга — бедавога  
Қурашни менга қўйинг.  
Мен учун гўё ўйин.  
Кўринса зиғирча гард.  
Бўламан-да чиндан мард —  
Ютаман мисли аждар.  
Аждаринг кўрса агар  
Ишимга қолар ҳайрон.  
(Аждаринг бари ёлгон).  
Ким чиндан мард бўлса гар,  
Ундан элга наф тегар.  
Менман чинакам полвон,  
Хурсанд ишлатган инсон.  
«Чайка» деган бор укам,  
Мен каби ишчан у ҳам.  
«Ракета» асли отим.  
Аммо йўқ-да қанотим...

Ойга учган ракета  
Менга бўлади ака.  
Эҳ, мен ҳам учсам кўкка,  
Ой томон бориб тикка —  
Юзида бўлса чанги,  
Чангин ютардим бир-бир  
Ой бўлиб равшан, янги  
Росаям сочарди нур,  
Мен эмас, учар одам,  
Шунда севинар Ой ҳам.  
Ҳозир ерда хизматим,  
Эл ичида иззатим.  
Янгиликнинг бириман,  
Техника, фан сириман.  
Паспортим — китобим бор,  
Ҳар турли асбобим бор.  
Сув пуркайман гулларга,  
Эгаман кўп ҳунарга.  
Чанг-чунгдан уй ичини  
Тозалайман, ютаман.  
Оналарнинг ишини  
Доим енгиллатаман.  
Чанг зоти дуч келса бас,  
Мендан қочиб қутулмас.  
Мен бор уйда ғубор, чанг  
Соғлиққа сололмас чанг.  
Шундай ишга қодирман,  
Мен чангютар ботирман.  
Шу билан тамом сўзим,  
Ишда кўрсатай ўзим.

1962



## Кўчатлар кўчишибди

Уч йил ичи боғаро  
Усибди тўрт юз ниҳол.  
Тарбиялабди гўё  
Боғбон фарзанди мисол.  
Бу ниҳоллар чинакам  
Боғбонга фарзанд экан.  
Кўчатлар шунча кўркам,  
Ким кўрса хурсанд экан.  
Кўчатларнинг ҳаммаси  
Тотув ва аҳил экан.  
Шох отиши, жилваси,  
Бўй-басти бир хил экан.  
Кундан-кунга ўсаркан  
Тўрт юз олма кўчати,  
Гўёки бир дружина,  
Бормиш отряд-отряди.  
Бир отряд — семиренка —  
Бир қатори жоноқи.  
Бир қатори оқ аччиқ,  
Хилма-хилмиш саноғи.  
Боғбони эккан жойда  
Пионердай тортмиш саф,  
Боғбон — ўқитувчи-ю,  
Ер эса она-мактаб.  
Боғбондан дарс ўқишиб,  
Кундан нур эмишаркан.  
Ҳаводан эса нафас,  
Тўйиб сув шимишаркан.  
Бири касал бўлса сал  
Агроном келар экан.  
Шифобахш врач каби  
Дори ҳам берар экан.  
Элга хизмат қилишни  
Кўчатлар кўзлашаркан.

Узларига хос тилда  
Нималар сўзлашаркан?  
Семиренка ниҳоли  
Дермиш:— Қилдим нишона,  
Ҳалж мақсадим катта.  
Нима экан беш дона.  
Энди менинг-чи, дўстлар,  
Бундан кўчишим керак.  
Бу ерда қолаверсам  
Бўламан найнов терак.  
Мана бизлар ҳаммамиз  
Уч ёшга тўлиб қолдик,  
Усиб ҳосил бериш-чун  
Таълим-парвариш олдик.  
Етиш бизга ярашмас  
Баъзилардай текин еб.  
Қанча меҳнат қилдилар  
Боғбон бобо бизни деб,  
Ахир, бизлар асл нав  
Олмалар ниҳолимиз.  
Мўл-кўл олма қилишдир  
Мақсаду хаёлимиз.  
Боғбон бобо ўстирган,  
Қизиқ ниҳолчалармиш,  
Яшил япроқлар билан  
Бари чапак чалармиш.  
Кўчатларин оралаб  
Юрганида боғбон чол,  
Кўчатлари билан у  
Гаплашармиш бемалол.  
Боғбоннинг келганин,  
Кўчатлар сезишаркан.  
Бир меҳрибон отадай  
Жон-дилдан севишаркан.  
Кўчатлар-чи, қимирлаб  
Дейишаркан:— Ассалом!

Бобо, меҳрингиз билан  
Усаяпмиз биз соғлом.  
Нишоналар ҳам қилдик.  
Биз мамнунмиз айстойдил,—  
Дея тез сўзлар экан  
Кўчатлар ичра қандил.  
Боғбон деркан жавобан:  
— Гапларингиз жуда мос,  
Қолдириб бўлармиди  
Сиз қилсангиз илтимос  
Кўчатларни бирма-бир  
Боғбон бобо эркалаб:  
— Сабр қилинг, ниҳолчам,  
Кўчирамиз эрталаб.

Тўрт юз кўчат куз пайти  
Япроқларин тўкибди.  
Гўё боғбон қўлида  
Таълим олиб ўқибди.  
Машиналарга тушиб,  
Олибдилар чўлга йўл.  
Ҳатто машиналарда  
Юришганмиш жуда мўл.  
Шу кунда Мирзачўлда  
Кўчатлар ўсишармиш.  
Гармселлар йўлини  
Кўплашиб тўсишармиш.  
Кўчатларнинг ҳаммаси  
Қиришганмиш ҳосилга,  
Оширишмоқчи эмишлар  
Ҳосилни йилдан-йилга.  
Борган эмиш кўргани  
Кўчатларини боғбон.  
Кўчатлар ҳосил билан  
Қилган эмишлар меҳмон.

1962.

## Меҳмон ва сахий

Қадим замон ўтган экан бир деҳқон,  
Ўзи сахий, одамларга меҳрибон.  
Ҳаммага ҳам ёқар экан хуш феъли,  
Иzzат-ҳурмат қилар экан юрт-эли.

Кунлардан-кун у далада иш қилиб,  
Хотини-чи, бир косада ош қилиб,  
Ўлтиришиб энди еймиз деган он,  
Келиб қопти уйларига бир меҳмон.

Меҳмон эса келган экан йўл юриб,  
Йўл юрса ҳам жуда-жуда мўл юриб.  
Эру хотин уни кутмиш очилиб,  
Меҳмон эса турар экан очиқиб.  
Ошдан бўлак ҳеч вақо йўқ уйда,  
Деҳқон тезда режа тузмиш ўйда:  
Лампасини ёқмабди-да, жўрттага  
Ошни қўймиш қоронғида ўртага.  
Билинтирмай ошнинг сира озини,  
Ош егандай шапиллатмиш оғзини.  
Эру хотин олинг дермиш олмасмиш,  
Қоронғида ундан кейин қолмасмиш.  
Меҳмон эса кўтармасмиш бошини,  
Тагигача туширибди ошини.  
Эру хотин шу оқшом оч қолибди,  
Аммо улар меҳмон кўнглин олибди.

Бунни менга айтгандилар дадамлар,  
Эртакчанинг мағзин чақинг, одамлар.

1965

# Ҳар кимники ўзига Ой кўринар кўзига

(Жалил эшитган эртак)

Кўклам бир жуфт қарқуноқ,  
Иккови аҳил-иноқ.  
Ғизза-ғизза ташиб хас  
Дарахтга ин қўйишди.  
Меҳнат завқи чарчатмас,  
Гўёки уй қуришди.  
Севинишди, яйрашди,  
Булбул бўлиб сайрашди.

Кунлардан ўтиб кунлар  
Бола очишди улар.  
Боласи қилар «чағ-чағ»,  
Қарқуноқлар вақти чоғ,  
Бирови пастда турар,  
Бири овга югурар.  
Олиб келса чигиртка,  
Чиқармасдан чиқитга  
Боласи ютар лиқ-лиқ,  
Туюлгандай мазалик.

Жалил деган бир бола  
Кўзлари ола-кула,  
Қарар дарахт устига...  
Қарқуноқнинг инини  
Олганди кўз остига  
Зимдан пойларди уни  
Жалилжоннинг кўнглида  
Учирма бўла қолса,  
Лип этиб тутиб олса,  
Уйнаб юрса қўлида...  
Бир кун кечқурун Жалил,

Дарахтдан апил-тапил  
Қарқуноқни олди-ку,  
Ола қўйнига солди.  
Онаси келиб қолди,  
Бирдан бошланиб «қий-чув»  
Шу пайт она қарқуноқ  
Жалилни талар, бироқ,  
Жалил қилмасди парво,  
Ҳеч нима билмас гўё.  
Ота-она қарқуноқ  
Болам ейди деб қийноқ  
Тинмасдан чуғулларди  
Ва ўзича йиғларди.  
Ҳар томонга пириллаб,  
Бир илож-чора излаб  
Гўё бўтадай бўзлаб  
Ўзин урар ҳар ёнга,  
Дод солгундай жаҳонга,  
Жалилнинг тепасида,  
Эс-ҳуши боласида —  
Қайга борса борарди,  
Ўзича ёлборарди:  
«Қўйиб юбор боламини,  
Эй, Жалилжон, кўзимга  
Тор қилмагин оламини.  
Қулоқ бергин сўзимга!..»  
Деган каби бўларди.  
Бувиси қолди сўраб:  
— Жалил, ўзи нима гап,  
Нега кўзларинг бежо?  
— Ўзим,— дея адашар,  
Айб қилгандай гўё,  
Бир зумда терга тушар.  
Кейин-чи, пайтни пойлаб,  
Қочади тирақайлаб.  
Жалилнинг ҳар ишини,

Ножўя қилмишини  
Бувиси дарров пайқар,  
Ундан Жалил ҳайиқар.  
Бувиси жуда сергак,  
Агар айтса-чи эртак,  
Нақ, оғзингиз очилар,  
Бахшиларни қочирар.

Кенг тахта каравотда,  
Салқинда, кечки пайтда  
Набираларни тўплаб,  
Битта-битта чой ҳўплаб,  
Эртак айтиб ўтирар,  
Барча жимжит мўлтирар.  
Жалил ҳам келиб қолди  
Ва қатордан жой олди.

Болалар тинглар сергак,  
Бувиси бошлар эртак:  
«Лақаби Лочин деган  
Бир овчи ўтган экан.  
Ов билан бўлиб машғул,  
Эл ичра экан машҳур.  
Кетаркан эрта туриб,  
Йўл юрса-да, мўл юриб.  
Ошиб дала, қир, овул  
Овларкан фоз, қирғовул.  
Неча-неча бўрининг  
Қирққан экан йўлини.  
Шер билан бел олишиб,  
Йўлбарс билан солишиб  
Барини енгган экан,  
Тадбирли мерган экан.  
Ўтиб қанча ою йил,  
Овчи кўрмиш бир ўғил.  
Севишар экан шундай:

Ойни олиб бергундай.  
Гўё уйининг гули,  
Кўнгил боғин булбули.  
Ер-кўкка ишонишмас,  
Усиз ҳеч қувонишмас.  
Овчи одат бўйича  
Ов излаб юрса пича,  
Учиб ўтибди бургут,  
Сояси бўлиб булут.  
Чангалида ўлжаси,  
Бирор қушнинг жўжаси.  
Овчи ўтлар оралаб,  
У бургутни қоралаб  
Узмай сира кўзини,  
Сездирмасдан ўзини  
(Баъзида ерга ётиб)  
Кетаверибди чопиб.  
Бургут инга қўнибди,  
Овчи уни кўрибди.  
Боласини ушлай деб,  
Ўғилчамни хушлай деб  
Овчи ётибди пойлаб,  
Ушлайин деб авайлаб.

Бургут ўз боласига  
Овқатини берибди,  
Боласи онасига  
Қанотини керибди:  
Қучоғини очгандай,  
Ўз меҳрини сочгандай.  
Бургут ўз боласини  
Ва кўзи қорасини  
Эркалабди жуда ҳам.  
Овқат ейшин кўриб  
Боқибди тўйиб-тўйиб,  
Дилини қилиб малҳам.



Овчи қараб бу ҳолга:  
«Ҳар кимнинг ўз фарзанди  
Ўзининг жигарбанди».  
Деб кетибди хаёлга.  
Бургут силкиб қанотин  
Ғойиб бўлгач кўзидан,  
Овчи ўша заҳоти  
Қайтибди ўз сўзидан.  
Овчи югура солиб,  
Бургут боласин олиб  
Ўрабди белбоғига,  
Қарамай сўл-соғига,  
Иши бўлгандай тигиз  
Изига қайтибди тез.

Она бургут бир маҳал  
Келиб қолибди жадал.  
Қараса йўқ боласи,  
Чиқибди эсхонаси  
Ва овчини кўрибди,  
Ортидан югурибди.  
Бургутлик жаҳли билан,  
Алами-жаҳли билан  
Овчига солибди чанг,  
Орада бўлибди жанг.  
Овчи ҳам ботир экан,  
Бу ишда моҳир экан.  
Бургутга сўз бермабди,  
Бургут ҳам бўй эгмабди.  
Баъзан учиб бориб жим  
Бирдан қилибди ҳужум.  
Овчининг тепасида,  
Эс-ҳуши боласида  
Қайга борса борибди,  
Сира-сира чидолмай,  
Овчидан зўр чиқолмай

Узича ёлборибди:

Боламни бер дегандай,  
Ялиниб гапиргандай,  
Бошин қуйи эггандай,  
Пастлаб учиб ўтаркан.  
Овчи тезлаб кетаркан,  
Бургутнинг етмай кучи,  
Ололмай асло ўчин  
Юраги ачиб жиз-жиз,  
Учибди у изма-из.

Овчи ўлжани олиб,  
Бургутдан келиб голиб  
Уйига кепти омон,  
Бургут бўлса шу замон  
Боласи хусусида  
Кетолмасдан узоққа  
Тушган янглиғ тузоққа,  
Овчи уйи устида  
Пастликка қараб бир-бир  
Айланар экан гир-гир.

Она бургут бечора  
Излаб топмабди чора.  
Бўлибди минг-минг сарсон...  
Овчининг уйи хурсанд.  
Қўрайлик дея қушни  
Чиқибди қўни-қўшни.  
Гапнинг энг рости-чини,  
У азамат овчининг  
Ўша кун ёлғиз ўғли,  
Шўхликда гўё тўқли,  
Дўмбиллаб кенг ҳовлида,  
Оёқ яланг ҳолида  
Ёлғиз ўйнаб юраркан.  
Бургут кўкда айланиб

У болани кўраркан.  
Бир маҳал шаҳти билан,  
Бор кучи-жаҳди билан,  
Бургут шўнғибди пастга,  
Уша гўдакни шартта  
Худди ўлжа сингари  
Кўтарибди кўк сари.  
Эс-ҳушини йўқотиб,  
Додлашга тили қотиб,  
Бола қолибди анг-танг.  
Кўрганлар дебди: «Аттанг!»  
Ота-онаси кўриб,  
Ҳар ёнга зир югуриб,  
Боласига етолмай,  
Бургутга арз этолмай,  
Она кўтармиш фарёд,  
Ҳар ёнга солибди дод  
Қаранг, ёлғиз боласи  
Бургутнинг чангалида...  
Ошибди оҳ-ноласи.  
Бургут ҳам ўз галида  
Солмаган бўпти қулоқ.  
Ўз ишидан мақтаниб  
Боласини ахтариб,  
Учмиш яна баландроқ.  
Бўрилардан зўр чиққан,  
Йўлбарс, айиқни йиққан,  
Овчи ҳозир иложсиз.  
Гўё ақлсиз-бошсиз.  
Ишлатолмас асло куч,  
Мушкул ҳолга бўлмиш дуч.

Бор экан бир доно чол,  
Илож топибди дарҳол:  
«Бургут боласин шу кез  
Ҳовлига ташланглар тез»

Деб берибди маслаҳат.  
Бургут бўлса шу маҳал,  
Кўриб ўз боласини,  
Ерга аста қўнибди.  
Овчининг боласини  
Чангалидан қўйибди.  
Бургутчасини дарҳол  
Меҳр билан қучибди,  
Хурсанд бўлиб, бемалол  
Уясига учибди».

Эртак тугагач Жалил  
Қўйнидан апил-тапил  
Қарқуноқчани олиб  
Учириб юборади.  
Утирган барча бола  
Жалилнинг бу ишига  
Анг-танг бўлиб қаради,  
Жалил ҳам бувисига  
Ташлаганди кўз қирин  
Билдирмайин деб сирийн.  
Қарқуноқ бўлиб бургут  
Жалилга солган човут...  
Бувиси эса ҳануз  
Айтмас эди бирор сўз.  
Қарқуноқча ҳам шу чоқ  
Шохга тезда қўнади.  
Шунда она қарқуноқ  
Боласини кўради,  
Учиб келар шод бўлиб  
Ундан минг бор ўргулиб.  
Боласи чағ-чағ қилиб  
Қанотини қоқарди,  
Ҳамма ҳам мамнун бўлиб  
Қарқуноққа боқарди.

1959

# Зийрак фил ва зиқна баққол

(Шарқ эртаги)

Бир ҳиндининг бор эди  
Ажойиб фили.  
Одамларга ўхшарди  
Авзойи — феъли.

Филбон нима деганин  
Дарров биларди.  
Оғир-оғир ишларни  
Қойил қиларди.

Айниқса-чи, кўчадан  
Утса ҳар кунни.  
Шаҳарнинг болалари  
Қуршашар уни.

Миттиларга улкан фил  
Эгарди бўйин.  
Кўрсатарди ўзича  
Турли хил ўйин.

Яхшиларга доим фил  
Меҳрибон эди,  
Одамларнинг ҳам унга  
Меҳри бор эди.

Гавжум бозордан филни  
Туш пайти филбон  
Сугоришга ўтарди  
У дарё томон.

Ҳар дўконда тўхтарди  
Навбатма-навбат.

Беришади баққоллар —  
Филга қанд, новвот.

Қилар мамнун бўлгандай  
Уларга қилиқ.  
Қилиқларин ҳаммаси  
Туюлар илиқ.

Фил келганда росаям  
Қизиб қанд бозор.  
Тўлиб кетар атрофга  
Кичик харидор.

Баққоллар ҳам молини  
Олишар пуллаб.  
Утиришар бошқа пайт  
Роса ҳувиллаб.

Боққолларнинг ичида  
Борди бир баққол.  
Баққолларнинг ичида  
Энг зиқна, баттол.

Пашмагу ҳалволарин  
Сотарди қиммат.  
Фирт савдогар эди у,  
Ўта беҳиммат.

Шу йўсинда бўлганди  
Бошқалардан бой.  
Ундан қуруқ қайтарди  
Ҳаттоки гадой.

Болаларни алдарди  
Тортиб бериб кам.  
Ҳатто пириб берарди  
Катталарга ҳам.

Қўшни баққоллар филга  
Улашганда қанд,  
Ҳар нарсага чалғирди  
Гўё бўлиб банд.

Ўчакишгандай фил ҳам  
Туриб оларди,  
Гўё пашмак увоғин  
Уриб оларди.

Фил келар чоғ баъзида  
Епар дўконин.  
Бермасликнинг топганди  
Шу хил имконин.

Бир куни дўконини  
Очганда энди,  
Дўконининг олдига  
Фил келган эди.

Кўрмаган бўлиб филни  
Баққол ғиқ этмас.  
Филбон юр деса ҳамки,  
Фил эса кетмас.

Баққол филга дегандай:  
«Е заққумингга!»  
Санчиб олди игнани  
Фил хартумига.

Филнинг тоғдай гавдаси  
Зирқираб кетди.  
Филбон кўзларидан ёш  
Тирқираб кетди.

Уни кўрган болалар  
«Вой» деб қолишди.

Зиқна баққол олдидан  
Тезда қочишди.

Дўконни ағдаришга  
Филда бор-ку куч.  
Филбон ўйлар ичида  
Олмоқликни ўч.

Бўлак баққол олдида  
Тўхтамаёқ фил,  
Дарё томон жўнади  
У апил-тапил.

Югурарди ҳамон фил,  
Чаққандай илон,  
Билмас нима қилишин  
Бечора филбон.

Фил дарёга тушди-да,  
Сув ичди қониб.  
Шунда қараб турарди  
Филбон қувониб.

Филнинг узун хартуми  
Мисоли шланг,  
Устларига сочар сув  
Душ каби, қаранг.

Фил хартумин тўлдириб  
Сувдан шимира —  
Йўлга тушди, ҳеч ерда  
Тўхтамай сира.

Филбон эса билмас фил  
Чопар қаёққа.  
Зиқна баққол олдида  
Фил тўхтар таққа.



Баққолнинг қанд-қурсига  
Бир хартум — шланг —  
Сувин сепди фил атай...  
Барча қолди танг.

Бир дўкон ширинлиги  
Эриди — оқди.  
Баққол эса дод солди,  
Роса тутоқди.

Эгри иши ўзига  
Сезилди яққол.  
Роса бўлди шарманда  
У зиқна баққол.

Қойил қолди кўрганлар  
Бу доно филга.  
Таралганмиш бу эртак  
Эллардан-элга.

1965

## Унутган ўғил

Қадим сурибди умр  
Бир чол ила бир кампир.  
Уларнинг бисотида,  
Кечирган ҳаётида  
Бор экан ёлғиз ўғли.  
Чолу кампирнинг кўнгли  
Ўғлида экан доим.  
Сўзлашаркан мулойим,  
Етмасин дея озар,  
Отаю оназор.  
Икковининг эс-ҳуши,

Тунлари кўрган туши,  
Бошқага сўзлар сўзи,  
Чироғию юлдузи  
Шу ўғли экан, ўғли.  
Сезилмаскан бор-йўқлик.  
Емай едирибдилар,  
Ичмай ичирибдилар.  
Ўғли эса кундан-кун  
Вояга етиб дуркун —  
Бўлибди анча тийрак,  
Ишига пишиқ, зийрак.  
Хизмат этгудай юртга  
Тўлибди у ўн тўртга.  
Ўшаларга ёнма-ён  
Ўзин тутган қадрдон  
Бир савдогар бор экан,  
У шогирдга зор экан.  
Топиб улар кўнглини,  
Чол-кампирининг ўглини  
(Ишлатган-да ҳунарин)  
Сўзига кўндирибди,  
Пуч ёнғоққа уларнинг  
Қўйинини тўлдирибди.

Савдогар эртаси кун  
Бўлиб жудаям мамнун  
Отланибди тез йўлга,  
Ул-булни олиб қўлга.  
Ота дебди ўғилга:  
«Ота-онанинг пулга  
Топилмаслигин эсла,  
Майли бор, бахтинг изла».  
Она ҳам дебди шундоқ:  
«Ўзинг келиб тур тезроқ».  
Ўғил келишга тез-тез  
Сўз берибди ўша кез.

Дастмоя боглаб белга,  
Кетмишлар олис элга.  
Бунн қарангки улар  
Ишлатиб найранг-ҳунар  
Иккови борган жойда  
Фойда устига фойда —  
Келаверибди оқиб...  
Йиғибдилар ютоқиб.  
Қолмайин олти ойга  
Айланибдилар бойга.  
Сўйлашлари фойдамиш,  
Ўйлашлари фойдамиш,  
Шунақанги иш бўлиб,  
Савдогарга эш бўлиб  
Ўша ёлғиз ўғил ҳам  
Пул йўлига чинакам  
Муккасидан кетибди,  
Азиз она-отасин  
Унутиб бор ваъдасин,  
На бирор хат битибди.  
Пайдо бўлибди ғурур,  
Енгибди фойда қурғур.  
Чол ва кампир ўғлини  
Пойлаб унинг йўлини  
Ҳар кун-ҳар тун кутибди,  
Ўғли-чи, унутибди...

Соғинишиб шу қадар:  
«Ўғлим биз интизормиз,  
Муҳтожмиз жуда зормиз»  
Деб ёзмишлар хат-хабар.  
Олиб бундай хабарни,  
Эслаб қарияларни  
Муҳтож бўлмишлар дея,  
Чол-кампирга бир туя  
Юбормиш совға-салом.

Фарзандлик бурчим тамом —  
Деб, фойдага чопибди,  
Гўё таскин топибди.

Улар туяни кўриб  
Уғли келди деб дарҳол  
Чиқсалар-ки югуриб,  
Бўшашибди кампир-чол.  
Қампир йиғлабди юм-юм,  
Шунча дунё, мол-буюм  
Сира ҳам татимабди,  
Бу нимади демабди.  
Фойдадан узмай умид  
Эҳ, эсиз шундай йиғит,  
Дийдор кўрай демабди,  
Улардан ғам емабди.  
Эшитинглар буёғин,  
Хабар келибди тағин.  
Уғли ўқигач дарҳол,  
Юбормиш бир талай мол.  
Хат келибди ойма-ой,  
Уғли эса: «Хойнаҳой  
Нарсамни олмабди», деб  
Буюми учун ғам еб,  
Фойдадан кечиб зўрға —  
Равона бўлмиш йўлга.  
Етиб келиб қараса,  
У юборган бор нарса  
Ҳаммаси турган эмиш.

Чол, кампир шундай дермиш:  
«Нарсаларинг етмади,  
У ўрнингга ўтмади  
Бизга керакмас нарсанг,  
Эҳ, биларсан қарисанг,  
Бизга кераксан ўзинг,

Бизга дийдоринг керак.  
Шудир биздаги тилак!»  
Уғли айтолмай сўзин  
Бўлибди росаям лол.  
Турмушда бундай мисол,  
Учраб туради гоҳо,  
Эл беради чин баҳо.

1966

## Олтин най

(Корея эртаги)

Жуда қадим замонда,  
Қуёш чиқар томонда.  
Сариқ денгиз бўйида,  
Бир оролнинг қуйида  
Усаркан сирли қамиш,  
Деган гап-сўз тарқалмиш.

Бошлангандан қора тун —  
Бўлиниб қамиш тани,  
Қуёш чиққанда тагин  
Бўлиб қоларкан бутун.  
Шу усулда қамиш тик  
Ўсибди доим тетик.  
Баҳра олиб қуёшдан  
У ошибди юз ёшдан.  
«Оролдан олисроқда,—  
Бир кулбада, овлоқда  
Балиқчи чол бўлармиш,  
Сирни яхши билармиш»,  
Деган шундай овоза  
Тарқалган эмиш роса:

У юрти сўраган хон,  
Буни эшитган замон,  
Чақириб амалдорин  
Айтибди дилда борин:  
«Аниқ билай аҳволни,  
Келтиринг ўша чолни.  
Чол яшаб турган жойга  
Тезлик билан чопингиз,  
Уни излаб топингиз.  
Келтирингиз саройга!».  
Чопарлар кетишипти,  
Ит азобда қийналиб,  
Қўп ерларни айланиб,  
Ун кунда етишипти,  
Топишибди-да чолни,  
Айтишипти аҳволни.  
Чол боришга кўнмапти,  
Чопарлар ҳеч қўймапти...  
Рози бўлибди зўрға...  
Сўнгра тушмишлар йўлга.  
Талай-талай йўл юриб,  
Юришса ҳам мўл юриб  
Етиб кептилар тонгда,  
Хабарни билган онда  
Хон олдига шу маҳал  
Амалдор кирмиш жадал:  
«Рухсат беринг, улуғ хон,  
Ҳузурингизга шу он  
Сиз сўратган чол ҳозир  
Кирмоқ учун мунтазир».  
Кирибди балиқчи чол,  
Қордай оппоқ соч, соқол.  
Умрида бундай жойни,  
Хон яшаган саройни  
Биринчи бор кўргани,  
Энди қадам қўйгани,

Хонлигидан мақтаниб,  
Ултирар хон ястаниб.  
Хон экан семиз — бўла  
Атрофда одам тўла.  
Кўпчилик турарди лол.  
Хон чолга бермиш савол.  
— Бобо, ёшинг қанчада?  
— Эй хон, ёшим анчада,  
Кеча ичган ошимни,  
Қанчалигин ёшимни  
Эслай олмайман ҳатто,  
Эсим кирганидан то —  
Шу кунгача одатим,  
«Балиқчилик» дея жим —  
Қолибди бечора чол,  
Сўз бошлабди хон дарҳол:  
— Бобо, қулоқ сол менга,  
Бир илтимос бор сенга:  
Сариқ денгиз бўйида,  
Оролнинг энг қуйида —  
Ўсган қамиш сирини  
Қолдирмай ҳеч бирини,  
Тезликда бергил сўзлаб,  
Хон қилар сендан талаб!  
Саволдан ранжиб, лекин  
Кекса балиқчи секин  
Ҳар ён назар ташлабди,  
Сўзлаб бера бошлабди:  
— Бундан юз йил илгари,  
Душман офат сингари  
Юртга бошлади юриш,  
Қизиди қонли уруш.  
Еш, қари жангга кирди  
Келгинди ёвви қирди.  
Ҳаттоки соҳил, денгиз  
Ўлиққа тўлди чексиз.

Халқ чекарди оҳ, нола,  
Мен ҳам эдим ёш бола.  
Икки тарафдан аскар —  
Келиб қолди баравар.  
Ешгина битта йигит  
Жангга кирди шер тахлит,  
Ёвлар кўп азоб ебди.  
Йигитга шундай дебди:  
«Таслим бўл, бола пақир,  
Улиб кетасан ахир».  
Йигит бўлса мардона  
Сўзлабди дона-дона:  
«Тирик таслим бўлмайман  
Сени енгмай ўлмайман!»  
Дея ёвларни суриб,  
Аҳдида маҳкам туриб,  
Энг сўнг қолган ғанимнинг  
Яралади танини,  
Аммо унинг ўзи ҳам  
Таппа йиқилди шу дам.  
Юраги урарди сал.  
Танишлари шу маҳал  
Боришса йигит томон,  
Афсус, берган эди жон.  
Сўнг йигитнинг жасадин  
Гуллар билан ясатиб,  
Кўмишган у соҳилга,  
Жанг тугаган шу хилда.  
Йигит кўмилган ердан,  
Қамиш кўкариб бирдан  
Ўсди ўша қирғоқда,  
Денгиз ичра овлоқда,  
Қимки бориб ойдинда  
Ялтираган олтиндай  
Қамишга солиб пичоқ  
Қирқиб олса-ю шу чоқ.



Кейин ундан қилиб най  
Чалиб кўрса-чи шундай,  
Соз оҳанглар чиқарар,  
Яхшиликка чақирар.  
Юртни босиб келса ёв,  
Найни чалинса дарров  
Зафарга йўл очади,  
Душман қўрқиб қочади.  
Агар қўзголса бўрон,  
Шу найни чалган замон  
Ҳо баландда, ҳо пастда  
Бўрон тинар бирпасда.  
Уни чалган маҳалда  
Орзу ошар амалга.  
У бегона юрт учун  
Йўқотади ўз кучин!  
Ёмонлик қилган одам  
Уни минг бор чалса ҳам,  
Бефойдадир бари бир,  
Найда мавжуд шундай сир».

Сўзини тугатиб чол,  
Саройдан чиқмиш дарҳол.  
Чол жўнаб кетган замон  
Умидвор бўлибди хон,  
Уни кесиб келишга,  
Қамишдан най қилишга  
Буйруқ берибди тезда,  
Одамлари шу кезде  
Жўнашибди оролга.  
Йўлиқиб зўр шамолга  
Барчаси ғарқ бўлибди.  
Сувга чўкиб ўлибди.  
Хон бўлса неча ойлаб,  
Чопарларини пойлаб,  
Ҳар хил режа тузибди,  
Ахир умид узибди.

Чол гапи йилдан-йилга  
Тарқалибди кўп элга.

Битта балиқчи йигит  
Ўзи паҳлавон таҳлит,  
Тўлқинларга келиб дуч,  
Сарф қилибди талай куч  
Йўл азобин енгибди,  
Қамиш сари етибди.  
Кучга кириб у шердай  
Ундан қирқибди бир най  
Жўнабди ўша замон,  
Уйга келибди омон.  
Йигит найни чалганда  
Ҳар юракда, ҳар танда  
Тўлиб-тошибди шодлик  
Бошланибди ободлик,  
Уни барча мақтабди,  
Олтин най деб атабди.  
Бу сирли най хабари  
Кетибди ҳар томонга.  
Хоннинг амалдорлари  
Буни айтибди хонга.  
Золим хон ўша куни  
Тортиб олибди уни.  
Йигит ҳайрон бўлибди.  
Кўнгли вайрон бўлибди.  
Жигар бағрини тиғлаб,  
Иложсиз йиғлаб-йиғлаб,  
Дилдан лаънат айтибди,  
Ўз уйига қайтибди.  
Найни чалай деса хон  
Чалинмабди у ҳамон.  
Етолмасдан ниятга  
Хон қолмиш ҳижолатда.

Чунки хонлар қилмиши —  
Зулмдор барча иши.  
Шунинг учун олтин най  
Уз кучини бутунлай  
Хон олдида йўқотмиш,  
Гўёки оддий қамиш  
Халқ дер: «Қилсанг ёмонлик,  
Тополмассан омонлик».  
Йиллар ўтибди талай,  
Лекин сирли олтин най  
Уша хон саройида,  
Аллақандай жойида  
Керак бўлмай ётибди,  
Халқ уни йўқотибди.

Аммо кунлардан бир кун,  
Эл бошига чўкиб тун.  
Океаннинг ортидан  
Тагин келибди душман.  
Кўп ерларни босибди,  
Одамларни осибди.  
Қишлоқда тўхтамай ҳеч  
Жанг бўлибди эрта-кеч.  
Ой ва кунлар ўтибди,  
Халқ курашда ютибди.  
Най топган йигит шунда  
Бўлиб қолган экан чол.  
Найни топишга зумда —  
Отланибди-да дарҳол,  
Етиб борса саройга,  
Қочиб кетган экан хон.  
Қириб кўриб кўп жойга  
Тоза бўлибди ҳайрон.  
Эшиклар ланг очилган,  
Кўп нарсалар сочилган.

Уч-кечаю уч кундуз  
Ҳамма ерга ташлаб кўз  
Қидиравериб ҳамон  
Найни топибди омон.  
Бир уйнинг бурчагида,  
Нарсаларнинг тагида  
Ялтираб нақ олтиндай  
Етган экан олтин най.  
Кўксига босиб уни,  
Чалиб кўриб шу куни  
Жанг қизиб турган томон  
Етибди эсон-омон:  
«Эй азиз фарзандларим,  
Бардаммисиз, мардларим,  
Менда бор шундай мақсад:  
Берай деб сизга мадад,  
Кўнглингизни очай деб,  
Евга ажал сочай деб,  
Узим ҳам жангга кирдим,  
Олтин найни келтирдим»,  
Деб пича олибди дам  
Лекин бир жангчи шу дам,  
Найни тинглашга бир оз,  
Қилмиш чолдан илтимос:  
— Қани, бир эшитайлик  
Орзумизга етайлик.  
Бобо найни чалганда  
Ҳар юракда, ҳар танда  
Шодлик тўлиб-тошибди,  
Мардликлари ошибди.  
Эртасига бобо ҳам  
Жангга кирибди бардам.  
Барчага бериб далда  
Найни чалган маҳалда  
Пайдо бўлиб буюк куч —  
Ташланишиб ёв сари,

Юришибди илгари.  
Ҳар қандай ёв келса дуч  
Шу онда янчишибди.  
Найзалар санчишибди.

Найнинг овози ёвга  
Солибди қўрқув, ғовға.

Фақат уч кун ичидә  
Юрт севганлар кучидан  
Душман бўлибди поймол  
Қатта иш кўрсатиб чол,  
Бўлибди расо машҳур,  
Халқ айтибди ташаккур.  
Душманнинг қочганлари,  
Улгандан қолганлари  
Хўп ейишиб адабин,  
Ўз элининг шоҳига,  
Боришиб паноҳига  
Енгилганлик сабабин  
Шу найдан кўришибди,  
Индамай туришибди.  
Шоҳ ўйлаб кундуз-кеча,  
Тузибди шундай режа.  
Чақириб вазирини  
Айтибди ўз сирини:  
«Муҳлат бер-да, уч ойга  
Жосус юбор у жойга.  
Беркиниб борсин тезда,  
Ҳо кундузи, ҳо туни  
Ўғирлаб келсин уни.  
Най бўлсин қўлимизда!  
Тилла ҳадя этайин,  
Амалга этай тайин  
У найни қўлга олиб,  
Биз ҳам бўлайлик ғолиб!»

Кемада талай сузиб,  
Емон ниятлар тузиб,  
Шоҳ жасуси бу жойга,  
Яшириқча, бир ойда  
Зўрға етиб келибди,  
Ҳар эшикка кирибди.  
Юрибди неча ойлаб,  
Найни олишни пойлаб,  
Ахир келгинди — дайди  
Уғирлаб олтин найни,  
Қочиб кетибди тезда,  
Узоқ сузиб денгизда  
Етиб борибди-да у,  
Юзида гўё кулгу,  
Шоҳга таъзим қилибди,  
Найни тақдим қилибди.  
Шоҳ уни тоза мақтаб,  
Хизматини тақдирлаб  
Зўр зиёфат берибди,  
Кўп мукофот берибди.  
Чалиб кўришганда най  
Қолибди ҳеч чалинмай.  
Шоҳнинг олдида бутун  
Йўқотибди ўз кучин.  
Жосус ҳам бўпти ҳайрон,  
Аmmo шоҳ ўша замон,  
Қилган ишидан айнаб,  
Қаҳру ғазаби қайнаб,  
Даҳшат-ла бақрибди,  
Вазирин чақрибди:  
«Мени алдагани-чун  
Бу маккорни шу бугун,  
Найи билан ўзини,  
Бақрайтириб кўзини,  
Улоқтиринг денгизга,  
Буйруғим қатъий сизга!»

Оқлашга топмай асос  
Қилмишига жуда мос,  
Жосус шундай ўлибди,  
Тақдири шу бўлибди.  
Олтин най неча йиллаб,  
Сув бетида йилтиллаб,  
Тўлқинларда қалқибди,  
Балиқлардай балқибди.  
Бир балиқчи бир маҳал  
Денгизда сузган чоқда,  
Тўлқин кучини жадал  
Қайиқ-ла узган чоқда,  
Кўриб қолибди бир най,  
Ялтирармиш олтиндай.  
Уни дарров олибди,  
Кўриб ҳайрон қолибди.  
Балиқчининг қизи ҳам  
Қайиқда экан шу дам.  
Найни чалиб боқибди,  
У жуда ҳам ёқибди.  
Тўлқинлар океанда  
Пасайибди шу онда.  
Эртақларда сўзланган,  
Яхшиликлар кўзлаган,  
Олтин най шу экан деб,  
Ич-ичидан севиниб,  
Қиз бир қўшиқ куйлабди,  
Кўп орзулар ўйлабди:  
«Қўлимдадир олтин най,  
Буни сақлай жонимдай.  
Гўзалликда бўлай ой  
Мендаги ёшлик, чирой  
Бирор қизда бўлмасин,  
Ҳусним сира сўлмасин,  
Кўпайсин молу мулким,  
Мени кўрганда ҳар ким

Куйиб ўлсин ҳасадда.  
Қиз чалса шу мақсадда  
Най чалинмай қолибди,  
Оғир нафас олибди.  
Ўзим бўлай деган-чун  
Най йўқотмиш бор кучин.  
Қиз қайғуга ботибди,  
Найни сувга отибди.  
Яна сирли олтин най  
Сувда сузибди талай.  
Шу кунда, шу замонда,  
Қуёш чиқар томонда  
Кореялик баҳодир —  
Ким Ир Сен деган ботир  
Ватан ишқи туфайли  
Топибди олтин найни.  
Уйлар донм халқини,  
Сақлар элнинг ҳақини.

1954

## Доно бола

(Корея эртаги асосида)

Эшитгандим бир эртак,  
Қолган ёдимда.  
Ун бир яшар бир бола  
Бўлмиш қадимда.  
Донолар ҳам лол.  
Бола экан чинакам  
Одил ва ҳалол.

Бор экан бир деҳқоннинг  
Бияси, тойи  
Онасига ўхшатиб



Тойнинг чиройи.  
Фарқ этмабди ҳеч кимса  
Тойдан бияни.  
Қотирсалар ҳам улар  
Роса мияни:  
Ўхшар экан қуйгандай  
Бия ҳам тойга.  
Бу овоза тарқалиб  
Кетмиш ҳар жойга.

Синчилар келишибди  
Фарқ этиш учун.  
Донолар синаб кўрмиш  
Ақлининг кучин.  
Сўнг унинг овозаси  
Шоҳгача етмиш.  
Вазирлари бу ҳақда  
Бир фармон битмиш:  
«Келтирилсин зудликда  
Отлар саройга.  
Энг қулай жой ясалсин  
Бияга, тойга».

Бажармишлар фармонни  
Бир кун ичида,  
Шоҳ ҳам ҳайрон қолибди  
Отларга жуда.

Амалдорлар деҳқонни  
Ҳайдабди шу он.  
От-уловсиз қолибди  
Бечора деҳқон...

Шоҳ бир куни зерикиб  
Чиқармиш фармон:  
«Юртдаги доноларни

Йиғинглар чаққон,  
Ким етолса агарда  
Отлар фарқига,  
Берилади зўр унвон  
Унинг ҳақиға».  
Кенг майдонга тўпланмиш  
Шунда халойиқ,  
Уйлашармиш: «Унвонга  
Ким бўлар лойиқ?»  
Талай-талай донолар  
Этолмабди фарқ.  
Жимжитликнинг тубига  
Бўлибдилар фарқ.

Бир бола келиб шоҳга  
Сўзлабди шарт-шарт:  
— Топаман-у қўяман,  
Лекин бошқа шарт.  
Топганимдан кейин-чи,  
Той ва биясин,  
Қайтиб олиб кетади  
Отлар эгаси.

Бундай шартга ноилж  
Кўнмиш подишоҳ,  
Халойиқ ва донолар  
Бўлмишлар гувоҳ.  
Не бўлар деб кутмишлар  
Ажиб ҳолатни,  
Бир кун оч қўймиш бола —  
Иккала отни.  
Ҳеч ким тушунмас экан  
Уйланган сирга.  
Икковини боғлабди  
Икки охурга.  
Иккови ҳам бир экан

76

Очлик бобида.  
Икковига солибди  
Бир боғдан беда.  
Тойча еркан бедани  
Кўтармай калла,  
Бир еб бир қарар экан  
Бия шу палла.

Бола дебди:— Энди сир  
Аниқ, хойнаҳой.  
Қайси бири бияси,  
Қайси бири той.  
Қараб-қараб егани  
Тойнинг онаси.  
Қарамасдан егани  
Унинг боласи.  
Болададир,— дейилган  
Онанинг кўнгли...

Ҳамма бундан шод эмиш...  
Фақат шоҳ мунгли...  
Шоҳ ноилож кўнибди  
Ваъдага — шартга.  
Деҳқонга жўнатмишлар  
Отларни шартта.  
Доно бола таърифин  
Мен ёздим жиндак,  
Она меҳри ҳақида  
Тўқилди эртақ.

1964

# Қовоқвой билан чаноқвой

(Икки парда, олти кўринишли эртак-комедия)

## ПРОЛОГ

Парда очилганда саҳна олдида четан девор. Қовоқ билан Чаноқ расми ишланган ички парда. Қатнашувчилар четан орқасидан бир-бир пайдо бўлишади-да, ўзларини таништириб ўтишади.

### Пахта бобо

Салом сизга аввало,  
Мана мен, Пахта бобо.  
Набирамни, хойнаҳой,  
Танирсиз...

### Чаноқвой

Мен — Чаноқвой.

### Чигитой

Қийим-бошим, қаранг, мой,  
Мен механик — Чигитвой

### Ғужумча

Мен механик — Чигитой  
Ойимнинг оти — Узум.  
Оҳ, оҳ, ширинман ўзим.

### Тарвуз

Мана биз, ваҳҳа-ҳа,  
Сеппа-семиз  
Қўзивой Тарвуз.

### Қовунжон

Билмайман нима учун  
Мени дейишар Қовун?

## **Ойшолғом**

Ҳаммангиз бўлинг соғлом,  
Тез ёрдамчи Ойшолғом.

## **Лавлагижон**

Умбалақидон-умбалақидон,  
Мен бўламан Лавлагижон.

## **Чигиртка**

Чиқармасдан чиқитга  
Текин ейди Чигиртка.

## **Чигиртка боласи**

Чигирткадир менинг дадам,  
Оч офатман дадамдан ҳам.

## **Капалак**

Ўзимдан берай дарак.  
Мен зарарли Капалак.

## **Капалакча**

Мана, мен-чи, Капалакнинг қизиман  
Ҳеч қолмайман оймларнинг изидан.

## **Қовоқ хола**

Ҳолим оғир вой-вой, вой,  
Менман, машҳур Қовоқвой!..

## **БИРИНЧИ ПАРДА**

### **БИРИНЧИ ҚҮРИНИШ**

Қовоқ билан Чаноқ расми чизилган ички парда кў-тариллади. Саҳнанинг орқа томонидаги расмлар алла қандай эртақ юртини эслатади. Бир томон ишком, Қовоқвой эса бир четда юмалаб ётибди. Қовунжон билан Тарвуз пайдо бўлади. Олдин у ёқ-бу ёққа аланглашади.

**Қовунжон**

Дўстим Тарвуз,  
Сенга бир сўз,  
Мунча сенинг  
Қорнинг семиз?

**Тарвуз**

Дўстим Қовун,  
Нима учун  
Мунча сенинг  
Бўйинг узун?

**Қовунжон**

Сен ширинми, мен ширин?

**Тарвуз**

Ҳар ким билар ўз сири,

**Қовунжон**

Болалардан сўраймиз, юр!

**Тарвуз**

Майли, аввал сен сўраб кўр.

**Қовунжон**

(Саҳнанинг олдига келиб)

Салом, азиз болалар,  
Энг аввал, хуш келибсиз!  
Тарвузнинг семизлигин  
Бир кўришга келибсиз.

(Тарвузни имлаб кўрсатади)

Тарвуз дўстим хўп айёр,  
Қорнида-чи, тап-тайёр,—  
Уч челақча суви бор.

## **Тарвуз**

(Алам қилиб)

Гапинг анча бемаза,  
Агар тарвуз бўлмаса  
Ҳамма чанқаб қолар-ку,  
Ичгин, мана сенга сув.  
(Қовунжонга сув тутади)  
Таранг қилма, тезроқ ич,  
Ишимиздан қолдик кеч!

Узатган сувини Қовунжон маза қилиб ичиб олади.  
Улар ҳашаротларни кўриб қолишади, беркинишади.  
Капалакча билан Чигиртка бола кириб келади. Улар-  
нинг икковини қува бошлайдилар.

Қовоқвой хомуш ҳолда бошини ушлаб ишкомнинг  
поясига бошини ура бошлайди. Шу пайтда икки томон-  
дан қора чодир ёпилган иккита шарпа пайдо бўлади.  
Улар бир-бирларига имлашади. Чигиртка устидаги чо-  
дирни Қовоқвойнинг устига ёпмоқчи бўлади, Капалак  
тўхтатади.

**Капалак**

Қовоқ полвон хом калласин  
пишитар.

**Чигиртка**

Секин сўзла, гапимизни эшитар.

**Капалак**

Ишламаган калласининг бир ери.

**Чигиртка**

Ундай эмас, бўлса керак бир сирн.

**Капалак**

Қовоқвойни қопга солиб қочамиз

### **Чигиртка**

Тухумларни унда қандай сочамиз?

### **Капалак**

Энг яхшиси уни қўлга оламиз,  
Ландовурни йўлимизга соламиз.

Капалак билан Чигиртка Қовоқвойнинг тепасига  
келиб, уни туртишади.

### **Чигиртка**

Тур, эй Қовоқ йигитча,  
Мен дўстингман, Чигиртка.

### **Қовоқвой**

Ойи, ойи, ойижон,  
Келақолинг-да чаққон!

(У додлайди, оғзини ёпишади).

### **Чигиртка**

Мана сенга тугунча,  
Ичи тўла тухумча.  
Пахтазорга сепасан,  
Сепасан-да, кетасан!

### **Қовоқвой**

(Қўрқиб)

Кейин нима бўлади?

### **Капалак**

Атроф гулга тўлади...

### **Чигиртка**

Узинг кучли бўласан,  
Доим ўйнаб куласан.



Нимадан сен бўлсанг кам,  
Билволасан чинакам.

### **Капалак**

(У ёқ-бу ёққа аланглаб, Чигирткага)

Қочиб келар боламиз:  
Тез юр, қочиб қоламиз.

### **Чигиртка**

(Қовоқвойга дўқ уриб)

Айтганимизни бажар,  
Бажармасанг-чи агар  
Ишинг бўлади чатоқ,  
Эсингда турсин, Қовоқ...

Иккаласи қоча бошлайди. Шу пайт Чигиртка бола  
билан Капалакча чопқиллаб келади.

### **Капалакча**

Вой, ойижон, ойижон...

### **Чигиртка бола**

Зўрға қутулдик омон.  
Қувалаб Қовун, Тарвуз,  
Келишмоқда биз томон.

Капалак қизини, Чигиртка ўғлини етаклаб қочишади.  
Қовунжон билан Тарвуз ҳорғин кириб келади.

### **Қовунжон**

Семизлик қилиб,  
Уч бор йиқилиб —  
Ушлолмадинг капалакчани...

## **Тарвуз**

Ошнам, гапнинг қисқаси,  
Чигиртканинг боласи  
Алдаб кетди сендай новчани.

## **Қовунжон**

(болаларга мурожаат қилиб)

Сизга бордир бир савол,  
Жавоб берингиз дарҳол.  
Ҳашарот кимга қарши?

(Жавоб олгач)

Қойил, топдингиз, яхши!  
У очофат ҳашарот —  
Учратса мева, экин  
Еяверади текин.

Иккаласи ҳовлиқиб чиқиб кетишаётганда Пахта бобо кириб келади. Уни кўриб Қовунжон билан Тарвуз қайтиб киришади.

## **Қовунжон**

Аналар Пахта бобом!

## **Иккаласи**

Пахта бобо, ассалом!

## **Пахта бобо**

Ваалайкум ассалом.  
Нима ишлар қиляпсиз,  
Шу ердამисиз, Тарвуз?

## **Тарвуз**

Шу ердаман, бобожон,

## Пахта бобо

Қишлоқда ишлар ёмон,  
Оралабди ҳашарот,  
Бўлиш керак эҳтиёт,  
Киришинглар тез ишга —  
Барчасини қиришга,  
Беринглар кўмак-ёрдам,  
Мард бўлсангиз чинакам,  
Бўлинг ҳушёр, эҳтиёт,  
Қайда бўлса ҳашарот,  
Тутинглар, сира қўйманг,  
Бу иш зарур деб ўйланг!

## Тарвуз

Хўп бўлади бобожон;  
Қайда бўлса қирамиз.  
Бу ишга шай турамиз,  
Сира аямаймиз жон!

Учовлари чиқиб кетишади. Қовоқвой эса ёлғиз хафа бўлиб ўтиради. Ғужумча ўзича ашула айтиб киради.

## Ғужумча

Менинг отимдир Ғужум,  
Ойимнинг оти — Узум,  
Биласанми, Қовоқвой,  
Оҳ, оҳ, ширинман ўзим  
Вой, вой, Қовоқвой,  
Башараси товоқвой.

Қовоқвой эса ўрнидан туриб уни қувламоқчи бўлади-да, йиқилиб тушади.

## Қовоқвой

(Ётган жойида)

Чийиллайсан намунча,

Жим бўлсанг-чи, Гужумча!  
Юрагимга сизмас қил.

Гужумча

Алам қилса дарсни бил.

Унинг туришига ёрдамлашмоқчи бўлганда, Қовоқвой  
Гужумчани тутиб олишга уринади, Гужумча қочади,  
Қовоқвой яна йиқилади.

Қолмадинг-ку синфда,  
Хафа бўлма сен унга.  
Ёрдам сўрасанг бормиз,  
Тайёرمىз, тап-тайёرمىз.

Гужумча унинг ўрнидан туришига ёрдам беради.  
Қовоқвой тура солиб уни қувлаб кетади, етолмасдан  
бақиради.

Қовоқвой

Ёрдамингга зормасман,  
Ёрдам сўраб бормасман.

(Утириб олади)

Гужумча

Бошингнинг ичи, бироқ,  
Исмингга лойиқ Қовоқ. (Масхара қилади).

Қовоқвой (йиғламсираб)

Қаёқдан менинг ойим,  
Қовоқвой, деб қўйган от.  
Қаллам ишламай доим  
Дарсни қилолмайман ёд!

Бошига дўқ-дўқ уриб кўради, боши оғрийди, вой-  
войлайди.

### **Ғужумча**

Бунга айбдормас ном,  
Қалланг ўзи ҳали хом (Ўйнайди)

### **Қовоқвой**

(Ўзича)

Қўйишганида Олим,  
Дарсни билардим доим. (Ўйлайди).

### **Ғужумча**

Эҳтиёт бўл, эй, Қовоқ,  
Ҳашарот ёмон бало,  
Овқат тополмаган чоқ  
Сени ёйди аввало.

### **Қовоқвой**

Менга сира тегмайди,  
Бемазаман, ёймайди.  
(Қўлини ялаб кўрсатади)  
Ҳали кўрдим бирини,  
Ташлади кўз қирини...

### **Ғужумча**

Мўлжаллаган ейишга!  
Қовунжон билан Тарвуз кириб келади.

### **Қовунжон**

Қувлар чоғинг, Тарвузжон,  
Бўлиб кетдинг хўп чаққон.

### **Тарвуз**

Икки бор думаладим,  
Шунда ҳам қуваладим.

### **Қовунжон**

Иккимиз бўлдик бирга,  
Ҳашарот қочди қирга.

(Яна такрорлашади).

**Гужумча**

Энди келмасми қайтиб?

**Тарвуз**

Келиб қолса-чи дайдиб...

**Қовунжон**

Ғиппа бўғиб ушлаймиз,  
Жиғ-жиғига муштлаймиз.

**Гужумча**

Яша, найнов Қовунжон;  
Экансан роса полвон.

(Пахта бобо киради)

**Пахта бобо**

Чакки эмас Тарвуз ҳам,  
Полвон бўлар чинакам,  
Лекин озса-чи бир оз,  
Бўйига келарди мос.

**Қовунжон**

Озишга ўйин керак.

**Тарвуз**

Озсам бўламан таррак!  
(Қовунжонни кўрсатади).

**Пахта бобо**

Ўйна ва қил зарядка  
Кетмайди, ҳеч зарарга.

**Ҳамма**

Қани, Тарвуз, ўйнай қол!

## Тарвуз

Чалиб кўринг менга қарсак,  
Озиш учун ўйин керак.  
Ўйинимдан ҳар раққоса  
Бўлар чиндан ўрнак олса.

Ҳамма музика оҳангига қарсак чалади. Тарвуз ўйинга тушади. Қовоқвой ҳам ўрнидан қўзғалиб, ҳафсализлик билан чапак чалиб кела башлайди.

Ҳам семизман,  
Ҳам ихчамман,  
Айтинг, ахир,  
Қимдан камман?  
Артист ҳамман,  
Тарвуз ҳамман,  
Семиз ҳамман.

## Ҳамма

Хўппа семиз — семизвой,  
Юм-юмалоқ гўё ой.  
Чопқиллайсан, ўйнайсан,  
Гўё гижинглаган той.

## Гужумча

Хўппа семиз — туки йўқ,  
Сувдан бўлак — юки йўқ.

Тарвуз Қовоқвойни ўйинга тортади. Қовоқвой ўтириб олади, қўзғалмайди.

## Тарвуз

Ўйинини кўриб қўй  
Тарвуз тоғаннинг,  
Ўйин деган бундоқ бўлар,  
Қовоқ оғайни.

(Қўшиқ айтишдан тўхтаб, Қовоқни яна ўйинга тортади).

Қани ўйна, қулоч ёз.

### **Қовоқвой**

Уйинимга йўқ асос.

### **Гужумча**

Майли, ўйнай қол бир оз.

### **Пахта бобо**

Мунча тушмиш қовоғи?  
Оғриганми томоғи?

### **Гужумча**

Қовоқвой-чи соппа-соғ,  
Уқишида бор чатоқ.

### **Пахта бобо**

Утган йилдаги каби  
Ё қолдими синфда?

### **Қовоқвой (йиғламсираб)**

Сира шундоқ эмасда,

### **Пахта бобо**

Нима бўлди бўлмаса,  
Очиқроқ айт, эй, Қовоқ?  
Сўзинг бунча бемаза!

### **Қовоқвой**

Бемазаман, бемазаман, Қовоқман,  
Қаллам сира ишламайди,  
Аҳмоқман.  
Қутулдимми?

### **Пахта бобо**

Аҳволингдан гапиргин,



Тажанг бўлмай бундайин.  
Дўстлар сўзига киргин  
Гапларингда йўқ тайин.

### **Гужумча**

У синфда қолган йўқ.

### **Пахта бобо**

Яхши бола, кўнглим тўқ.

### **Гужумча**

Уқитувчи дептики,  
Санқимай каникулда,  
Биттадан карра жадвал.  
Ёдлагин кунда-кунда.

### **Қовоқвой**

Бўлмаса-чи, Бобожон,  
Синфда қолармишман.  
Ўзимдаги бу доғни  
Синфга солармишман,  
Мени барча дер Қовоқ,  
Бермас ёрдам бир ўртоқ... (Йиғлайди).

### **Қовунжон**

Гапингда бўлса шира  
Ҳеч ким қочмайди сира.

### **Пахта бобо**

Дўстларга яхши гапир,  
Ёрдамга тайёр, ахир.

### **Қовоқвой**

Очигин айтсам, бироқ,  
Ялиниш мендан йироқ.

### **Тарвуз**

Ялинма, қил илтимос,  
Ҳар кимга тушади мос.

### **Пахта бобо**

Тайинлай Чаноқвойга,  
Қолдирмайин бир ойга  
Қарра жадвални бошлаб,  
Ургатиб қўяди у.

### **Қовоқвой**

У мендан кичкина-ку,

### **Қовунжон**

Ақл ёшдамас, бошда.

### **Гужумча**

Сенинг хаёлинг бошқа,  
Ёрдам берай деса ким  
Ўзинг қочасан доим.

### **Пахта бобо**

Гапимизга кўна қол,  
Чаноқвойни чақирай,  
Ундан илтимос қилай.  
Сенга берар чин ёрдам,  
Ана, келар ўзи ҳам. (Чаноқвой кира-  
ди).

### **Чаноқвой**

Салом, оғайни Қовоқ,  
Не сабабдан барчага —  
Қиласан димоқ-фироқ?

**Қовоқвой** (Жаҳл билан)

Ишим ёмонмас, бироқ...

### **Пахта бобо**

Эй, Чаноқвой, иш чатоқ,  
Шартли ўтибди Қовоқ.  
Ўрганса карра жадвал  
Иши бўлар экан ҳал.  
Кўчар экан синфга,  
Ёрдамлашгин сен унга.

### **Қовунжон**

Барча дўстлар номидан  
Биз қиламиз илтимос.  
Ўтмасин каникул — ёз.

### **Гужумча**

Шундай қилгин, Чаноқвой,  
Аҳволи бўлмасин вой.

### **Чаноқвой**

Ошнам, ўргатгин, деса —  
Мен тайёрман ҳамиша.

### **Қовунжон**

Эшитдингми, эй, Қовоқ,  
Дўстлик бўлади бундоқ!

### **Қовоқвой**

У мендан кичкича-ку,  
Ўргата оларми у?  
Ўргандинг дея кимдан,  
Ҳамма кулар устимдан.  
Пахта бобо қўл силтаб чиқиб кетади.

### **Тарвуз**

Эсингни еганмисан?  
Кичкинамас Чаноқвой.  
Сендан, мендан кучи зўр,

Ишонмасанг, хойнаҳой,  
Қани бир курашиб кўр!

Қовоқвой билан Чаноқвойни курашга туширадилар.  
Охири Қовоқвой йиқилиши аниқ бўлиб қолади.

### Тарвуз

Чаноқвой ана шундай —  
Меҳнатда роса пишган.  
Тер чиқармай Қовоқвой,  
Говлаб кетган ва шишган.  
(Қовоқвой йиқилади).

### Гужумча

Бизнинг Чаноқвой митти:  
Қовоқвойни йиқитди.

(«Ура!» — деб ҳар томонга югуради).

### Қовунжон

Нима бўлди, тур, Қовоқ,  
Бу ер эканми юмшоқ?

Қовоқвой эса ўзидан кетиб қолган, қимирламайди.

### Гужумча

Қовоқвойнинг ҳоли оғир,  
«Тез ёрдам»га тез югур.

Ҳамма Қовоқвойни ўраб олади. Сув сепишади. У  
ўзига келмайди. Югуриб бориб дарахтдаги телефон  
тубкасини олади).

Тез ёрдаму тез ёрдам,  
Қайда бўлсанг кел илдам.  
Адресимиз: Пахтазор,  
Ёнида бир ишком бор.  
Шу ерда ётар касал,  
Касалнинг ҳоли: ўсал,

Иўқ, яра ҳам чиққанмас,  
Иўқ, ҳашарот чаққанмас.

Шовқин-сурон кучаяди. Уни ўрнидан турғазига ҳаракат қилишади. Қовоқвой яна ётиб олади. Қовоқ хола пайдо бўлади. Бошқалар уни кўриб қочишади. Чалқанча тушиб ётган боласини кўриб қолади.

### Қовоқ хола

Дод, тушимми, ўнгимми?  
Кимлар урди ўғлимни?  
Вой, ҳар ёққа чопаман,  
Зўрни ҳозир топаман!

Қовоқвой қимирламай ётаверади. Онаси йиғлайди. Ниҳоят Қовоқвойнинг ўрнидан турганини кўргач, уни қучоқлаб олади. Қовоқвой яна талтайиб, ўзини касалликка солади.

Кўзингни оч, оппоғим,  
Елғизгинам Қовоғим.  
Калтаклашган не учун?  
Боламга беришмас кун. (Йиғлайди)

Яна Қовоқвой ўзини ёлғондакам ташлаб юборади. Қовоқвойга сув сепишади ва уни аста турғизишади. У кўзини очади. Тарвуз, Қовунжон ва Чаноқвойлар аста узоқдан мўралашади-ю, юрак бетлаб келишолмайди. Пахта бобо киради.

### Пахта бобо

Ўзи жуда лапашанг,  
Шундай кетса ҳоли танг,  
Кўплардан юрар четда,  
Чиниқмайди меҳнатда.

Бирдан келаётган машина шарпаси эшитилади. Ҳамма ҳовлиқиб: «Келяпти, келяпти!» дейди. Қовоқ хола: «Нима келяпти?» деб гангиб қолади. Лавлагижон ва Ойшолғом шошиб кирадилар.

### **Ойшолғом**

Ҳаммангизга ассалом,  
Доим бўлинглар соғлом.  
Келдик хизматингизга,  
Менинг номим Ойшолғом.

### **Лавлагижон**

Бизни дерлар «Тез ёрдам»,  
Етиб келдик тез — илдам.  
Укол қилсак агарда,  
Бемор бўлар соғ-бардам.

Улар дарров сумкаларидан биттадан катта-катта шприц олишади. Бунни кўрган Қовоқвойнинг юраги пўкиллай бошлайди.

### **Ойшолғом**

Чўчимасин ҳеч касал,  
Укол — мисоли асал.

### **Лавлагижон**

Қасал кимди? Билайлик,  
Олдин укол қилайлик.

### **Қовоқ хола**

Мен эмас, ўғлим касал,  
Инсоф қилинглр-да сал.

Ўғлини ташлаб, ўзи қочади. Очасининг кетидан Қовоқвой ҳам қочади. Унинг кетидан шприцни ўқталганча қувлашади. Қовоқвой яна саҳнага қочиб киради. Тез ёрдамчилар етай деганда Қовоқвой додлаб қочади.

### **Ҳамма**

Қовоқвой! Ҳой, Қовоқвой!

П а р д а

## ИКҚИНЧИ ҚҰРИНИШ

Қовоқвойнинг уйи. Қовоқвой эшик олдида футбол ўйнамоқда. Коптокни тепса қовоқ япроғидан қилинган эшикка кириб кетади. У бундан севиниб, яна тепади. Кейинги тепгани девордан қайтиб ўз пешанасига келиб тегади. Додлаб йиғлайди.

### Қовоқвой

Ҳисоб бўлди бирга-бир,  
Мен ютаман бари бир.

(Қовоқ хола чиқади)

### Қовоқ хола

Болагинам, Қовоғим,  
Қим урди, айт, тойчоғим?

### Қовоқвой

Копток тегди бошимга,  
Шу сабаб кўз ёшимга.

### Қовоқ хола

Югуриб чиқдим дарров,  
Урдими дебман, биров.  
Сен менинг ёлғизимсан,  
Ҳам ўлғим, ҳам қизимсан.

### Қовоқвой

Керакмас, қиз эмасман  
(Ерга ётиб йиғлайди).

Қовоқ хола унинг оғзига конфет солади. Кейин уйига кириб, китоб олиб чиқади.

### Қовоқ хола

Сира бундоқ демасман,  
Уқий қолгин ҳисобинг.

## **Қовоқвой**

**Уқимайман китобинг.**

## **Қовоқ хола**

Шу ўқишинг туфайли  
Рангинг ҳам кетди анча.  
Уқимасанг ҳам майли,  
Бўлсин ўзинг айтганча.

Пахта бобо шошиб-пишиб кўчадан ўта бошлайди.  
Булар билан саломлашади.

## **Пахта бобо**

Қовоқ қизим, қалайсан?  
Бормисан эсон-омон.  
Ҳашар қилиб бормаисан  
Сира ҳам бизлар томон?

## **Қовоқ хола**

Вой, айланай, ишлар ёмон  
Қовоқ эркам доим сарсон.  
Қолар эмиш у синфда.  
Бу — инсофдан эмас-да.

## **Пахта бобо**

Болаларга аралашмас,  
Тантиқ қилиб ўстиргансан.  
Юрт ишига ҳеч қарашмас,  
Кейин ўзинг дейсан, аттанг.

## **Қовоқ хола**

Нима қилай, бу ёлғизим,  
Ҳам ўғлимдир, ҳамда қизим.

## **Қовоқвой**

Керакмас, қиз эмасман (Йиғлайди. Қовоқ хола конфет беради)



### **Пахта бобо**

Бўлиб юрса одамови,  
Ҳеч юришмас иши — ови.  
Қимки, ўзин четга олар,  
Дўстларидан ортда қолар.  
Ўзинг ҳам бўл эҳтиёт,  
Оралаган ҳашарот —  
Пахтамизга шу кунда.  
Сира инсоф йўқ унда,  
Болаларга аралашсин,  
Ҳашар қилсин, қарашсин.  
Ўқиши ҳам бўлар яхши.  
Ўзинг бўлсанг, бунга қарши...

### **Қовоқ хола**

Ўғлим бўшанг, вой айланай,  
Аҳволи шу, қандоқ қилай.  
Тайёрламай юради дарс,  
Ҳеч ким бунга ёрдам бермас...

### **Пахта бобо**

Мен айтдим-ку набирамга,  
Тайёр сенга ёрдамга.

### **Қовоқвой**

Тунов куни Чаноқвой,  
Масхаралаб: «Вой-вой-вой,  
Икки карра уч — олти,  
Қовоқ синфда қолди» —  
Дегани қилди алам.

### **Пахта бобо**

Ундай демас набирам,  
Тайинласам бир карра  
Қилмас асло масхара.  
(К е т а д и).

### Қовоқвой

Сира ҳам йўқ ҳафсалам.

### Қовоқ хола

Хафа бўлма, жон болам,

Яна йилга ўтарсан,

Яхши бўлиб кетарсан.

(К е т а д и).

### Қовоқвой

(Ўзича Чаноқвойнинг гапини такрорлаб)

Икки карра уч — олти,

Қовоқ синфда қолди.

Биринчи йўли яхши,

Сўнггиси менга қарши,

Икки карра уч — олти,

Қовоқ ҳам билиб қолди.

Келишиб қолди сал-пал,

Осон-а карра жадвал,

Билиб олиш жуда жўн,

Уч карра уч — бўлар ўн,

Тўғрими, а?

(Залга мурожаат қилади).

Залдан — нотўғри!

Бўлмаса айтинг!

Залдан — тўққиз!

Сизлар экансиз уста,

Топдингиз-а, бирпасда.

Мендан сўранг-чи, қани,

Қойил қилай барчани.

Болалар сўрашади, Қовоқвой кўпига нотўғри жавоб беради:

Саволингиз кўп экан,

Чарчатарми дўст деган?

Сиз билан ўйнамайман,  
Чарчадим, ўйламайман.

(Кета бошлайди).

Узоқдан қўлида ҳасса тутган сеҳргар кийимидаги чол кўринади. У Қовоқвой томонга келаверади. Қовоқвой ҳайрон, бошини секин қимирлатиб, қўрқиброқ саломлашади.

### **Сеҳргар**

Эй, болакай, эй, болакай,  
Гапир қани, ишлар қалай?  
Арзинг бўлса, қулоқ солай,  
Ё бўлмаса йўлни олай.  
Мана менман сеҳргар чол,  
Гапинг бўлса англат дарҳол,  
Кетаман тез;  
Вақтим тифиз.

### **Қовоқвой (сесканиб кетиб)**

Бир гапим бор, айтай аввал,  
Шу ёз бўйи ўзим агар.  
Ўрганмасам карра жадвал  
Эҳ, ишларим бўлар ишқал.  
Бўлсангиз сиз чин сеҳргар,  
Менга шундан беринг ёрдам.

### **Сеҳргар**

Менинг шундай шартим бор,  
Бергин яхши эътибор.  
Биринчи шартим сенга —  
Чин сўз берасан менга.  
Кўпчиликка фойдали,  
Иш қилгин қондали,  
Санқиб юришдан бекор  
Қилганинг керакдир ор.

### **Қовоқвой**

(Қўлини кўксига қовуштириб)

Қайга десангиз борай,  
Шартингизни бажарай.

### **Сеҳргар**

Иккинчи шартим шундоқ:  
Ҳар куни тонготар чоқ —  
Томнинг устида тургин,  
Не десам қлиб юргин:  
Бунинг мазмуни шундоқ:  
Турасан тонготар чоқ,  
Зарядка қилишинг шарт,  
Бўласан соғлом ва мард.

### **Қовоқвой**

Еттида туриш қийин,  
Турсам-чи, ўндан кейин?

### **Сеҳргар**

Агар кўнмасанг шартга,  
Кетавераман шартга. (Кета бошлайди).

### **Қовоқвой**

Эй, бобо, ахир шошманг,  
Қилманг-да жуда таранг.

Бирдан Сеҳргар чол беркинади. Қовоқвой тополмай йиғлайди. Йиғи овозини эшитиб Қовоқ хола югуриб чиқади. Қовоқвой унга қарамай, том устига чиқади-да, атрофга аланглайди.

### **Қовоқ хола**

Нима қилди, Қовоғим,  
Сени яна урди ким?

### **Қовоқвой**

Ойижон, кетинг ҳозир,  
Ўзимни-чи, бари бир...

(Ўзини ерга отмоқчи).

### **Қовоқ хола**

Кетсам кетай, Қовоғим,  
Ювай қозон-товоғим!

(Кетади).

### **Қовоқвой (ўзича)**

Бўлмаганида гойиб,  
Иш бўларди ажойиб.  
Бўлар экан, эҳ, кўнсам.  
(Томдан тушади. Сеҳргарни излайди).

Капалак билан Чигиртка пайдо бўлади. Уларнинг болалари узоқда мўралаб туришади.

### **Капалак**

Мана мен берай ёрдам,  
Сеҳргарни мен юбордим.  
Ургатгин, деб ёлвордим.

### **Қовоқвой**

Кетиб қолди-ку ўзи,  
Қийин экан шарт — сўзи.

### **Чигиртка**

Нима деса кўнавер,  
Ўзинг ҳам шарт қўявер.  
Жуда ҳам бўйин эгма,  
Ҳашаротларга тегма.

### **Капалак**

Қалтирайсан намунча,  
Нима бўлди тугунча?

### **Чигиртка**

Қолдирмагин бугундан,  
Уруғларни тугундан  
Сочсанг, мукофоти бор,  
Бор, ишингга тезроқ бор!

Капалак, Чигиртка Қовоқвойни урадилар, дўқ қилдилар, сўнг кетадилар.

Сеҳргар кўринади. Қовоқвойнинг хомуш ўтирганини сезиб, бирпас пойлайди.

### **Қовоқвой (ўзича)**

Бўлмаганида ғойиб,  
Иш бўларди ажойиб.  
Бўлар экан, эҳ, кўнсам,  
(Сеҳргар унга яқин келади.)

### **Сеҳргар**

Энди бераман ёрдам.

### **Қовоқвой**

Шартингизга юраман:  
Қоқ еттида тураман.

### **Сеҳргар**

Учинчи шартим, бола,  
Ҳеч ишни қилма чала.  
Нима ўргатсам, уни —  
Ёд оласан шу куни.  
Яна бир шартим, ўғлон,  
Сира гапирма ёлгон.  
Барча шартимга кўнсанг,

Бажаришга мард бўлсанг:  
Қарра жадвални, чин гап,  
Ўргатаман яхшилаб.

Қовоқвой чўчиб, ваҳима босиб бошини ушлайди, ни-  
ма деярини билмайди. Ўйлаб қолади.

### Қовоқвой

Эй, бобожон, сиз агар  
Бўлсангиз чин сеҳргар.  
Ўртоқларим ҳар бирин,  
Айтиб беринг-чи, сириин.

### Сеҳргар

Эшитиб тур, сўзимни  
Юмиб туриб кўзимни.  
Дилингдагин айтаман,  
Шундай кучга эгаман;  
Чаноқвой берса ёрдам  
Кўнмадинг-ку, ўзинг ҳам.  
Шунақа нуқсонинг бор,  
Кичкинадан ўзингдан  
Ўрганишдан қилдинг ор.  
Гапим тўғрими, Қовоқ?

### Қовоқвой

Сўзингиз тўғри, бироқ —  
Топдингиз қандай қилиб?

### Сеҳргар

Яхши бўл-у, ишқилиб,  
Берма бунақа савол.  
Бўзилар фикр-хаёл...  
Шартим бажарилмаса  
Ишинг бўлар бемаза.  
Кучин йўқотар сеҳрим,  
Ёмон ишлайди зеҳним.

### **Қовоқвой**

Қанақа машқ бажарай,  
Ўргатинг-да, ҳар қалай.  
(Тўнка устига чиқади).

### **Сеҳргар**

Хўп бўлмаса, тайёр бўл,  
Бундай қилиб кўтар қўл.

Шу ҳаракат билан чопонининг бари очилиб сир маълум бўла ёзади-да, бундан қўрқиб, бошқа ҳаракат ўргатади.

Мана, менга қулоқ сол:  
Сен энг аввал нафас ол.

Сеҳргар шу тарзда ҳар хил ҳаракатларни ўргатади, Қовоқвой чарчайди, ҳолдан кетиб, тўнка устидан зўрға ерга тушади.

### **Қовоқвой**

Карра жадвални бир-бир  
Ўргата қолинг ҳозир.

### **Сеҳргар**

Утир, майли, Қовоқвой,  
Шу ер бўлсин бизнинг жой.  
Икки карра уч — олти,  
Қовоқ синфда қолди.

### **Қовоқвой**

Э, бобожон, ҳой-ҳой-ҳой,  
Шундай дерди Чаноқвой.

### **Сеҳргар**

Чаноқвой шундай дерди?!  
Бу менга маълум эрди.



Гапга яхши қулоқ сол,  
Тезде уни ёдлаб ол.  
Терак шохи бўлар мўрт,  
Икки карра икки — тўрт.  
Бекор ишга югурма, югурма,  
Тўрт карра беш — йигирма, йигирма.  
Дўстлар айтган гапга кўн, гапга кўн,  
Бешта икки — бўлар ўн, бўлар ўн.

Шу тўртликни қўшиқ қилиб такрорлашади.

Бугунгини қолдирмай,  
Ёдлаб олгин, ҳар қалай.  
Тайёр бўлсин эртага,  
Мен сўрайман жўрттага.

#### **Қовоқвой**

Эй, бобожон, бир талай,  
Мен қандай қилиб ёдлай...

#### **Сеҳргар**

Қовоқ кўнглинг бўлсин тўқ,  
Қийналмасанг — роҳат йўқ. (Кетади).

#### **Қовоқвой**

(Сеҳргар кетганини билмай, ҳайрон бўлиб)

Қийналмасанг роҳат йўқ!

Парда.

### **ИККИНЧИ ПАРДА**

#### **УЧИНЧИ ҚУРИНИШ**

Ёз. Ғўза гуллаган. Елкаларига дори пуркагич осган  
Тарвуз, Қовунжон, Ғужумчалар қўлларида банкача,  
капалак тутадиган сузғич ушлаган ҳолда, ғўзага туш-

ган Ургимчак кана, Капалакларни ушлашгани келишган.  
Чаноқвой уларга бошлиқ бўлиб ўргатмоқда. Қовун-  
жон қўшиқ бошлайди.

### Қовунжон

Ургимчаклар, каналар,  
Қўнғизлар, паканалар,  
Ҳам холангиз, аммангиз,  
Асирман деб ҳаммангиз,  
Кўтаринглар тезда қўл,  
Ҳеч бермаймиз сизга йўл!

### Гужумча (давом этдириб)

Эй, очофат чигиртка,  
Тегма экин, чигитга!  
Зарар берсанг ушлаймиз,  
Жиғ-жиғингга муштлаймиз.

### Тарвуз (давом этдириб)

Газли дори пуркайман,  
Юзингга қора суркайман.  
Ҳеч қон чиқмас биқинингга,  
Қоқ каллангга, қорнингга  
Роса боплаб ургайман,  
Пуркайман! Пуркайман-о-о-о!

### Гужумча

Овозинг экан баланд.

### Чаноқвой

Буни дейдилар таланти!

### Қовунжон

Тўғри айтади Чаноқ,  
Артистликка талант зўр.

### **Тарвуз.**

Артист бўлардим машҳур,  
Семиз-да қорин қурғур.

(Қорнига уриб кулади).

**Қовунжон** (узоққа қараб)

Нима бўлган Қовоққа,  
Ағраймоқда осмонга,  
Иши ўхшар ёмонга.

### **Чаноқвой**

Эй, дангаса, бетайин,  
Чанқаса, сув берайин,  
У нимани излайди?

### **Қовунжон**

Енгил ишни кўзлайди.

### **Гужумча**

Хафа бўлади Қовоқ,  
Уни ранжитма бундоқ.

### **Тарвуз**

Доим юради бекор,  
Ҳам ишёқмас, ҳам беор.  
Ишда пишсин биз каби,  
Шу-да дўстлар талаби.  
(Қовоқвой кўринади).

### **Тарвуз**

Қовоқ, Қовоқ, хом Қовоқ,  
Уқишда, ишда қолоқ.

Мен-чи, далада ишлаб,  
Юрибман, тойдай кишнаб.

Қовоқвой керилиб, дадилланиб кириб келади.

### **Қовоқвой**

Мен учратдим сеҳргар,  
Нима истасам агар,  
Қила оламан шуни,  
Учрашамиз ҳар куни. (Чаноқвойга қараб).  
Ростини айтсам сенга,  
Қарра жадвални менга —  
Ургатиб қўйди талай,  
Билинглар, ишим қандай!

### **Гужумча**

Гапинг ростми, Қовоқвой,  
Мақтанарсан, хойнаҳой?

### **Қовоқвой**

Ишонмасанг, сўраб кўр!

### **Қовунжон**

Еттита икки қанча?

### **Тарвуз**

Еттита икки — анча...

Ҳамма масхара қилиб кулади.

**Қовоқвой** (кўзини юмиб олиб)

Терак шохи бўлар мўрт,  
Еттита икки — ўн тўрт.

### **Чаноқвой**

Эй, қойил-ку, эй, қойил,  
Урганибсан астойдил.

### **Қовоқвой**

Эшитиб тур, эй, Тарвуз,  
Уч карра уч, бу — тўққиз.

### **Чаноқвой (четга қараб)**

Буни ўзи тўқибди,  
Дарсни дуруст ўқибди.

### **Қовоқвой**

Сертош жойдан югурма,  
Тўрт карра беш — йигирма.  
Дўстлар айтган гапга кўн,  
Иккита беш — бўлар ўн.

### **Ҳамма**

Қойил, қойил, Қовоқвой!

### **Қовоқвой**

Менга қўйган талай шарт,  
Бажаряпман, бўлиб мард. (Керилади).  
Сеҳргар кучли жуда.

### **Чаноқвой**

Бу гапларинг беҳуда.

### **Қовоқвой**

Учраштираман, Чаноқвой,  
Сен бўласан ўсал-лой.

### **Чаноқвой (хахолаб кулиб)**

Ишонмайман ҳали ҳам,  
Сеҳргар мендан кучсиз,  
Беролмас сенга ёрдам!

### **Қовоқвой**

Қўлини-чи, сеҳргар  
Шундай силкитса агар.

Терилиб қолар пахта,  
Хатто икки-уч марта.  
Қўлини шундоқ қилар,  
Ҳашаротлар қирилар.

(Қўлини «пуф!» деб силкитади).

### **Гужумча**

Войдод, қочинглар нари!  
Келмоқда қовоқ ари!

Энг олдин Қовоқвой қочади, ундан кейин бошқалар.

### **Чаноқвой**

Қовоқ аридан Қовоқ —  
Қочгани бўлди қандоқ?

### **Қовоқвой**

У бизни чаққандан;  
Қовоқ ари, дейилган.

### **Чаноқвой**

Ваҳма гапни қилгин бас,  
Машинада теролмас!  
Кўрсатиб бўпсан, Қовоқ,  
Сўзларинг ёлғон, чатоқ.

### **Чаноқвой**

Келмоқчи эди қачон?

### **Қовоқвой**

Бугун отганида тонг.

### **Чаноқвой**

Демак, гаплари ёлғон!

### **ҚОВОҚВОЙ**

Мен учратдим, гапим рост,  
Бу гапимга бор асос.  
Карра жадвални сендай —  
Урганиб олдим талай.  
Истасанг барин айтай,  
Бу сеҳргар иши-да.  
Кучли ва доно жуда.

### **Чаноқвой**

Миянгни ебсан жуда,  
Барча гапинг беҳуда.

### **ҚОВОҚВОЙ**

Ёки келар эрталаб.

### **Чаноқвой**

Сеҳргар — энг ёлғон гап.  
Қовоқвойнинг боши хом.  
У келмайди, гап тамом.

### **ҚОВОҚВОЙ**

Келади у!

### **Чаноқвой**

Келмайди.

### **ҚОВОҚВОЙ**

У айтдими, келади! (йиғламсирай-  
ди).

### **Чаноқвой**

Келса келар, ҳа, майли.

### **ҚОВОҚВОЙ**

Тонгда келар, пойлайман.

### **Чаноқвой**

Келмайди, бас бойлайман,  
Бари бир мен ютаман.

### **Қовоқвой**

Ваъда берган, кутаман,  
Кел, Чаноқвой, қўлни бер!

Қовоқ билан Чаноқвой қўл беришади.

### **Қовунжон**

Шартимиз шу, келмаса,  
Бўлмай сен ҳам дангаса.  
Ҳашарот териш учун —  
Чиқининг шарт бус-бутун.

### **Чаноқвой**

Икки карра беш-чи — ўн,  
Дўстлар айтган гапга кўн.

### **Қовоқвой**

Сеҳргар айтган буни,  
Соз эканми мазмуни?

### **Чаноқвой**

Айтган бўлса айтгандир,  
Бас бойлашдик биз ахир.

### **Қовоқвой**

Ишга чиққаним бўлсин,  
Менга сеҳргар келсин.  
Ҳашаротдан қўрқмайман;  
Уни тирик қўймайман!

### **Тарвуз**

Қовоқ, Қовоқ, хом Қовоқ,  
Номинг ва бошинг қовоқ.



**Қовоқвой**

Ким Қовоқ?

**Тарвуз**

Сен қовоқ.

**Қовоқвой**

Сен тарвуз.

**Тарвуз**

Ҳа, мен Тарвуз.

**Қовоқвой**

Мен, Қовоқман  
Болалар, мен Қовоқми?

(Залдагилар тасдиқлагач).

Сен қўзивой Тарвузсан!

**Тарвуз**

Сен томоша Қовоқсон!

**Қовоқвой**

Ичи тушган Тарвузсан!

**Тарвуз**

Сен-чи, сапча Қовоқсон!

**Қовоқвой**

Сен тузланган Тарвузсан,

**Тарвуз**

Сен-чи доим Қовоқсан,  
Яъни ойм Қовоқсан.

**Қовоқвой**

Кучимиз синашамиз!

### **Тарвуз**

Кел, боксга тушамиз.

Боксга шайланади.

Бошқалар бокс қўлқопини топиб келишади.

### **Қовоқвой**

Сувингни чиқараман!

### **Тарвуз**

Уруғингни чиқараман!

(Аввал уриб қолади).

### **Қовоқвой**

Вой, чакагим, вой-вой!

Бу ҳисобмас, бошқатдан.

Яна боксга тушадилар. Қовоқвой енгилай деганда, саҳнага Чигиртга ўғлини, Капалак қизини бошлаб қочиб кирадилар. Болалари безовта. У ёқ-бу ёққа аланглашади. Уларнинг кетидан қўллариди катта шприц ўқталган ҳолда «Тез ёрдамчи»лар кириб келишади. Чигиртка билан Капалак дарров яширинишади.

### **Ойшолғом**

Қочма, қочма гўрсўхта?

### **Лавлагижон**

Қувланглар, шошма, тўхта!

Оғайнилар, қани ҳа,

Ушлаймиз, олға, олға!

Ҳамма қувлаб чиқиб кетади. Қовоқвой бир ўзи қолади, қараса қўлида қўлқоп бор.

### **Қовоқвой (Ҳовлиқиб)**

Олға, ўртоқлар, олға!

П а р д а

## ТУРТИНЧИ КҰРИНИШ

Учинчи кўринишдаги манзара. Ярим кеча. Ойдин,  
Юлдузлар чақнаган. Тарвуз, Гужумча, Чаноқвой, Қо-  
вунжон ўтиришибди.

### Тарвуз

Дўстлар ишга қолдик кеч,  
Ҳашаротни уйқуда —  
Ётганида ушласак  
Қойил бўлади жуда.

### Гужумча

Қовоқни кутиш керак,  
Сеҳргар чолни ахир —  
Кўрмаганман, кўрсам бир,  
Деб ўйлаб юрар эдим,  
Алланима сўрардим.

### Чаноқвой

Сеҳргардан Гужум ҳам  
Сўрамоқчимиз ёрдам?

### Тарвуз

Мен сўрардим бир ишни  
Яъни, бир оз озишни.

### Гужумча

Ишонмаймиз-ку, аммо...

### Чаноқвой

Гапларингиз бемаъно,  
Ақлингизга ишонинг,  
Қовоққа ўхшаб тагин —  
Сизлардан ҳамма кулиб,  
Юрмангиз изза бўлиб,

Чаноқвой ўтирган жойида овозини Сеҳргар овозига ўхшатиб гапираркан, Қовоқвой, шошиб-пишиб кўзини ишқалаб кириб келади.

**Қовоқвой**

Сеҳргар чол келдими,  
У бир нима дедими?  
Худди унинг овози  
Эшитилди қулоққа,  
Кетиб қолди қаёққа?

**Қовунжон**

Ҳеч ким келмади, ўртоқ,  
Аввало салом, Қовоқ!

**Қовоқвой**

Унинг гапини ҳозир  
Эшитдим ўзим ахир.

(У ёқ-бу ёққа югуриб қарайди, қидиради).

**Чаноқвой** (ўзини оғир тутиб)

Бўлма бунча жонсарак,  
Сеҳргардан йўқ дарак.

**Қовоқвой**

Сеҳргар овозига  
Овозинг ўхшаркан сал.

**Чаноқвой**

Қаранг-а, даъвосига,  
Бўлмайди сира ўсал —  
Қовоқвой ютқазса ҳам!

Шу орада Гужумча чиқиб кетиб, гўзага тушган ўргимчак кананинг тухумини топиб келади.

**Гужумча**

Мана, қаранглар, мана!

Улгир, ўргимчак кана.

Тухум қўйибди яна.

(Уни Қовоқвойга кўрсатади. Қовоқвой чўчийди).

**Қовунжон**

Қовоқ қўрқмасин яна.

**Чаноқвой**

Қилиясанми зарядка?

**Қовоқвой**

Қилган эдим зарядка,

Кириб қолдим ғайратга.

**Тарвуз**

Кучли бўлсанг агарда,

Кел, боксга шу жойда —

Тушгин яна бир марта.

**Қовоқвой**

Бузилмасми қонда?

**Қовунжон**

Узим бўламан судья.

**Гужумча**

Ютганга бир банкача —

**Тарвуз**

Узум шарбати ҳадя.

Тарвуз билан Қовунжон боксёрлар қўлқопини топиб келадилар. Дарров ўйин бошлашади. Қаддин Қовоқвой

бор кучи билан ҳаракат қилади. Тарвузнинг мазаси қо-  
чади. Кейин Тарвуз куч йиғиб, Қовоқвойни енга бош-  
лайди. Охири Тарвуз ютади. Қоида бўйича якунланади.  
Қовоқвой ўтириб олади, Гужумча Тарвузга бир банка  
узум шарбати келтиради, Тарвуз сувни Қовоқвойга бе-  
ради. У ичиб олади, ўрнидан туради: Тарвуз билан қўл  
олишади.

### Қовунжон

Қани юр, дўстим Қовоқ,  
Бизларга бўл чин ўртоқ.

### Ҳамма

Қовоқ ўртоқ, қани юр.

### Қовоқвой

Келиб қолар, шошмай тур.

(Индамай ерга хомуш қараб туради. Бошқалар уни  
қисташади).

Бир оз пойласам агар,  
Келиб қолар сеҳргар.

### Чаноқвой

«Иккита беш — бўлар ўн,  
Дўстлар айтган гапга кўн!» —  
Деган эдинг-ку, ўзинг,  
Битта бўлсин чин сўзинг.  
Сен излаган сеҳргар,  
Эҳтимол, эрта келар.

### Ҳамма

Қани, Қовоқ, тезроқ юр.

Қовоқвой ноиллож кўнади, унга ҳам банкача бери-  
шади.

### **Чаноқвой**

Оғайнилар, мен кетсам,  
Терим машинасини  
Ўрганиб олсам девдим.

### **Қовунжон**

Ким ҳам ўргатар сени?

### **Чаноқвой**

Менинг Чигитой синглим,  
Ўрганишимга ёрдам —  
Бераман, дерди ҳар дам.  
Эшит, Қовоқвой, дўстим,  
Бор сенга дўстлик сўзим.

### **Қовоқвой**

Айтсанг, қани айта қол,  
Айтиб тезда жўнаб қол.

### **Чаноқвой**

Хафа бўлиб сеҳргар  
Келмасдан қолса агар,  
Ўргатаман ўзим ҳам.

### **Қовоқвой**

(Бақириб)

Сендан олмайман ёрдам!

Қовоқ хола пайдо бўлади-да, ўғлининг ёнига югуриб  
келади.

Бошқалар қочишади.

**П а р д а**

## БЕШИНЧИ ҚҰРИНИШ

Қовоқвойнинг уйи. Қовоқвой томда ухлаб ётибди  
Пахта бобо келади. Эшикни тақиллатади, Қовоқ хола  
чиқади.

**Пахта бобо**

Омонмисан, эй қизим.

**Қовоқ хола**

Келинг, бобо, нима гап?

**Пахта бобо**

Шошиб қолдим бир ўзим  
Чаноқвойимни истаб —  
Юрибман кўпдан буён —  
Ҳассамни олган эди,  
Жуда ҳам зарур деди.

**Қовоқ хола**

Уйдан кетувди қачон?

**Пахта бобо**

Қовоқвойингдан сўра,  
Айтиб беролса зора.

**Қовоқ хола**

Болажоним, Қовоқвой,  
Уйфондингми айланай?  
Ўрнингдан тургин чаққон.

(«Айланай, ўргилай, жонимни қоқай, тасаддуқ бў-  
лай», деб томга чиқади. Қовоқвой кўзини ишқалаб, том-  
дан аста қарайди).

**Қовоқвой**

Салом, Пахта бобожон.



### **Пахта бобо**

Чаноқвойни кўрдингми?  
Билмадим нима учун  
Уйга келмади бугун?

### **Қовоқвой**

Терим машинасининг —  
Ипидан-игнасини —  
Чигитойдан ўрганай, —  
Деб кеча кетди атай.

### **Пахта бобо**

Қарра жадвални сенга  
Ўргатдими, яхшими?  
Ўргатдим, девди менга.

### **Қовоқвой**

Гапнинг ростини айтсам,  
Сеҳргар берди ёрдам.

### **Пахта бобо**

Сеҳргаринг бўлди ким?

### **Қовоқвой**

Сеҳргар чол учратдим,  
Қарра жадвал қўшиғин.  
Ўргатди йўл-йўриғин.  
Ҳассангизга ўхшаган  
Ҳассаси ҳам бор экан.

### **Пахта бобо**

Сеҳргарга ҳайронман,  
Асло учратмаганман,  
Қайдан пайдо бўлди у?  
Бу ишлар хўп қизиқ-ку.

Пахтазорга мен борай,  
Чаноқвойимни топай.

Пахта бобо билан қовоқ хола ташқарига чиқиб кетишади. Қовоқвойнинг ёлғиз ўзи қолиб, ўрганганларини ашула қилиб такрорлайди ва ўйинга тушади.

### Қовоқвой

Терак шохи бўлар мўрт,  
Икки карра икки — тўрт.  
Дўстинг айтган гапга кўн:  
Бешта икки — бўлар ўн.  
Ҳо, ҳа, бешта икки — бўлар ўн.

(Ўйинга тушади)

Олдин қилай зарядка,  
Зора кирсам ғайратга.  
(Зарядка қилади).

Эшикдан Сеҳргар чол кўринади. Унинг ёнига шошиб келаверади ва бирпас ашула, ўйин ва зарядка қилишини кузатиб туради.

### Сеҳргар

Яша, Қовоқвой, яша,  
Гапларимга яраша.  
Урганибсан астойдил,  
Қойил, жуда ҳам қойил!

### Қовоқвой (томда турганча)

Сеҳргар бобо, салом!  
Келмайсиз деб батамом,  
Қўрқиб юрувдим роса,  
Яшасин, энди маза!

(Ўйнаганча пастга тушади).

Умбалақидон; умбалақидон  
Чаноқ энди бўлар ҳайрон.  
Келмадингиз-а, кеча?

### **Сеҳргар**

Нима қилай, жигарим,  
Чиқиб қолди ишларим.  
Дўстларингга чинакам  
Берибсан яхши ёрдам.  
Эшитиб бўлдим хурсанд.  
Лекин сен турибсан кеч,  
Зарядка қилмабсан ҳеч.

### **Қовоқвой**

Зарядка қилдим оз-моз.

### **Сеҳргар**

Бу бўлмабди унча соз.  
Қилсанг кўпроқ зарядка  
Киардинг-да, қувватга,  
Енгар эдинг Тарвузни!

### **Қовоқвой**

А? Қим айтди бу сўзни,  
Қандай билдингиз, бобо?

### **Сеҳргар**

Гапни чўзма-да, оббо...  
Бордир менинг кўп сеҳрим —  
Биламан барча сиринг.

### **Қовоқвой**

Келмадингиз-ку, кеча?

### **Сеҳргар**

Иш чиқиб қолди пича,  
Гапга чалғитма мани,  
Дарсни бошлаймиз, қани.  
Тўққиз карра уч — йигирма етти,  
Кеча Чаноқвой қаёққа кетди?

**Қовоқвой**

Терим машинасининг  
Ипидан игнасини —  
Урганишга кетувди,  
Мақсадига етувди.

**Сеҳргар**

Айтганимни қил такрор,  
Деган эдим неча бор?

**Қовоқвой**

Тўққиз жойда беш?  
Бу бўлар қирқ беш!

**Сеҳргар**

Тўққизта тўққиз?

**Қовоқвой**

Бўлар саксон бир.

**Сеҳргар**

Анча бўлибсан уста.

**Қовоқвой**

Унта ўнингиз — юзта.

**Сеҳргар**

Қовоқвой тузалар тез.

**Қовоқвой**

Беш карра олти — ўттиз.

**Сеҳргар**

Бекор ишга югурма!

**Қовунжон**

Беш карра тўрт — йигирма.  
(Такрорлайди).

## **Сеҳргар**

Дарс ўтамиз кун ора,  
Каникулда сен зора  
Ургансанг карра жадвал,  
Бўлмайсан сира ўсал,  
Кўп ишларинг бўлар ҳал.  
Унутмагин сен шуни,  
Дўстларингга ҳар куни  
Ердам беришдан қочма,  
Тўғри йўлдан адашма.  
(Ғойиб бўлади).

## **Қовоқвой**

Ердам беришдан қочма,  
Тўғри йўлдан адашма!  
Қовоқвой, ўйланг, қани...  
(Сеҳргар кетидан югуради).  
Бир оз тўхтанг, гапим бөр,  
Этай сизни хабардор.  
Сеҳргар қайтиб келади.

## **Сеҳргар**

Қани, гапир, болакай!

## **Қовоқвой**

Қулоқ солинг, мен айтай,  
Капалак ва Чигиртка  
Мени чақириб четга,  
Пахтазорга сепиш-чун,  
Тутқазिशди бир тугун,  
Кўмиб қўйганман уни.

## **Сеҳргар**

Қани, келтир тугунни!

Қовоқвой кетади-да, тугунни кўмиб қўйган еридан  
олиб келади.

### **Қовоқвой**

Мана шудир бор-йўғи.

### **Сеҳргар (текшириб)**

Бу ўргимчак кананинг  
Энг зарарли уруғи,  
Яхши бўлди айтганинг.

### **Қовоқвой**

Алдашган экан, демак...

### **Сеҳргар**

Тезда куйдириш керак. /

Икковлари кетадилар. Капалак билан Чигиртка  
ўйин тушиб кириб келадилар.

### **Капалак**

Мен капалак, капалак,  
Кўринишим гул-чечак.  
Мени асло ушлолмай,  
Бўлишади кўп ҳалак.

### **Чигиртка**

Мен Чигиртка, Чигиртка,  
Емиш бўлса чиқитга —  
Чиқармасдан еяман:  
Кучим тенг бир йигитга.

### **Капалак**

Ашулангни қўй бугун,  
Нима бўлди, ҳув, тугун?  
Уни Ўргимчак кана  
Биздан сўраса яна —  
Берамиз қандай жавоб?

### **Чигиртка**

Бўлмагин бунча хуноб,  
Тезда хабар тарқалар,  
Қовоқ уни сочгандир  
Ва ўргимчак каналар  
Роса бола очгандир.

### **Капалак**

Пахтазорга мен кирдим,  
Вўзаларни текширдим.  
Пайкал-пайкал ғўзалар  
Қўрмабди сира зарар.

### **Чигиртка**

Қоч, Капалак, қочсанг-чи,  
Келмоқда «Тез ёрдамчи».

Улар чапга қочишади. Кейин саҳнанинг ўнг томонидан Ойшолғом ва Лавлагижон қўлларида шприц ушлаган ҳолда кириб келадилар. Икковлари бир-бирларига укол қилиш учун «шприцбозлик» қилишади.

### **Ойшолғом**

Тутқазмасдан Капалак  
Бизни қилди кўп ҳалак.  
У ярамас ва бебурд,  
Тухум қўйса, тарқар қурт,

### **Лавлагижон**

Мен ушлаб олсам борми  
Шу заҳоти беорни.  
Қанотини кесардим,  
Хўп жигини эзардим.

### **Ойшолғом**

Қовоқвой биздан доим  
Қочиб юрар.

### **Лавлагижон**

Е балким,  
Укол қилар деб ўйлар,  
Аралашмай ҳеч кимга,  
Елғиз бир ўзи ўйнар.

Ойшолғом ва Лавлагижон ўйнаб чиқиб кетингиз.  
Улар кетиши билан Сеҳргар пайдо бўлади. Унинг оёқ-қоли  
дан хомуш ҳолда Қовоқвой кела бошлайди.

### **Сеҳргар**

Эй, Қовоқвой, бери кел;  
Нима десам шуни қил.  
Қапалак, Чигирткани  
Ушлаймиз энди, қани!  
Мана бу узун арқон,  
Сиртмоқ соламиз чаққон.

### **Қовоқвой (Чўчиб)**

Сеҳргарсиз-ку ахир,  
Қилингда бундай сеҳр!  
Ҳашаротларни қиринг,  
Бири деёлмас гиринг.

### **Сеҳргар**

Ҳашаротларга, билким,  
Ўтмайди менинг сеҳрим.  
Қўрқма, икков ушлаймиз,  
Жиг-жигига муштлаймиз.  
Келган замон Капалак,  
Чалгин бир марта чапак.  
Агар келса Чигиртка,  
Кесак отгин бу четга.

### **Қовоқвой (Қўрқиб)**

Қаранг, бобо, Капалак —  
Битта ўзи келмоқда.



## Сеҳргар

Менга берасан дарак,  
Яқинлашса бу ёққа (Беркинади).

Капалак киради.

## Капалак

Нега қўрқмай бир ўзинг  
Ўлтирибсан, Қовоқвой?  
Чигирткажонга кўзинг,  
Тушгандир-а, ҳойнаҳой?

## Қовоқвой

Яқинда кўрдим уни,  
Олиб кетди тугунни.  
Келиб қолса агарда  
Турсин, деди шу ерда.

## Капалак

(Бир четга ўтириб)  
Мени қувди Ойшолғом,  
Қўлга тушсам, ишим хом —  
Бўлар эди. Ўлардим.

## Қовоқвой

Қутулар эдинг балким.

## Капалак

Қутулиш қайда дейсан,  
Найзасин кўрганмисан?  
Нега керак бу арқон?

## Қовоқвой

Мен яхшиман дегансан;  
Хўп алдаган экансан:  
Сени боғлайман ҳозир!

Қовоқвой арқонни олиб, Капалакни боғламоқчи бўлади. Капалак чаққонлик қилиб, Қовоқвойнинг ўзини боғлай бошлайди. Қовоқвой Сеҳргарни чақиролмай қолади. Бирдан Сеҳргарнинг ўзи келади. Унинг ёрдамиди: Қовоқвой озод бўлиб, икковлари Капалакни боғлашади. Улар бирдан Чигиртканинг Капалакни чақираётганини эшитиб қолишади, беркинишади. Чигиртка саҳнага ашула айтиб киради. Бирдан Капалакка кўзи тушиб уни қутқармоқчи бўлиб, арқонни ечиб юборай деганда беркиниб турган Сеҳргар билан Қовоқвой уни ҳам ушлаб олишади, боғлашади. Бир оздан сўнг Сеҳргар гоёиб бўлади.

### Қовоқвой

Сеҳргар бобо, раҳмат!  
Экансиз хўп азамат.

Орқасига қараса, Сеҳргар йўқ. Ҳайрон бўлади. Саҳнанинг икки томонидан Ойшолғом билан Лавлагижон Капалакча билан Чигиртка боласини найза ўқталган ҳолда олиб киришади. Шприцни ерга қўйиб, Капалак билан Чигирткани олиб чиқиб кетишади. Болалари додлашади. Қовоқвой шприцни кўриб, қўлига олади. Кейин кўрқиб ерга қўяди.

### Ойшолғом

Қовоқ ака, астойдил  
Ишингга қолдик қойил.  
Икковини боғлабсан,  
Дўстлар кўнглин чоғлабсан.  
Энди номинг ҳар томон:  
Бўлиб кетади дoston,  
Бу ишингни ҳойнаҳой,  
Кўриб қолса Чаноқвой,  
Роса қойил қоларди,  
Сени ҳам тан оларди.

### **Лавлагижон**

Билинг, жосус — ҳашарот  
Зарарлидир ҳамма вақт.  
Бир зўри қолган яна,  
Номи Ўргимчак кана.

### **Қовоқвой**

Қани юринг, уни биз  
Ушлаймиз, ўлдирамиз.

Ҳашаротларнинг болаларини ҳайдаб чиқиб кетишади.

## **П а р д а**

### **ОЛТИНЧИ ҚҰРИНИШ**

Август ойининг охирлари. Дала шийпони. Пахталар қийғос очилган. Тепанинг нариёғида иккита терим машинаси турибди. Тарвуз, Қовунжон, Ғужумча шу ерда хизмат қилиб юришибди.

### **Тарвуз**

Байрамдир бизлар учун,  
Терим бошлаймиз бугун.  
Чанқаганни чақирвор,  
Оғайни найнов Қовун.

(Қўшиқ айтади).

Келиб қолинг, маза сув, маза сув:  
Шарбатга бой шундоқ у, шундоқ у.  
Ўзи муздай, ичса ким, ичса ким,  
Дейди: «Оҳ-оҳ мазза-ку, мазза-ку!»  
Ичган юрар дармонда, дармонда,  
Ичмаганлар армонда, армонда.

(Пахта бобо келади).

### **Пахта бобо**

Яшавор, ўғлим Тарвуз,  
Сенга тегибди-да, сўз.

### **Тарвуз**

Пахта бобо, ассалом,  
Маза сув бўлмай тамом.  
Ичиб қолинг, қонасиз,  
Тагин излаб қоласиз  
Бу йил ҳосил жуда мўл,  
Ҳашаротга ҳаммамиз  
Бир бўлиб, бермадик йўл.

Чигитой келади, у механик-ҳайдовчилар формасида.

### **Чигитой**

Ассалом, Пахта бобо!  
Чаноқвой йўқ-ку?

### **Пахта бобо**

Оббо, шундан қандай?  
Қовоқвой билан ҳозир  
Бораман, девди ахир.

### **Чигитой**

Уларнинг ўртасида  
Борга ўхшар бирор сир.

### **Пахта бобо**

Бўларди қанақа сир,  
Жадвал ўргатар бир-бир.

### **Чигитой**

Манави машинада  
Термоқчи Чаноқ акам.

### **Пахта бобо**

Сенга ўхшаб чинакам  
Терадими аканг ҳам?

### **Чигитой**

Ўткирдир унинг зеҳни,  
Ҳар ишга қўяр меҳрин.

Шошиб-пишиб Қовоқвой кириб келади.

### Қовоқвой

Келмадими Сеҳргар?

Ҳамма унга ҳайрон бўлиб қарайди.

### Гужумча

Сира ҳам келгани йўқ,  
Бўлаверсин кўнглинг тўқ.

### Тарвуз

Маза сувдан бир озроқ  
Ичиб ол, дўстим Қовоқ.  
Йиғасан эс-ҳушингни,  
Гапирмайсан тушингни.

Тарвуз узатган сувни ичиб Қовоқвой анча ўзига келади, атрофга ола-зарақ қарайди.

### Қовоқвой

Ассалом, Пахта бобо,  
Салом, Чигитой синглим.  
Нега ўтирибсиз жим?  
Истасангиз-чи, агар  
Мен учратган Сеҳргар.  
Пахта теримида ҳам  
Бера олади ёрдам.  
Терим машинасининг  
Ипидан игнасини —  
Сиздай, биламан, деган,  
Жуда ҳам уста экан.  
Қўлин силкитган замон  
Пахта бўлармиш хирмон.

### Чигитой

Узи тинчликми, Қовоқ,  
Сўзларинг анча чатоқ?

### **Қовоқвой**

Карра жадвални талай  
Қойил қилиб ўргатган.  
Урганишда энг қулай  
Тўғри йўлни кўрсатган.

Ҳамма унга ҳайрон бўлиб турганида Сеҳргар кириб  
келади, лекин бу сафар ҳассаси йўқ.

### **Сеҳргар**

Керак бўлсам мен агар,  
Мана келдим, Сеҳргар.

### **Қовоқвой**

(Севиниб, ҳовлиқиб)  
Салом, Сеҳргар бобо!  
Ишлар қойил ҳам аъло.

Пахта бобо, Чигитой эса уни таниб қолишади. Булар  
бир-бирларига имлашиб индашмайди.

Кўпчиликнинг олдида,  
Сеҳргар бобо, сизга  
Дейман чин дилдан раҳмат  
Бир илтимос бор фақат,  
Эгадирсиз ҳунарга,  
Мумкин бўлса уларга —  
Сеҳрингизни кўрсатинг,  
Пахта теришни бундоқ  
Қўл силкитиб ўргатинг.

### **Сеҳргар**

Яша, болакай Тарвуз,  
Бунча бўлмасанг семиз.  
Қани, мана сувдан бер,  
Пешонадан чиқсин тер.

(Ғалати қилиб сувдан ичади ва соқолини артиб  
қўяди).

Соғмисан, дўстим, Қовун,  
Бу йил бўлибсан узун.  
Кичкина-митти Ғужум,  
Нега сен турибсан жим?  
Қалайсан, дўстим Қовоқ.  
Зарядка қилиб бир-бир,  
Олдингилардан ҳозир  
• Бўлгандирсан кучлироқ?

### **Қовунжон**

Капалак, Чигирткани  
Боғлаганман деб гўё,  
Мақтангани-мақтанган.  
Сеҳргарни доимо —  
Ахтаргани-ахтарган.

### **Сеҳргар**

Гапи тўғри, Қовунжон  
Бўлди қўрқмас ва чаққон.  
Ҳашаротни боғлаган,  
Дўстлар кўнглин чоғлаган.

### **Қовоқвой**

Қилавериб зарядка  
Қириб қолдим ғайратга.

**Ойшолғом ва Лавлагижон кириб келадилар.**

### **Ойшолғом**

Сизларга берар салом,  
Лавлагижон, Ойшолғом.

### **Лавлагижон**

Чақирган экансизлар,  
Машинада ғиз этиб,  
Ҳузурингизга етиб,  
Қелиб турибмиз бизлар.

### **Пахта бобо**

Жуда яхши қилибсиз,  
Ўз вақтида келибсиз.

### **Ойшолғом**

Касал кимдир, билайлик,  
Аввал укол қилайлик.

### **Тарвуз**

Йўқ, ҳаммамиз соппа-соғ.

### **Пахта бобо**

Анов Қовоқвой, бироқ...

### **Лавлаги**

Қовоқвой чин баҳодир,  
Бизлар гувоҳмиз ахир.  
Ботир экан чинакам.

### **Қовоқвой**

Сеҳргар берган ёрдам.

### **Сеҳргар**

Қовоқвой ўсган дуруст,  
Олдин эди бир оз суст.

### **Қовунжон**

Синфдан синфга у  
Ута олади илдам.

### **Қовоқвой**

Сеҳргар берди ёрдам!

### **Сеҳргар**

Карра жадвални роса  
Ургатиб қўйдим, соз-а.  
Қани, Чигитой қизим,



Чопа-чопа келувдим,  
Мен механик бўламан,  
Пахта тера оламан.

### **Чигитой**

Қўлингизни силкитиб,  
Қаранг-а, бир осмонга,  
Очилган пахталарни —  
Айлантинг хирмонга.

### **Сеҳргар**

Қўлимдан келмайди бу...

### **Қовоқвой (ҳайрон)**

Шунақа девдингиз-ку?

### **Чигитой**

Сеҳргар бобо, қани:  
Ҳайдайлик машинани!

Сеҳргар чопонини ечмоқчи бўлиб, негадир иккила-  
нади.

### **Сеҳргар**

Эгнимдаги бу чопон,  
Узун экан, кўп ёмон.

Сеҳргар чопонини ечиб Фужумчага ташлайди, ундан  
Қовоқвой тортиб олади ва Сеҳргарнинг чопонини кўта-  
риб мақтаниб юради. Сеҳргар билан Чигитой тепанинг  
орқасидаги машина олдига боришади. Сеҳргарнинг ма-  
шинани Чигитойдай ҳайдаб кетаётганига ҳамма ҳайрон  
бўлиб қараб туради.

### **Фужумча**

Сеҳргар бўлиш соз-а,  
Опамдан уста роса.

## **Пахта бобо**

Уқимай ва ўрганмай —  
Билиб олибди қандай?

## **Қовоқвой**

Кўрса эди Чаноқвой  
Ҳайрон бўлиб дерди: «вой!»  
Сеҳргарни мен ўзим  
Топганман, ростми сўзим?

## **Тарвуз**

Қойил, Қовоқвой, қойил!

## **Қовоқвой**

Қидирдим-да, ой ва йил  
Топдим-да, сеҳргарни,  
Танг қолдирдим сенларни!

Чигитой билан Сеҳргар машинадан тушиб келадилар.

## **Сеҳргар**

Мен сеҳргар эмасман,  
Бу сўзга ишонмасман.  
Оддий дўстингиз сизнинг,  
Мана менман Чаноқвой...

(Қалпоқ ва ясама соқолини ечиб, ўзининг чаноқдан бўлган қалпоғини кийиб олади).

## **Ҳамма**

Чаноқвой экан-ку, вой...

Қовоқвойнинг ранги ўчиб ҳайрон бўлиб қолади. Тарвуз унга дарров сув беради.

## **Тарвуз**

Бешта икки — бўлар ўн,  
Дўстлар айтган гапга кўн.

### **Чаноқвой**

Ишонма деб сеҳргарга,  
Айтган эдим неча марта!  
Энди, Қовоқ, ўзингдан кўр,  
Ҳар нарсадан дўстлик зўр.

### **Қовоқвой**

Қарра жадвални менга —  
Ўргатганинг-чун, сенга —  
Чин дилдан дейман раҳмат!

### **Чигитой**

Эй, дуруст-ку бу сўзинг,  
Очилиб қопти кўзинг.

### **Қовоқвой**

Дўстлар, шум ҳашаротни  
Зарарли ёмон отни —  
Боғлаган менмас, бироқ  
Боғлаган анов Чаноқ.

Ерга қараб туради. Чаноқвой Тарвузни бир четга  
чақириб, қулоғига бир нима шивирлайди.

### **Тарвуз**

Илтимоси бор фақат,  
Терим машинасининг  
Ипидан игнасини —  
Ўргатинглар, демоқчи.

### **Чигитой**

Тағин ким ўрганмоқчи?

### **Пахта бобо**

Энг биринчи — Қовоқвой.

### **Қовоқвой**

Ишонмассиз ҳойнаҳой?

### **Чаноқвой**

Ишонамиз, гапинг рост.

### **Қовунжон**

Қиляпти у илтимос.

### **Чигитой**

Илтимос қилса чиндан,  
Майли ўргансин мендан.

### **Пахта бобо**

Қани, қизим, тер чаққон,  
Ясаймиз қизил карвон.

Чигитой тезликда тепа орқасидаги машинани пахта-зорга ҳайдаб кетади. Чаноқвой ҳам ечиниб яна унинг кетидан теримга тушади. Қовоқвой ҳам анча енгил торган, хурсанд, ҳаракатчан. Ўзича ашула айтади.

### **Қовоқвой**

Елғон гапга югурма,  
Беш жойда тўрт — йигирма.  
Иккита беш — бўлар ўн,  
Дўстинг айтган гапга кўн,  
Қилсанг агар зарядка  
Тўласан куч-ғайратга.

### **Ғужумча**

Учиб келар Қовоқ ари,  
Қовоқ полвон, қочгин нари.

### **Қовоқвой**

Ҳазилни қўй, қоч нари,

### **Тарвуз**

Ашула айтиб роса  
Бўғилгандир томоғинг,

Мана сувдан ич, маза,  
Босилади чанқоғинг.

(Қовоқвой ичади).

**Ғужумча**

Келмоқда Қовоқ холам.

(Шошиб-пишиб Қовоқ хола киради).

**Қовоқ хола**

Мунча қувноқсан, болам,

Қовоққинам ёлғизим.

Ҳам ўғлимсан, ҳам қизим.

**Қовоқвой**

Доим дейсиз шунақа.

(Араз қилади, болалардан уялиб ўзига келади).

**Қовоқ хола**

Кетиб қолдинг қаёққа?

Сендан ўзим ўргилай,

Айтақол, нима қилай?

**Қовоқвой**

Доим қилдингиз эрка,

Юзим қаради ерга.

Қўйинг-да, ўз ҳолимга.

**Қовунжон**

Сувдан узат холамга.

**Қовоқ хола**

Келтирдим қовоқ сомса,

Ўзинг е, қилиб маза.

**Қовоқвой**

Мана мен шундай дейман:

Дўстларим билан ейман.

(Ҳаммага қовоқ сомсадан бир-бир улашади. Тарвуз югуриб келиб пиёлага сув қуяди.

### **Тарвуз**

Сувдан ичинг, холажон,  
Маза сув — оромижон.

Қовоқ хола ичади. Пахта бобо киради.

### **Пахта бобо**

Қизил карвон ҳам тайёр,  
Борадиган кимлар бор?

Ҳамма «Биз борамиз!», «Биз борамиз!» деб чувиллайди. Қарнай-сурнай овози эшитилади. Саҳна олдидан пахта ортган кичик-кичик машиналар ўта бошлайди. Ашула эшитилади.

### **Ҳамма**

Бешта икки — бўлар ўн, бўлар ўн,  
Ишим бўлсин десанг ўнг, десанг ўнг.  
Лақиллама бекорга, бекорга,  
Дўстлар айтган гапга кўн, гапга кўн!

Пахта бобо, Чаноқвой, Тарвуз билан Қовунжон, Ойшолғом, Лавлагижон ва бошқалар ҳам саҳнадан ўтишади. Ғужумча ўйнайди. Ашула давом этади:

Пахтамиз бор гул ғунча, гул ғунча,  
Қовоқвой ҳам бирмунча, бирмунча  
Ёрдам билан тузалди, тузалди,  
Хайр, дўстлар, кўргунча, кўргунча!

### **Парда ёпилади.**

Қовоқвой парда олдига чиқади.

### **Қовоқвой**

Хайр, дўстлар, кўргунча, кўргунча!

1963—64

# ТОПИШМОКЛАР







## Топишмоқлар

Қулоқ солиб тур ўртоқ,  
Айтай сенга топишмоқ.  
Эшитгач бир оз тўхта!  
Ўйлаб олгин-да пухта,  
Кейин қўлингни кўтар,  
Бўлмаса галинг ўтар.  
Топганингга яраша,  
Ҳар кимга дейман, яша!

1

Жуда севамиз уни,  
Хилма-хилдир мазмуни.  
Ўқитувчи эмас-ку,  
Билим бера олар у,  
У барчанинг улфати.  
Бўлар баъзан сурати.  
Қани, ўртоқ, буни топ!  
Эслаган дер: бу...

2

Тоғдан тушса шалдирар,  
Ойна каби ялтирар.  
Ўзи бўлади суюқ,  
Совуқда қаттиқ-қуюқ.  
Иссиқдан учар, қочар,  
Дарёдан тез-тез чопар.  
Буни топмоқ осон-ку,  
Демак, бунинг оти...

3

Ўзи каттакон бино,  
Ишланган хўп мустаҳкам.  
Қуруқда юрмас асло,  
Учмайди осмонда ҳам.

Фақат сувда сузади,  
Дарёларни кезади.  
Қани, дўстлар, бу нима?  
Ўзбекча номи...

4

Резинка унинг таги  
Кўпинча юрар секин,  
Пайт келса экар экин.  
Сув ичади керагида,  
Олов ёнар юрагида.  
Хўкиз эмас, ерни ҳайдар,  
Барча унга раҳмат айтар.  
Унинг иши жуда ҳам зўр,  
Биласизми, бу...

5

Трамвай-ку, изи йўқ,  
Овқат емас, қорни тўқ.  
Уй десанг уйга ўхшар,  
Маълум бир жойда тўхтар  
Қирсанг эшик очилар,  
Кейин ўзи ёпилар  
Хизмати халққа дуруст,  
Бу — янги...

6

Ўзинг юрсанг юради,  
Тўхтасанг жим туради.  
Бор икки филдираги,  
Минсанг учиб кетади,  
Узоқ жойга элтади.  
Филдираги кетма-кет  
Бу — учқур...

370

7

Бир яшикча бор қизиқ,  
Бели бурмали чизиқ.  
Пружинадай чўзилар,  
Турли оҳанг тузилар.  
Банди бор икки ёқда,  
Устаси чалган чоғда  
Эшитамиз беармон,  
Русча номи ҳам...

8

Бир топишмоқ бордир тағин,  
Узоқ йўлни қилар яқин.  
Қуш эмас-ку, кўкда учар,  
Ўқтин-ўқтин бензин ичар.  
Ақли йўқ-ку, кирар сўзга,  
Жуда керак юртимизга.  
Бу, осмонда саман отдир,  
Унинг оти...

9

Тенгдир бўйи ва эни,  
Тоза тутади сени.  
Гули бор бир бурчида,  
Бўлар ҳар ўқувчида,  
Унинг жойи-чи, чўнтак,  
Озодаликка керак.  
Барча билар эҳтимол,  
Айтгандай бу...

10

Буғдойзорда юради,  
Ўроқ эмас, ўради,  
Болғаси йўғ-у, янчар,  
Дон йиғар анча-анча

Ўзи мисоли кема,  
Хўш, ўртоқлар, у нима?  
— Рухсат беринг айтийин,  
Бунинг оти...

11

Пахтазорга кема келар,  
Биласизми нима қилар?  
Устида бор катта қорни,  
Яхши кўрар пахтазорни.  
Оқ пахтани ҳўплаб ўтар,  
Қорни тўйса четга тўкар.  
Шоферга йўқ кабинаси,  
Номи...

12

Олдин гул эди нуқул,  
Гул ёнғоқ бўлди буткул.  
Ёрилиб кетгач ёнғоқ,  
Яна гул чиқди оппоқ.  
Жуда ҳам лўппи ўзи,  
Тагида бор юлдузи.  
Териб уйсанг бўлар тоғ,  
Уруғидан чиқар ёғ.  
Дарров ўйланг бу ҳақда,  
Бу-чи, оқ олтин...

13

Овқати кўмир ва сув,  
Сира билмайди қўрқув.  
Нафас олса пишиллар,  
Темир издан ғизиллар.  
Ўйлар ўйлаб ҳар сафар  
Қатнар шаҳарма-шаҳар.  
Одамларни ташийди,  
У жуда кўп яшайди.

372

Номи етти ҳарфли сўз,  
Топиш осон...

14

Узи қорача лаган,  
Одам йўқдир севмаган.  
Игна тегса юзига  
Чиқар қўшиқ, музыка.  
Сайраган каби булбул,  
Тоза яйрайди кўнгил.  
Бу таниш менга, сенга,  
Номи-чи...

15

Бир нарса бор хўп қизиқ,  
Нур сочса бўлар иссиқ.  
На пилик бор, на мойи,  
Уйнинг ўртаси — жойи.  
Ёнса йўқдир тутуни,  
Ҳамма севади уни.  
У эгадир зўр кучга,  
Унинг номи...

16

Бор эди икки пичоқ,  
Бирга туришар ҳарчоқ.  
Қилган ишлари яхши.  
Агар юришса қарши,  
Ўнундагина иш битар,  
Бичиқчи кийим бичар,  
Ҳозир ўйлаб боқай-чи,  
Осон экан, бу...

17

Печка эмас, бордир чўғи,  
Қуш эмас-ку, бор тумшуги.

373

Унгда, чапда қулоғи бор.  
Тўртта кичик оёғи бор.  
Кенг қорнида сув қайнайди,  
Ичган одам ҳўп яйрайди.  
Бундай буюм ҳар уйда бор,  
Мен айтайми? Бу...

18

Уйда яшар одам каби,  
Чол эмас-у, бор мўйлови.  
Ўз эгнига кирган пўстин,  
Юмшоқ тукдир пўстин усти.  
Итга ўхшар, демас «вой-вой».  
Кўпинча дер: «миёв-миёв».  
Болаларга жуда тотук  
Билсам бунинг номи...

19

Бордир қатор тишлари,  
Борса-келса ишлайди.  
Пичоқ эмас, қирқади,  
Ўтин ундан қўрқади.  
Иш вақтида сайрайди,  
Қўп ишларга ярайди.  
Билиб қўйинг бир карра,  
Устага керак...

20

Ручка эмас, ёзади,  
Ёзаверсанг озади.  
Ҳар хилдир ранги рўйи,  
Бир қарич келар бўйи.  
Фабрикадан чиққан «чўп»,  
Керак бўлар жуда кўп.  
Билмайсизми шуни ҳам?  
Энг таниш сўз, у...

374

21

Уч хил асл маъноси,  
Бири одам аъзоси.  
Иккинчиси зўр қурол:  
Ким яхши-ю ким қўпол —  
Ошкор этар астойдил,  
Асли номи эса...

22

Оғайнижон, сенга савол,  
Бордир зарур ўқув қурол.  
Кўча эмас йўли тайёр,  
Қитоб эмас, варроғи бор.  
Ёзилади сўз-у гаплар.  
Кичиклар ҳам билар...

23

Бир нарса бор, кўп асл,  
Сени этар мустақил.  
У илмингни бойитар,  
Қамроқ бўлса койитар.  
Ўзингда ҳам бордир бил,  
Бошингдаги у...

24

Сени дарров уйғотар.  
Аллақандай «сўз» қотар.  
Гоҳ бурайсан қулоғин,  
Хўроз демагин тагин.  
Унга қилгин итоат,  
Сенга таниш у ...

25

Бериб тургин эътибор,  
Ўзи буюм, банди бор.

375

Тумшуғи бор — у қушмас,  
Қалпоғи бор ва тушмас.  
Ҳар куни сенга керак,  
Ўзинг топгин, у...

26

Одамда бир аъзо бор,  
Вазифаси маънодор.  
Бири-бирини кўрмас,  
Аммо соғлом бўлса бас.  
Иккови жуда ўртоқ,  
Эшитиб қўй, бу...

27

Суҳбат, ишга шайланиб,  
Ўтирамиз айланиб.  
Бор-у тўртта оёғи,  
Йўқдир кўзи қулоғи.  
Аммо унда йўқдир қўл,  
Биз ўтирган бу...

28

Йилт-йилт қилар, булоқ эмас,  
Йилт-йилт этар, чироқ эмас.  
Иккита-ю — мақсади бир,  
Уни топиш эмас оғир,  
Атиги уч ҳарфли сўз,  
Яхши бола топар, у...

29

Бўлар ўзи қисқа, узун,  
Муҳим нарса уста учун,  
Темирдандир, жони қаттиқ  
Уни урсанг этар «тиқ-тиқ».  
Яша, дердим топганни, эҳ,  
Иморатга зарурдир...

376



Қушга ўхшаб қўнар, учар,  
 Урай десанг гизза жўнар.  
 Зарарлари жуда ҳам кўп,  
 Ташигани ифлос, микроп.  
 Ғашга тегар у ҳамиша,  
 Унинг исми хира...

### ЖАВОБЛАР

Қитоб	Велосипед
Паровоз	Гармонь
Терим машинаси	Кема
Трактор	Арра
Троллейбус	Пластинка
Сув	Дастрўмол
Самолёт (дир)	Қайчи
Лампочка	Самовар
Комбайн	Мушук
Пахта	Қалам
Тил	Қулоқ
Дафтар	Стол
Ақл	Кўз
Соат	Мих
Чойнак	Пашша

## МУНДАРИЖА

Бет.

Шеър — гул тераман . . . . .	1
Ассалом, азиз китобхоним (Автордан)	
<b>ШЕЪРЛАР</b>	
Кулишингиз гулни кулдирар . . . . .	
Ильич яшаган жойларда баҳор . . . . .	13
Болаларни ким энг яхши кўрарди? . . . . .	
Доҳий кўрган бувим . . . . .	15
Ильич бобом сўзлари . . . . .	16
Коммунизм — чаман бир боғ . . . . .	19
Ун икки шарт — уни бажар . . . . .	20
Энди адашмайди . . . . .	24
Ун беш гулбоғ . . . . .	25
Коммунистлар . . . . .	27
Етук пионер . . . . .	28
Опамиз ва акамиз . . . . .	29
Биз яшаймиз коммунизмда . . . . .	30
Қуёш ва бола . . . . .	31
Чаманлар чиройи — болалар . . . . .	33
Йўлдош бўлиб бирга учишди . . . . .	35
Бахтиёр дўстлик . . . . .	35
Артекка бордим ёзда . . . . .	37
Озод ўлкам . . . . .	45
Офтоб чиқди оламга . . . . .	48
Гулчаси эди сингил . . . . .	50
Баҳор берган ёшлик . . . . .	51
Ғаллакорга раҳмат . . . . .	52
Олтиной ва оқ олтин . . . . .	53
Пахтазор шеърларидан . . . . .	55
Яшнаб борар Мирзачўл . . . . .	61
Эй, сара тонг, Сахий саратон . . . . .	66
Темир томирлар . . . . .	67
Қувур ўтди — ўрик тутди . . . . .	69
Гуллар рангни қайдан олар . . . . .	71

Олим отанинг олмалари . . . . .	72
Булутлар устида . . . . .	73
Ҳарким ҳар хил ўйлар экан . . . . .	74
Ҳовлимизда тут пишди . . . . .	76
Ота-она қалби . . . . .	78
Кимда кўп баракалла . . . . .	79
Отрядим, жон отрядим . . . . .	80
Уста Усмон . . . . .	82
Икки наққош . . . . .	84
Яхшилиқни оширар . . . . .	85
Қойилжон . . . . .	86
Дўстимга берай далда . . . . .	87
Келаётир имтиҳон . . . . .	88
Билгани барча билар . . . . .	89
Мактаб бозори . . . . .	91
Ассалом, мактабжоним . . . . .	92
Мактаб ёнидан ўтганди . . . . .	93
Магнитли бола . . . . .	94
«5» олдим «5» . . . . .	96
Қандай исм чиройлик? . . . . .	97
Изидан хат борди қизидан . . . . .	98
Бахтиёр Бахтиёрлар . . . . .	99
Сен, дўстимсан, доскажон . . . . .	103
Чумоли билан Мирсоли . . . . .	104
Қуёшжон Садирни қидирди . . . . .	105
Мактабдан кечикма . . . . .	106
Бемаза «орзу» . . . . .	107
Қўл кўтариб . . . . .	108
Мақтовдан бўшашди . . . . .	109
Кўргандан ўрган . . . . .	110
Қайси бола эрта турса . . . . .	111
Ўрдакча, жўжа ва мушук . . . . .	112
Ғаниқулнинг каникули . . . . .	113
«Қи-қуқу»нинг маъноси . . . . .	114
Писандачи бола . . . . .	115
Ёмонлар келар қайдан? . . . . .	116
Ўқитувчи баҳо қўйганди . . . . .	117
Ҳунарли ва ҳунарсиз . . . . .	119
Ақлни кўп ишлатса камаярми? . . . . .	120
Узр сўрайман . . . . .	120
Илмдан одоб кучли . . . . .	122
Болалар сартарашхонаси . . . . .	124

	Бет.
Дарахтлар ҳам қилишарми физкультура . . . . .	126
Бўш жой . . . . .	127
Зарда . . . . .	128
Бекоржон . . . . .	129
Чалавой . . . . .	130
Гани қани? . . . . .	132
Холиқ ва қатиқ . . . . .	133
Эш билан эшик . . . . .	134
Ҳакимжонга раҳмат дер ҳарким . . . . .	134
Нажимнинг дафтари . . . . .	136
Режимда йўқ эмиш . . . . .	138
Ҳошимнинг палов оши . . . . .	139
Дарслар мажлиси . . . . .	141
Папка билан Сиёҳдон . . . . .	145
Парфининг ҳарфи . . . . .	146
Ҳусан уйғониб қолди . . . . .	147
Анқов билан ялқов . . . . .	151
Раҳмат, нега «раҳмат» демади? . . . . .	151
Самакатка шовқини . . . . .	153
Янги йилни кутамиз . . . . .	154
Қор нега оппоқ . . . . .	156
Шўх карнавал . . . . .	157
Холнинг жийрон велосипеди . . . . .	158
Тўғри ўсган гул бўлар . . . . .	162
Пиёда билан фарзин . . . . .	162
Кўз кўрқоқ — қўл ботир . . . . .	164
Итузумнинг давоси . . . . .	165
Қурбақа билан чумоли . . . . .	166

## ҚУШИҚЛАР

Партиямиз боғида . . . . .	171
Авлодлар қўшиғи . . . . .	171
Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши . . . . .	172
Ленин бобомлар — менинг бобомлар . . . . .	173
Сафларда биринчи пионер . . . . .	174
Галстугим, ҳилпилла . . . . .	175
Орзумиз . . . . .	176
Еш физкультурачилар марши . . . . .	177
«5» баҳо қўшиғи . . . . .	178
Кўйлагим . . . . .	179
Хўп бўлади . . . . .	180

	Бет.
Сайранг, қушлар . . . . .	180
Арчажон . . . . .	181
Яшна ұлуғ ұлкамиз . . . . .	182
Баҳор, баҳор, баҳоржон . . . . .	183
Ез кўшиғи . . . . .	184
Хунардан бахт унар . . . . .	184
Боғимиз . . . . .	185
Пахта кўшиғи . . . . .	186
Лагерь кўшиғи . . . . .	187
Саёҳат — роҳат . . . . .	188
Уч хил чироқ . . . . .	189
Сентябрим . . . . .	190
Интернат кўшиғи . . . . .	191
Хурсандмисиз, Хурсанддан . . . . .	192
Китоб — ҳаммабол . . . . .	193
Кулча нон, гулча нон . . . . .	193
Кўғирчоғим, алла . . . . .	194
Гунафша кўшиғи . . . . .	195
Оқ гулзор кўшиғи . . . . .	195
Ачом-ачом, бувижон . . . . .	196
Раҳматга раҳмат . . . . .	197
Жовдирайди-довдирайди . . . . .	197
Уч баҳо — луч баҳо . . . . .	198
Салимжон — нимжон . . . . .	199
Салимжон энди полвон . . . . .	200
«2» кўйманг, ўқитувчим! . . . . .	202

## ДОСТОН ВА БАЛЛАДАЛАР

Кўнгил истар яхшилик . . . . .	205
Эх, роса ширин экан . . . . .	229
Қизилқум ва Одам (Баллада) . . . . .	233
Чинакан пионер (Баллада) . . . . .	237

## ЭРТАКЛАР

Апрелой билан Майхон қиз . . . . .	247
Кеча, Бугун ва Эрта ҳақида эртак . . . . .	249
Уқиган қушлар ва беқарор читтак . . . . .	250
Ҳисоб бобо ва рақамлар . . . . .	253
Газ полвон . . . . .	256
Лўппи пахта, Ёмғир ва шамол ҳақида эртак . . . . .	258
Чангютар ботир . . . . .	261

	Бет.
Кўчатлар кўчишибди . . . . .	265
Меҳмон ва Сахий . . . . .	268
Ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига . . . . .	269
Зийрак фил ва зикна боққол . . . . .	277
Унутган ўғил . . . . .	281
Олтин най . . . . .	285
Доно бола . . . . .	296
Қовоқвой билан Чаноқвой (пьеса) . . . . .	300

## ТОПИШМОҚЛАР

М 99

Мўмин, Пулат

Одоб ва офтоб. Шеърлар. Қўшиқлар. Достон  
ва балладалар. Эртақлар. Топишмоқлар.  
(Ўрта ёшдаги болалар учун).

Т., «Ёш гвардия», 1972.

384 бет, расм.

Мумин, Пулат. Солнце и вежливость.

Ўз2  
7-6-3

Ўрта ёшдаги болалар учун

Пўлат МУМИН

## **СОЛНЦЕ И ВЕЖЛИВОСТЬ**

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1972.

Редактор АНВАР ҲОЖИ

Рассом Г. ЖИРНОВ

Расмлар редактори К. НАЗАРОВ

Техн. редактор Л. ЖИХАРСКАЯ

Корректор М. РУСТАМОВ

Босмахонага берилди 3/VI-1972 й. Босишга рухсат этилди 13/XII-1972 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 12,0. Шартли босма листи 20,16. Нашр листи 16,04. Тиражи 45000. Қоғоз 1.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Навоий кўчаси, 30. Ўзбекистон КП Марказий Комитети Нашриётининг босмахонаси Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 1107. Ваҳоси 98 т. Шарнома 58—72.